

*Чиниш
Хусайнов*

МУҲАММАД, МАМАД, МАМИШ

*Тушлар ва уларнинг таъбири,
содда тимсоллари ҳамда
эртакнамо лофларию
дилгир чекинишлари,
муқаддимага ўхшаш
хотимаси бўлган романнинг
русчадан ўзбекчага
таржимаси*

ТОШКЕНТ
Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
1986

С (ОЗ)
Х 84

Русчадан **Маъсума Аҳмедова** таржимаси

Китоб безаклари экспериментал-графика бўлими томонидан бажарилган

4702060200 — 22
Г _____ 101 — 86
М 352 (04) — 86

© Издательство «Советский писатель», Москва, 1980.

© Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986 й.
(Тарж.)

Ўзбек китобхонларига бир неча оғиз сўз

Мен, китобим ҳозирги замон ўзбек ёзувчилари ажойиб анъаналарини давом эттираётган улуғ Навоий тилида чоп этилаётганидан беҳад шодман. Турли тилларга таржима қилинган «Муҳаммад, Мамад, Мамиш» туркий тиллардан — озарбайжончадан сўнг — илк маротаба ўзбек тилида сўйлади, бу эса қувончимга янада қувонч кўшмоқда.

Ҳозирги замон ҳақида ёзиш мушкул, чунки у ҳали тарихга айланган эмас. Бугундаги воқеа-ҳодисаларни сарагини саракка, пучагини пучакка ажратувчи вақт мезонининг ўзи йўқ. Ҳозирги замон ҳақида ёзиш яна шунинг учун ҳам мушкулки, унда мавжуд бўлган, бадний конфликтга сингдирилган карама-қаршиликлар ҳали тўла ҳал этилганича йўқ ва ҳали ҳаракатдадир; турмушимиз, воқелигимизда намоён у ёки бу долзарб масалаларнинг қўйилишидаги кескинлик ҳам санъаткорлик журъатини келтириб чиқаради, бу эса маълум маънода гражданлик жасоратига уйқашдир.

Таассуфки, аҳён-аҳён танкидчиликда баъзи бировлар бадний асар кўзгуниинг ўзи, деб ҳисоблашаётганларидек, бутун бир ҳаёт ҳақида, шу жумладан, «Муҳаммад, Мамад, Мамиш» китоби орқали бутун озарбайжон воқелиги ҳақида ҳукм чиқариб бўлмайди.

Бугунги кунда озарбайжон адабиёти ҳам, ўзбек адабиёти ҳам мамлакатимизнинг бошқа адабиётлари билан узвий бирликда тараккий этмоқда. Бизни кўп нарсалар, муаммою ижод йўлидаги изланишлар бирлаштириб туради, бизда анъана, классика борасида ягона, муайян йўналишда кўп миллатли совет адабиётида бир хил мезон пайдо бўлган. Мен аминманки, озарбайжон адабиётида ҳам, ўзбек адабиётида ҳам муштарак жараёнлар кечмоқда, шакл, услуб, конфликт борасида муштарак изланишлар кетмоқда — шу туфайли ҳам ўзининг миллий адабиётингда қўшниларинг — яқин «турк тилларида» сўзлашувчилар, шунингдек, шиддатли равишда янги, фавқулодда истеъдодли ёзувчи номлари пайдо бўлаётган, географик жиҳатдан йироқ бўлган, масалан, Бодтиқ бўйида ёки олайлик, Узоқ Шарк ва энг чекка шимолда нималар бўлаётганини билмай туриб, бирон нима «яратини» эҳтиромдан узоқдир.

Шу жиҳатдан олганда, мен мушарраф бўлганим, «Муҳаммад, Мамад, Мамиш»нинг ўзбек тилида нашр этилиши муҳим аҳамият касб этади.


... Романда қатнашувчи Бахтиёровлар уруғ-аймоғи сертармоқдир.

Мамиш — менинг қахрамоним, қачонлардир Бахтиёровлар авлоди шажарасини тузиб чиққан эди ва мен романнинг эстон, латинш ва қатор нашрларида илова қилганим сингари бу сафар ҳам ўзбек китобхонининг эътиборини куйидаги насл шажарасига тортмоқчиман.

Бахтиёровларнинг уруғ-аймоғи шажараси китобхоннинг романни чуқурроқ тушунишига кўмаклашади, деган умиддаман.

Чингиз Хусайнов

Москва, 1983, июль.



Биринчи фасл — бу фаслда маҳалламизнинг муюлишидаги ўзи кўхна, аммо хали мустаҳкам кемани эслатувчи уй ҳақида ҳикоят қилинади. Тумшуғи олдинга туртиб чиққани боис орадан лаҳза ўтар-ўтмас кема сафарга чиқиб кетаётганга ўхшайди. Шимол шамолида қувилиб, шакли шамойили турлича телевизион антенналару аллақачон тутун буруқситмай қўйган печь мўриларига тегиб ўтаётган пастак, пагапага булутлардан кўз узмай, бошингни кўтарганингда кўкка тикилиб турган маҳалингда битта каттакон томчи ёноғингга урилади, шунда муюлишдаги уй сени шиддат билан очик океан сари олиб кетаётгандек, жуда бўлмаганда, баджаҳл Қаспий томон олиб бораётгандай туюлади. Қаспийда — ярим орол бор, космик баландликдан бу ярим оролга қаралса, у худди ёввойи денгиз қушининг қайрилган тумшуғига ўхшаб кўринади. Ярим оролда муюлишдаги уй жойлашган, бу уйда эса Мамиш яшайди. Маҳалламизда Мамишни танимайдиган одамнинг ўзи йўқ, чунки кўчанингни ўзи ҳам жуда кўхна, уни танимайдиганлар балки янги истикомат қилувчилар орасида топилиб қолар-у, лекин унақаларни кўчамизда деярли йўқ деса бўлади; бу ерга кўчиб келувчилар эса ахён-ахёндагина учраб туради, улар ҳам бўлса ё ажралишган, ёки янги турмуш қурган ижарагир ёшлар бўлиши мумкин. Бу ердан кўпинча эскитдан яшаб келувчиларни чўчитувчи, кетувчиларнинг эса кўнглини чоғ қилувчи фалонинчи сонли микрорайонларга — Еттинчи микрорайон, Тўққизинчи микрорайонларга кўчиб кетадилар. Хаммининг ҳам шахсий ваннали, лоақал ўтириб ювиниладиган бўлса ҳам барча қулайликлари мавжуд алоҳида квартирага тезроқ эга бўлгиси келади. Тўғри, шунақаси ҳам бўлади, киши микрорайонда яшайди-ю, тарки одат —

амримаҳол деганларидай, эски ҳаммомларга, гоҳ «Фантазия»га, гоҳо собик хўжайиннинг номи ҳали ҳам сақланиб қолган — Шарқда биринчи бўлиб чиматини улоқтириб ташлаган аёлга ўрнатилган Озод аёл ҳайкали яқинидаги «Ҳожи ҳаммоми»га тушиб ҳам туради. Мамишнинг маҳалламизда шахс сифатида машҳурлигини муаллифи номаълум иккита байтдан ҳам билса бўлади. Ҳар ким ҳам бундай шарафга муяссар бўлавермайди. «Мамиш, Мамиш, эй Мамиш, Мамиш қаддин букмасмиш». Байтлардан бирининг маъноси маълум, яъники, у ҳеч кимдан кўркмасмиш, ҳеч кимга бўйин эгмасмиш. Хулласи калом, у мағрур йигитлардан. Бошқа икки мисра байт ҳам борки, маъноси мавҳумроқдир. «Мамиш, Мамиш, эй Мамиш Мамиш ҳали ғўр эмиш». Яъники, бу икки мисра маъносини агар ақл билан парвариш қилсанг, асал-шарбат бўлиб қуйилувчи, қарамай қўйдингми, тиришиб, қуриб қолувчи анжир дарахтига қиёс қилиш ҳам мумкин. Бу байтларнинг қайси бири олдинроқ ёзилганлигини билиб бўлмайди. Биринчи байтнинг мазмуни ҳар бир кимсага аён, иккинчисининг маъноси бўлса, худди аждарҳонинг калласини олиб ташланг, ўрнидан учта бошқа калла ўсиб чиқиб, нақ сенга олов пурқаётгандай гап. Унинг ҳақиқий исми Муҳаммад, шундай деб барча ҳужжатларида, метрикаси ва паспортида, талабалик имтиҳон дафтарчасида, иш гувоҳномасию ҳарбий билетиди ва яна қандайдир ёдгорликни сақлаш ҳамда кўкаламзорлаштириш, сувга чўкканларни кутқариш жамияти аъзолиги ва ҳоказо ҳужжатларда — икки тилда, озарбайжонча (Муҳаммад), русча (Магомед) деб ёзилган. Бирок ҳеч ким уни на озарбайжончасига Муҳаммад, на русчасига Магомед, деб атайди, бундай деб аташ негандир узундан-узук ва эскича эмиш, — Муҳаммадни Мамад деб қискартириб, кўпроқ Мамиш, деб атай бошлашди. «Кўзимнинг оқу қораси, Мамиш!» деб мурожаат қиларди ўғлига ўқувчилар дафтарига ёки телеграф қоғозиға дона-дона қилиб ёзилган мактубларида Тўкезбон. Мана, у — Тўкезбон хоним, хаваскор сураткаш ишлаган фотосуратдан, суратга тушаётганида кимдир чақириб қолган бўлса керак, жойида тўхтаганча бизга қараб, қулиб турибди. Эғнида пахтали камзул, чалвор, бошини, рўмол билан танғиб олган, камзулига эса катта-катта

чивинлар ёпишган, боши узра ҳам майда-майда чивинлар булуту сузиб юрибди. Атроф тап-такир, худди этни жунжитувчи Апшерон кишига ўхшайди, ахир шимол ёзи шундай бўлади-да.

албатта, менга эмас, суратга «шиқ» этиб олиб, яна ўз йўлига равона бўлган сураткашга куляпсан-да, унда менга сурат жўнатишининг нима ҳожати бор эди!

Мамиш суратга қарайверади, қарайверади ва кизик, ҳар тикилгани сайин онасининг нигоҳида янги бир ифодани кашф этади. Ёнламаси қарасанг, онаси ҳеч кулмаётганга, балки сизлар ҳаётда нимани кўрибсизлар, дея киноя билан заҳарханда қилаётганга, «Олдин оламини бир кезиб кўрингиз-чи, билардингиз...» дея худди фақат угина жаҳон кезгандай таъна қилаётганга ўхшаб кетади; тақдир Мамишнинг ёруғ жаҳонни кездириб қўйди; зотан суратга қараб билиб бўлмаса ҳам, онаси ёш эмас-ку ахир, сарсон-саргардон бўлиб юришига куясан-да. Сурат икки ойна орасига сим билан кистирилиб, жавон устига қўйилган, унинг ёнида эса қачонлардир Мамишга онаси совға қилган мамонтнинг оқ-сарғиш томирлари узунасига чўзилиб кетган қозиктиш парчаси турарди. Қозиктиш парчаси оғир ва совуқ бўлиб, юзаси ғадир-будур эди. Оила пешонасига доимий бошпана битмаган, бир жойда ўтрок яшамаган, хуллас, оила — оила бўлмаганди; тажрибали олтин изловчи Қозим урушдан олдин Бокуга геологларнинг бир кенгашига келади-да, ўзининг ойдин тунлар, кутб ёғдулари ҳақидаги ҳикоялари билан биринчи курс талабаси Тўкезбоннинг бошини айлантиради, киз эса шартта институтни ташлайди-ю, Қозим билан олис сафарга отланади. Сўнг эса Мамишни туғиш учун Бокуга қайтади, ахир бу ерда унинг онаси, уйи бор эди-да. Тўкезбон болани кўкракдан ажратгач, бирданига қўш неvara билан сийланган кампирга — шу кезларда тўнғич ўғли Хасай ҳам фарзанд кўрганди — онаси ихтиёрига топширадию яна эрининг ёнига жўнаб қолади. «Қозимнинг брони бор эди», дегувчи эди хамиша бувиси.

— Менинг брони бор эди, сени бувингга ташладигу ўзимиз Магаданга қараб учиб кетдик, — дея ёғоч сопли чоғроқ пичоқ билан каттакон амири қовунни қарчлаётиб ҳикоя қилади отаси.

*броннинг бу ерда нима дахли бор?! яхшиси,
нега бирга яшамаслигимизни тушунтириб
бермайсанми?*

Бувиси, Тўкезбоннинг онаси, тўсатдан казо қилиб қолади-ю, эр-хотин Бокуга келишади, аммо тезда Қозим кетаман, деб оёқ тираб олади ва улар Тўкезбон боришни хоҳламаган Ашхободга, Туркманистонга йўл олишади ва шундай қилиб, Мамиш бошқа бувисиникида, Қозимнинг онасиникида, ҳозир ўзи ўтирган, отаси қовун сўйиб сийлаётган уйда яшай бошлайди. Илгари бу уй пастаккина, пахсадан қурилганди; бувиси: «Бир бор экан, бир йўқ экан, бир кал бўлган экан ва кал подшоҳнинг қизига ошиқ бўлиб қолибди-ю, унга уйланишни орзу қилибди», деб ҳикоя қила бошлаши билан деворда калтакесак пайдо бўлиб қоларди. Қалтакесак деворда турарди-ю, йиқилиб ҳам тушмасди, яна нафас олаётгани ҳам сезилиб турарди. «Қалтакесакнинг зиёни йўқ,— бувиси қўлларини силкитарди, шу заҳоти калтакесак кўздан ғойиб бўларди.— Фақат илонга захар элтиб беради-да». Ҳозир эса ўша уй ўрнида икки қаватли тош иморат қад кўтарган...

бу уйда менга ҳам жой йўқ, онамга ҳам.

— Қовундан олсанг-чи! -- Отаси тўр майкада, кўкрагидаги оппоқ жунлар жингала-жингала бўлиб кетган, бўйни жикқа хўл бўлганича ўтирибди, Ашхободнинг августдаги иссиғи Бокуниқидан аёвсизроқ бўлади.

— Бундай жазирамада,— дейди отаси,— фақат муздай қовунгина жонга ора қиради.— Мамиш эса бувисининг овозини эшитади, тавба, овоз ҳам шундай ўхшайдими, яна хириллок, паст. «Бу чал, туянинг сути, муздеккина, ичиб ола қол», дейди бувиси шох қизига уйланган кал ҳақидаги эртакни тугатар экан, сўнгра девор ортидан туянинг ўрқачлари, боши кўринади; улар дарвоза олдига чиқадилар. «Менинг неварамни ҳам миндириб олинглар!»— Шунда нимадир қулагандай бўлади: туя аввал олдинги, сўнг орқа оёқлари билан ерга чўқади. Мамишни икки ўрқач орасига ўтказиб қўйишади. «Маҳкам ушла!» Туя тебранган қўйи олдин орқага ўзини бир ташлаб олиб, сўнг Мамишни юксақларга олиб чиқади, Мамиш ўз ҳовлисини, уйини кўради, бошқа уйлар олисларда... «Тушаман! Тушириб қўйинглар!»— деб

чийиллайди. У кимнингдир кўлига сирғалиб тушади.

Накадар ширинлигидан қовунни аранг ютади.

— Яхши қовун экан, — дейди Мамиш.

— Мен бўлсам ширинликни унча хуш кўрмайман! — дейди Козим.

фақат ширинликни яхши кўрмаслигимиз билан биз бир-биримизга ўхшаймиз холос.

— Ке, туз сепиб еб кўрайлик-чи, бўлмаса жуда ширин. Хой, ким бор? — Шу заҳоти эшикдан катта қорнини аранг кўтарганича оғир-оғир қадамлар билан бегона бир аёл, Козимнинг хотини чиқиб келади-да, Мамишнинг олдига туздонни қўйиб кетади.

Оқшом тушгач, унга айвонга жой солиб беришади, Мамишнинг эса сира уйқуси келмайди. Болалигидан умри йўлда ўтяпти ва бунинг чеки кўринмайди. Ашхободга келиш, сўнгра эса зилзиладан сўнг Бокуга қайтишлари. Тўкезбон Бокуга бутунлай кетяпмиз, деб қандай умид қилувди-я! Мамиш мактабга бориши керак. Яна сўзсиз Бокудаги мактабга боради!.. Эҳ, Козим билан Тўкезбоннинг тортишганлари-чи!.. «Нафас ҳам ололмайсан! — дея инграрди Козим. — Акаларинг!..» — У шундай деб кўлини бўйнига тирарди. Худди кўллари билан бўғзига пичок қадагандай бўлади. «Акаларимга нима кипти? Уларнинг нима дахли бор?» Тўкезбон ичида унча тихирлик қилмай баҳслашади-ю, агар бир оғиз сўз айтилса, тамом, рози бўлади. Рози бўлишга бўлади-ю, аммо уёкка, Ашхободга ўла қолса бормайди. Уларнинг қаршисида учта йўл турарди: ёлланиб ишлаш, Ашхободга кетиш, Бокуда яшаш. Козимнинг ўз «ёки», «ё бўлмасами», Тўкезбоннинг ўз «унда...» си бор, аммо биргина «ёки» (бу кўчманчи хаёт) вақтинча икковини ҳам қониктириб турарди. Агар Козим муюлишдаги уйда яшашга рози бўлганда эди, оила ҳам бузилмас, ортиқча гап-сўзлар ҳам бўлмасди. Тўкезбоннинг қайсарлигини-чи! Ҳатто қарашларида ҳам таъна сезилиб турибди. Тўғри, кўп йиллардан сўнгина у ҳақ бўлиб чиқади. Бувиси эса ҳозирча овозини чиқариб: «Игна қаёқда бўлса, ип ҳам шу ёқда бўлиши керак!» дея ўзи билан ўзи гаплашади. У бошқалар эшитсин учун атайин шундай дейди. эшитувчи эса бувисиникида меҳмон бўлаётган фақат Мамишнинг ўзи. Бироқ у деярли ҳар йили ёзги

икки ойлик таътилини ота-онаси билан катта дарёда сузиб ўтказди. Гулхан атрофида катта-катта чивинлардан яширинади, ботқоқлик ҳавосидан нафас олади. Худди шу йилларда боқулик қариндошлари томонидан Тўкезбонга Кўчманчи, деган лақаб ёпиштирилади. Кунлардан бир кун Қозим: «Бўлди! Энди сандироклаб юришни бас қилайлик. Бошқалар бахтини изласа излайверсин!» — дейди. Буёқдан эса Машишдан хат келиб қолади, уни армияга олиб кетишаётганмиш.

«Дарров-а?!» — худди энди хушига келгандай дейди Тўкезбон. «Ҳа, сен нима деб ўйловдинг?.. — Қозимнинг овозида бадхоҳлик пайдо бўлади. — Ўғлимизни армияга жўнатамиз-да, ўзимиз бир жойга қўнамиз энди. Бас, етар!» Тўкезбон яна эрининг: «Қаршилиқ қилиб кўр-чи!» — деган сўзларини эшитди. Ва, албатта, деб ўйлайди Тўкезбон: сеникига борамиз-а? Йўқ, йўқ, асло! — Тўкезбон шундай қайсарлик, шундай келишолмаслик руҳида бу сўзларни айтганидан Қозимнинг жаҳли чиқиб кетади. «Ўзинг айбдорсан, — дейди Тўкезбон Қозимга. — Мени кўчиб юришга ўргатмаслик керак эди». Қозим ҳолдан тойган, Тўкезбоннинг эса афтидан, энди чакағи очилганди. Қозим ўзи гапириб, ўзи эшитди. Тўкезбон ўзи гапириб, ўзи эшитди. Ўртада қар икки томонга кўприк бўладиган «ёки» бўлгучи эди, энди бу сўзга ҳам ўрин қолмади. Машишнинг мактуби билан измаиз Қозимнинг кўшнларидан: «Онаниг ўлим тўшагида ётибди», деган телеграмма келиб қолди. Қозим уйига келса, онаси оламдан кўз юмибди. Қандай қилиб ота уйини ўз ҳолича ёлғиз қолдириб бўлади? Мевазор боғни айтмайсизми! Яланг товонлари билан иссиқ қина қумни босиб бориб, ўз боғиндан ўрик тотиш пайти ҳам етди энди.

Машиш бурчини тўлиқ ўтади. Эсласа, сал бўлмаса, кўзларига ёш келади. Аввалига, шимолда хизмат қилди, у ерларда тоғларни эслатувчи қумтепаликлару кокилга қиёс қилиш мумкин бўлган ўрмонни бир тарафдан шамшир каби денгиз, бошқа томонидан кўрфаз емираверади, емираверади. Шу кокилни кокил қилиш, сақлаб қолиш учун ҳар бир туп дарахт, ҳар бир туп бута инсон томонидан ўтказилган. Боқу шамолларини эслатувчи довуллар ҳам бўлган, бўрон қайинларни кўпориб, шовкин солиб, гумбуллаб худ-

ди минорани ҳам иткитиб юборгудай бўлиб денгиз тўлкинларини олдинга улоқтирган ходисалар ҳам юз берганди.

Сўнгра эса у Фарбда хизмат қилди, бу ерда қирлар билан Кавказни эслатувчи водийда, қирлар ортидан беҳад олисларга чўзилган яшил водий юз очар, ёнгинасида эса уйлари, кўчалари ювилиб ўз аксини кўзгуда акс эттирган шаҳар кад кўтарганди. Мамиш бурчини ўтаб қайтгач, Шарқ эртақларидаги эр йигит синғари уч йўл рўпарасида иккиланиб қолди; бу иккиланиш улар оиласи қаршисида ҳамиша кўндаланг турарди. Онасининг олдига, шимолга кетсинми? Йўқса, жанубга, отасиникига борсинми? Ё бўлмаса, хужжатларида туғилган жой, деб қайд этилган шаҳарга жўнасинми? Айтмоқчи, уёқда денгиздаги машҳур нефть оролларида ишлаш, ўзингни яхши кўрсатиб, тузуккина пул ишлаб олиш ҳам мумкин. Бир йил олдин хизматдан озод этилганидан сўнғ боқулик ҳамшаҳри Сергей шу ёққа жўнаганди; энди эса Мамишнинг армиядаги ошнаси лазгин Расим ҳам ўша томонга бормоқчи бўлиб юрибди. «Уйлангин, деб ёзибди акам менга Доғистондан, — дейди Расим, унинг катта-катта кўзларида эса доимий таажжуб ифодаси акс этади. — Яна генералнинг қизига уйланармишман, бунинг устига, у отасининг ягона қизи бўлиши керакмиш...» «Бунга Денгизлининг нима дахли бор?» — «Ҳар ҳолда катта шаҳар яқин бўлади, Боқуни яхши кўраман-да!» Бари қисқа ва аниқ бир мақсадга боғланыпти. Отаси Мамишни тил учида бўлса-да, Ашхободга таклиф қилар, онаси Боқуга боришни, муюлишдаги уйда бўшаб қолган хонасига жойлашишни маслаҳат берарди.

Ота-онангнинг бари айтганларига кўнишдан ҳамда «ойисининг эркатойи» деган ўртагувчи лақаб исмининг ўрнига ёпиштирилиб қолишидан болалигиндагина кўрқасан, холос. Мамиш барибир мўмин-қобил фарзанд сифатида отасининг олдига жўнади. У келишга келди-ю, отасининг янги хотинидан бирор оғиз сўз эшитмади. «Мана, таниш», — деди Қозим тақир қилиб қирдирилган бошини силар экан. Мамиш ўзининг белидан келадиган аёл томон пешвоз юриб, қўлини узатди. Этиги ичидаги оёқлари ловиллаб кетди, гимнастёркаси бўғиб қўяёзди, камари қиса бошлади.

— Туз билан мазали бўлади, озгинагина сепгин, қовуннинг бутун чучмаллиги йўқолади.

сен ўғлингга нима маслаҳат берасан, кўпни кўрган донишманд?

— Мен насихат қилишни ёқтирмайман, бунга ўрганмаганман ҳам,

жуда бўлмаса менинг нима қилишим мумкинлиги ҳақида пича ўйлаб кўрсанг бўлармиди.

шундай бўлса ҳам, сенга бир нарсани айтиб қўяй, агар мана бу жойингда бирон нарса бўлса, — тақир бошига бошмалдоғи билан нуқади: — ёки мана бу ерингда, — қўлини кўкрагига қўяди, — ҳеч янглишмайсан ё раҳматли бувинг айтганларидай, ўз юлдузингни топиб оласан.

Бувиси ҳам: «Ҳар кимнинг тақдири пешонасига битиб қўйилган», дердилар. Шунда у эртакни эслаб кетди. «Бир бор экан, бир йўқ экан, бир кал бўлган экан, у подшоҳ қизини севиб қолган экан...»

— Мен насихат қилишни ёқтирмайман. Ҳар кимнинг қисмати пешонасига битилган... Тиржайма, бу қарияларга аён эди!..

онамга сарсон-саргардонликни, сенга Ашхобдни, менга эса Боқуни раво кўрибди-да.

Отаси гапира туриб, қовундан яна бир карчини оҳиста, озорсиз кесиб олади. «Қал эса айёр экан. Шоҳ уни қизининг олдига ортиқ йўлатмаслик учун ундан қутулиш йўлини тайёрлаб қўйибди, кал бўлса аждарҳодан зинҳор кўркмасмиш: қиличини олибди-ю, ариқ лабига бекинибди, окшом кириб аждарҳо пайдо бўлиши билан кал унга бошлаб панд берибди, аждарҳо одам исини сезиб кални ютиб юбормок мақсадида жағини очибди, у эса қиличининг икки чеккасидан тутиб олдинга кўтариб турибди, аждарҳо қилични хаёлига ҳам келтирмай, кални ғазаб билан домига тортган экан, қилич то думига қадар иккига бўлиб ташлабди ва кал ўрнидан турибди-да, қиличини ариқда ювиб олибди». Қалга нима, унга осон эди! Шоҳ билан гаплашмокни хаёл қилганди, шоҳнинг ўзи қабул қилди. Келиб шоҳ саройидаги катта харсангга ўтириб олди. «Нима дардинг бор, кал?» «Подшоҳи оламнинг ҳузурларига кирмокчи эдим». «Қира қол, кал, подшоҳи олам сени кутиб ўтирибдилар». Шоҳ ҳам унга қулоқ солди. Сўзидан қайтмай, қизини

калга никохлаб берди. Аждарҳо шундай гўл эканки!.. Шунча эса ҳам ҳеч қанақа оғриқни сезмасмиш. «Майли, — деб ўйлармиш аждарҳо, — мени икки бўлак қилиб ташлаганидан кал суюнса суюна қолсин».

— Фақатгина ҳовлиқиш керакмас, ҳаммаси жой-жойига тушиб кетади, — дейди Козим.

Шом тушгач, Мамишга айвонга жой қилиб беришди. Унинг эса ҳеч уйқуси келмас, шундоқ боши тепасида порлаган каттакон юлдузларга тикилганча ётарди. Нима бўлди ўзи? Мамиш учалови — у, онаси, отаси шоҳлари тарвақайлаб кетган катта шотут дарахти тагида туришгани худди кечагидай ёдида. Отаси эҳтиётлик билан қизғиш-қорамтир тут доналарини узиб, Мамишга узатар, баъзан эса шотутнинг шарбати томиб, кўйлагини доғ қилмасин деб ўзи ўглининг оғзига солиб кўярди. Ҳатто шу дарахт тагида, қуюқ сояда ҳам саратон жазирамаси сезилар, қум гўё аланга пуркаётганга ўхшарди. Бирдан онаси оппоқ тўр майка кийиб олган отасининг қуёшдан қорайиб кетган елкасига қўли билан туртади ва унинг кўзларида аллақандай ёлқин пайдо бўлади.

«Едингдами?» — онаси ояслардан худди оқ чакмоқ кандга ўхшаб турган баланд уйга ишора қилади. Мамиш бу уйда ҳеч бир ажабланадиган нарсани кўрмаган. Бино деворининг тепа бурчида дарча бор эди. Кўзни олғудай оппоқ деворда бу дарча худди қол-қора ўрага ўхшаб кўринарди. Мамиш бу уйни негадир ёқтирмас, уёққа боришдан ҳайиқарди, чунки боғ чеккасида, четанлар тагида онасининг буваси Оғабек дафн қилинганлигини билар, бек дунёдан кўз юмаётиб, қишлоқ ярми унинг мулки бўлган чоғларда шу чорбокка ўзини кўмишларини васият қилган экан. Қабр тоши қийшайиб бир чети қумга ботиб ётар, тошни ҳар йили ёзда қумдан кавлаб чиқариб қўйишар, аммо куз довуллари яна қабрни қумга қориштирар, қум тошдеворга жипслашиб кетган бўлиб, шамол тошда илон изига ўхшаш тўлқинсимон нақшлар қизиб ташлаган эди.

Отаси онасини қучади. Унинг кафтида ҳали Мамишга узатиб улгурмаган шотут донаси; Мамиш шу пайтда отаси ҳам, онаси ҳам дунёдаги барча нарсани, ҳатто ўғилларини ҳам унутиб қўйишганини пайқаб, алаmidан йиғлаб юборай дейди. Онаси кўзларини юмиб туради-туради-да, сўнг Мамишга аллақандай

таажжуб билан тикилиб қолади. «Унда сен ҳали туғилмаган эдинг, Мамиш, аммо пайдо бўлишинг керак эди», дейди онаси ва яна негадир Мамиш ёктирмайдиган ўша қараш билан отасига нигоҳ ташлайди. «Ҳа, — хўрсиниб кўяди отаси. — Шундай бўлганига ишонгинг ҳам келмайди». Отасининг панжасида шотут донаси эзилиб, кумга томиб, қоп-қора думалок-думалок шаклга кириб қола бошлайди. Мамиш аллазамонлардан сўнг ўсиб, улғайгач, онасининг сўзлари маъносини англаб етди. У қайтиб ўша чорбоққа бормади, кейинчалик чорбоғ бегона одамлар кўлига ўтиб кетди. Қабр бўлса қумлар тагида қолиб кетган, энди қазиб ҳам топиб бўлмайди. Ҳеч ким бурчакдаги девор тагида, қабр тоши остида Мамишнинг бобосини жасади ётганлигини билмайди ҳам. Хануз ўша девор нураб битмаганмикан, умуман, ўша кўҳна уй, унинг дарчали хоналаридан бирида, қандайдир жонзот туғилиб, кейин Мамишга айланган уйнинг ўзи ҳали турганмикан?

Нима десангиз деяверингу барибир денгизнинг бу чорбоғдан олислашиб қолгани чаток, ўша вақтда эса денгиз нари кетиб қолмаган, қоялар нарқ денгиз қирғоқларига туташиб турар, бу қоялар соясидаги қумлар эса муздеккина ҳамда соя чегарасидан уёғида қуёшдан қизиб кетган қум кўз қамаштириб, товларни куйдирарди. Энди эса қоялардан баджаҳл қуёшнинг найзадай қадалаётган нурлари остида денгизга етгунча юраверасан, юраверасан. Мамиш эрта тонгда туриб, Красноводсккача поездда, у ердан эса кема билан Бокуга жўнаб кетди.

Мамиш бир ўтиришда бирваракайига иккита мактубни ёзиб ташлади, бунга у армияда хизмат қилиб юрган кезларидан одатланиб қолган эди; мактубнинг бирини ота бир, она бошқа сингилларининг сонини учтага етган Ашхободга, иккинчи мактубни эса онаси расм жўнатган Кулор шаҳарчасига, Ёқутистонга юбормоқчи эди. У отасига ҳам, онасига ҳам охириги имтиҳонни топшириб тўртинчи курсга ўтганлигини хабар қилди, — бордию эсларидан чиққан бўлса-чи, — сўнгги имтиҳон «Нефть кудуғини пармалаш»дан эди, унга «Айлантириб пармалашнинг моҳияти» деган савол тушди, дарсликда бу жуда содда баён

этилганди: кудукқа искана туширилади, бу искана ташқаридан қараганда тўртбурчак шаклида кўринувчи устки ишловчи қувур орқали пармаловчи қувурга мустаҳкамланади-да, айланувчи двигателдан пармалаш қувурларига узатилади, улар ёрдамида эса кудукқа лойсимон қоришма юбориб турилади; Мамиш бу манзарани кўзларини юмиб бўлса ҳам айтиб бериши мумкин-ку, бироқ унинг сўзларини эшитишни хоҳлашмайди, шундоқ ҳам талабанинг ўзига хослиги кўриниб турибди, яна бунинг устига, Денгизлида ишлайди, тажрибали; Мамиш бўлса ўз билганидан қолмай, тагига етмагунча қўймайди. Қани, китобда ёзилганидан бўлак нарсани гапириб кўр-чи. «Сизлар ёнаётган денгизни кўрганмисизлар?.. Кўрмагансизларми?..» Комиссия ҳозир бизга бу йигит ёнаётган денгизнинг қандай бўлишини гапириб беради, деб Мамишнинг оғзига тикилиб қолади. Мамиш эса: «Мен ҳам бахтим ёрлақаб кўрмаганман-да, худога шукр!» — дейди қўлларини икки томонга ёзиб.

Мамишнинг Денгизлига келиши арафасида сув билан газ аралаш нефть денгиз тубидан отилиб чиқа бошлаган экан; буни унга Сергей ҳикоя қилиб берганди; шу ернинг ўзида тупроқ парчалари пўлат чамбаракка урилибди-да, учқун чакнаб, бирпасда ёнғин чиқиб кетибди. Аланга бўлиб ловуллаётган фаввора чамбаракни денгизга худди пайраҳа улоқтиргандай итқитиб ташлабди, илма-тешик бўлган оғир-оғир синиқ темир парчалари худди снарядлардай эстакада бўйлаб юз метрларча нарига учиб туша бошлабди.

«Мана, қара!» — деб Сергей унга оғир темир парчасини кўрсатганди: темир ер тубидан отилиб чиққан кумнинг зарб билан урилишдан худди биров жило бергандай ялтираб кетган эди... Ёнғин икки ҳафтадан мўлроқ вақт давомида ловуллаб ёниб турибди, ниҳоят, бу гулханни портлатувчи тўлқинлар билангина ўчиришга муваффақ бўлишибди. Мамиш бу ерга ишга келганида ҳам фаввора ҳалиям гувиллаб турганди. «Фавворанинг қандай гумбурлашини эшитганмисизлар? Гумбур-гумбурлар нақ кулоқни тешворай дейди!» Мамиш бу фавворани кўрган: кўкка қўнғир тусли улкан симёғоч янглиғ фаввора отилиб туради, эстакада остидаги денгиз эса вақирлаб қайнар, тупроқ билан қоришиб кетган нефтнинг шиддат-

кор оқими тўсиқ қилиб ўрнатилган оғир-оғир йўғон ходаларга урилганича, вишиллаб атрофга сачрарди, пармалаш майдончасида бир қанча шатакчи тракторлар, ёнғин ўчириш машиналари турар, атрофга тимсоҳ терисига ўхшаб кетувчи нефть пардаси сузганича, ёйилиб, чўзилиб борарди; ҳар бир дақиқада янгитдан ёнғин чиқиб қолиш хавфи йўқ эмас, кучли сув пуркагич насослар етти тарафдан фавворага ҳужум қилади, агар у ҳам ёнғудай бўлса, сўзсиз денгиз ҳам кўшилиб ёнади, инсон билан табиий офатнинг яккама-якка олишуви. Натижа инсоннинг галабаси билан яқунланади. Мана, бу манзара китобда ёзилганларига сира ўхшамайди!..

Мамиш иккита анжир япроғини эслатувчи мактубларини буклаб ёпиштирди-да, сўнгра болохонага чиқиб, қудуқ сингари тор, нимқоронғи ҳовлига назар ташлади. Бир куни Мамиш бу ерда, уйларида орасирадагина бўладиган меҳмон — қуёшни тутиб олган эди. Катталаштирувчи булур ойна ёрдамида болохона панжарасига исмининг бош ҳарфини, ёнига эса, Р — турган гап, қизнинг исмини туширди. Болохона панжарасига тамға қилиб, нур туширган жойдан ҳавога ингичка тутун кўтарилди, атрофга қуриган, куйган ёғоч иси таралди. Биринчи севги ўқи кўпинча ошиқ-маъшуклик бобида бўлгани каби тошга бориб урилди, аммо Мамишдан бошқа ошиқлар кўнғиз мўйловлари остидан рўёбсиз муҳаббат изтиробини сидириб ташлаб, ишқнинг илк бўсасига эришолмасалар-да, ширинликда биринчи ўпичдан қолишмайдиган таъмни ўзга қизлар лабларидан тотиб кўрганлари ҳолда, М эса, гарчанд қиздан фақат қийшиқ ходага куйдириб туширилган ҳалқасимон шаклгина қолган бўлса-да, ҳамон Р га содиқ бўлиб қолаверди.

Мамиш армия хизматидан озод бўлганидан сўнгра уйга қайтаётган эрта тонг чоғи Брестда поезд состави алмаштириляётганини кутаётиб, бирдан она тилида гаплашган овозлар қулоғига чалиниб қолди. «Бокуданмисиз?» — деб сўради у. «Ҳа», деб жавоб берди қиз бошини истамайгина Мамиш томон ўгириб. Бирок анчадан буён эшитмагани «ҳа» сўзи Мамишнинг кўнглини шундай чоғ қилдики, яна қизни дарров сўроққа тутди. «Талабамисизлар?» Қиз бирдан унинг гапларини кесиб, саволларга чек қўймоқчи бўлди-ю,

бирок ўзини тутди: уни солдатча этик кийиб олган, гимнастёркасини каттакон камар билан қисиб олган басавлат йигитнинг болаларга ўхшаб жилмайиб туриши ҳайратда қолдирган эди. «Талабалар ҳам бор... Бўлғусилариям!» Қиз шундай деб, ҳатто кулиб ҳам кўйди. Қизнинг кўзлари осмондай тиник, ложувард, сочлари қуёш нурлари остида мис каби ёниб жилваланарди. У яна озарбайжончани шундай ширин ва ёқимли талаффуз қилардики, Мамиш бутун йўл бўйи фақат қизнинг овозини эшитиб боришга тайёр эди. Ҳа, у шундай қилди ҳам: бутун кунни қизнинг купе-сида ўтказди. Қиз ўрта мактабни олтин медаль билан тугатибди, уни деярли Шарқ факультети турк бўлимининг талабаси деса ҳам бўлавераркан!

Бу йил қиз учун жуда кутлуғ келди, синфдошлари билан Брестга мароқли саёҳат қилди ва ҳатто Ма-миш деган ғалати исмли муҳлис ҳам ортириб олди. «Мени Мамиш деб атасангиз ҳам бўлаверади». — «Нима, бу Мамаднинг қисқартирилганими?» — «Сиз Мамиш деяверинг». Мамиш уларни кузатиб қўйиш учун атайин Курск вокзалига келди, қиз унга вагоннинг очик дарчасидан қўлларини силкиб ўтаркан, Мамиш Ашхободга билет олиб қўйганлигидан ҳамда қиз билан бирга Бокуга кетмаётганлигидан ўқинди.

Мамиш икки марта дорилфунунга борди-ю, қизни биринчи курс турк бўлими талабалари орасидан топа олмади. Сўнгра эса, тасодифан қизни учратиб қолди. «Мен сизни кидириб юрувдим». Қиз бўлса уни пичинг қилиб узиб олди: «Яна Ашхободдан сен учун қайтиб келдим ҳам дерсиз!» Қизнинг дадиллиги қаёққа йўқолди? «Келаси йил кирарсиз... Мен сизни ростдан ҳам излаб юрувдим».

Инкилоб боғида, филармониянинг орқасида қайдандир Хасай, Мамишнинг тоғаси уларга йўлиқиб қолди. «Дархол Бокуга жўна-да, онангнинг айтганларини қил. Хасай сени суяб юборади. Бокудаги ховлида менинг хонам бор». Шу пайт давдираб, ўзини йўкотаёзган жиянининг қаршисида тоға бирдан ўзгарди: Хасайнинг овози мулойимлашиб, кўзларида эркаловчи, ўзига жалб қилувчи тафт пайдо бўлди. Мамиш Р учун, бир неча дақиқа ичида уни йўқотиб қўйиши мумкинлигини ҳис қилиб, қўрқиб кетди ҳам. Қиз ҳам нима учундир довдираб қолди-ю, бирок ўзини тезда ўнглаб олди ва бу нарса унинг қўлидан

қандай келдийкин, худо биледи-ю, Хасайнинг сўзларини илғаб, унинг сўзларига мос равишда жавоб қайтара бошлади.

Хасай аллақандай аҳамиятсиз майда-чуйдалар хақида ҳам бажонидил ишонч билан берилиб сўзларди. Мамишнинг вужудини совуқ бир қалтирок қоплаб олди. Хасайнинг кўлидан нималар келмайди. Хасай қизга ҳали бегона бўлган туйғуларни уйғота олган ва шу билан бирга уни ўзига жалб қилолган эди. Хасайнинг Р ни ёктириб қолганлиги Мамишга бошида сал маъқул келди, холос. Бироқ қиздан хавотирланиш туйғуси Инкилоб боғидаги дарахтлар соясида турган охирги дақиқаларда ҳам уни тарк этмади. Ўзинг танлаганинг, дидинг бошқаларга маъқул бўлгани яхшику-я, аммо қизни билмаслигинг, уни кўзинг олдида куппа-кундуз куни бошини айлантириб кетишлари мумкинлиги кўрқинчли эди. Мамиш шу бирон ой ичида қизни билиб олдим деб юрувди, бироқ бундок қараса, қизнинг юзида паршонлик, итоаткорлик ва нимадандир эсанкираш аломатлари пайдо бўлиб қолибди. Қиз анча вақтгача шашти пасайиб юрди. Хасай қиз билан суҳбатлашганда Мамишни четга суриб қўйиб, гўёки Р ни ундан айриб олиб, фақат ўзи ва қиздангина иборат кичик бир олам яратиб олганга ўхшарди.

Хасай бир неча ойлардан сўнг шундай савол ташлаб қолди:

— Нега уйланмаяпсан, Мамиш?.. Ҳа, айтмоқчи, мен сен билан Инкилоб боғида бир қизни кўриб қолувдим-ку, кўришиб турибсизларми?

У шундай деган заҳоти Мамишнинг юрагини яна хавотир туйғуси қоплаб олди. Хасайнинг нигоҳи эсига тушиб, қулоғи остида майин овози эшитилиб кетди. Унинг ҳукмрон ва қатъиятли юзи, жумбоқ бўлиб кўринувчи қўллари... Ҳа, Хасай қиз вужудида шундай туйғунини уйғотдики (нимани уйғотиш мумкинлигини Мамиш ҳатто хаёлига ҳам келтиролмасди), Р ортиқ Мамишни кўришни ҳам хоҳламай қолганди. Хасай қиз кўнглига ўзи учун йўл очди-ю, Мамишнинг йўлини бекитиб қўйди. Балки Мамиш шундай деб кўпиртирса кўпиртираётгандир-у, аммо бу гумон тоғасининг мутлақо қизни тасодифан эслаб қолганида аён бўлди.

— Ҳа, айтгандай, у қаёқда юрибди?

сен билан бирга-ку!

Уларнинг орасида ҳеч қандай можаро юз бермади, шунчаки бўлғуси учрашувни тайин қилишни унутганларича айрилиб кетишди. Шу холос. Қуёшнинг сўнги нурларини ажабтовур дарахт япроқлари яширган сояда ўтиришган пайтлари бу гумон тасдиқланди. Хасай Р нинг юрагини қулфлаб, калитни кассаси тубига ташлаб юборган эди, энди топиб бўпсан ўша калитни.

— Чатоқ бўпти-ку, — деб қўйди Хасай ўйчанлик билан жиянининг чурқ этмай ўтирганини кўриб. — Менимча, дурустгина қиз эди-а?

буни сендан сўраш керак!

«Мен сени қидиргандим». Нахотки қиз билан ўзга тасодифий аёллар сингари муомала қилиш керак бўлган бўлса? Нахотки унга ҳам бошқа аёлларга қилган муомалани қилиш керак эди?

— Сенга нима бўлди?

— Ҳеч нима бўлгани йўқ. — Қиз шундай деб жавоб қайтаради-ю, ўзи эса худди безгак тутгандай титрайди.

— Безгак бўлиб қолдингми?

— Қанақа безгак? — Қизнинг овози асабийлашади.

— Яқинроқ ке...

— Тегиб кўр-чи. — Мамиш қизнинг қўлларидан тутаркан, қиз бутун борлиғи билан қалтирарди. Бағрига босса-чи? Қиз шундай нозикки, қўллари ҳеч унга яқин йўламади, яна кўнгли олиниб қолса нима бўлади.

— Шамоллаб қолмадингми ишқилиб?*

— Йўқ! — Қиз кескин шундай деди-ю, ўрнидан туриб кетди. — Қўй, кузатмай қўя қол! — Қиз елкаларини қисди, ранги доқадай оқариб кетганди. Қиз уйига борган пайти, онаси: «Бировни севиб қолмадингми ишқилиб?» — деб суриштириб ҳам ўтирмайди. Ҳа, она суриштириб ўтирмайди, фақат йўл-йўриқ бериб қўяди, холос. «Сени ҳамма яхши кўради, жуда берилиб кетмагин тағин!» Қиз ўрнидан турди-ю, кетди-қолди.

Мамиш эса: «Қўй, кузатмай қўя қол!» — деган гапдан худди тахтакачлангандай жойида қотиб қолди. Сўнгра қиз яна унга қараб: «Нега қаққайиб турибсан, кетмайсанми?» — деб бақирди. У барибир

қиз кетидан келаверди, йигитни яна қаршисида кўриб Р нинг фиғони чиқиб кетди: «Кузатма дедим-ку ахир сенга!»

Улар соҳилда учрашишга ваъдалашган эдилар. «Эртага-чи?» Эртасига эса у қизни кутиб, беҳуда вақт ўтказади, телефон қоқавериб жонидан безор қилади. Унинг уйи остонасида Р нинг қаёқдалигини ўйлаб, қизнинг нега ўзидан безиб қолганлиги муаммосига тушуна олмай, то ярим тунга қадар бедор ўтириб чиқади. Истироҳат боғи айвони тагида милиционер айланиб юради. Тепада, боғ айвонида бир ўзи ўтирган одамга кўзи тушади ва қизиксиниб: «Ҳа, йигитча, уёқда нима қилиб ўтирибсиз?» — дея сўрайди. Қиз билан иккалалари ўтиришганда милиционернинг қораси кўринмаганди. Поездда кетаётиб, пастдаги полкада кимдир бир воқеани ҳикоя қиларди. Мамиш бўлса, юқори полкада чўзилганча ғизиллаб ўтаётган яланғоч дарахтлардан кўзини олмай ётар, поезд эса шитоб билан ғарбга, чегара томонга қараб еларди. «Жа, уларнинг ўзлариям таранг қилишни хуш кўришмайди», — деди пастдаги одам худди фикрини эшитишга мажбур қилгандай. Мамиш эса шу пайт илк маротаба аёл киши билан бирга бўлганини хотирлаб кетади. У негадир аёлнинг юзини ҳам, кўзини ҳам эса саклаб қололмаганлиги ёдига тушади. Фақат аёлнинг: «Ҳа, бўла қолмайсанми?!» дегандай, «Хўш?» деган овози қулоғи остида қолиб кетганди. Аёлнинг овозида на ҳаяжон, на бетоқатлик сезиларди. «Мана, буёққа келсанг-чи!» — деб чақиради у. Бир оз ўтгач эса: «Сени қара-ю, жуда таъсирчан чиқиб қолдинг-ку», дея кулган эди.

«Хасай сенга ёрдам беради, керак бўлса, суяйди, — деб ёзганди Тўкезбон Мамишга дала почтаси адресига йўллаган мактубларида. — Ҳеч иккиланиб ўтирмай Бокуга боравер». Уйгача қайтиш Ашхобод орқали анча айланишли бўлди. Хасайнинг ҳам кўмаги тегди. Мамишни тоғалари кучок очиб кутиб ҳам олдилар. У ишга жойлашиб ҳам олди. Бирон ҳафталардан сўнг Хасай Мамишга: «Бор, оғайнилариңни чақир!» — деб, жияни шарафига зиёфат берди. Тоға, зиёфат беришга бераркан, сўнгроқ эса жиянини жудаям хафа қилиб юбормаслик учун юмшоқкина: «Ҳа, бу Қозимга ўхшаб меҳмон кутиш эмас». дея писанда ҳам қилиб қўйганди.

Хасай Қозимни биринчи маротаба кўрганидаёк кўнглига ўтиришмаганди. Яна бунинг устига-устак шундоқ қорин талашиб тушган синглиси Тўкезбонни ташлаб кетди. Аслида эса ким кимни ташлаб кетганлиги номаълумку-я! Тўкезбон ҳам шундай қайсарки, ҳеч бир гапга юргизолмай хуноб бўласан киши.

отамга тегиб нима қиласан!

— Нима, — дея тиржайди Хасай, — ё мен нотўғри гапиряпманми! Бу Қозимнинг меҳмон кутиши эмас, жиян. Занглаган банкадаги консерваю сайёҳлар декчасимас бу!.. — Албатта, меҳмон кутишда Хасайга тенг келиб бўлармиди? Яна кенжа Хайбат тоғаси-чи, илтифот қилишини кўринг уни.

— Меникига кела қолинглар, ховли кенг бўлса, жой ҳам етарли, бор, оғайниларингни чақир! — деб манзират қилиб турибди.

Хасай шундай оқибатли укалари борлигидан шод, кўзига ҳатто ёш ҳам олади. Укалари ука экан-ку, ўғли-чи, ўғли шундай хушрўй йигит бўлиб етишган, жияниям худди қуйиб қўйгандай ўзига ўхшайди. Майли, бугун Хайбат меҳмон қила қолсин, эртаси кун навбат ўртанча биродари Оғаники, нимасини айтасиз, Хасай уларга ота ўрнига отадай бўлиб туради.

Мамиш бутун бригадани зиёфатга чақирди.

— Меҳмонинг атиги шуларми? — Хайбатнинг ҳаммиша бирдай совуқ қиёфасида таажжуб пайдо бўлади.

— Нима? Озми? — Мамиш довираб қолаёзади.

— Э, йўқ, — қифтини қисиб кўяди Хайбат. — Мен бир жаҳон меҳмон айтарсан, деб ўйловдим. Оз бўлсину соз бўлсин, ҳақиқий дўст бўлсин. Ҳечқиси йўқ, жиян, — дея жиянининг елкасига қоқади Хайбат. — Ўзингларни бемалол тутаверинглар, меҳмон — ато-йи худо деганлар!

Ховлида кип-қизил кўзичоқ қонига беланган пичоқ четга ташланади. Ҳатто узоқдан ҳам шилинаётган шилимшиқ тери кўзга ташланиб турар, пичоқ кўзи терисини аввал оқартириб, сўнг қизил йўл пайдо қилиб чизиб борарди.

— Хўш, Қўчманчининг боласи, энди кўнглинг тўлгандир? — Хасай жиянининг елкасига қўлини ташлайди. — Зиёфат зиёфатдай ўтсин-да. Ҳа, бу Қозимчасига меҳмон кутиш эмас сенга.

бу ерда отамнинг нима дахли бор?

Тоғаси шундай дегач, Мамишнинг ёдига онаси Қозимни койганлари тушиб кетади. «Тавба, гўшти хам шундай тўғрайдими? Сен бир Хасайданми, Хайбатданми дарс олсанг бўлармиди!»— «Хасайдан! Хайбатдан!»— Хотинининг гапларини заҳархандалик билан такрорлаганди Қозим... Ушанда ота-онаси оиланинг тўпланганлари шарофатига кабоб пиширмакчи бўлгандилар. «Қим гўшти шундай тўғрайди? Қани, нари тур-чи!»— Тўкезбон шундай деб эрининг ўрнига ўтирганди-да, тез-тез гўшти қойилмақом қилиб тўғраб ташлаганди. Сўнгра Мамишга атаб Екутистонда хам зиёфат ўтказгандилар. «Эҳ, хозир Бокуда бўлсак қанийди», деганди ўшанда онаси. Тўкезбон шундай деса хам отасига гина қилмаган, чунки кабоб ҳидининг ўзиёқ ҳамма нарсани босиб кетарди!.. Ушанда тутун кўзларни ёшлантирган, кўзни тутун ачиштирганди-ю, аммо чивин яқин йўлаёлмаган эди.

— Сергей қиёфасида акс этган буюк халқ учун шу қадахимизни кўтарайлик, келинлар! — дейди Хасай.

— Э, мен фақат юқорида ишлайман, холос! — Сергейнинг икки юзи лоладай ловуллайдди. Хасай унинг гапини эшитиб ўтирмайди, у айтдимиди — тамом, кўтардилар!

— Арамда акс этган донишманд халқ учун! — Бу Оғаниннг гапи.

— Арам бизнинг моторчимиз.— Мамиш бутун бригаданиннг шу дастурхон атрофида ўтирганлигидан, уларни севимли тоғаси меҳмон қилаётганидан оғзи қулоғига етади.

— Буни қаранг-а, яна бунинг устига моторчи денг, келинлар, Арам моторчи учун кўтарайлик!

— Арам мухбирлик хам қилади.— Секин лукма ташлаб қўяди Қоя, уларнинг устаси.

— Жуда соз-да, керакли одам экан! — дейди Хасай хам.

— Денгизлининг тарғиботчиси-да Арам! Денгизлига олиб келинган қумда ўстирилаётган тоқлар, нефтли оролимизда очилган атиргуллар кўрғазмасию яна нималар ҳақида ёзмаган! — Мамиш шундай деб, сўннг Хасай тоғасига шипшийдди:— Қоя устамизку, унинг учун кўтариш керак эди!

— Биламиз, биламиз, аммо Қоя бирпас сабр қилиб турсин, у ўзимизнинг одам! — Хасай нима дейишинию, нима қилишини яхши билади: у не-не кишиларга қулинг ўргилсин зиёфатлар берган одам-а.

— Келинг, Доғистонимиз учун кўтарайлик!

— Доғистон сизгаям бўлади, бизгаям! — гап қистириб қўяди Расим. Унинг катта-катта кўзларида ҳам таажжуб, ҳам эътироз, ҳам хужумга, баҳс қилишга ҳозирлик ифодалари акс этади.

Хасай эса Расимни бирпасда унутиб қўяди.

— Келинглари, уста Қоя учун ҳам кўтариб қўяйлик!

— Ўзимиз Қоя деб чақирамиз. Асли оти Тоштемир Қамбар ўғли.

— Қоя — қоя-да, исми жисмига монанд!

— «Қоя» ансамблининг муҳлиси бўлгани учун ҳам-да!

— Фақат шунинг учун эмасдир. Усталарингизнинг асли насли қояга бориб тақалади!

— Келинглари, Салим пармаловчи учун ҳам кўтарайлик, токи у нефть конларини тубигача пармалаб ташласин!

Мамиш учун ҳам қадаҳ кўтаришди, албатта.

— Бунақа кабогни умримда емаганман! — Расим дастурхон тепасидан туради. Расим армияда икки норма овқатни паққос туширса-да, барибир корни тўймай юради.

Охирги сих кабоб ошпазга, Хайбатга узатилади.

— Хўш, энди зиёфат қилиш кимнинг гали? — деб сўрайди Хасай Оғага юзланиб. Шундай дейди-ю, ўзи эса ичида зиёфат қилиш навбати кимга берилишини аллақачон ҳал қилиб қўйгани кўзларидан билиниб туради. — Оға бизга пичоқ ишлатмай, қонни кўрсатмай бирон таом тортади-да, энди-а, шуям иш бўпти-ю... Ҳой, бирон мард борми, шу пичоқни ювадиган, падарига лаънат! — қичкиради Хасай. Шу пайт ичкаридан Хайбатнинг хотини Қумри югуриб чиқадию қип-қизил қон юки пичоқни олиб, идиш-товоқ тарақ-туруқлари эшитилиб турган уйга зумда ғойиб бўлади.

— Шунчалик оёғи чакқон хотининг бор экан-а, буни қара!

— Унинг оёғидан сенинг овозинг ўткир! — дейди Хайбат.

— Сен бизга отамиздай азизсан.— Бу Оға.

— Бўлди, бўлди, кўпам оширвормаларинг, бола-лар ўтирибди.

— Болалар Мамишнинг тоғаси қанақа эканлиги-ни бир кўриб кўйишсин! — Шундан кейин Мамиш қандай фахрланмай ўтира олади? Хасай жиянини бағрига маҳкам босади. Тоғасининг баданига жада-ни тегаркан, худди икковларининг қонлари бирга оқаётгандай, юраклари бирга тепаётгандай туюлиб кетади. Тоғаваччаси Гулбола ҳам шу ерда, Мамиш-нинг ёнида ўтирибди. Томирларида эса барчаларини бирлаштириб турган бир хил қон оқмоқда.

— Хўш, ким энди зиёфат қилади? Сенми?

Оға ҳам болохонасида кабоб тортиб меҳмон қил-ди. Акаси Хасай айтганидай, у кабобни қонсиз қилиб тортди.

— Шундай зўр тоғаларинг бор экан, Мамиш! Айниқса, Хасай тоғанг.— Арам бу гапни Ҳайбатни-кида айтганди. Ўшанда Ҳайбатнинг ўғиллари ёнла-рида кичкина укасини ҳайдаганлари кўйи қум билан сихларни ишқалаб ювмоқда эдилар. Кенжа укасига шим ўрнига юбка кийгизиб кўйишибди. Уни Мамиш келиши олдидан, ёз бошларида хатна қилдиришган-ди.

— Энди тўйларимиз ҳам бирининг кетидан бири уланиб кетадиган бўлди! Олдин Гулбола, кейин Ма-миш уйланади. Еки сен Гулболадан олдин отингга камчи босмоқчимисан? Майли, тўй бўлаверсин, Оға-нинг ўғиллари ҳам эр етиб қолди. Ҳайбатники ҳам. Ҳар йили биттадан тўй бўлиб турса, ҳазилми ахир, Оғада иккита, Ҳайбатда тўртта бўлса!

сув қулоғида ўзинг ўтирибсан, сендан бош-лай қоламиз-да!

— Ҳа, майлига! Қани, сизнинг интернационал бригадангиз учун олдик энди!

Мотор шундай гумбурлаб, қувур шундай гирил-лаб айланганидан худди оёқларинг остида нефть кудуғи титраб турганга ўхшайди. Атрофни гемир-нинг тарақлаши, шовқин-сурон тутиб кетганлигидан бақириб гапиришга тўғри келади.

— Яна келишяпти! — деб кичқирди Мамиш Қоя-нинг қулоғига.

— Сенинг нима ишинг бор, карагунча ишингни қил!— Қоя нарвондан 'пастга тушиб меҳмонларга пешвоз чиқади.

эхтиёт бўл, сирпаниб кетиб шарманда бўлма тагин!

Нефть кони бошлиғи қўлларини силкитганча олис юртлардан қадам ранжида қилган меҳмонларга нималарнидир уқтирар, нефть қудуғига ишора қилар, сўнгра эса узокдаги очик денгизни, бунёд этилган нефть оролини кўрсатарди. Меҳмонларнинг аксарияти қорача, озгин бўлиб, ялтирок кўзойнак тақиб олишибди, кубаликлар шекилли. Қоя ҳам қўлларини куртқаси чўнтақларига сукқанича нарироқда серрайиб турибди. Бутун гуруҳ булар томон йўл олиб, оёққа чилп-чилп ёпишадиган нарвондан юқорига кўтарила бошлайди.

— Бу ерда бизнинг интернационал бригадамиз ишлайди!— деб қичқиради бошлик.

— Қани, қочиб тур-чи!— дейди гуруҳни бошлаб юрганлардан бири оқиш камзулини ечиб кон бошлиғига ушлаб тур; дея тутқазаркан, Мамишни нарироқ туртиб, комбинезонингни еч, дегандай туртади, яна ундан мурват калитини ҳам олади.

— Қўйсангиз-чи, Жаъфар муаллим, нима ҳожати бор?— дейди хижолат бўлиб бошлик.

— Йўқ, йўқ, халал берманг,— дея Мамишга юзланади.— Опке, маҳкамлаб қўяй,— деб қувурни маҳкам қисади. Қувур бир пихиллайди-ю, маҳкам бўлиб қолади.— Қани илгариги куч-қувватлар,— Мамиш Жаъфар муаллимнинг исмини Хасай тоғасидан эшитганди. Наҳот бу одам Хасайнинг энг катта бошлиғи бўлса? Жаъфар муаллим Мамишнинг қўлларини қисиб, мурват калити билан комбинезонини қайтариб беради. Сўнгра иккита машинага ўтиришади-да, жўнаб кетишади.

— Сени сўради,— дейди Қоя Мамишга.

— Ким?

— Бошлиғимиз-да.

— Нега сўрайди мени?

— Нега-нега, ахир Хасайнинг ўртоғи-ку, нега энди жиянига қайишмасин.

— Сен унга қувур ҳақида ҳеч нима демадингми?

— Қувурни бермай қолганлиги учун тоза таъзирини берса керак энди, Жаъфар муаллимнинг ол-

дида айтдим. Таржимонга буни таржима қилманг, дедим.

Бошлиқ машинада Хасайга ўгирилганча дейди: «Қимнинг куртқасини кийганингизни биласизми? Хасайнинг жияниники эди куртка!» «Нима?! Ха, қоллари Хасайникига ўхшаган пайваста экан».

Мамиш Қояга ишонқирамай тикилди — қачон айтиб улгурдийкин?

— Бурғулаш жа кутиб туради-да!

— Нега ўзинг кийимингни бераётганингда оғзингни очмадинг? Бир оғиз айтсанг бўларди-ку!

айтаман ҳам-да!..

Юк машинасига ўтириб ётоқхонага қайтаётганларида Расим бошини чайқаб:

— Бошлиғимиз келишган одам-да! — деб қўйди.

— Яна лауреатлик нишонини айтмайсанми!

— Оббо сен-эй, тепадан кўриб турган экансан-да! — Салим шундай дея Сергейга юзланади-да, кейин кўшиб қўяди. — Мен ҳам дарров кўрдим. Офтобда ялтираб турувди.

Баҳайбат кресло худди панжаларини ёзганча тишларини ғижирлатиб ўтирган шерга ўхшарди. Креслонинг баланд суюнчиғига герб ўйилган, у худди тахтга ўхшарди. Устига ташланган ғилофга зар ипаклар тикилган, ундаги ўйма шаклларнинг баъзи жойларида зар ҳаллар ҳалиям сақланиб қолганди. Чойшабнинг баъзи жойлари ипаклари сўкилиб илма-тешик бўлиб кетганди. Энди бу тахтга ҳеч ким ўтирмай қўйган. Чунки ўтирганингда қаттиқ тегади. Агар креслога ўтиргудай бўлсанг, занг босган пружиналари бир ох тортадики, туришинг билан яна инкиллашга шайланади. Кресло ҳеч жойи синмай, қуламай тураверади.

— Мамиш, ҳой Мамиш, Гулбола сени роса кутди-я... — Бу Гулболанинг онаси Ҳусния хоним.

Ҳовли юҳо ютиб юборгандай жимжит, овоз эса қулоғинг остида жаранглайди.

ечинишгаям қўйишмайди!

— Иш оғир бўлганидан ушланиб қолдик.

— Биламан, айланай. Шундай бўлсаям, бўйингдан ўргилай, бирров олдига кириб ўт, сенга айтиб қўйишимни ёлвориб сўровди, — дея такрорлайди Ҳусния хоним. — Гулбола сени жуда кўп кутди-да.

лоақал чой ичиб олай!

Унга қандай қилиб айтсин ахир? Оёқларида мажол йўқ, бўғин-бўғинигача қақшаяпти, қани энди ўзингни ерга ташлаб қотиб ухласанг... Пармалаш кудуғи шапир-шупур қилмоқда, қатлам оғирлигидан босим ортгандан-ортиб борарди; улар қоришмани аралаштиргунларича парма тиқилиб қолди: агар босим ортиб борса оқибати жуда ёмон бўлади-да; балки қўшни пармалаш участкасида бирон гап бўл-яптимикин... Денгизни қоплаб олган қалин нефть қатлами худди тимсоҳ терисига ўхшайди. Парма тиқилиб қолган, уни бирон нарса ушлаб қолганга ўхшар, Мамиш ундоқ қилиб ҳам, бундоқ қилиб ҳам кўрди, бор кучи билан тормоз тепкисини ҳам боси-ю, ҳеч парма чиқа қолмади, худди у денгиз тубига михлаб қўйилганга ўхшарди. Денгиз тубида нима борикин? Соат бонг урмоқда. Биринчи марта қиялатиб пармалашни қандай зўр бажарган эдилар-а! Уларнинг бу жонбозликларини газеталарда ёритишган, радиода гапиришган, киножурналда кўрсатишганди... Мамиш газетага тушган суратларида аниқ чикмаган, агар уларнинг номларини ёзишмаганда эди, унга Қоянинг орқасида турган мен эдим, деб исботлашга тўғри келармиди балки. Худди бир-бировининг устига тушиб қолгандек, юзлари чапланиб кетгандан ким-кимлигини таниб бўлмасди. Ҳатто «Правда» газетаси Қоя ҳақида ёзганди, бу газета эса... Қоя жуда муғамбир экан! Яна тагин омадини айтмайсанми. Нефть сувнинг тубида, унга қўл етмайди. Юқоридан тўғри пармалаб бўлмайди, бунга ҳали ҳеч қандай асос ҳам йўқ. Шунда Қоянинг калласи ишлаб қолди. Гарчанд курукликда унгача қиялатиб пармалашни бошлаб уддалашган бўлишса-да, денгизда буни амалга ошириш, бунинг устига, яна шундай қиялатиб пармалаш катта гап эди. Жаҳонда биринчи марта! Америкаликлардан олдинроқ! Биз тўғридан-тўғри пармаламасдан, қиялаб, ёнламаси, қатламга кутилмаганда ҳужум қилдик. Бу қатлам дегани ёввойидек гап. Қатламга усталик билан ёндашмоқ даркор, стратегия аниқ, тактика эса — истеъдод, интуиция; ҳаммагаям бу хислат насиб бўлавермайди; агар тўғридан-тўғри ололмасанг, ҳийла ишлатиб, бирон нарсани ўйлаб топ, падар қусур, каллаларни ҳам пича ишлат-да, агар албатта бўлса сенда. Шундай деб у кувурни эгаверади, эгаверади. Биринчи

пармалаш муваффақиятли ўтди ва Қоя иккинчи марта пармалаймиз, деб қолди; унинг ўрнида бошқа одам бўлганида, омадни синаб кўрганим етар, шухрат бўлса бор, ҳурмат қилишса, бутун бригадага катта пул теккан бўлса, дерди; йўқ, Қоя бундай қилмади, яна қиялатиб пармалашга тушди, тўғри энди бир оз ёнламаси пармалай бошлади. Шунда парма тикилиб қолса борми! Жанжалдан ҳеч қочиб қутулиб бўлмайди!.. Аммо муҳими — босиклик билан ҳеч қанақа ваҳима қилмай, иш қилиш керак. Нега буни ер тушунмас экан-а? Ҳозир биз шу пармалашини... «Мамиш, қочиб тургин-чи!» Қоя Мамишни нарироқ сурди, пармани қандай чиқариб олганини ўзи ҳам билмайди, бу олдиндан сезиш туйғусидан бошқа яна нима бўлиши мумкин? Кўп вақт сарфлашиб, ахири тўғрилашди ва босим ҳам ўз жойига тушди.

— Майли, бораман.

Кресло илгари Хасайнинг хонасида турарди, сўнг-ра у ўртадаги Оға билан Ҳайбатнинг хонасига, ундан кейин эса Темурнинг, сўнгги маротаба эса энг мўъжазгина, Тўкезбон Мамишга хатида ёзган ўша ҳужрага кўчиб кирди. «Уёқда менинг хонам бор; ўша жойда яшайвер, энди уй сеники». Мамиш креслони айвонга олиб чиқиб қўйди, ҳеч нафи тегмайди, яна жой олгани ортикча. Гулбола бу креслода ястаниб ўтиришни яхши кўрарди. Кресло уларнинг боболари Оғабекдан, бувилари Малак хонимнинг отасидан мерос қолган эди. Гулбола бу креслода ўтириб олганича Мамишга юракни жуда ғаш қиладиган нарсани айтган эди. Гулбола суянчиқ билан боши баравар креслога чўкканича суянчиқдаги шаклнинг ботиқ кўзларига бармоқларини нуқиб ўйнаб ўтирарди. «Менинг отам сенинг отангдан зўр». Мамиш унинг бу гапидан дили оғриди-ю, лекин индамади. Маҳалланинг энг зўри, уришқоғи ҳам Гулбола эди. «Қани, ҳамманг орқамдан юрларинг-чи!» — дегудай бўлса, бас — бари болалар унинг изидан «бегоналар» билан урқалтак бўлаётган маҳаллага ўтишар, «бегоналар» эса ҳеч шубҳасиз ин-инига кириб кетишарди. Гулболага рўпара келиб уларга зарур кепти-ми? Ўртада, болалар қуршовида турганча Гулбола мушкетёрларнинг қандай уришишларини ҳикоя қилади. Мамиш кейинчалик мушкетёрлар ҳақидаги

китобларни ўқиб чиққанида, кўп нарсаларни Гулболанинг ўзи ичидан тўкиб чиқарганлигига амин бўлди. Гулбола сўзлаб бўлганидан сўнг худди уларнинг олдига, Бокуга ташриф буюрган, жангдан ҳориб қайтган мушкетёр каби ҳордиқ чиқариш учун ўзини креслога отарди. У ўтирарди-ўтирарди-да, бирдан ўрнидан ирғиб туриб, Мамишни чақириб қоларди: «Буёққа ке!»— жавондан каттакон шишадаги винони олади. «Уйда ҳеч ким йўқ. Ичасанми? Бунни дадамга опкелишганди. Ке, қуяй...» Гулбола шундай дея шишани энгаштираркан, қуюқ шароб идишга қуйила бошлайди. Гулболаларникига нарса опкеладиган одамларнинг кети узилмайди, йўлакдан этикли, чорикли, калишли, кепкали, бўркали, шляпали кишиларнинг оёқ дўпир-дўпири тинмайди.

«Ма, ич».

«Олдин ўзинг ич...»

«Кўркяпсанми?— Гулбола шундай деб винони бир кўтаришда ярмини симириб қўяди.— Энди сен ич»,— деб манзират қилади Мамишга бўғиқ овозда Гулбола. Шундан сўнг Мамиш винони ичади. Шароб ширин-ку, аммо ичини ёндириб юборай дейди. Гулбола яна креслога чўқади. Мамиш кўп нарсалар ҳақида илк маротаба Гулболадан эшитган эди. Нафақат мушкетёрлар тўғрисида Гулбола унга ҳикоя қилиб қўймаганди. Гулбола энди гипноз билан, Вольф Мессинг ва Кио билан қизиқиб қолибди. Бир куни ҳатто Мамишни гипноз қилиб ухлатиб қўймоқчи бўлганди. Гулбола Мамишни креслога ўтқазиб қўйди-да, унинг кўзларига тикилиб, калхат панжаларини эслатувчи бармоқларини унинг юзидан сидириб ўтди. «Ухла! Ухла! Сенинг уйқунг келяпти! Мана, қовоқларинг оғирлашяпти, кўзларинг юмиляпти...» Мамиш кўзларини юмишга юнди-ю, аммо ухлай олмади. Гулбола қанча «Ухла!»— деб тиришмасин, сира уйқуси келмасди. Фақатгина хахолаб кулиб юборишдан ўзини аранг тутиб тураверди. Агар кулиб юборгудай бўлса, Гулбола хафа бўлади-я! Мамишга гипноз бир томондан ёкиб тушди ҳам, юмшоққина креслода ўтириб, маза қилиб ҳордиқ чиқаришнинг нимаси ёмон? «Уф, иссиқни қара!»— дейди Гулбола «кашфиёти» амалга ошмаганини кўриб.— Баданингни териси қалин-да, шунинг учун ҳам сенга гипноз таъсир қилмаяпти».— « Гипноз қилиш қўлинг-

дан келмайди-ку, тагин мени айбламоқчисан-а». — «Мен гипноз қилишни билмас эмишманми? Мена?» Гулбола кизишади. Шундай деди-ю, Гулбола бу «ихтиро»ни қайтиб такрорламади. Сўнгрок эса улар — Мамиш, ёнида Гулбола ва уларнинг жўрабошиси ўртада туриб олганча нариги маҳалла жўрабошисини «фош этади». Бу жўрабоши — қалъалик Салим, шаҳар куткуси, деб ном чиқарган эди. Аммо Мамишнинг Салимнинг милицияга «катъий сўз» берганлигини Гулбола қаёқдан билганлиги таажжублантирарди. Салим, гўё пичок еб касалхонада даволанаётган одамдай ғойиб бўлганди, аслида эса қўрққанидан бурчак-бурчакда биқиниб юрган экан. Гулбола эса Салимнинг, умуман, жўрабошилиқ уёқда турсин, ҳатто одам эмаслигини, уни кўнгли қандай тусаса ўшандай қийнай олишлигини, бу—чапанича дунёнинг ёзилмаган қонуни эканлигини исбот қилади, Гулбола аста, шошилмай, ёнидан пакки чиқаради-да (Йўғ-э)— Мамишнинг нафаси ичига тушиб кетади), «душмани»нинг шойи кўйлагини аста тила бошлайди. Гулболанинг қўлидаги тиг баъзан баданига тегиб кетса-да, Салим бир чўчиб тушади-ю, мик этмайди. Кўйлак аллақачон тарра-бурраси чикқан, шамолда байроқдай ҳилпирайди, Салим эса номусдан ердан бош кўтаролмай боради.

— Нега бундай қилдинг?— Мамиш Гулболага тушунолмай тикилади.— Нега?

— Бўлмаса, сен ўшанда, мен... кўйлагини тилаётганимда чиқиб ҳимоя қилган эди!

— Шунда бас қиларминдинг?

— Йўк, нега энди айтган сўзимнинг устидан чиқмаслигим керак экан! «Нега?»— дея масхара қилди у Мамишни.— Менинг ўрнимда бошқа одам бўлганда юз-кўзини коп-қора қонга бўярди, унинг бўлса орқаси оз-моз тилинди, холос. Кўрдингми қандай титраб кетганини? Бошқа бурнини сукмайдиган бўлади!

Мамишни армиядаёқ оға-инидай бўлиб кетган дўстлари Сергей билан Расим ҳам ишлаётган бригадага олишганда тўсатдан Салимни, ўша қалъалик Салимни учратиб қолди. Мамиш Салимни бир умрга эслаб қолган, Салим эса ўшанда атрофида Гулболадан бўлак ҳеч кимни кўрмаганди. Салим ўшанда Мамишга ҳамма нарсани кутса бўладиган даҳшатли

ва қаҳри қаттиқ бўлиб кўринганди. Шунда Мамиш Гулболанинг ҳаётидан хавотир ола бошлади: ахир Салим сўйиб ташлашдан ҳам тап тортмайди-я! Мамиш азбаройи ҳаяжонланганидан аъзойи бадани алангаи оташ бўлиб ёна бошлади. У узоқ пайтгача айтишга журъат қилолмай юрди-юрди-да, ахири Салимнинг кайфияти яхши кўринган пайт келгач, ўзини тутолмай қолди. Салим Мамишнинг Гулболага яқин қариндош эканлигига ҳеч ишонгиси келмасди. Айнан Салимнинг нигоҳи бир зум тундлашиб, қорача юзи қув оқарган он Мамиш яна эски кўркув туйғусини бошидан кечирди. Аммо кутилмаганда Салим афтини буриштирди, ўтмишни эслаб ўтиришни ҳам истамади: «Унга раҳмат айтишим керак менга яшашни ўргатгани учун! Ўзи ҳам, чамамда, бу ҳунарни ташлаган чоғимда!.. Эҳ, қанча вақт, қанча кучлар беҳуда кетди-я! Биз ёввойи, Мамиш, жудаям ёввойимизда!..»

... Ховлини гўё юҳо ютиб юборгандай жимжит. Қўйлар маърайди, товуклар қақолайди, Мамишнинг деразаси ортидан Хасайнинг ҳузурига ўтаётган одамларнинг кети узилмайди. Ҳаммадан кўпроқ бир чўлок ўтади. Ҳассаси билан болохонанинг тахта полини дўқиллатганча ўтиб боради. Дўк-дўк-дўк-дўк... Яна атрофни ўзиям худди сандиқдай келадиган, ўлжага келган приёмникнинг овози тутиб кетган. «Қизариб пишибди дарахтда олма, узиб элтай уни севган ёрима!..» Приёмникдан тинмай куй таралади. Шовкиндан деворлар ларзага келиб, ойналар зириллайди.

— Сизларни мен ўзим уйлантириб кўяман! Гулболани ҳам, сени ҳам, ҳамма-ҳаммангизни ўзим уйлантираман! — Хасай Мамишнинг елкасига қўлини ташлаб ўзига тортади. — Ҳа, айтгандай, Мамиш, анув, сен билан бирга кўриб қолган қиз бор эди-ку, қаёқда ўша?..

унинг қаерда эканлиги ўзингга аён-ку! сўраб нима қиласан?

Гулбола ҳам шу ерда ўтирибди, у негадир ўйчан кўринади. «Ҳалитдан сочингга оқ оралаганини қара-я, Гулбола!— шундай деб Ҳусния хоним хўрсиниб кўяди, кўзлари ёшланади. Она ўғлининг бошини худди аллалаётган каби бўлиқ кўксига босади.— Болажоним, нега сочларинг бундай эрта оқариб кет-

ди?! Сенинг бундай ок сочларингни кўргунимча жонимни худо олгани яхшимасмиди?»

Ховлида сукунат ҳоким. Мамиш шошилмоғи керак, йўкса, уни кутиб қолишади. У тош зиналардан илдам ҳатлаб ўтаркан, Ҳайбатнинг Ҳуснияга тез-тез: «Қайсиниси? Қўчқорними?»— деган бақирғини, «Йўк, ҳозирча уни қўя тур, ҳали байрамгача бор», деб жавоб қайтаргувчи ёшгина Ҳусниянинг жарангдор овози тез-тез эшитилиб турадиган ертўласимон пастаккина хужралар қаршисидан физиллаб ўтиб, кетди. Одатда Ҳусниянинг бақирғидан сўнг Ҳайбат думбасини зўрға кўтариб келаётган қўйни ташқарига судраб чиқади. Пичок қўйнинг терисига сукилиб, қизил йўл колдириб, чўзилиб бо-ради.

Ҳанузга қадар кўчадан ҳали ҳам қора мум қайнатиладиган катта дошқозон олиб ташланмаганди. Деярли ҳар ёз тешилган томни ёпувчи томсозлар ёлланарди. Бу кишилар чакка томадиган, ғадирбудур қора қоғоз билан қопланган томларни тузатишарди. Кўчанинг ўртасига каттакон дошқозон ўчоққа ўрнатилади-да, қозонга эски, ишлатилган қора қоғоз солинади, қора мум қуйилиб гуриллатиб олов ёкилади. Бутун маҳаллани курум зарралари аралаш қоп-қора тутун ҳамда буруксаётган мумнинг димоғни ачиштирувчи ҳиди тутиб кетади.

Кейин, суюлтирилган мум челақлаб арқон билан томга тортилиб, томнинг ёриқларига қуйиб чиқилади. Шу билан янаги йилгача ёки том тез вақт ичи момақалдиروق, шамолданми, ёғингарчиликданми, қуёш таъсиридами яна ёрилиб тешилгунга қадар иш тугайди ҳисоб. Мабодо том яна тешилиб, устига-устак, ёмғир шаррос қуйиб берса борми,— сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетади; қадам босишга жой йўк, уй ичини мис кўза, тоғоралар эгаллаб олади, шифтнинг бир ёғидан шап этиб лой кўчиб тушса, яна бир ёғидан эса чакка бамайлихотир чак-чак этиб томиб туради. Мамишнинг хонасида кўчага қараган биронта дераза йўк, ягона дарча ҳам болохона томонда, бунинг устига эшик ярмига қадар ойна билан қопланган, балки бу дераза ўрнига ҳам ўтар. Болохонага ёруғ кам тушади... бино қадимда қурилган. хасислик қилишганми, ким билади. Нефтни булоқдай оқизган баъзи одамлар, албатта, итальян, француз

ва немис меъморларини ёллашган ва бу меъморлар уйларга нозик, ўймакор баланд устунлар ўрнатишган — бундай бинолар муюлишдаги уйдан унча узок ҳам эмас, бу бинолардан бири ҳозирда «Бахт уйи» бўлиб, у ерда Бахтиёровларнинг биронтаси ҳам тўй қилишмаган ҳамда шундай уйлардан бирида эса Мамиш шахсан ўзи таниш бўлмаган Президентнинг қароргоҳи жойлашган. Мамишнинг боқулик бувиси Малак хоним машҳур, аммо камбағаллашиб қолган бекнинг қизи эди, бечора бек эса, маълумки, гадодан ҳам бечораҳолроқ кун кечирган, чунки қўлидан ҳеч бир иш келмас, насл-насабини қуриб қовжираган саночдай ортмоқлаганча ё Азроил жонини олмагунча, ёхуд бирор мўъжиза юз бермагунча судралиб юриверарди. Малакнинг истикболига мўъжиза ташриф буюрди, бу ҳақда мавриди билан гаплашармиз.

Мамиш қаёққа шошиляпти? Худди елкасидан босиб турган юкни иргитгандай иткитиб, сўнг илгакдан кийимларини олиб кийди-да, худди кийим эмас, қанот чиқариб олгандай бўлиб, хонадан учиб чиқиб кетди. Энди уни қувиб етиб бўлсан. Мана, у муюлишдан бурилди. У қадамини катта ташлайди...

Юкнинг оғирлиги ҳақида эса мен бекорга эсланим йўқ: Мамишнинг боқулик буваси шаҳарни бўйигаю энига кезиб чиққан, қанчадан-қанча юкларни гарданида ортмоқлаганди, кимдир уни «хаммол», деб яна кимдир «пахлавон», деб атарди. Буvasи уйига ҳориб-чарчаб қайтаётган маҳал одамлар унинг баҳайбат елкаларию қўлларига қараб танглайини такиллайтиб, бошларини чайқаб қўярдилар... Вақти келиб, муюлишдаги уйга ўхшаб кетадиган кеманинг елкани тебраниб, айланади-да, бир вақт қарасанг, бекнинг соҳибжамол қизини қамбағал ҳаммолнинг кучоғига ташлаган бўлади. Аммо Мамишнинг вақти йўқ. У бир зумда уйни титратганча зинапояларни ҳатлаб ўтиб кетди. Қуйма темир дарвозалар аллақачон ортда қолиб кетди. Мамиш шошилмоқда. У худди бўроннинг ўзи, у худди отилган найзага, ўққа ўхшайди, уни қувиб етиб бўлсан.

Иккинчи фасл — бу фаслда микрорайондаги эркаклар зиёфати ҳақида ҳикоят қилинади; ва Мамишнинг қани энди, мўъжиза юз берсаю қадимда ошиқ-

лар кийгувчи тезучар, тагчарми ейилмас, йўлда учраган қояни ҳам кесиб ўтишга кодир чориклари бўлса эди, ёки вафодор эшаклар, учкур отларми, ёхуд аравага қўшилган ҳўкизми, кўтосми пайдо бўлса; кани эди, мўъжиза юз берсаю қаршисида нафис симғилдиракли дилижонлар турса... ёнидан такси физиллаб ўтиб кетди-ю, бироқ Мамиш уни тўхтатмади. Мамиш қачонлардир Р билан учрашувга шошиб турганида таксига ўтириб борганди. Шофёрнинг соқоли олинмаган, юзлари худди икки лунжигга олхўри солиб қўйилганга ўхшарди. «Ўчириб қўймайсизми?»— дейди Мамиш чиқчиқлаётган «ҳисобдон»га ишора қилиб. Шофёр тўланган пул устига яна пул урмоқда эди. «Ортиқчаси керакмас», деб тўнғиллаганини-чи яна. «Қанча бўлади ўзи?» Шофёр худди бирдан қаршисида маймунни кўриб тургандай, кўзи катта-катта очилади: «Текинга кетяпман деб ўйлайвер!» Бу билан у ёнингда ҳемири йўқ экан, таксига тушиб нима қилардинг демоқчи. Мамиш яқинда хизматдан қайтган бўлса...

Ўшанда таксида Қосим Измайлов кўчаси —Ефим Саратов кўчаси муюлишидан парашют минораси қад кўтарган хиёбонгача келганди. У тушаётиб шофёрнинг олди очик қўйлаги чўнтагига битта бир сўмлик танга ташлади, шунда машина физиллаб ортига қайтди-да, Мамишни тутунга кўмиб кетди. Бу ер сен хизмат қилган шаҳар эмас!..

Мана, автобус ҳам келиб қолди. Автобус айлаиб юради-ю, аммо ишонса бўлади. Бу бекату бошка бекатларда ҳам одамлар узоқ кутишганидан бу ерга етиб келгунча автобус тўлиб бўлибди. Орқа эшик албатта ёпик, ҳамма олд эшикдан тушади. Автобус ичи нафас қайтар даражада дим, одамлар тезрок енгил нафас олиш учун шофёр олдига қўйилган каттакон ясси кепкага беш тийинликни ташлаганларича пастга отиладилар. Кепка бузилиб қолганми ё бошка сабабданми ишламаётган касса-автоматнинг ҳам, автоматлаштириш туфайли сони қисқарган кондукторнинг ҳам ўрнини босарди. Билетлар ўрами шофёрнинг нақ боши устида осилган, билетнинг учи одамлар эпкинидан истар-истамас тебранади, унга қўлинг етмайди ҳам. Одамлар сени итаришади, шоширади, автобус ичи иссиқ, дим, кепкага беш тийинлик тангалар оқиб тушаверади. Автобусдан ҳамма тушиб

бўлгач, ниҳоят орқа эшиклар очилади. Пастда кута-вериб ҳолдан тойган одамлар бирдан ўзларини автобусга урадилар. Қани, бир нарса деб кўр-чи! «Ҳо! Қўрқитвординг-ку? Сенинг бошқа бир Ҳайбат тоғанни ҳам танийман! Унинг вокзалдаги ресторанини яхши кўраман-да!» Мамишнинг кичик тоғаси Ҳайбат кўп басавлат одам, ҳар бир билагини нақ пармалаш қувурига, бўйинини эса ҳўкизнинг бўйнига қиёс қилиш мумкин. У урушда, мина тушганда бир оёғидан айрилган ва бу оёқнинг бутун қуввати елка ва бўйинга урган. Ҳайбатнинг каттакон ҳасса тутган чап мушти худди гарк пишган хандалакдай келади. Қўчқорни шундай эплайдик, ҳаш-паш дегунча, терини шилиб ташлайди. У бир оёғида турганича қўчқорни қулатади-да, бўйинини қийшайтириб қўяди, бир вақт қарасанг, қўчқорнинг калласи ерда, танам қайга кетди, дегандай бақрайиб ётибди-да. Сўнгра у киприк қоқмай, қўчқор терисига тикилиб қолади, тутун эса димоғингни қитиклай бошлайди; аммо-лекин қулинг ўргилсин ҳаш¹ бўлади-да, шу қўчқор калласидан — саримсоқ солиб ичсанг борми, оҳ, оҳ!.. «Қонунчилигингдан ўргилдим! Жа, қўрқитвордингу! Беш тийинни чиқаргинг келмаяпти-да, а? Беш тийинга юрагинг ачийди-ю, шофёрга ачинмайсанми? У ҳам одам, ундаям жиғилдон бор, униям баъзан ҳаш ичгиси келади». Ҳамма нарса сиғадиган шофёр кепкасига ўрганиб қолган одамлар ишлаб турган касса-автоматларнинг борлигини ҳам пайқашмайди. Пайқашга вақт йўқ. Сотилган билетларни назарда тутиб, Ҳасайнинг қўл остида ишловчи идора хизматчиси шариллатиб ёзиб ташлайди: «Кўрсатилган маршрут бўйича сотилган билетларга биноан фалонча автобус қисқартирилсин». Агар шундай бўлмаганда эди, Мамиш шунча кутиб қолмаган ҳамда микрорайонга зиёфат қиёмига етганда кириб бормаган бўларди. Автобусга чиқишинг азоб, тушишинг ундан азоб. Ҳар сафар, мана, орадан неча йиллар ўтибдики,— Мамиш эшик қўнғироғини босишдан олдин аранг ўзини қўлга олади: ким унга эшикни очаркин? У Р эшикни очишини истамасди. «Ҳа-а, бу сенми-сан...» Наҳотки бу ўша, ўша Р бўлса?

¹Х а ш — калла шўрванинг бир тури (озарб.).

Бари воқеалар айнан шу, барча Бахтиёровлар ҳамда ярим Бахтиёров бўлган Мамишни атрофига тўплаган дастурхондан бошланди. Гап айланиб бориб, Хасай урушда ҳалок бўлган укаси Темурни эслаб кетди. Кимдир, ҳа, Хайбат бўлса керак, Хасай билан Раънонинг ўғли Октой Темурнинг қуйиб қўйган ўзи, худди олманинг икки палласидай бир-бирига ўхшайди-я, деб қолди.

— Оҳ, Темур!— чуқур хўрсинди Хасай.— Кеча туш кўрибман, тушимда Темур келаётганмиш. Мен унга аранг етиб олармишман. «Қаёққа кетяпсан, ҳой, орқангга қайт!»— деб қичқирармишман унга. «Қайтолмайман!— деб жавоб қайтарармиш менга у.— Йўлим олис, манзилим кўринмайди». Мен эсам орқасидан югурармишман, югурармишман, аранг етиб олармишман. «Эгнингга қанақа кийим кийиб олгансан? Оёқларингдаги солдатча этик чангга ботибдику! Шинелинг ҳам илма-тешик бўлиб кетибди, орқалаб олган қопчиғинг куп-қурук-ку!»— десам, «Солдатники солдатча бўлади-да!»— деб хитоб қилармиш менга. «Милтиғинг қани?»— деб сўрармишман мен. «Мана, қўлимда-ку,— деб жавоб қилармиш.— Кўрмаяпсанми?!»

Қарасам, у менга таёкни милтиқ деб кўрсатяпти. «Темур, ахир бу милтиқ эмас-ку, сени алдашибди. Бу ахир ҳасса — қийшиқ хипчиндан фарқи йўқ-ку?!» У менга узок тикилиб турармиш-турармиш-да, сўнг-ра шундай дермиш: «Мана, бир отсинки, бунинг ёғочми, милтиқ эканлигини биласан-қўясан!» Мен унга ҳеч етолмасмишман, пича нафас ростлаб олай деб тўхтасам, у орқасига ҳам ўгирилмай кетаверармиш. Мен унинг орқасидан ҳайқирар, қайта қол, деб худонинг зорини қилиб ялиниб-ёлворармишман-у, у эса яна олис-олисларга кетиб борармиш... Кечаси билан хўнг-хўнг йиғлаб чиқибман.

— Тушда йиғласа хурсандчилик бўлади! — дейди Оға.

— Марҳум билан тушида гаплашган одамнинг умри узок бўлади! — дейди худди шундай оҳангда Хайбат.

Хасай оқиш, қуюқ сочли, кўзлари завқ-шавққа тўлик, пайваста қошлари қоп-қора, айтишларича, у отаси Гулбола паҳлавоннинг қуйиб қўйгандай ўзи эмиш. Раънонинг эса кўзлари тиник ложувард, қиз

ғиш сочлари ботиб бораётган куёш нурлари остида ажиб жилваланади. Мамиш Темур тоғасини кўрмок умидида Октойга бокди, аммо бундан на фойда! Темур эр йигит эди, Октой эса ҳали гўдак-ку. Мамиш Темур тоғасини эслай олмайди ҳам, у пайтлар ҳали гўдак эди.

— Ох, Темур, Темур!.. Қирқ биринчи йилда кетсайди, сўзим ўтмасди, чунки мен ҳам, ҳаммамиз ҳам Ватанни ҳимоя қилгани, Ватан олдидаги бурчни ўтагани жўнадик. Бурчимизни адо этдик ҳам!

— *кимнинг олдида кериляпсан?*

— *Раънонинг олдида.*

«Қара-я, тепангда ўқлар хуштак чалиб ўтиб кетиптику-а!— Ҳусния Хасайга кичкиради; кичкирик йўлак бўйлаб айланиб юриб-юриб, Мамишнинг деразасига бориб урилади.— Ҳа! — демак, Ҳусниянинг кайфияти жойида эмас, навбатдаги жанжал бошланган.— Мен зим-зиё тунда ўқлар қандай хуштак чалишини эшитдим. Е шундай эмасми?» Ўшанда Хасайнинг батальони Араксдаги чегарага келиб қолган, ўша пайтларда буни газеталарда «Мудофаа максادلари йўлида» деб ёзишарди; Араксдан онда-сонда эшитилиб турган яккам-дуккам ўқ овозлари йиллар ўтиши билан шиддатли тўплар гумбурига айланди. Шунақаси ҳам бўларкан-да, Жаъфар муаллим ҳам Хасайга ўхшаб командир бўлган, тақдирни қарангки, у бевосита Хасайнинг раҳбари бўлиб қолиши кимнинг хаёлига келибди. Хасай ҳикоя қиларкан, Жаъфар муаллим чурқ этмайди. «Кўйсанг-чи, энди бунинг кимга кераги бор?» Шундай дейди-ю, Жаъфар муаллимнинг ўзи ҳам беихтиёр ўша кунларни хотирлаб кетади. «Хасай, — буни улар Мамишнинг қаршисида эсга олишган, Мамиш бўлса, индамай эшитиб ўтираверганди.— Қалла қишлоғида болалар сени узум билан қандай сийлашгани эсингдами?» — «Сен-чи, Жаъфар муаллим, эсингдадир, — дейди Хасай бир зумга қаршисида раҳбари ўтирганлигини унутиб.— Қум кўчкиси пайти жазирамада муздай довғани¹ тушириб олганинг эсингдами?» — «Қаерда бўлганди? Ҳа, ҳа, Алучжучи посёлкасида! — деб эслайди Жаъфар муаллим. — Аммо қанийди, ҳозир дов-

¹ Д о в ғ а — муздек хўрдасифат таом.

ға бұлсайди, деб орзулаб, кейин ичгимиз келмай қолгани эсингдами?»— «Буни унутиб бўладими?»— «Ушанда мен сенсиз бир кадам ҳам нари силжий олмасдим!»

«Хозир ҳам шундай бўлса қанийди», деб ўйлайди Хасай.

— Ҳа,— дейди у хаёл отини хотиралар сўқмоғидан қуваркан,— биз ҳаммамиз қирқ биринчи йилда курашгандик! Ҳайбат оёғини ташлаб келди. Оға, ўзингиз биласиз, не-не кулфат-азиятлар чекди, асирлик турли касалликлар... Оллоҳ акаси Хасайнинг умрини узун қилсин. Оға акаси кўмагида она юртига исмига доғ туширмай қайтди, камина сочи соқоли оқарса ҳам, ўша-ўша Хасайман, мана билакларим ҳали бақувват,— шундай деб у муштини тепага кўтаради,— юрагимда эса,— қўли билан кўкрагига уради,— истаганингизча қўр топилади!

Аммо бунинг акси ҳам бўлиб туради, чарчаб, қолдан тойиб, кўпикка ботган от базўр оёқларида туради-да, юраги кўксидан чикқудай бўлиб дук-дук уради. «Йўқ, нима десанглар денглар-у, барибир хоҳиш кўп-у, куч-қувват илгаригидай эмаслигига хафа бўласан-да киши!» Хасай деворда осиглик, ромлари ўйиб ишланган, олтин суви югуртирилган, бек даврларидан омон қолиб, бу ерга ота уйдан яқиндагина келтирилган каттакон кўзгу қаршида ўз аксига тикилиб, ҳаддан ташқари семириб кетганлиги, ҳаттоки киндигидан пастга эгила олмайганлигидан ташвиш тортарди. «Оз емоқ даркор!» Оғанинг уйига меҳмонга бориб қолгудай бўлса, укасининг жуда пазанда хотини қўли билан дамланган тилла каби заъфарон палов тортилса ёки бўлмаса, Ҳайбатникида дастурхонга осетрин кабоби келтирилса, қани, ўзингни тутиб тур-чи, қўлингдан келармикин! «Келишга келдинг, энди би-р, маза қилиш керак-да!» Шундай деб иштаҳа билан паловга ҳам, худди шу осетринга ҳам, юпқа қилиб лавашга¹ букилган лўла кабобга ҳам қўл юборади, шундай лавашни оғзингга солишинг билан эриб йўқ бўлиб кетади, шундайки, яна янгисини оғзингга солишдан ўзингни тиёлмайсан. «Хўш, бунинг нимаси ёмон экан?

¹Л а в а ш — лочира.

Ким емасдан нафсини тийиб тура олади? Французми? Америкаликми? Уларни ҳам кўрганмиз!» Хасай бир группа америкалик сенаторларни кутиб олган ҳамда уларни лўла каبوب билан меҳмон қилганди: «Биз бундай мўъжизани ҳеч тотиб кўрмаган эдик! Сафаримизнинг эңг ёрқин хотираси шу бўлиб қолади!» Америкаликларнинг бу сўзларини Хасайга таржима қилиб беришганди. Ҳа, аммо ёш барибир кетиб боряпти-да! Яқинда эса тасодифан бикинида шиш пайдо бўлганини кўриб қолди-ку... Кўркув кўланкаси юзини сидириб ўтди. Қорнига кўлини тегизса, пича оғрияпти. Аммо кўркув бир зумда уни тарк этди. Раъно бир кунни Хасай ўзининг пардоз кўзгусини олиб катта ойнадан тепакалини кўрмоқчи бўлаётганига кўзи тушиб қолди, эрининг юзи шундай маъюс эдики (худди ёш болага ўхшайди-я!..)!..

Хасайга кўрк бериб, буғдойранг юзини ажратиб, чехрасига аллақандай олижаноблик бағишлаб турган оқиш соч толаларига энди тепакали ҳам қўшилибди, шу етишмай турувди! Майли, бу ҳеч нарса қилмайди, деб ўзига-ўзи тасалли бериб юрувди, бирдан сочи тўкилиб, тепакали шундай тез кўпайиб кетибдики, ахир яқиндагина қараганда тангадай келадиган тепакал ҳозир худди мураббо идиши, ликобчадай бўлиб қолибди. «Шу кўргулик ҳам бор экан!»

Хасай баданига ёпишиб турган нимранг батист кўйлак кийиб олган, кўйлакнинг ёқалари бўйнини маҳкам қисиб турар, сўнгра ёқа ўрни қизариб қоларди; Мамиш шартта туриб тоғасининг кўйлаги тугмаларини ечиб қўйгиси келарди-ю, нима учундир ҳеч туролмасди. Агар тоғаси билан Мамишнинг келишидан сўнг Оға тоғасиникида ўтирганларидай ўтирганларида эди, ўрнидан туриб, кўйлак тугмаларини ечиб қўйган бўларди. Улар ўшанда фақат ўзлари: тоғасию Мамиш, Гулбола, яна бригададаги болалар бўлиб кўнгил ёзишган; Хасай уни бағрига тортганча: «Менинг баҳодирим!»— деган, тағин пичинг ҳам қилиб қўйганди: «Қани, ҳеч Қозимга ўхшашлигинг борми? Сен ўзимизникисан, жигаримизсан! Тўкезбон, хўп, Кўчманчи бўлсин, мен уни гапириб ўтирмай-ку, уруғимизга шундай паҳлавонни ҳадя этди-я! Барингизнинг тўйингизни ўз қўлим билан қилиб бераман! Бир ҳаммани оёққа турғизайки!..»

Мамиш ўтирибди; буни қаранг, ҳеч ким ёқанинг

бўйинга ботиб турганини сезмаяпти, баракалла, Ма-миш, ҳаммани доғда қолдирдинг!.. Мана-мана, ҳо-зир Хасайнинг ёкаси кучданми, гурур туфайли қуй-либ келаётган сўзларданми, чок-чокидан сўкилиб кетай-сўкилиб кетай дейди:

— Агар умри бўйи бировларнинг юкини ташиган, кемалардан оғир-оғир яшиқлар, хуржунлар, қоплар-ни елкасида ортмоқлаб туширган, бирон марта уйку-га қонмаган, қорни тўйиб овқат емаган отам гўри-дан туриб келса эди...

— *мана отанг, отангинг ўзи, қарасанг-чи, ана уйга кирди!*

— *қани?!*

— *ростдан кўрмаяпсанми? ана!*

«Ассалому алайкум», дейди Гулбола киши кириб келаркан. Унинг мўйловлари диккайган, соколи ўсиб, деярли юзининг ярмини қоплаган. Худди ҳозиргина тегирмондан чиқиб келгандай, гард қоплаган папа-хини биллур вазага осиб қўйди. «Вой!» Орқасидаги ҳаммоллик болишини ечиб ташлади, болиш ўрни тери қотиб қоп-қора бўлиб қолганди. У чориғини ечмай тўппа-тўғри гиламни босиб келаверади, чори-ғидан лой парчалари кўчиб тушиб, катта-катта из қолдиради. Хасайнинг ранги қув ўчади.

«Қабристонга югур!» — деб Оғага шипшишга ул-гуради Хасай.

«Бекорга юборяпсан! — дейди отаси унга. — Уёк-да менинг қабрим йўқ, мана, ўзим буёққа келдим-ку». Ҳаммалари буваларини кўриб турадилар-у, аммо танимайдилар. Фақатгина Хасай отасини таний ола-ди, ахир қандай қилиб ҳам танимасин, отаси эсида-ку, укалари эса ўшанда кичкина эдилар... Аммо, ма-на, Мамиш бувасини таниб турибди-ку, бу яна қана-қа жумбоқ бўлди! «Хўш, бу ерда мен йўқ, нима қиляпсизлар?!» — деб сўрайди у дағдаға билан. — Мунча муболаға қилиб, аравани қуруқ опқочмаса-ларинг? Қани, бир туркингни кўриб қўяй, аравани қандай опқочиб, суяк-суяқларимни мажақлаб номим-ни ҳаён кўрмоқчи бўлиб кўллашингни бир кўриб қўяй-чи!..

— *гўридан турмайди ҳам, буёққа келмайди ҳам, оғиз кўпиртириб мақтанавер!*

— *уф, сал енгил тортдим-а!..*

— Агар у лоқал бир кўзи билан бўлса ҳам ўғли

Хасайнинг қанчалик юксакликларга парвоз қилганини кўрганида эди, балки буни тушга йўйган бўлармиди. Шу асримизга, замонамизга, давронимизга шукр! Ахир у қандай қилиб ҳам ишонсин? Раҳматли отам қирк ёшга чиқар-чиқмас бу дунёдан кўз юмганида мен ким эдим? Ўн уч-ўн тўрт ёшлардаги бир ўспирин! Оиланинг бутун ташвиши менинг гарданимга тушди. Оға ўн ёшда эди, Тўкезбон саккиз ёшда, Ҳайбат ундан ҳам кичик, Темурнинг эса тишлари энди-энди ёриб чиқаётганди. Трамвайда билет сотардим, бундан хабарингиз бор. Кўчамизга трамвай симларини ўтказишди. Яп-янги, қирмизиранг трамвай шундоқ деразамиз ортидан ўта бошлади. Трамвай кўчамизнинг қиёфасини ҳам, номини ҳам ўзгартириб юборди ва бизнинг баримизни бу ёруғ оламда янги ҳаётга бошлаб кирди! Ҳа, мен оддийгина кондуктор эдим! Бу билан ҳозир қанчалик фахрланишимни билсангиз эди! Йўк, буни сиз тушунишингиз қийин! Биламиз, деб талашманглар ҳам! Таржимаи ҳолимни ёзишга тўғри келганда,— мен тез-тез таржимаи ҳолни ёзиб тураман,— сафарлар дейсизми, турли-туман чиқишлар дейсизми, шуларда аниқ-равшан қилиб шундоқ ёзаманки, токи ўқиганларнинг ҳаммаси диққатларини шунга жалб қилсинлар, мен шу сўзларни қайд этарканман, «Фалончи йилда мен ҳаммолнинг ўғли кондуктор бўлиб ишладим, фалончи йилда эса трамвай ҳайдовчи бўлдим», деган сатрлар тагига чизик тортишдан ўзимни аранг тўхтатиб қоламан!.. Агар қизил қалам билан чизишнинг иложи бўлганда эди, ҳеч тап тортиб ўтирмасдим-у, бироқ барибир ноқулай-да!.. Мен буни ҳамиша гапириб келаман ва ҳозир ҳам такрорламоқчиман: мени, сизнинг ягона Хасайингизни олдинга илгари суриб юборган айнан шу трамвай бўлди: қирмизиранг, шинамгина, илдам, илиқ ва нурга тўла жарангдор трамвай! Аввал билет сотган, сўнгра вагон сурган, курсларда ўқиш, жамоат ишлари ва яна курслар, касаба союзлари, хуллас калом, уруш ва ҳоказолар! Ҳеч ўйлаб ўтирмасдан жонимни беришга тайёр бўлганим, укаларим айтганларидай, оиламиз соҳиби, авлодимиз оксоқоли Хасайни худо ёмон кўздан асрасин!

Бахтиёровларнинг ҳар бирининг туғилган йили, ҳатто ойигача Мамишнинг онаси Тўкезбонгина яхши биларди: бунинг учун у алоҳида дафтар тутган бў-

либ, Мамиш Ашхободдан қайта туриб ола келганди, тўғрироғи, дафтар нимадир бўлиб чамадонига тушиб қолган ҳамда Бокуга келгачгина дафтарнинг борлиги аён бўлганди. Мамиш бундан хурсанд бўлиб, шундан буён дафтарни эсдалик сифатида сақлаб келмокда эди.

Ун олтинчи йилнинг қаҳратон қишида Гулбола киши бек қизи бўлмиш Малакни ўлимдан қутқариб қолади. Қизнинг бу оламда ҳеч яқин одами қолмаган, бутун уруф-аймоғи ҳам кирилиб битган, ягона муюлишдаги уй ҳам нурай бошлаганди. Гулболанинг ота-боболари, бутун Апшерон қишлоғи аҳолиси бир бўлиб бекнинг хизматини қилар, Гулбола шаҳарга келиб, ҳаммолликни касб қилгандан кейин ҳам удум бўйича бек авлодига бош эгиб, қароллик қилишни тарк этмади. Аммо қишлоқ бекдан олдинроқ қашшоқликка маҳкум бўлганди. Гулбола сўнгги йилларда бекни бедаво ўлимдан нарироқ тутиш мақсадида қариянинг илтимосига биноан бирин-кетин авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтаётган ноёб буюмларни, ялтироқ патнисми ёхуд ярим ой, ёнида юлдузи бор гербними (яримта ой шаклига зумрад, юлдузга эса гавҳар кўз қўйилганди), уй-рўзғор анжомларини сотиб битира бошлади. Қасалманд, чўпдай озиб кетган бекни қўлларида худди пайраҳа тутгандай кўтариб докторга олиб борар, Петербургга, оқ подшоҳга бек авлодининг «шоҳ ҳамда ватан олдидаги» хизматлари эслатиб қўйилган мактубларни жўнатарди. Оғабекнинг отаси ҳам, бувиси ҳам подшо армиясининг офицерлари бўлишган, отаси рус-турк урушида қатнашган, буваси эса, Оғабек ўз арзномасида баён этгандай, «Эрон шоҳи» билан бўлган, «Озарбайжонни осийча ёввойиликдан халос қилиш» билан ниҳоясига етган «музаффар» урушда иштирок этганди. Бироқ Оғабекка умидларининг рўёбга чиқиши насиб қилмаган экан, бир ёқда жаҳон уруши бошланиб қолди, бир ёқда бек фалаж бўлиб қолди-ю, ўлим эшигини қоқиб келди. Малакнинг ўзи ҳам қандай қилиб Гулболанинг хотини бўлиб қолганлигини билмай қолди. Тўнғич ўғли Хасайга отасининг исмини қўйди. Сўнг Оға (паспорт бўйича Оғабек) туғилди, бу исм Малакнинг раҳматли отасининг исми эди. Сўнгра шу тарзда кетма-кет болалар дунёга келаверди. Тўкезбон (бу Гулболанинг онасини исми

эди), Хайбат (Гулболанинг яқин дўсти, инглиз кема-сидаги юкларни тушириётган пайти оғир юк остида қолиб жон берган дўсти хотирасига қўйилганди) ва охиргиси Темур эди.

Хасай ҳаммол отаси ва умуман, отасининг авлодини хотирлашни ёқтирмасди. Бирок ҳозир негадир бирдан жўшиб кетди... У қўпроқ онаси ҳақида ҳамда унинг беклик насли хусусида жон-дили билан ҳикоя қилгувчи эди.

«Сен ахир, — овози ҳиппа бўғилиб қичкирарди Хусния эрининг нозик жойини ўймалаб олиш учун сўз қидираркан, — сен ахир қулнинг боласисан-ку! Отанг ҳам қул эди, сенинг томирингда ҳам қулнинг қони оқяпти!.. — Одатий рашк туғени шу тариқа бошланиб кетарди. — Сенда на номус, на ғурур бор! Қанақа хотин кўзини сузса, шунинг кетидан қолмайсан! Асли таги қул эдинг, қуллигинга борасан!» Бугун эса Хасай нима учундир отасини эслаб қолди. Бутун қишлоқ нима учунлигини ўзлари ҳам билмай Оғабекнинг хизматини қилиб келишди. Қадим-азалдан буён ота-боболарининг боболари, Гулболанинг ўзи ҳам қаролик қилиб келди. Тақдирни қарангки, у бек уйи тўсини остида қолиб нобуд бўлди, болохонадаги чириган тўсинларни алмаштириб эпақага келтирмоқчи эди, деярли ҳаммасини алмаштириб бўлувди ҳамки, тўсинлардан бири шундоқ миясига келиб урилдию тил тортмай жон берди.

— Мана, мен ҳозир санайман, сизлар бармоғингларни букиб туринглар, майли, Хайбат ичида мошоллоҳ, деб тураверсин. Биринчи бўлиб қалбимнинг ҳокими Раъно хоним, сўнгра, кўзимнинг нури Оқтой болам, менинг паҳлавон укаларимнинг оилалари, Бахтиёровларнинг қудратли қўшини! Оғанинг уч, Хайбатнинг эса тўрт ўғли!

— Беш нафар! — қўшиб қўйди Хайбат.

— Ҳа, албатта, бешта... Шундай серпушт чиқиб қолдингки, санаб саноғига етолмайсан!.. Сўнгра, мен сизга айтсам, катта ўғлим, ўтиришини бир қаранглар, ана у! Фаҳрим ҳам, дарду азобим ҳам, номусу орим ҳам шу ўғлим!.. Хай. хай, қандай ўғилки! Унга қарасам, кўзим бир қувонса, бир қонга тўлади!.. Менинг Гулболам нимаси билан машҳур ахир! Сизларнинг назарингизда у фақат аъло нав француз коңьяқларининг ишқибози холосми? Еки шотланд

вискисиними? Еки бўлмаса отасининг пуллари ту-
файли танги деб ном чиқарганими? Еки ўз баданида
қадимда буюк рассомлар фахр этган барча ҳунар-
ларни синовдан ўтказгани билан машхурми бўлма-
сам? Унинг ютмагани қилич, қўрққани уқолу ўргат-
магани илон қолган, холос, чунки илонни кўрса эти
жунжикади-да. Бу мукамал инсоннинг тирик тим-
соли-ку, ахир! Шундай отаю қайнота билан милли-
онер бўлиб кетиши ҳам мумкин эди-ку. У-чи, милли-
онер бўлдими? Қани унинг отасини кексайган чоғида
керак бўладиган, хотинининг қора кунига ярайдиган
миллионлари? Қалла бўм-бўш, чўнтагида ҳемири
йўк! У худди Саҳройи Кабир — ҳеч чанқоғини кон-
дириб бўлмайди! Лекин ҳали Хасай тирик! Хасай
эркатой Гулболасининг кўнгли тилаган арзима-
ган лаззатлардан бебаҳра бўлиб қолишига йўл қўй-
майди!..

яна бўлсин!

офарин!

яшавор, Хасай!

Гулбола чурқ этмайди. Мамишнинг ёнида лом-
мим демай ўтирибди. Гўёки отаси унинг тўғрисида
сўзламаётганга ўхшарди. Нима дейиши ҳам мумкин?
Эътироз билдирмайди. Кўзларида ҳасратгами, наф-
ратгами ўхшаш ифода кезади. Гулбола чекаётган
сигаретасини шундоқ ютоқиб тортардики, гўёки юз
йиллардан бери шу сигаретани соғиниб-сарғайиб
кутгану ниҳоят лоақал ўраб чекиш мумкин бўлган
барглари қовжирок бирон туп бута, гиёҳ унмас, яй-
док, жазирама саҳроларда узок сарсон-саргардон
бўлгандан сўнггина титроқ кўлларига тутатқи тек-
кандай эди.

— Раъно хонимнинг қадрли онахонлари, мўъта-
бар Варвара хоним... — Гапнинг нодон Гулболадан
мухтарама Варвара хонимга кўчиши хавfli бўлиб,
Раънонинг дили оғриб қолиши мумкин эди. Аммо
Хасай учун олам иккига бўлинганди: биринчиси,
булар унга қондош-жондош оға-иниларию хешу ақ-
раболари бўлса, ҳеч шубҳасиз, албатта бу қисмга
Раъно хоним ҳам қиради, иккинчисига эса масалан,
Қозимними ёки Варвара хонимними киритиш мум-
кин. Бироқ Қозим ўзига-ўзи хўрак топиб олди-я,
Варвара хонимни эса едириб-ичираётган, ахир у,
Хасай-ку. Варвара хонимнинг исмлари Гулболадан

сўнг тилга олиншининг ҳеч бир гидирли жойи йўқ. — Кимга кўмак, кимга суянчиқлик, яна кимнидир қўллаб юбориш, моддий томондан бу ҳам, ўзингиз биласиз, жудаям муҳимдир. Буёқда ақиқою хатна тўйлари, турли-туман маъракаю маросимлар, Наврўз байрамлари...

Ҳа, бу ерга кўп кишилар тўпланган бўлиб, уларнинг орасида мўйловлилару мўйловсизлар, бошини тақир қилиб устарада кирдиргану оппоқ сочилилар ҳам бор эди. Дастурхоннинг теварак-четини ўғиллар, Бахтиёровларнинг бари ўғиллари қуршаб олганларича амакиларининг гапларига қулоқ тутиб ўтирибдилар; кимнинг ақлу фаросати бутун бўлса тушунар, тушунмаса бир кун тушуниб қолар. Дастурхон атрофида ўтирган ака-укаларнинг киёфалари бир хил, фақат улар орасида Хасайгина қояга ўхшаб виқор билан савлат тўкиб ўтирибди. Ҳайбат билан Оға Хасайга ўхшаш учун тиришиб тақлид қилишлари табиий. Аммо болалар амакиларининг дастурхони тепасида индамай ўтиришлари билан ҳаммалари бир бирларига ўхшаб турсалар-да, аслида уларни бир хил деб бўлмасди.

Хасай уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида тўхтаб, сўзлаши мумкин эди-ю, фақат жиянларининг қачон туғилганлигини билмасди. Бунинг устига йиллар бирининг кетидан бирини суриб шундай ғизиллаб ўт-яптики, кечагина бурнини оқизиб юрган жўжахўроз бугун мўйловини бураб юрибди. Мисол учун Ҳайбатнинг ўғилларини олсак. Оғанинг олдидан ўтолмай, ўшандаёқ ўттизни уриб қўйган Ҳайбатни Хасайнинг ўзи уйлантирди. Ҳайбат қиз танлашга кишлоққа борди. Тағин мулойимгина, икки юзи анордай, дўмбоккина қизни топганини айтмайсизми. Қизнинг исми Қумри¹ бўлиб, Ҳайбат уни Юмру (юмалоқкина) деб атай бошлади.

Ой-куни, дақиқаси етиб тўнғич ўғил туғилди. Бола дўмбоккина, соғлом эди, уни кўриб Хасай беихтиёр «Мошоллоҳ!» — деб юборди. Шундай қилиб боланинг исми Мошоллоҳ бўлиб қолди. Мошоллоҳ гарчанд йигирмаларга чиққан, отасининг ўнг қўли, етти мучали соғ бўлса-да, Ҳайбат уни армиядан олиб қол-

¹ К у м р и озарбайжонча талаффузда Гумру дейилади.

ди; уни ўзи ишлаган районга рўйхатга ўтказди ва ҳарбий комиссариатдаги медицина комиссияси раиси бўлган оғайниси эса, Мошоллоҳга юраги хаста деган қоғоз қилиб берди. «Мен урушиб бўлдим, оёғимни йўқотдим, энди менга кўмакчи ҳам керак», — деди Хасайга Ҳайбат; ҳақиқа кўчганда, Хасай бу ишга қўлини ҳам урмади, укасининг ўзи эплади. Бир йилдан сўнг яна бир ўғил дунёга келди, аммо Қумри болага яхши қарамаганлиги сабабли бола кўп яшамай нобуд бўлди. Уларнинг узоқ қариндошлари, Оғанинг хотини Малоҳат Қумрига: «Бўлмаса ҳар йили туғаверасан», деб унга баъзи бир хийла усулларни ўргатиб қўйди. Орадан маълум вақт ўтиб, овсинлар деярли бир пайтда ўғил кўрдилар. Оға ўғлининг исмини Арслон, Ҳайбатнинг эса узоқ йилларга мўлжаллаб қўйган ўзининг режаси бор экан, боласининг отини Шерарслон қўйди; учинчи ўғилга ҳам ҳали у дунёга келмасданок исм тайёр экан: оти Шерали бўлди. Шерарслон амакиваччаси Арслондан математикага бўлган ўткир зеҳни билан фарқ қилар унинг мактабни аъло баҳолар билан тугатиши аниқ эди. Болани худди Шарқда мунажжимлар камёб бўлгандай, Москвага астрономликка ўқишга юбормоқчи эдилар; Ҳайбат ўтирганларни ҳайратдан ёқа ушлатмоқчи бўлиб мунажжимлик хусусида гапириб қўяди. Худонинг ўзи болани ёмон кўздан асрасин, беш-олти йил аввал улар Шерарслонни саволларга кўмиб ташлаган ҳамда ҳаммадан кўра Хасай кўпроқ боланинг зеҳни ўткирлигидан боши кўкка етганди. «33 карра 33 неча бўлади?» Шу заҳотиёқ бола жавобини айтиб ташлади. «Учта таёқчани учтасига кўпайтирсак-чи? — деб сўради Оға ва жавобдан мамнун бўлиб, жиянидан: «Арслонга ёрдам берсанг-чи», деб илтимос қилди. Яқинда боланинг амакиларидан қай биридир, Хасай бўлса керак, Шерарслоннинг учта таёқчани яна учтасига кўпайтириб ташлаганини эслаб гапирганди, шунда Ҳайбатнинг учинчи ўғли Шерали: «Бунни менам ҳисоблаб ташлайман-да!» — деб қолди. Унинг сўзлари Хасайга тип-тиник, офтоб чарақлаган осмонда тўсатдан чақин чақнагандай таъсир қилди. Хасай Шералининг бу сўзларидан боланинг қанчалик тез ва сезиларсиз ўсиб қолганидан ҳайратга тушди.

Ака-укаларнинг деярли тенг ёшдаги Хасайнинг

Оқтой, Оғанинг Олтой, Ҳайбатнинг эса Шермамад деган одамови, агар бирон нарса қўнглига ўтиришмай қолгундай бўлса, дарров йиғлай ё ғингший бошлайдиган инжиқ ўғиллари бор эди. Билагон Шерарслон Шермамад укасини «орқасида тўрваси бор», деб лақаб қўйиб олган, аммо бу лақабни фақатгина ҳамиша Шерарслонга тақлид қилгувчи Шералигина тушунарди, холос.

Ҳайбатнинг бешинчи ўғли орадан анча вақт ўтиб кетгач, яқинда туғилган бўлиб, авлодини санаркан, Хасай баъзан уни ёддан чиқариб қўярди. Бешинчи ўғлига ҳам Ҳайбатнинг атаб қўйгани бор экан, Қумри учун у Ширинбола бўлса, ўз анъанасига содик Ҳайбат учун гарчанд бунақа исм умуман бўлмаса ҳам Шербола эди.

— Яна ким қолди санамаганим? — деб сўради Хасай кўзлари билан Бахтиёровларни бир-бир назардан ўтказаркан, шунда тоғанинг кўзи унга тушмасданок Мамиш шошилиб дейди:

— Мени!

— Ҳа, назардан кочирибман!.. Аммо... — Хасай бу сафар гапини тугатмади. У Мамишга қараб, ўзи туғилган эски уйини, бу уйдаги никоҳ тамғаси босилган ягона қонуний хотини Ҳусния хонимни, яъни, қисқартириб айтилганда, Ҳ.-х.ни эслаб кетди. — Аттанг, бунни қаранглар-а! Яна кимни эсдан чиқарибман денг! Ҳусния хоним билан унинг гўзал Закатало диёрида яшовчи опа-сингилларию оға-иниларини, унутибману! — Раъно намойишкорона хонадан чиқиб кетди, ўтирганлар бир-бирларига таажжубланиб қараб қўйишди. Раънонинг қаршисида бу исмнинг тилга олинисидан, Раънонинг чиқиб кетишидан эмас, Раъно бу исмни эшитишга қўниқиб қолганди, балки бу исм овоз чиқариб айтилса, ака-ука Бахтиёровлар ҳамиша ўзларини йўқотиб қўйишарди. Оға томоғини қириб қўйди. Ҳайбат оғзи очилганча Раъно чиқиб кетган эшикка бақрайиб қолди, назарида ҳозир эшик очилади-ю, Ҳ.-х. қириб келадигандай эди. О!.. Бу аёл шундай аждарҳоки!.. Бу аёлнинг қўнглига йўл топиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди! Ҳозирча бу фақат Мамишгагина насиб қилиб турибди, холос. Аммо аёл оғиздан ноўрин чиқиб кетган сўзданми ё қандайдир бирон сабаб бўлиб портлаб кетади; таъсирчанлик Ҳусния хонимда «оп-

тималь» ривожланган, деган бўларди уларнинг, пармаловчиларнинг олдига автоматикани синовдан ўтказиш учун келган янги лауреат; Ҳ.-х зийраклиги ва бир қарашдан айтган сўзнинг қай тарзда айтилганлиги, шу вақт суҳбатдош қиёфасида нима ифодаланганлигини бир зумда илғаб олиб, шу захотиёк худди ўта сезувчан аппарат (лауреатнинг шунақа аппарати бўлса қани эди!) каби «ишлов бериб» ташлайди. Оғиз жуфтламасингданок у нима демокчи бўлганингни, қандай мақсадда олдига келганингни шу зумда англайди-да, агар хабарнинг ўзига бирон нафи бўлсагина гапиришга имкон беради, йўкса, шундай лўнда жавоб топиб бошлаб оғзингга урадики, қаерда турганингни билмай қоласан. Масалан, кўшниси: «Хусния хоним, мен Хасайни кўриб қолдим!» — деб қолди дейлик. Шунда Ҳ.-х. бутун вужуди пружина каби таранглашиб, зарбани қайтаришга шайланади: бировнинг кулфатидан суюнишми («Ана, мен кўриб қолдим-ку, ўл-а!»)? шунчаки хабарми (кўриб қолувдим, шуни айтяпман-да)? ихтиёрий равишда изқуварлик вазифасини адо этишми (суриштиравер, сенга барини бир бошдан хикоя қилиб берай!)? иродангни синамоқликми? ҳазиллаш-яптими? ёллаб зимдан юборишганми (хўш, қани, қандай таъсир қиларкин сенга?!)? руҳий таъсир ўтказишми? майна қилишми (сен билан кетмаяптику, жигар-бағринг илвиллаб окмайдим!)? имо-ишорами (уни кўриб қолдим, ким билан кўрганимни сўрасанг, айтсаммикин, айтмасаммикин)?

— Яхшиямки, эшитмайди, — деди Хасай (аммо Мамишнинг бунга ишончи комил эмасди), — бўлмаса шундай тўс-тўполон кўтарардики, сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетарди! — (бу тўғри).—... Нима бўпти? Ҳаққи ҳам, ҳуқуқи ҳам бор, яна унинг тутган мавқеи ҳам шуни тақозо этади. — Гўёки деворнинг ҳам қулоғи бордай, Хасай киши ҳар эҳтимолга қарши гапини юмшатишга тиришди: ким билади дейсиз, балки яқинда ремонт қилинган уйга Ҳ.-х. усталарни деворга овоз узатгич ўрнатишга кўндиргандир ва ҳозир керакли тўлқинни тутиб олиб, пардоз эговча билан тирноқларини пардозлаганча тинглаб ўтиргандир.

— Ҳусния хоним ўзининг юксак мавқеига мос, харажатлари ҳам юксакдир ва бу харажатлар... йўк,

йўқ, мен арз қилаётганим йўқ... унинг харажатлари менинг даромадимнинг деярли ярмини ташкил этади. Агар ишонмасангиз, бориб ўзидан сўранг.

Бўлмаса-чи, оёқни қўлга олиб боришадиям, кириб сўрашадиям!.. Хасай билан Ҳ.-х. орасида тез-тез муюлишдаги уйда бўлиб тургувчи, сўнгра оилавий жанжалга айлангувчи можаролар одатдагидай ёниб ўчар ҳамда бир тарзда кечаверарди. Спектакль. Ҳаракат ўрни — муюлишдаги уй, ҳаракат вақти ҳозирги кунларимиз.

Биринчи кўринишда Ҳ.-х. болохонада туриб олганича бутун диққат-эътиборини жамлаб Хасайнинг пайдо бўлишини кутади.

Хасай остона ҳатлаб, ҳовлига киради.

Ҳ.-х. худди пулемётдан отгандай Хасайга қарғишларни ёғдира кетади.

Жумлалар олдиндан ўйлаб қўйилган, уларга бутун қаҳру алам, нафрат жам этилган. Сабаби аёлдир. Кимдир олдиндан Хасайнинг қулоғига шипшитиб қўйганди. Биринчи навбатда Хасайнинг отаси «гадо ҳаммол Гулбола», сўнг онаси «буржуйка», уларнинг руҳи поклари лаънат билан чапланади; кейин унинг ака-укаларига ўтилади; гаплар русча-озарбайжонча аралаш-қуралаш айтилади.

Хасай лабларини қимтиганча жимгина шошмасдан кела бошлайди, чунки шошмашошарлик киши қадр қимматини, айниқса салобатли кишининг обрўсини бир пул қилади. Хасай гўё лаънату қарғишлар ўзига қаратилмагандай, гарчанд атрофда ҳеч зоғ кўринмаса-да, бошқа бировга айтилаётгандай зиналардан хотиржам кўтарила бошлайди.

Хасай, мана, иккинчи қаватга ҳам яқинлашиб қолди.

Юзи осойишта. Ҳатто ора-сира эснаб ҳам қўяди.

Хасай хонасига етгунча Ҳ.-х. бор кучини сарф қилиб бўлади, томоғи ортиқча юкни кўтаролмай овози пасая боради.

Хасай Ҳ.-х. нинг қўлидан ушлаб олганча судраб уйга олиб киради.

Иккинчи кўринишда эшик ва деразалар зич ёпилган.

Ҳаттоки дераза ойналарию қадимий уйларда бўлгувчи дарча эшиклари ҳам маҳкам тамбалаб қўйилган.

Нимқоронғиликка чўмган хонадан гўё ёнаётган уйдан аланга тили чикиб тургандай қарғиш отилиб чиқади.

Ҳ.-х. баъзан биров бўғаётгандай хириллайди. Қич-кирикнинг ўрнини шарақ-шурук синаётган чинниларнинг овози эгаллайди.

Жанг ўзининг авж пардасига кўтарилади.

Тўсатдан гўёки факат Каспийдагина бўладигани сингари атрофга сукунат чўқади. Шундай сукунатки, баён этишга сўзлар ожизлик қилади. Билмаган одам Хасай Ҳ.-х. ни бўғиб кўйибди ёки бўлмаса Ҳ.-х. Хасайнинг кўксига ханжар санчибди, деб ўйлаши ҳам мумкин. Аслини олганда эса учинчи кўри-ниш ўз-ўзидан ривожлана боради: койишиб бир-бирини итаришганча Хасай билан Ҳусния ичкарига— ётоқхона деб аталмиш хонага кириб боришади.

Кўлларга эрк берилади: Ҳусния унинг жонини оғритиб чимчилаб олади, у эса хотинининг оғзини (гарчанд хотин энди бақирмай кўйган бўлса-да) бекитмоқчи бўлади, эр чимчилаб олмаслиги учун хотинининг кўлларида ушлаб олган ва хотинининг юзига оғритмай шапатилаб ура бошлайди. Ҳ.-х. қоқилиб-суқилиб гуп этиб қаравотга қулайди ҳамда шиппақлар қандилни четлаб ўтиб, шифтга урилади.

Хасай мувозанатини йўқотиб, Ҳ.-х. нинг устига йиқилади.

Қаравот кенггина ва юмшоққина, устига қиммат-баҳо қимхоб чойшаб ёпилган; чойшаб ғижимланади, буришади, шитирлайди, эзғиланади, ўзига Хасайнинг пойабзали артилса-да, чидайди, ҳақоратларга тоқат қилади, аламдан тесқари ўгирилиб олади-ю, баданига Ҳусния хонимнинг қайноқ кўз ёшлари том-гач, титраб кетиб, уларни кечириб юборади.

У ерда, бу ерда учқун бир бўлиб, бирдан ўт олиб кетади — бу гал эса у муҳаббат алангасига айланади.

Ва ниҳоят, сўнгги сахна: эшик ва деразалар ланг очик: Ҳ.-х. тўзғиган сочларини текислайди. Юзлари гул-гул ёнади, кўзлари чарақлайди. Хасай чарчоқ босиб эснайди, болохонадаги курсига чўкканча тенги йўқ суюкли хотини Ҳусния хонимнинг ноқсимон стан-канди ҳорғинликни енгувчи, чанқокни қондирувчи аччиққина чой келтиришини кутади.

Энг катта можаро Раъно сабабли бўлиб ўтди.

Х.-х. тасодифан паспорти йўқлигини сезиб қолди. Ўшанда Хасай тез-тез командировкаларга бориб турарди. Мана, ҳозир ҳам у Москвада, Х.-х. нинг доимо ёзув столидаги тортмасида тургувчи паспорти жойида йўқ эди. Паспорт ғойиб бўлганди. У облигацияларни, тўғрироғи, облигация рақамлари ёзиб қўйилган дафтарни олмоқчи бўлиб тортмани очганди.

Уйни агар пичан ғарамига қиёс қилинса, паспорт унинг олдида нинадай гап. Топиб бўпсан! Бутун уйни ағдар-тўнтар қилиб чиқди-ю, паспортини тополмади.

Хасай Москвадан қўнғироқ қилганди, у паспортини суриштирди.

Хасай гангиб қолди, аммо сўнг ўзини ўнглаб олиб, билмасдан ўзимники билан қўшиб олиб кетибман, деди.

Бу воқеа унут бўлиб кетди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Хасай яна сафарга, бу гал Киевга жўнади.

Шунда худди ўчакишгандай яна Х.-х. га ўша дафтари керак бўлиб қолди-ю, стол тортмасини очиб қаради. «Хўш, қани менинг паспортим?...» Тортмани қараса, яна йўқ! Эридан паспортни сўрамасликка аҳд қилиб, у қайтиб келгач, костюмини титкилади, мана, паспорт эрининг чўнтагида экан!

Х.-х. Хасайга нима учун паспорт керак бўлиб қолганлиги ҳақида роса бош қотирди. Навбатдаги сафари олдидан паспортини яшириб қўйишга қарор қилди.

Хасай нарсаларини чамадонга жойларкан, ковоғи солиқ, паришон эди. Унга аниқ нимадир етишмаётганди. У хонадан хонага кирди, ҳаммаёқни тинтиб ташлади.

— Нимани қидиряпсан? — деб сўради Хусния хоним.

— Ҳа, бир қоғоз керак бўлиб қолувди. Қаёққа қўйганимни билмаяпман. Ҳеч тополмаяпман. Қаёққа даф бўлдийкин?

Шунда Х.-х. бирдан томдан тараша тушгандай:

— Балки сенга яна менинг паспортим керак бўлиб қолгандир? — деб қолди.

Бундай саволни қутмаган Хасай эсанкираб қолди-ю, бирдан тутақиб кетди:

«Ху, илон!»

«Хотин масаласидир балки!» — Шундай ҳодисаларда бўлгани сингари бу сўз Хусниянинг хаёлидан лип этиб ўтди.

Бунга паспортнинг нима даҳли бор? Бирдан миясига келган хаёлдан Хусния эсини йўкотаёзди.

«Ҳа, менинг паспортим шунинг учун керак бўлиб қолган экан-да!»

Сўнг қатъият билан деди:

— Икки кишилик номер?! Менинг паспортим билан... жазманимни ўйнатиб юрибман дегин, ифлос!

У ўқни нишонга текқизганди.

«Қим оғзидан гуллаганийкин?» — Хасайнинг калласига келган биринчи фикр шу бўлди. Ленинградда кимни кўриб қолганди? Шошма, шошма, маҳаллараридаги хотин эмасмиди? Ҳа, бу ўша хотин эди, Хусниянинг эскитдан дугонаси. Худди мишики боладай қўлга тушиб ўтирибди-я. У сафарга Раънони ўзи билан бирга олиб кетган ҳамда мехмонхонадан жой олаётиб бланкаларни тўлдираётган маҳалида ёнида олиб борган Хусниянинг پاسпорти билан «қонуний хотин» учун ҳам номер олганди.

Бу гал найрангининг чуви чикди. Эсизгина-я!.. Аммо вазият қўлдан бой берилган бўлса-да, кўркқан олдин мушт кўтарар қабилда у Хуснияга ҳамла қила кетди.

— Қанака паспорт? Қанака хотин?!

Бирок Хусния ҳам қараб ўтирмай, хужумга ўтди.

— Мен сенинг бари кинғир қилмишларингдан хабарим бор. Менга сенинг ҳақингда ҳамма нарсаларни етказиб турадиган одамларим бор. Бунни қулонингга қуйиб ол! Қилмишларинг ўзингга қиммат тушмасин ҳали, қараб тур.

Қолган воқеалар одатдагидай тартибда давом этди, навбатдаги идиш синдириш саҳнасига бу гал ҳам эҳтирос бўрони билан нуқта қўйилди (буни яна қандай аташ мумкин?); Ҳ.-х., мени кечирасиз-у, ишққа жуда ташна аёл эди. Хасай ҳам, узр-ку, ҳозир бутун кўрини совурганига афсус чекди, маълумки, куч-қувват деган нарса кетиб боряпти.

Яқинда биринчи марта Хасайнинг юраги қаттиқ безовта қилди. Назарида юрагининг юқорисида нимадир қайнаётганга ўхшарди-ю, негадир товонларига оғриқ берарди. Хасай ҳатто кўча ўртасида тўхтаб

қолди, хиёбонга қириб аранг скамейкага чўкди. Кечга яқин Раъно билан учрашганда бояги оғрик яна хуруж қилди. Хасай сир бой бермади, чурк этиб оғиз очмади, қандай қилиб ҳам унинг олдида буни бўйнига олсин? Хуркитиб юборсинми? Аммо ҳозир, Х.-х. билан бўлган шиддатли жанг сахнасидан сўнг, ҳали танимдан ўт ўчган эмас, дея ўзига-ўзи далда бериб юпанди. Хусния хоним шундай аёл, Хасай Ма-мишга тикилиб туриб ана шуларни ўйлаб кетган эди.

—Оллох, ўзинг Хусния хонимнинг чангалига тушгулик қилма! — кўлларини юқорига кўтарди Оға.

—Тўғри гапиряпсан, ака! — Ҳайбат устарада тақир қилиб қирдирилган каттакон бошини ирғаб қўйди. Йўғон бўйнининг қалин териси пича текис бўлиб турди-ю, сўнг яна халта-халта бўлиб йиғилиб қолди. — Бу қилган яхшиликларингни мен ҳам, Оға ҳам у дунёю бу дунё ёддан чиқазмаймиз! (Хасай Ҳайбатга: «Ке, сени бир кўтариб қўяй!» — деб айтган, у эса: «Йўғ-э, ташаккур! Рестораним — хонлигим-ку!» — дея эътироз билдирганди.) Ўзига-ўзи хўжайин. Оғачи, Оға ҳам миннатдор. Худо билади, ҳозир қайларда, — хўрсинди Ҳайбат, — ҳа, қаёқларда суяқлари чириб ётган бўларди! Сен унга иморат ҳам қилиб бердинг, ишнинг ҳам ёғлиқроғига жойлаб қўйдинг, уёғини ўзи олиб кетди. — Бахтиёровлар буни боплашади-да, уларга шароит яратиб берсанг бас, тоғ ҳам қочиб қутулолмас уларнинг дастидан.

Шаҳарнинг бутун озиқ-овқат тармоқлари Оғанинг кўл остида эди. Кабоб шахзодаси, ошқозонлар ҳокими, деганди бир куни унинг тўғрисида амакилари билан тенгма-тенг гаплашадиган авлод оқсоқоли Хасай кишининг тўнғич ўғли Гулбола; Оғага яратилган шароит эса жудаям жўн бўлмай, қандайдир схема тузиб олиб тушунмасанг, тушуниш қийин. Хасайнинг Оғага ёрдам берганлиги аниқ; Оғани саноат институтининг III курсида ўқиб юрган пайти урушга олиб кетишган, Хасай кўмагида юртга қайтгач эса, қараса, институтдаги бир ўртоғи катта бўлиб кетибди, бунинг устига, у Малоҳатнинг узок қариндоши чиқиб қолди. «Балки яна ўқиб қўярсан, — деб маслаҳат қилди ўша одам. — Тиклаволишинга ёрдам бераман». — «Йўқ, энди ўқишим хунук бўлар, буёқда оилани тебратиш керак!» Шундай қилиб,

ўша одам унга ёрдам берди; Оға, виждонан айтганда, таниш-билишликни сунистеъмом қилиб юбормади, кейин эса ўша одамни бошқа республикага ишга олишди, энди орадаги восита ипи эҳтиёти шарт ушлаб турилибди.

— Ҳар бир ресторанда, — гапида давом этди Оғанинг олдида иккиёклама, худо ҳаммага ҳам шундай омадни ато этсин, — қон-қариндошлик ҳамда хизматчилик важдан қўл остида бўлган Ҳайбат, унга аталган махсус хона, яна кўҳлик-кўҳлик ўспиринлар худди шоҳга хизмат қилишаётгандай, энг лазиз таомларни муҳайё қилишади денг!.. У менинг олдимга келмайди, чунки менинг бунақа хушрўй йигитларим йўқ-да! Агар мабодо кечки пайт у киргудай бўлиб қолса (дарёлар, кўллар, шаҳарлар, тоғлар, водийлар, эртак қахрамонлари, гуллар номлари билан аталган «тармоқлар» бирма-бир санаб чиқилади... Мамиш буларнинг шунчалик кўплигини хаёлига ҳам келтирмаган, Ҳайбат эса антиқа янги-янги номларни айтиб ташламоқда эди). «Дўстлик», «Интурист»ларда директор қўл остидаги одамларини бир сафга тизиб кўяди-да, оркестр унинг шарафига ғалаба маршини чалади!

— Ҳали икковингиздан қайси бирингиз бошлик эканингиз маълум эмас-ку! — деди Раъно. Оғанинг ёноғига ёпишган курук териси сал қизаринкиради.

— Нима бўпти? — деди Раънонинг гапи оҳангида Хасай. — Менинг шахсан ўзим Оғанинг ўрнида бўлишни маъқул кўрадим.

Раъно Ҳайбатдан Хасайнинг билмасдан янгилиб Х.-х. нинг ғалабасини эсга олаётган пайти гапни бошқа ёққа буриб юборганидан мамнун эди. Қундошининг исмини эшитиш унга ёқмас ва ҳатто уят эди. ҳам. О, бу одоб-ахлоқ қоидалари!.. Бу қонунлар унча азоб бермайди-ю, барибир одамни жонидан безор қилиб юборади! Қачонгача тоқат қилиш мумкин? Раънога бу одоб қоидалари тўғри келмайди; у оқиқ майдондаги курашда ғалаба қилди-ку, яна нимага ҳам адоват қилсин? У ҳатто бир марта мехмонлар қаршисида қулоқларини беркитди-да, «ўти-наман, гапирманглар!» — деб Х.-х ҳақида гапирган одамга жарима солди. («Қимда-ким Х.-х. ҳақида гапиргудай бўлса, стол устига битта сўлкавой қўй-

син!») Оға аввалига жиннилик қилиб: «Мана мен гапираман-да, яна олдиндан жарима тўлаб қўяман», деб кафтларини стол устига қўйди, бармоқлари орасидан эса яп-янги шалдиروق бир сўмлик кўзга ташланиб турарди; вақт-вақти билан жарима солишнинг кўмаги тегиб, Х.-х. ни эслашни бас қилишувдилар ҳамки, мана яна ҳозир...

Бу ҳол Мамишнинг олдида ҳам, Раъно бўлмаган кезларда ҳам бир неча маротаба такрорланганди. «Болагинам! — деганди Ҳусния хоним бўлик кўксига Гулболанинг бошини босиб. — Нега сочларинг бунча оқариб кетди! Озиб чўп бўп қолибсан-ку, болам!.. Хасай, уни врачга кўрсатиш керак, соб бўлипти-боёкиш ўғлим! Бунақа эмас-да, болам, одам ўзига карамай бўладими». Гулбола қўллари билан стол эса қутини нари суриб қўяди: «Бунчалик кўп чекиб бўлмайди!» — шундай дея ўғлининг сочларини силай-бошлайди. Силайверади, силайверади, сўнг Гулболанинг қошларига аста қўлини тегизади. — Болажоним-эй! — чуқур хўрсиниб қўяди она. — Вақтнинг ўтишини кара-я!..»

онангни ҳимоя қилсанг бўлармиди!

Ахир, у нима ҳам десин? Наҳотки, ҳеч эътироз билдириб бўлмаса? Албатта, Гулбола Ҳайбатга: «Сени едиргани, кийдиргани камлик қилувдими», деб пичинг қилиб қўйса бўларди-ку. Оғага ҳам: «Сени ким қутқарган эди-а?! Фақат Хасай эмасди!..» деб эътироз қилиши ҳам мумкин эди-ку, ахир. Шундай деганда Гулбола ҳақиқатни гапирган бўларди. («Балчиғу лойдан пуфпуфлаб одам айладилар, куёв каби ясатиб, атласу кимхобдан либос кийдирдилар, дедиларки, бор, ўйна, кул, мана сенга ғарчиллама пойабзал, пойабзалки, ялтирашидан кўз қамашур, на бозорда топилур, на дўкону, на чайқовдан олса бўлур, бўйнига шундай бўйинбоғ тақдиларки, воҳ, деб томоша қилса бўлур, вассалом, қайнимдир, жону жахонимдир, деди Ҳусния, унинг бу сўзларини маҳалламиздаги ошиқ¹ достонига солди, ҳа...») Хасай, албатта, саҳийликка саҳийку-я, тўғри, туғишган укасидан ҳеч нимани аямайди, аммо ўзи севиб тақадиган бўйинбоғига келганда эса ўз ўғлига ҳам раво

¹Ошиқ — баҳши маъносида.

кўрмайди... Хусния ундан ҳеч нарсани аямагани. Энди мушфик қайни худди миниб ўргатилмаган асов отдай шатта отади, ғазабга минган туядай оғзидан кўпик сочиб ҳамла қилади! Ахир бир вақтлар, ҳаммаси шундоқ ёдимизда турибди, Оғанинг айнан шу Хусниянинг опасидан яқинроқ, онасидан азизроқ бўлиб қолган одам оёқларига «мен ташаккур билдиргани сўз тополмаяпман», дея бош уриб йиғлагани ўтган асрда юз бермагани-ку, ахир.

Хасай Оғанинг асирликда бўлгани, сўнгра эса олтин конларида ишлагани хусусида онаси Малак хонимга йўлланган мактублардан билиб олди. Мактубни шу олтин конида ҳисобчи бўлиб ишловчи ёшгина аёл жўнатгани. Она оламдан кўз юмган ва мактуб Хусниянинг қўлига келиб тушгани. Оға, она юртдан узоқдаман, деган фикрга ҳеч кўниқолмас, агар ака-укаларим омон бўлишса, мени бу ерлардан чиқариб олиб кетади, деб қаттиқ ишонарди. У кунларни санаб ўтказар, жавоб мактубидан эса дарак йўқ эди. Ойлар кетидан ойлар ўтгани сайин Оғанинг умиди қисқа куз кунлари сингари сўна бошлади, сўнгра узоқ қиш тунлари кириб келгач, бу умид уни бутунлай тарк этди. У ойлар ҳисобини янглиштириб юборди, ўнгию тушлари аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Шунда унинг бу зим-зиё ҳаётини юмалоқ юз, оқбадан аёл нурлантириб юборди. Аёл ношуд Оғага ачинганидан уни парвариш қила бошлади ва сўнгра конга яқин жойдаги уйига кўчириб олиб келди. Аёлнинг мўъжазгина хонаси Оға учун улкан оламга айлангани, ўтмиши, ака-укалари, она юрт висоли ҳақидаги орзулар шу хонага жамланган эди. Аммо Оға бу хонада ҳар қанча ширин хаёлларга берилмасин, хотиннинг Боқуда, Хасай билан Хусния ёки онаси билан бир дастурхон атрофида ўтиришини тасаввур қилолмасди, ахир улар, хотини билан Малак хоним бир-бирларининг тилларини тушунолмайдилар-ку. Буёқда эса Оғанинг мактуби ўз ишини қилаётгани — Хасай укасини қутқариб олишининг деярли амалга ошмайдиган, жуда хавфли планини ишлаб чиқди. Пул, пул бўлгандаям, жудаям катта пул керак эди. Пул бўлса таваккалчиликда Хасайга бас келиб бўлмайди. Агар «тўрткўз хўжайи-

ни» бундан сал хабар топгудай бўлса бир зумда танасидан калласи жудо бўлади-я. Бу гапни Хусния айтди. Хасай бунга жавобан «Оға — жигарим, унинг учун жонимни бер десалар аямайман», дегандан сўнг Хусния: «Менинг ишим йўқ, билганингни қил!— деб кўшиб қўйди. Хасай Тўкезбондан: «Балки у ўша атрофлардадир, бир қизиқиб кўргин!»— деб илтимос қилди. У ерларнинг сатҳи бутун Европа билан барабар бўлса, топиб бўлармиди.

«Козим маъкул кўрмайди буни», деб ўйлади Хасай ва сезгиси уни алдамади. Тўкезбон ўша пайтлар эрининг чизган чизигидан чиқмас, Козим эса унинг бундай чалкаш ишга, яна шундай бир вақтда бош кўшишига ўла қолса рози бўлмасди. «Нима бўлсаям у менинг акам-ку!»— «Мен эсам сенга эрман». Тўкезбон мавриди келганда, таниш-билишлардан сўраб-суриштирди, ахир ҳамюртлар бир-бирлари билан қизиқишлари табиий-ку. Бунинг устига, Оға билан унинг фамилияси бир хил эмас: Козимга бир одам дўстона тарзда, хотининг ҳамюртлари тўғрисида кўпам ташвишланавермасин, деб насиҳат қилиб қолди. «Ким менга бундай деганини биласанми?»— деб кўрқитди хотинини Козим.— Жимгина жойингда ўтиравермайсанми!» «Ет барибир ётлигини қилади-да! — деган қарорга келди Хасай.— Сингилга бир гапириб қўйгани вақт келар! Козим унгамас, у Козимга бўйинини эгди», деб ўйлади гарчанд Тўкезбондан унча хафа бўлмаса ҳам. Ўзи Хасайнинг пешонасига ҳаммани оёққа тургазиш, суянчиқлик қилиш битилган экан, яна бир қават тери ташлашга тўғри келади чоғи. Режа ҳам Хусния хоним кўмаги билан пишиб етилди. Олдинда машаққатли йўл турарди. Боқудан Москвага, сўнг Иркутскка бориш, сўнгра уёғига эса машинада, ҳатто кемада сузишга тўғри келар балки. Хасайнинг бориши мумкин эмас, чунки у кўзга кўринган одам, агар сир фош бўлгундай бўлса, оқибати ёмон кечади, Ҳайбат-чи, ниманиям йўқотарди, бунинг устига, чангалига тушганни қўймаса, тилини бермаса, инвалид бўлса. Ҳайбат манзилгача етиб боролмади, уни ярим йўлдан келган жойига қайтариб юборишди. У янаги йил бошларида иккинчи марта эҳтиёти шарт қўйнига керакли рухсатномани солволганича деярли охириги пунктгача борди-ю, аммо уёғига ўтказишмади. Бироқ у баъзи

бир тафсилотларни билиб қайтди: Оға тирик, адреси ўзгармаган экан. Яна: бошлиқлари жудаям қаттиққўл бўлиб, алоқа ман этилганмиш. Алоқа ўрнатиш учун изланиш бошланди. Энг муҳими, бошлиқнинг оиласи, хотини билан қизи Иркутскда истиқомат қилишаркан. Яна денг, бошлиқнинг акаси ҳам оиласи билан шу Иркутскда яшаркан. Учинчи сафар йўлга Хасайнинг ўзи отланди. «Тасодифан» бошлиқнинг оиласи турадиган қават майдончасидаги хонани ижарага олди ва катта-катта, дона-дона қилқизил анорлар билан сийлаб, олдин улар билан, сўнгра эса «тасодифан» акаси билан танишиб олди. Ака зийрак одам экан, Хасайнинг иниси кулфат остида эканлигини англади. Оға бутун куч-қувватдан, мадордан қолган бўлса, қандай қилиб ёрдам бермасин? Аммо буларнинг бари кейинчалик Хасай акага дил ёргандагина аён бўлди. Хасай бундан олдин уларни августнинг қайноқ кунларию мулойим денгизи, асалдай узумлари бўлган Бокуга таклиф этган ва ака ҳам таклифни қабул қилиб, Хасай иккита йўлланма тўғрилаган махфий санаторияга ташриф буюришганди. Баракалла, ака, Хасайни ҳайратда қолдириб, («Жуда афанди экан-ку акаси!») нафақат йўлланма ҳақини тўлабгина қолмай («Ўзим ҳам пулимни қандай сарф қилишни билмайман; истасанг қарз бериб турай?»— деб турволди Хасайга), хайрлашишлари шарафига зиёфат бердики, ҳақини тўлашга келганда эса жанжал чиқиб кетишига сал қолди. Ресторанга ким таклиф қилган бўлса, ўша одам, яъни бошлиқнинг акаси голиб чиқди. «Бундай қилиш бизнинг удумимизга тўғри келмайди! — аччиғи чиқди Хасайнинг. — Бу ахир ҳақорат-ку!..» — «Ҳақорат бўлса бўлар, лекин сен биз сибирликларни ҳам билиб қўй!» Ҳал қилувчи суҳбат эса Хасайнинг уйида, Ҳусния хоним иштирокида, хоним кўллари билан тузаган хайрлашув дастурхони тепасида ўтди. («Энди буёғи бизнинг одат бўлади!») «Афсус, — кейинчалик қайғурди Хасай, — у билан алоқамизни узиб қўйдик-а!.. Ажойиб одам эди-да! Исми нимаям эди-я? — Йўқ, Хасай унинг на исмини, на фамилиясини эслай оларди. — Григориймиди, Ефиммиди-ей...»

Хасай, шундай қилиб, сентябрь кириши билан яна Иркутскка жўнади. Ака ҳам («Григориймиди,

Ефимиди?») буёқда бошлиқ укасига шундай дейди: «Бу англашилмовчилик. Оға адои тамом бўлган. Бу менинг биринчи ва охири ўтинчим бўлади, илтимос сандан!.. Тушуняпсанми, бу ахир хато!»

Улар яна нималар ҳақида гаплашишганлиги бизга қоронғи. Эҳтимол, бошлиқ, Оға барибир бу ерда турғун бўлиб қолмайди, деб ўйлагандир. Оға бу пайтга қадар касалхонада ётган бўлиб, сўнгра эса уни уйига, юртига жўнатиб юборишди. Бироқ шунга довр Хасай «студебеккер»да Оға яшайдиган посёлкага борган, юрагида ортиқча қувонч туйғусини сезмай, укасининг хотини билан танишган ҳамда чақалоқнинг онасиникига ўшаш мовий кўзларига тикилганди... Хасай Бокуга қайтиб келгач, икки ҳафтадан сўнг (Оға ўз оёқларида уйига қайтсин учун парвариш қилишди!) Оға Боку тупроғига оёқ босаркан, ялт этиб ёруғ нур юзига урилди, бу нурга анча пайтгача кўниқолмай юрди, у кўзларини қисар, кўз ёшлари эса тинимсиз оқаверарди...

Бироқ Оға Хасай билан келишганларидай, фақат ўзи эмас, хотини билан қайтди, аёл бир ойга рухсат олганди; шартномага мувофиқ ишлаб бериш муддати бир йилдан сўнггина тугарди. Оғага буёқда аллақачон ортиқча изоҳ-белгиларсиз, ниҳоят Боку пропискаси билан янги паспорт ҳозирлаб қўйилганди. Ишнинг буёғига эса Хасайга «мен аралашмайман», дегани билан Хусния ёрдам берганди. Оға, жилла курса, шуларни (эҳ, инсон хотираси нақадар қисқа, мен яна ошиқнинг овозини эшитяпман) ва Х.-х. у Бокуга хотини билан келгач, қандай меҳрибончиликлар кўрсатганини ҳамда хотини билан қандай майин муомала қилганини эсласа бўларди. У гарчанд Хасай билан ўзи ёдда сақлашлари керак бўлса ҳам бошлиқнинг, акасининг исmlарини унутиши мумкин-ку, аммо шундай воқеани эздан чиқариш!.. «Эҳ, эҳ!» Бироқ Оғанинг хотини вагон зиналаридан перрон камбар бўлгани туфайли юкам сўкилиб кетмаса эди, дея ташвишланиб аста-аста тушаркан, нималарни хаёлидан кечирганийкин? Ҳеч нима тушунмади-ю, аммо унинг келганидан хурсанд бўлишганини ҳис қилди. Вокзалдаёқ, уларни кутиб олишгани чиққан Оғанинг қариндошлари уни ўпичу гулдарга кўмиб ташлашди. У гарчанд Хасайдан бошқаларни илк маротаба кўриб турган бўлса-да, ҳам-

мани дарров таниди, Ҳайбатни ҳам, Ҳуснияни ҳам (оти намуноча қийин бўлмаса!) таниди, ахир улар ҳақида (Темур тўғрисида ҳам, Тўкезбон, онаси тўғрисида ҳам) Оға уйдан хабар кутаётган кезлар унга узундан-узоқ ҳикоя қилиб берган эди. У Ҳусния хонимни кўрган заҳоти ёқтириб қолди. Ҳусния хоним унга ўзини отди, уни бағрига тортиб, кўзидан ёш тўкди, дарров болани Оғанинг қўлидан бағрига босиб «оҳ» тортиди, айланиб, ўргилди, хулласи, шод бўлди. Оғанинг хотини эса эрининг қариндошлари билан бўлажак учрашувдан кўрқиб, ҳадиксираганларини юз бермаганига хурсанд бўлганини таърифлашга тил ожизлик қиларди. Хасай ҳам, Ҳайбат ҳам, Хасайнинг ўғли ҳам кулиб туришарди... Афсуски, ораларида Темур йўқ эди (унинг ҳалок бўлганлигидан Оға билан яқиндагина хабардор бўлишган, Хасай буни уларнинг олдига борганида айтганди). Тўкезбон, Кўчманчи ҳам уларни кутиб ололмади — яқинда у эри билан қандайдир бир қимматбаҳо маъданни излаб топишга жўнаб кетганди... йўқ, йўқ, бу ердан жудаям олисда, Қозим ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Қайфиятни бузишнинг ҳожати йўқ. Оғанинг онаси ҳам йўқ, оламдан ўтган экан, у негадир бу аёл билан тил топишадигандай, Малак хонимга ёқадигандай эди.

Сўнгра уларни зиёфат дастурхони тузаб қўйилган Хасайнинг уйига бошлаб келишди. Ҳусния хоним келган заҳотлариёқ уйга уни олиб кирди-да, жавонларини шартта очди. Баланд пошнаги туфли ва шойи кўйлагини олиб, унга тақдим қилди, сўнг кийимларини кийиб, тўкин дастурхон тузалган хонага чиққин, деб зўрлади — унинг чамадонида бунақа кўйлагини ҳам, туфлисини ҳам йўқ эди.

Овқат устида нима ҳақда гаплашишганларини тушунмади. Бунинг нима аҳамияти бор, деб ўйлади. Муҳими — у билан ҳаммалари яхши муомалада, айниқса Ҳусниянинг юзидан сира табассум аримас, ҳадеб икки кишилик каравотда усти очилиб, иссиқдан маза қилиб тамшаниб ётган бола тепасига бориб айланиб келаверар, ширин-ширин сўзлар билан эркалаб кетар эди. Улар қаттиқ-қаттиқ сўзлашмоқда эдилар, Оға гоҳ нималарнидир аста ҳикоя қилар, гоҳ суҳбатдошининг гапини оғзида қолдириб ҳаяжонланиб қўлларини силкий бошларди. Х.-х. қизи-

шиб, ҳаяжон билан унга табассум қилиб гапирар, шунда Ҳасайнинг юзи мулойимлашиб коларди.

Ҳайбат бирдан гап орасига сўз қистирган эди, суҳбат қизиб кетди. Ҳ.-х. уни кучоқлаганча уларга нималарнидир тушунтирар, сўнгра унинг юзларидан ўпаркан, меҳмон хонимнинг кўзларида ёш кўриб колди.

У Оғанинг табиатини яхши билиб олган ва хозир ҳам унинг она юртига келганидан шод эканлигини кўрди. Аммо Оғада ҳали унга нота ниш қандайдир янги жиҳатлар пайдо бўлганди. Ҳасай, Ҳайбат унга бир нималар деб мурожаат қилган ёки сўрашган пайт эри уялиб айбдорларча боши қуйи тушди, бироқ Ҳ.-х. унга ёрдамга етиб келди, унинг орқасида туриб олганча кифтларидан кучаркан, меҳмонга Ҳусния хоним Оғани ҳимоя қилаётгандай, хотини ва ўғли билан шу ерда ўтиришганидан хурсанддай туюлди ва шунда ҳаммалари жилмайишиб, бошларини тасдиқ маъносида ирғашиб, у илк маротаба тотиб кўраётган мазали таомни олдига суриб қўйишди.

Дастурхон тепасида эса қуйидагича суҳбат бўлаётган эди (афсуски, Темур ҳам, Тўкезбон ҳам бу ерда йўқ эдилар).

Ҳасай Оғага:

— Бекорга гапимга кирмадинг! — дерди.

— Нега?

— Нега, нега, бир ўзинг кел, дегандим-ку, ахир!

— Қай кўнгил билан ўғлимни ташлаб келаман?

Ҳайбат:

— Ўғилмиш-а! Кимдан туғилган ўғил ўзи?

Ҳ.-х. нинг фиғони чиқади:

— Эсинг жойидами? Ҳаммангизнинг жонингиз шу аёлнинг қўлида-ку! Дарров илжайинглар-чи! (Ҳ.-х. шу пайт меҳмонни ўпиб қўяди. Ҳасайнинг юзи мулойимлашади, Ҳайбат илжаяди. Оға бошини эгади.) Шунда Ҳасай Оғага яна шундай дейди:

— Мен бир нарсани аниқ биламан: у бизнинг орамизда яшаёлмайди! Бу сенга ҳам, бизга ҳам сабоқ бўлсин. Ким экан, қаердан келибди, деган саволлар ёғилади-ю, ҳаммаси фош бўлади-қолади. Ана унда ҳолимга маймунлар йиғлайди!

— Кўркитсак ўзи қочиб кетади! — деди Ҳайбат.

— «Кўркитсакмиш!» — уни масҳара қилади Ҳ.-х.

— У сизларни шундай кўркитсинки, шарманда бўлиб, яширинишга жой тополмай шармисор бўлинглар! Ақлни ишлатиш керак-да. Менга ҳам у бизнинг орамизда қиладиган иши йўқлиги, бегона одамлиги равшан. Аммо бола — Бахтиёров, ўзимизники!

(Ҳ.-х. шундай дея Оғанинг орқасида туриб олганча кифтларидан кучади. Оға ҳам хижолатомуз илжайди — бола ахир ўз пуштикамаридан пайдо бўлган, у ўғлига жудаям ўрганиб қолган, ахир.)

— Болага ҳам, унга ҳам кийин, — деди Оға ва Ҳ.-х. унинг гапини қувватлади:

— Мени-чи, мени ачинмайди деб ўйлайсанми? (айланиб ўтиб меҳмонни бағрига тортади.) — Менинг ҳам унга жуда ичим ачиб турибди, аммо шунни билиб қўйки, у бизнинг орамизда яшаёлмайди, кони азоб бўлади сенга! У бизга мутлақо ёт одам! Кўркма, биз ҳеч қандай ёмонликни раво кўрмаймиз, хафа қилмаймиз. Ҳайвон эмасмиз-ку, ахир! Сенга яна бир қарра айтаманки, у бизсиз ҳам жудаям яхши яшай-веради! Ҳа, ҳа, жудаям яхши бўлади, унинг ўз олами, ўз урф-одатлари, бизнинг эса ўз урф-одатларимиз бор! Ҳа, яна нега башараларинг буришиб кетди? (Ҳ.-х. табассум билан гапираркан, ҳамма командани бажаргандай яна чехралари ёришиб меҳмонга табассум қилишади.)

Сухбат учинчи марта давра айлангач, Хасайнинг «Оға сўнгги сўзини айтсин», деган дахшатли саволига Оға шундай деб жавоб берди. «Сен менга отам ўрнига отамсан, ўл десанг ўлишга тайёрман». Шундан кейин Ҳайбат оғзи қулоғида, ўрнидан туради-да, оксоқланиб бориб, Оғани маҳкам кучоқлайди, Хасай эса шундай таклиф киритади:

— Ҳамонки шундай экан, мен у билан, агар керак бўлса, шу заҳотиёқ гапни кўндалангига қўяман, биз сени кутмаган эдик, дейман. Болани олиб қоламиз-да, мана сенга пул, мана сенга совға-салом, олгинда, қани, иссиғида қаердан келган бўлсанг, ўша ёққа, қиёмат музхонангга туёғингни яхшилиқча шиқиллатиб қол деймиз! — Ҳ.-х.нинг капалаги учиб кетади:

— Ҳаммангиз, айниқса, сен Хасай, биринчи бўлиб эсингларни еб қўйибсизлар! — (Шундай дейиш ҳуқуқи фақат унга берилганди...) — Қани, бир оғзингни очиб кўргин-чи, у шундай сурон кўтарсинки, бу-

тун республика эшитиб оёққа турсин-да, сени оёк остига олиб мажаклаб ташласин! Ана шунда у эмас, балки сен абадий музликка равона бўларсан!..

Гап худди шу ерга келганда Хасай ўзининг Хусния хонимга Оғанинг келажагини ҳал қилишига эрк берган машхур сўзларини айтди:

— Мени бу ишга аралаштирма, билганингни қилавер!

Шундан сўнг Х.-х. эртаси кун эрталаб меҳмонни кучганича унинг Оға ва шундай ёқимтой, худди кўғирчоққа ўхшаш ўғлининг бўлажак ҳаётлари манзарасини чизиб ташлади!.. Х.-х. (Оға бу тўғрида ҳатто оғзини ҳам очмаганди) уларнинг никоҳлари расман қайд қилинмаганлигини билиб олди, аммо сир бой бермай, буларнинг бари курук расмиятчилик эканлигини, у билан Оға эр-хотин эканликларини, мавриди келди дегунча, бир зумдаёқ буни қонунлаштириш мумкинлигини бидирлади.

— Ҳозирча сен уёққа қайтиб борасан, биз сени кузатиб қўямиз, қўлингга пул берамиз, Оға мадорга кирсин, биз уни ишга жойлаштириб қўямиз, сен эсанг уёқда контрактни узишга ҳаракат қиласан. Оғанинг ҳозирча яшайдиган жойи ҳам йўқ. У вақтга бориб, Оға уйли-жойли бўлади, кейин сизлар яна янгитдан ҳаёт бошлайверасизлар. Сен бола билан қийналиб қоласан, шу туфайли ҳам уни шу ерда шахсан менга ва менинг назоратим остида қолдирамиз, бундан кўнглинг мутлақо хотиржам бўлаверсин, жоним! — Шундай дея Х.-х. меҳмонни меҳр билан ўпди, кўзларида ёш айланди.

— Оҳ, қандай азоб чекибсизлар-а!.. Бечора болагина! Мен сенинг ахволингни ҳис қилиб турибман. Ахир ўзим ҳам онаман-ку! Бизга Оға билан ўғлини асраб-авайлаб берганинг учун раҳмат. Оға бизга барини айтиб берди.

Қандай ишонмай бўлади? Иккала аёл кўзёш тўкишди, Хусния хоним хушбўй исли рўмолчаси билан меҳмоннинг кўз ёшларини артиб қўйди.

Сўнгра кузатиб ҳам қўйишди.

Қўлига пул ҳам тутқазишди. Кўпроқ беришмоқчи эдилар-у, аммо Хусния шу ерда ҳам фаҳм-фаросатини ишга солди: «Унча бериб бўлмайди, тушуниб қолади, фақат йўлкирасини бериш керак!.. Қолганини кейин жўнатамиз».

Совға-саломни ҳам устидан тўкиб ташлашди.
Сўнгра хайрлашишди.

Худди қўшиқда куйланганидай, «Сен қарадинг,
мен қарадим, сен қўл силкидинг, мен силкидим, сен
кўз қисдинг — мен қисдим кўз...»

Вақтинча хайрлашишди, албатта.

Орадан бир ой ўтгач, у билан изма-из мактуб
ҳам жўнатилди. Оға Хусниянинг кўмагида шундай
деб хабар қиларди: «Биз Аликимизни асрай олма-
дик!.. — Мактуб охирида шундай деб қўшиб қўйил-
ганди:— Хусния хоним сенинг ҳадеб куявермасли-
гингни, биз ёш эканлигимизни, шундай экан, ҳали
кўп бола туғиб беришингни айтиб қолдилар. Хоним-
нинг айтишларича, ваъдамиз ўз кучини йўқотмайди.
Биз сени баҳор пайти келишингни кутамиз».

Бу пайт қиш эндигина кириб келганди.

Орадан яна кўп вақт ўтмай Хусния хоним айтиб
турди, Оға мактуб қилиб қоғозга битди: «Бизни
бир-биримиз билан бола боғлаб турган эди, аммо
энди у йўқ. Тўғриси айтсам, мен сени севмаган
эдим. Муҳаббатсиз қандай қилиб яшаб бўлади?..»

Мактубни шундай битиб, пул ҳам жўнатди.

«Агар қийналиб қолсанг, хат ёз, ёрдам берамиз.
Хусния хоним сенга салом айтяптилар, сени жудаям
яхши кўрадилар».

Ҳақиқатан ҳам Али-Алик касалманд, озғин бўлиб
ўсаётганди. Аммо Хусния хонимга Оғани: «Биз ўғли-
мизни асрай олмадик», деб ёзишга кўндириш осон
кўчгани йўқ эди. Тирик одам ҳақида худди мурда
устида ҳукм юритган каби гуноҳ қилишга, ўз ўғлини
тириклайин кўмишга қайси ота ҳам рози бўларди?..
Хусния хоним Оғани кўндириш учун озгина найранг
ишлатди: «Биз-чи, керак бўлса ажал фариштасини
ҳам алдаймиз, бола узок умр кўради». Ва Хусния
хоним айтганидай, алдади ҳам: Оға мактубни жўна-
тар-жўнатмас, гўё мўъжиза юз бергандек, бола лаҳ-
за сайин ўса бошлади.

Ўша вақтлардан буён муюлишдаги уйнинг мис
жўмрагидан ҳамisha томчилаб турувчи шоллар¹ суви
беҳаду беҳудуд даражада оқиб кетди.

Сўнги пайтлар Хусния Хасайнинг қариндошлар-
ини кўрганида, гўё жаҳл отига тесқари миниб ол-

Боқудаги булок суви.

гандай осмонга сапчирди, сабаби, ака-укаларнинг Раънони келиноий сифатида тан олиб, у билан борди-келди қилиши эди. Бахтиёровлардан ким бўлмасин, Хусниянинг кўзига кўринишгудай бўлса борми, у шундай найзасини санчиб-санчиб олардики... Хусния ҳар бир одамни ўймалаб оларди-ю, фақат Мамишга тегмасди... Эҳтимол у Мамишни «келгинди», «бегона одам», Кўчманчининг ўғли, ҳали не хунарлар кўрсатиши аён эмас, деб эҳтиёти шарт индамаётгандир. Еки бўлмаса ҳурмат қилар, чунки Мамиш тез-тез бу чаласавод аёлга ҳар хил аризалару илтимосномалар ёзишда кўмаклашиб турарди. Хусния бултур шахсий пенсиясини расмийлаштираётган маҳал (у Хасайдан пича каттарок эди) Мамиш анкеталарни тўлдириб берган, унинг оғзидан чиққан сўзлар билан таржимаи ҳол ёзган ва яна қандайдир қоғозларни кўчириб берган бўлиб, пенсия ҳақида бирон тирик жоннинг, ҳатто тукқангина ўғли Гулболанинг ҳам жабари йўқ эди. Гап ҳамонки Хусниянинг ёши хусусида борар экан, бу сир давлат сиридан ҳам муҳимроқ аҳамиятга эга эди.

Хасай чарчаш нима билмасдан, гап дулдулини тинмай елдирмоқда эди.

— Ҳамма менинг гапимни тасдиқлади: Хайбат ҳам, Оға ҳам, ҳатто мана Мамишимиз ҳам. Ҳолбуки у ҳали Хасай тоғасининг чинакам ёрдамини кўрмаган, аммо иншооллоҳ, кўражак! — Хасай Мамишга тоғаларча кўз қисиб кўйди. Табассум унинг юзини ёриштириб юборди, бу жилмайиш кишида ишонч уйғотарди. Гарчанд, Мамиш худди Гулбола каби бирон оғиз сўз демаган бўлса-да, бутун кеча давомида фақат Хасай гапирётган, укалар эса унинг гапларини маъқуллаб турган бўлсалар-да, Хасай бошқа исмлар қатори Мамишнинг исмини айтилажак сўзларига оғирроқ тош бостириш, салмоғини ошириш мақсадида тилга олгандир: — Аммо мен сизларга қараб туриб, нега менинг Гулбола ўғлим оғзини очмай жим ўтирибди, деб ичимда ўйляяпман. Наҳотки, унинг айтадиган ҳеч қандай гапи бўлмаса? — Шунда Гулбола, ким унинг тилини қичитди ахир? — сўзламоққа мажбур бўлди.

«Мен ўшанда ўзимга-ўзим нима гап гапирмасинлар, чурқ этмайман, деб қатъий сўз берганман». Шундай, у индамай ўтираверди. Ҳаттоки ўз волидаси тўғрисида гап кетганда ҳам лом-мим демади. Қани, бошқа биров унинг қаршисида онаси ҳақида сал қалтисроқ гап қилсин-чи, шундай шарақлатиб кўйворар эдики, бутун шаҳар ларзага келарди. Агар Хасай ўғлининг нима деб жавоб қайтаришини билганида эди, албатта, унинг жиғига тегиб ўтирмаган бўларди. Йўқ, Гулболанинг жим ўтиришига, ўз-ўзига берган ваъдасининг устидан чиқишига кўйишмади. Ким айтди Хасайга гапирсин деб!

— Кўй, укаларинг ялтоқланаверсин,— деди Гулбола.— Сенга ялтоқланишдан ор қиламан!

Мамиш чўчиб Гулболага қаради: Гулболанинг нигоҳи худди ўша олис йиллардагидай тус олганди... «Мен сенинг палид эканлигингни ўзингга исбот қилиб бердим. Энди сенга кўнглим қандай тусаса, ўшандай азоб бераман! Шундайми?»— «Шундай»,— дейишди бошқалар. Гулбола шунда тиг билан қалъалик Салимнинг шойи кўйлагини тила бошлади. Сўнг Салим ўз йўлига равона бўлди. Тилка-тилка қилинган кўйлак эса шамолда ҳилпираб борарди. «... сенинг разил эканлигингни исботлаб бердим-ку!»

— Мана сизга суюкли ўғлимизнинг ташаккури!

Гулболанинг кўполлигини Бахтиёровлар одатдагидай қабул қилишди: у отасининг пуштипаноҳида эркин ўсди, бунинг устига, ҳамма Хасайга бўлган ҳурмат-эътиборини ўғилга ҳам кўчирганди. Ҳаттоки ҳозир кенжа Хасаевич — Октой ҳам амакилари билан иззатталаблик билан гаплашар, аммо бунга Октойнинг Бахтиёровлар оиласида имтиёзли ўрин эгаллаган Хасайнинг севиқли хотинидан туғилганлиги билан боғлиқ инжиқлик ҳам аралашиб кетган эди.

— Дунёнинг ишлари шу-да, ўғлимдан нега ҳам гина қилай. Баъзилар борки, қанча кўп берсанг, шунча кутуради-да, тағин ўзи шунақа бўлиши керак, деб хаёл қилади, ёрдам кўлини чўзсанг кўнгли тўлмагандай сенга захрини ҳам сочади. Аммо уни бир тийинга олмай юзингни ўгириб олсанг-чи, сенга чунонам ялтоқланиб думини лиқиллата бошлайдики, асти кўяверасан. Ширинроқ ботсин деб сўзларини болга булаб гапиришини айтмайсанми. Менга бун-

дай адоват билан боқма, Гулбола, сенга душман эмасман-ку! Мен сенга тегизиб гапираётганим ҳам йўқ.

Раъно хонага кирди. У Хасайнинг сўзларини эшитганди. Наҳотки Гулбола индамасдан тура олса?

— Шундай одамлар ҳам борки, мени атрофимдагилар файласуф деб ўйласинлар деб калласига нима гап келса, қайтармай валдирайверадилар.

қани яна бир таъзирини бериб қўй-чи!

Хасайнинг фиғони кўкка кўтарилганини кўрган Раъно унинг олдига эмас, гапга кўндириш осон бўлгани учун Гулболанинг ёнига келди:

— Ўтинаман, гап талашмагин!

— Гап талашини унга ким қўйибди? Киссалари бўшаб қолса, яна отасига югуриб келар!— лукма ташлади Оға.

— Шундай қилсам, Гулбола отимни бошқа кўярдим.

— Йўғ-э, ростдан-а? Лотереянг ютдими? Е хазина топиб олдингми? Унда мен сенга бир кулинг ўргилсин зиёфат бағишлаганим бўлсин! Ҳаммангиз Али Аббоснинг кабобхонасига марҳамат қилинлар!

Шаҳар чеккасида жойлашган Али Аббоснинг кабобхонасида одам ёғилиб кетганда ҳам эрта тонгдан то шомга қадар тез ва соз овқатланиш мумкин. Оға бу ерда баъзи-баъзида эътиборли меҳмонлар билан ўтиришни яхши кўрса-да, бировга ҳисоб бериб ўтирмасди.

— Бўлди-да, Хасай Гулболаевич, ҳадеб «манман»лаб кўкрагингизга ураверасизми?

Укалар шу заҳоти Хасайнинг ёнига тушиб кетишди: «Шундай отанг борлигидан хурсанд бўлмайсанми», «Епирай, буни қара-я!» Оға шундай деди. Қаранлар, ҳаттоки Мамиш ҳам Гулболага, бас, қўйсанг-чи энди, дегандай қараб қўйди.

сен менга қулоқ солмай, уни бир бошла!

Гулбола ҳайратланиб Мамишга тикилди.

— Сен ҳам-а?— Ва у Мамишдан шартта юзини ўгириб олди.

— Кўрмайсанми ичиб олганини,— пичирлади Раъно Хасайга.— Темур тўғрисида гапирсанг-чи!

— Оҳ, Темур!..— Хасай шундай инграб юбордики, ҳамма жим бўлиб қолди.— Агар бизнинг уруғимизда туғма истеъдодли одам чиққан бўлса, у ҳам

рахматли Темур эди! Қуйиб қўйгандай раҳматли онамизнинг ўзи эди! Худди қайнаб чиққан булокдай соф, беғубор эди! Ишни ҳам худди айтганидай қойилмақом қиларди. Мактабнинг энг аълочи ўқувчиларидан эди!

нега нафасинг ўчиб қолди?! тур, гапир!

Хасай худди Гулболага насихат қилгандай гапирди.

— Озмунча китобни ўқиб чиққан эдими-я!..

Гулбола эса бобосининг бутун кутубхонасидаги бари китобларини ўқиб туширган, бу ерда тўпланганларнинг бирортаси ҳам шунча китоб ўқимаган эди.

— Қирқ биринчи йилда кетгандаям, майли, дарди алами кам эди-я, аммо қирқ учинчи йилда кетиши!.. Қиличимнинг дамида ош пишадиган маҳалда кетди-я! Темурнинг қолиши учун бир оғиз сўзим кифоя қиларди. Бироқ биз Бахтиёровлар ҳаммамиз ўтакетган ўжармиз, шу қайсарлик Темурнинг бошини еди. «Хой, Темур,— дедим мен унга,— кўнгилли бўлиб кетаман, деб келдинг, бўлди-да! Йигитлик бурчимни бажардим, деб ҳисобла-да, четга ўтиб тур, қолган ишни менинг гарданимга юкла. Ўзинг кўриб турибсан,— дедим унга,— Ҳайбат бир оёқдан айрилиб мактабларинг ўрнидаги госпиталда ётибди, ҳали соғ қоладими, қолмайдими — буёғи қоронғи. Оға номнишонсиз кетган, онанг хаста бўлса, сен ҳам кетсанг, бечоранинг юраги эзилиб адоий тамом бўлади-ку ахир». Ҳа, Темурдан қорахат келгандаёқ тўкилиб тушди шўрлик. Гапимга нима деб жавоб қайтарганини биласизларми? «Йўқ,— деди,— менинг сенга пора берадиган пулим йўқ, бекорга хомтама бўлма!» Мен ҳазиллашяптими деб, хахолаб кулиб юборибман. Қарасам, у жиддий айтаётган экан, ҳатто ранги кув ўчиб кетибди.

— Офарин! Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим!

— Шўрлик!..— Оға Гулболага ачиниб қаради, бу сўзни у кимга — Темургами ёки жиянига қарата айтдими, билиб бўлмасди. Сўнгра у бу сўзни Гулболага айтганлиги аён бўлди. — Темурнинг қаёққа жўнагани ҳақида озгина бўлсаям тушунчанг борми ўзи? Жаҳаннамга, ҳақиқий ўлим билан юзма-юз бўлгани кетган эди! Биз бир мўъжиза бўлиб омон қолдик-да!

сенга бари аён-ку, пайғамбар!.. асир туш-динг-да, қутулиб қолдинг! жонингни ҳам асрадинг!

— «Офарин»миш!— мазах қилди у Гулболани.— Порох ҳидлабсанми, гапирасан!

Хасай худди ўғлининг ҳам, укасининг ҳам гапларини эшитмаётганга ўхшарди.

— Мен кула-кула: «Қанака пора ҳақида гапир-япсан?»— десам, у индамайди-ю, фақат кўзларида ҳозир Гулболанинг кўзларидаги каби ўт ёнади. Бирон-бир бахил одам уни менга қарши қайрапти-да. «Нега бундай қияпсан, Темур?— дейман унга.— Онамизга раҳм қилсанг-чи». Бироқ яшириб ўтирмайман, пора опкелишарди, «Босган изларингдан ўпай, кадамларингга жоним қурбон бўлсин!» — деб ёлвориб, лик-лик қопчиқларни очишар, каравот устига кип-қизил шилдироқ ўттизталикларни сочиб ташлашарди. Темур кетиб, нима наф кўрди?

— Сен ҳар бир нарсани фойда билан ўлчайсан.

Нега ҳам Гулбола жангга киришди, Хасай эса гапни чўзаверди, ахир ўз ўғли, бегоналар йўқ, шу билан юпанса юпана қолсин, бунинг устига, тун ярмидан окканда, юрагини сиқиб каттик-куруқ гапирсинми.

— Нима билан ўлчай бўлмаса, чироғим?— Бундай дейишни истамаганди-ю, оғзидан чиқиб кетди.

— Буни сенга Темур айтганди.

— Сен бошимизда турувдингми?— Яна истамади-ю, бироқ бу гал ҳам ўзини тўхтатолмай қолди.

— Фақатгина мен эмас!

— Вой, доно-эй!

— Нега айтишяпсизлар? Бирон нима десангларчи уларга! Оға? Ҳайбат? Мамиш, ҳеч бўлмаса, сен гўхтатсанг-чи?

тўхтатишни хаёлимга ҳам келтирмайман! ўз отасини бир болаб қўйсин!

— Ахир нима билан ўлчай?— тегажоқлик қилди Хасай.

— Ўзинг биласан!

— Тагин менга ўғлинг омадсиз дейишгани ортиқча! Шундай ўғилни бир вагон доноларга алмашмасан! Ўғлим виждон ҳақида фалсафа сўкишини яхши кўраман: ўзи ҳам тарбияланади, бизни ҳам тарбиялайди.

— Балли, балли!— Ҳайбат йўғон бўйнини Гул-
болага ўгириб, гўёки унга гапирмаётгандай деди:—
Бундай жўшқин нутқларни севгувчи кишига отаси-
нинг кооператив уй олиб беришининг кераги йўқ
эди — бу бирми; дабдабали тўй ҳам ота ҳисобидан
қилинди — бу иккими...

*аммо барибир Ҳасайнинг ўзи бирикчи бўлиб
уйланди-ку!*

«Отам каттакон одам билан қариндош бўлишни
истаб, қизини менга фотиҳа қилиб келди. Сўнгра
эса ўша каттакон одамни шов-шув кўтариб курси-
сидан учуриб юборишди-ю, отам бармоғини тишлаб
қолди...» Ҳайбат бир меъёрда — хотиранинг ўткир-
лигини қаранг!— санайди:

—... эски ишлардан қувилганда янги ишларга
жойлаштириш, яна отанинг кўмаги билан, бу учми!—
Ҳайбат мамнун қиёфада гоҳ Ҳасайга, гоҳ Оғага
қарар, уларга эса Ҳайбатсиз ҳам буларнинг бари
беш бармоқдай маълум эди.

— Бас! Бас қилинглар энди!

Нега қизишяпти, ҳатто Гулболага ўхшамайди
қиликлари.

Оға ҳомуза тортди.

— Тўқликка шўхлик, деб шунини айтадилар-да.

— Учта ака-ука нега бир одамга ёпишиб олдинг-
лар? Ахир, Гулбола тўғри айтяпти-ку.

Раънонинг бу сўзлари баҳсни тугатишга бир сиг-
нал каби янгради: «Кўрмаяпсизларми ичиб олгани-
ни, ўз ҳолига қўйинглар-да, энди!»

— Мен бас қилдим, Раъно хоним!

— Мен ҳам қизил¹ ейишга ўтдим!— Оға баланд,
ингичка оёқли вазани олдига тортди.

Раъно Гулболанинг хотини билан борди-келди
қилар, қайнота ҳали кучдан кетмаган, жойидан сил-
жимаган ва шундай бир кун келиб, Ҳусния Мамишни
чақириб қолиши ҳеч кимнинг етти ухлаб тушига
қирмайди:

«Мамиш! Мамиш!»

Мамиш сочиқ билан артинганча Ҳусния хоним
ҳузурига шошилади:

«Нима бўлди?»

Ҳусния эса қўлида газета ушлаб туради.

¹ Қизил меваси.

«Мана!»

«Нима?»

«Ахир бу ерда Гулболанинг қайнотаси ҳақида ёзилган. Хабаринг йўқми?!— олдин «қадрдон биродаримиз» эди, энди «Гулболанинг қайнотаси» бўлиб қолибди!— Ўша жойни топгин!» Хусния ундан сочикни олиб, қўлига газета тутқзади. Мамиш газетага кўз югуртираркан, пичирлаб ўқий бошлади:

«...саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши... нефть... суръатини тезлаштириш... фаол қўллаб-қувватлашлар ёрдамида самарадорликни ошириш...»

«Бу ерда эмас, бу ерда эмас!— Хусния кўзойнагини тақиб олади-да, бармоғи билан газета ўртасини никталаб кўрсатади.— Мана бу ерни кара!»

«...хусусий мулкчилик кўринишлари ҳамда майда буржуазия индивидуализмига қарши курашни кучайтириш...»

«Озгина пастроқда, озгина!»

«... лавозимларни сунистеъмом қилиш тўғрисидаги меҳнаткашларнинг сигналлари...»

«Ҳа, шу, шу!»

Ўзинг ўқиб чиқибсан-ку ахир, нега мени мажбур қилясан!

«... яна шахсан...»

«Бу қайнотаси ҳақида!»

«... кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ишида... назоратнинг йўқлиги...»

«Мен унга айтувдим-а!»

«... масъулиятсизлик оқибатида туғилган тайинсизлик...»

«Шундай, шундай».

«... чора кўрмаслик...»

«Қани кўрсат-чи!— Мамиш кўрсатади ва у синчиклаб қайта ўқийди.— «Чо-ра кўр-мас-лик». Буни кара-я! Яна биз у билан куда-андачилик қилибмиз-а! Тағин мен фотиҳа тўйига қандай сарполар қилибман-а!..— Мамишга кўзойнак ортидан таажжубли кўзлар боқади.— Буни кара-я!»

Аммо бу ҳодиса кейинроқ юз берганди...

Е. Хасайга Раъно, Гулбола ҳақ, деб айтдими, тасом — ахир, унга ким ҳақ, ким ноҳақлиги равшанку! Тўғри-да, ярим кечада кизишиб, гап талашининг нима кераги бор? Ахир, ўз ўғли, ёт эмас-ку, шунча майнавозчилик қилишганлари ҳам етар!

— Сизларга қип-қизил ўттизталиклар тўғрисида бир қизиқ воқеани айтиб бераман. Бир куни зиёфат қиёмига етган маҳал, бу воқеа қирқ учинчи йилда бўлганди, эшикни биров қоқиб қолди. Чиқиб қарасам, жиккаккина бир одам, кўлида ғилофга солинмаган, қадама накшлар билан безалган ялтирок тор ушлаганча турибди. Эсимда, урушгача унинг ижросида куйлар эшитганим бор эди, ўзиям жуда ўткир санъаткор эди-да, бечора яқинда бандаликни бажо келтирди. Базмингизни бир қиздириб берай, деб келувдим, дейди. Мен бирдан оёғим тагидан ёмби топиб олгандай қувониб уни ичкарига таклиф этаман.

— Йўк, мени мум тишлагандай жим ўтқазиб қўйиш кўлингдан келмайди! — Гулбола ирғиб ўрнидан туриб кетди. Бармоғини худди тўппончанинг нилидай Оға билан Хайбатга тўғрилаганча ниқтади: — Мен сенга ҳам, сенга ҳам жавоб беришга тайёрман!

Худди шу пайт — тасодифни қарангки! — шифтда осиёғлик қандилдаги чарақлаб ёниб турган шамсимон чироқлардан бири «чирқ» этиб ўчиб қолди ва ака-укалар бирдан бараварига қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборишди. Ҳаттоки, Мамиш ҳам кулишдан ўзини тўхтатолмай қолди: Гулболанинг бирдан жунбишга келиши билан чироқнинг ўчиб қолиши кулгили чикди-да ўзи, гўёки Гулболанинг ҳайқириғидан кўрқиб чироқ ҳам куйиб қолгандай эди. Фақатгина Раъно куйиб қолган чироққа хавотирланиб қаради — тўғри-да, энди у бундай шам шаклли чироқни қаёқдан топади?

Гулбола эсанкираганча, ҳеч нарсани тушунмай, Мамишга тикилиб қолди, унинг ҳам кулаётганини кўриб, калин киприклари пирпиради, таажжуб ичида ўтирганларга бирма-бир назар ташлаб чикди-да, сўнг бир оғиз сўз демай, бошини эгганича жойига чўкди. У ҳатто қандилдаги ўн иккита чироқдан бири «чирқ» этиб овоз чиқариб куйиб қолганини эшитмаганга, сезмаганга ўхшарди.

Шу пайт бирдан ҳамма жим бўлиб қолди, қаҳ-қаҳа тинди — Гулболанинг кўзларидан оппоқ дастурхонга йирик-йирик ёш томчилари тома бошлади. Кутилмаганда чўккан сукунатда Оқтойнинг янғроқ, нозик овози янгради:

— Акам йиғлаяпти!

Раънонинг кўзлари кўрқувдан олайиб, юзи девордай оқариб кетди. У ўрнидан сапчиб турди-да, хонадан отилиб чиқиб кетди.

Ва Хасай биринчи бўлиб ўзини қўлга олди. У оёғида қалқиб ўрнидан кўзғалди-да, столни айла-ниб ўтиб, Гулболанинг олдига келди, кўлини унинг елкасига ташлади. Раъно ҳам эшитсин учун атайлаб бакириб гапирди, чунки хотини кутилмаганда саросимага тушиб қолган ва Хасай ўзини унинг қарши-сида гуноҳкор ҳисоблаётганди.

— Кимда-ким менинг ўғлимга ола қарайдиган ёки юрагига ниш санчадиган бўлса нимта-нимта килиб ташлайман! У одам менинг туғишган укамми, бошқа бировми, қараб ўтирмайман!..

Хасайнинг кўзлари намланди. «Бизни нима жин урди, а?..— дерди унинг нигоҳи.— Нима, йиртқи-ч-мизми? Ўз ўғлимни-я?..»

— Раъно! Раъно!— чақирди у баланд овозда.

Оға ҳам бу ҳолни кутмаган, лаблари илжайди-ю, кўзларида эса кўрқув акс этади. Шу Гулбола йиғла-са-я! Хасай ҳам рафторидан ҳозирок йиғлаб юборадигандай. Хайбат нима бўлганини англаб етолмас-ди, кулги ҳиқилдоғига келиб кул, деб китиклаб турибди, у эса ё кулишини, ё Гулболани юпатишини билмайди, ахир жиянини хафа килиб қўйишди-ку.

Мамиш эса ҳеч қачон Гулболанинг йиғлаганини кўрган эмас, эслаёлмайди ҳам... Физиллаб кетаётган трамвайдан сакраб йиқилганларида ҳаммаёқлари ачишиб, оғриганда ҳам, шимларининг тиззалари йир-тилиб кетганидан алам қилганида ҳам, йиғлашни истамасаям, Мамишнинг кўзларидан ёшлар тиним-сиз қуйилганида ҳам, Гулбола бир қатра кўз ёш тўкмаган, писанд қилмаган эди-ку. Хасай камар билан Мамишнинг олдида ўғлини калтаклаганда-чи? Гулболанинг лаблари аламноқ қимтинади, қо-чишга-уринади, камар эса унинг қоқ курагига келиб тушади.

оғрияпти! бўлди!

Мамиш шу топда ўпкаси тўлиб хўнграо юборай дейди-ю, Гулбола эса килт этмайди. Кўзларида қат-ра ёш кўринмайди. Худди отаси: «Мана сенга! Ма-на!»—дея уни саваламаётганга ўхшайди.

тўхта! ўлиб қолади!

Шунда Хасайнинг бирдан мясига бир фикр келиб урилди — у ўзини ҳам, Гулболани ҳам, умуман, ҳаммани бу қалтис вазиятдан қутқариш чорасини топган эди.

— Менга осон деб ўйлайсизми? Қандай қилиб йиғламай бўлади? Тушимда озмунча кўзёш тўқдимми? Шундай жигаримдан айрилганман-а! Шундай амакиси учун...

Гулбола отасининг қўлини шартта елкасидан олиб ташлади-да, ирғиб ўрnidан турди. У ўрnidан тураркан, лабларидан қандайдир нидоми ё хириллаганга ўхшаш овозми отилиб чиқди. Хасай гўё тўсатдан урилган тўлқинга дуч келгандай чайкалиб кетди, Мамиш беихтиёр, гарчанд ҳеч кимда уни калтаклаш нияти бўлмаса ҳам бўйнини қисиб қолди. Оға билан Ҳайбат худди Гулбола граната ташлаб кочиб қолгану ҳозир портлаб кетадигандай талмовсираб, безовталана бошлашди. Бир лаҳзалик қўрқувдан Хасай ўзини ўнглаб олгач, Гулболанинг кетидан:

— Тўхта! Қайт орқангга!— деб бакирди.

Эшик тарак этиб ёпилди.

Хасайнинг ҳайқирғига жавобан бу ерда бор-йўқлиги сезилмаган, босик, камгап, юзлари буғдойранг, кўзлари мовий, Оғанинг тўнғич ўғли, ўша машаққатли йилларнинг ёдгори Али-Алик Гулболанинг кетидан югурди, у ё Гулболага етиб уни ортига қайтармоқчи бўлибми, ё бирга кетмоқчи бўлибми уйдан чиқди. Али Мамиш билан Гулболадан ёшроқ бўлиб, «асл» Бахтиёровлардан кўзларининг ранги ва силлик, долчинранг сочлари билан ажралиб турарди.

На Гулбола, на Алик қайтиб келди.

— Ўзингни бўлгандан кейин уришади, ярашади.— Хасай бир неча дақиқа талмовсираб қолгани учун ўзини-ўзи кечиролмас, шунинг учун ҳам олдинги дадиллигини тиклаши қийин бўлди.— Раъно хоним, қаёқдасан? Чойимиз совиб қолди, битта дамлаб юбор.

Укалар ҳам бошларини ирғадилар.

— Гулболанинг калласи хом, айникса, ичиб олса борми, айний бошлайди.

Хасай столга энгашиб укаларига пичирлади:

— Раънонинг кўнгли жуда нозик...— Шундай деб Мамишга қайрилиб қараб қўйди: бу билан у мени кечиру сен буни билмайсан, билишга улгуролмадинг.

деяётгандай эди.— Озгинагина кўнгилсизлик бўлса, ўзини-ўзи еб қўяди.

Мамиш негадир ўзини ғалати ҳис қилмоқда эди: ҳамма кулаётганда бекорга қўшилди. У ҳам кулди-ю, Гулбола, сен ҳам шулар қаторидамисан?!— деб, ўзини йўқотиб қўйди.

Темур ҳақида баъзи бир янги нарсалар; шу жумладан, таржимаи ҳолидаги фахрга сазовор сатрлар ҳақида гап бошланди. Шартта турсанг-да, столга муштинг билан шундай туширсангки, токи зарбидан устидаги шишалар силкиниб ирғиб кетса.

бўлди-да энди!

— *нима демоқчисан? (Хасай)*

— *сени, сенинг қабиҳона гапларингни айтгман!*

— *ушла уни!*

Мамиш исиб кетди. Орқаси терлаб кетибди. Ҳаво етишмаётгандай, чуқур нафас олди.

Жуда дим бўлиб кетди.

«Ҳайбат сал туртиб юборса ҳам, ўзим кўрганман, — хикоя қилиб берарди Тўкезбон, — миянгни қатигни чиқариб юбориши ҳеч гап эмас. Йиртқич!» Тўкезбон шундай дейди-ю, овози титраб кетади. Нега бирдан буларни Қозимга гапирганди? Еки бўлмаса онасининг эсига, «жуда бўлмаса, Ҳайбатдан ўргансанг бўлармиди», деганлари тушиб хижолат бўлганмиди? Бу ҳозир Мамишнинг эсида йўқ.

Ҳаммалари қачонлардир Хасай билан Ҳуснияни-кига йиғилгандилар. Оға ўзи билан олифтанамо, мўйлови ипдай ингичка, баланд бўйли, котма бир ўртоғини бошлаб келганди. У Тўкезбоннинг кўнглини овлаш уёқда турсин — худо сақласин, ахир акаларининг олдида бундай қилиб бўладими!..— шунчаки Тўкезбонга нисбатан бефарқ эмаслигини сездирди, холос. У жувоннинг ликопчасига гоҳ редиска, гоҳ яхна гўштдан солиб қўярди.

Тўкезбон Қозимнинг, жилла курса, беш ойдан буён кўрмаган ўғлини кўриб кетиш учун Боқуга бораман, деб берган ваъдасининг устидан чиқмаганлигидан фиғони чиқиб, қовоқ-тумшуғи осилиб ўтирарди. Ака-укалар сингилларининг бу тарзда ўтиришини меҳмондан кўрдилар.

— Бу тарашани ким олиб келди? — секин сўради Хасай.

Оға агар билганимда опкелармидим, дегандай, бошини айбдорларча куйи солди...

— Биз хозир... унинг ақлини киритиб кўямиз! — Хасай ўрнидан туриб, стол оша меҳмонга чўзилди-да, бармоқлари билан унинг энгаҳидан кўтарди.

— Азизим, қани менга бир қара-чи!

— Бу билан нима демоқчисиз?

— Екмайдим ё мумкин эмасми? — деб сўради Хасай. — А?

— Бу нимаси? Меҳмон билан ҳам...

— Ҳали меҳмон билан дегин-а!.. — Хасай унинг гапини бўлди-да, шартта бурнини икки бармоғи орасига олиб сиқа бошлади. Шундай қаттиқ қисдики, меҳмоннинг кўзлари бир зумда ёшга тўлди, юзи бурни каби қизариб кўкимтир тусга кирди.

— Бундай қилишга қандай журъат этдингиз?

— Ҳайбат, муҳтарам меҳмонни кузатиб кўй.

Шунда Ҳайбат ирғиб туриб, меҳмонни болохонага ҳайдаб чикди. Нимадир гумбурлаб зиналардан пастга юмалаб кетди. Хасай деразадан бошини чиқариб қаради.

— Энди бундан кейин, — унинг кетидан кичкирди, — ўзингни қандай тутишни билиб олсан.

Бу воқеа шундай тез рўй бердики, Тўкезбон ҳатто нима бўлганига тушунолмай қолди.

— Ваҳшийлар! — деди у хонага мамнун киёфада кириб келган Ҳайбатга юзланиб.

Ҳайбат эса унинг гапини худди эшитмаётганга ўхшарди.

— Тузуқкина мижоз илиниб қолди!

— Йиртқишлар!

— Овозни сал секинроқ кўйинг, сингилжон! — кесатди Хасай унга. — Сиз туфайли бўлди-ку ҳаммаси.

Тўкезбоннинг лаблари титрай бошлади.

— Ўзинг шундай қилинглар, дединг-ку, — ажабсинди Ҳайбат.

— Мен-а? Ҳали шундай дегин!.. — Тўкезбон курсини бир четга ирғитиб юборди-да, ухлаб ётган Мамишнинг олдига кириб кетди.

Мамиш эса ўзига — онаси боши узра эгилган беш ойлик чақалоққа назар ташлади. Сўт ҳам аччиқ, у эса жим ётганча фақат онасининг юраги қандай қаттиқ тепаётганлигини эшитар ва волидаси орқасида

Мамишдан хабар олиш учун келган Темур ҳам турарди. Темур Мамишнинг муштчаларини қисиб олганча ўзини-ўзи бурнига уриб олаётганини томоша қилади.

Ўшанда унга бу воқеани ҳикоя қилиб беришганда Мамиш онасининг ёнидан ҳалиги қилмўйловни нари ҳайдашган, паноҳларида ҳеч нарсадан қўрқмаса бўлаверадиган шундай тоғалари борлигидан фахрланган эди. Баракалла, қилмўйловни ҳайдашиб тўғри қилишибди. Меҳмонга келдингми, тек ўтир-да.

Энди эса Мамиш чуқур хўрсинади, қўллари музлаб қолгану чурқ этиб оғзини очмайди.

Раъно кириб келгач, ака-укалар типирчилашиб қолишди.

Янги дамланган чой янги суҳбатни бошлаб берди...

Мамиш бир оздан кейин кетиб қолди.

Ҳайбат Хасайни нима қилиб бўлса ҳам чалғитиш учун сўради:

— Хўш, торчи воқеаси нима бўлувди?

— Қанақа торчини айтяпсан?— таажжубланди Хасай.— Ҳа, уми?— эслади.— Ҳа, жуда қизиқ эди-ю, Гулбола халақит бериб қолди-да.

Хасай асли завқ-шавқи зўр одам эди, аммо канотини қайириб қўйдилар. У шунда кўнглини ёзмок учун:

— Торни олиб чик, яхшиси, чалиб бера қолай,— деди Раънога.

Торчи воқеаси эса мана бундай бўлганди. Хасайникида гаштак қилиб ўтиришганди, бир вақт эшик тақиллаб қолди. Хасай эшикка чиқиб, қаршисида турган одам — донғи кетган санъаткорлар авлодидан бўлган, филармонияда ўзи кўп марта куйларини тинглаган торчи эканлигини дарров таниди.

— Сизларга бир тор чалиб берай деб келувдим. Қарасам, улфатлар бир жойга тўпланибсизлар-у, соз овози эшитилмаяпти.

— Шундай-ку, лекин...— Хасай дастурхон тепасида ортиқча одамлар бўлишини ёқтирмасди. Торчи унинг иккиланишини, менга берадиган ҳақини ўйла-япти, деб хаёл қилди.— Мен сизларга шундоқ ўзим холис хизмат қилмоқчиман. Истаганингизча чалай! Тонготаргача десангиз ҳам чалишга тайёрман!

Торчининг, бунинг устига, машхур торчининг пайдо бўлиши олқишлар билан қарши олинди.

Торчи, одатдагича, олдинга жиддий халк кўшиқларидан, муғомлардан бошлаган эди, аммо Хасай ахир бу ерга кишилар кўнглини ёзиш, хурсандчилик қилиш учун йиғилишган, деб куйни бўлиб кўйди.

Шундай қилиб, Хасай торчини шўх халк лапарлари охангига тушириб юборди, бир кўшиқни ҳатто куйлаб ҳам берди:

— Қалбсиз овчи шикастладими, қайдан, қайдан қайтдинг, турнажон?! Қанотингда алвон-алвон қон, менинг мажруҳ дўстим, турнажон!...

Сўнгра ракс куйларига ўтишди, торчи бир нафас ҳам тин олмас, Хасай ҳам ҳолдан тоймасди.

— Оврूपочасидан ол!

Торчининг европачасидан ҳам хабари бор эди; «Қичик она»дан, «Петер»дан бир оз машқ қилди.

— Йўқ, бунисини чалишни билмаяпсан! Худди шишага пичоқ билан чизгандай бўляпти!

— Йўғ-э, нима деяпсиз!— Эътироз қилишга уринди торчи.

— Биз ҳам музикани оз-моз тушунамиз! Қани, бошқасидан ол-чи!

— Айтинг!

— «Най-най-най-най, на-на-най!...»— куйлай бошлади Хасай.— Мана шунисини!

Унинг ғингиллаганидан куй чиқариш мушкул бўлса ҳам торчи чалиб кўришга тиришди.

— Осонгина куйни ҳам илғаб ололмаяпсан-ку!

— «Най-на-най-най...»— унга бошқаси жўр бўлди-ю, торчи куйни илиб кетди.

— Хўп, яхши, бу кўшиқни ҳам биларкансан, аммо гап орамизда қолсину пича ўхшатолмас экансан!— Торчи унинг ғашига тега бошлаганди; англадики, бу одам ўзига илтимос билан келган, шу боис ҳам энди унинг олдида тобе, шу туфайли ҳам Хасай оғзига нима келса қайтармай гапиравериши мумкин.— Қани, бизга шундоқ бир ҳунар кўрсат-чи, қойил қолайлик! Мен торчиларнинг қандай чалганини кўрганман-ку! Торни, масалан, кўкракка, ё гарданига, ё бошидан тепага кўтариб кўйиб чалишган! Мана бундай қилиб чалиб кўр-чи!

¹Ушбу шеърин мисраларни Қутлибека Раҳимбоева таржима қилган.

Шунда торчи худди Хасай ўйлаганидай, торни гоҳ кўксига қўйиб, гоҳ бўйнига, гоҳ бошидан айлан-тирганча юкори кўтариб чалиб, маҳоратини намойиш кила бошлади.

— Қани энди менда ҳам шундай тор бўлсайди!— деди Хасай.

— Мен сизга топиб бераман.

— Сен топгунингча уруш тамом бўлади.

Шу пайт тўсатдан Хасайнинг миясига шундай фикр урилди: «Урушга сафарбарлик билан боғ-лик!» У торчини ҳам ўрушга чақиришгани эсига тушди.

— Муҳлат беринг, агар топа олмасам, ўзимники-ни совға қиламан.

— Яхшиси, ўзингникини гаровга ташлаб кета қол! — «Худди ўйлаганимдай!» — Хасай ўзининг сез-гирлигидан қувониб кетди. — Торни ташлаб кета-сан-да, ўзинг... ўзинг эсанг олдимга келиб чалишни ўргатасан! Қачондан бери чалишни ўрганаман деб юрардим, ҳеч қўлим тегмасди.

— Ўргатишга ўргатаману, фақат... — торчи кулиб қўйди.

— Армияга чақиришяптими?

— Ҳа!

— Нега энди ватанни ҳимоя этгани бормаслик керак экан?

— Мен-ку, боравераман-а, аммо врачлар рухсат беришмаяпти, касалман.

— Хўш, кейин-чи! — Хасай қовоғини солди, кўз қири билан синаётгандек торчига бошдан-оёқ син-чиклаб қараб чиқди.

— Фақат нега мени ҳар ҳафта чақиртириб, ишдан қолдиришаётганига тушунолмаяман.

— Ким бундай қияпти?

— Муовинингиз. Шунинг учун ҳам олдингизга келиб, сизни безовта қилишга журъат этдим.

— Ҳа, уми? — «Шундай... — Хасайнинг хаёлидан лип этиб ўтди. — Демак, шундоққина биқинимда ту-риб олиб-а!» — Буёғини менга қўйиб бер.

Торчи чуқур тин олди.

— Йўқ, сен аввал торингни ташлаб кет!

Шундай қилиб, торчи Хасайни бир йил ўқитди.

Мана, ўша тор. Хасай торга анчадан буён қўл тегизмагани туфайли узоқ созлашга тўғри келди.

Ўтирганлар эса тоқат билан, халақит бериш мумкин эмаслигини англаганларича кутишарди, майли, Хасай билганича чалаверсин.

— Бошласанг-чи, ахир! — дейди Раъно.

— Ҳали созлаб бўлгани йўқ, — жавоб қилади унга Оға.

— Унда нега кўзини юмиб олди?

— У ўзи учун чаляпти-ю, биз учун созлаяпти, — ҳазиллашишга уринади Ҳайбат.

— Муғамбирни қаранг! — дейди Раъно. — Эшит-япсанми, ҳадеб созлайвермай чалсанг чала қолмайсанми? — ялинади Раъно. — Кўзингни оч, эшитяпсанми?

сенинг қанақа одам эканлигингни билиб, кирдикорларингни уқиб олайлик-да, ахир.

деб кўшиб кўйган бўларди ичида Мамиш агар олдинроқ кетиб қолмаганида.

Хасай эса ҳеч кимга қулоқ тутмай, кўзларини юмиб олганча торни созлайверади, созлайверади. Улар — Раъно, укалари нимага ҳам тушунишарди?

Хасай торни созлаганича умрнинг сувдай тез оқиб ўтиши ҳақида ўй сурарди: «Эҳ, йилларнинг югуришини қара-я!..» — яқинда қазо қилган торчи қарияга унинг раҳми келар, ўша даврлар, ёш ва кучга тўлган йиллари ортга қайтмас йўқлик қаърига ғойиб бўлганига, энди у вақтларни ҳеч қачон қайтариб бўлмаслигига афсус чекарди.

Ялтироқ қадама нақшлар билан безалган зийрак ва итоаткор тор. Шунча йил ўтиб кетибди-ю, тор эса ҳалиям ўша-ўша янги. Торни ҳеч созлаб бўлмади, укалар ҳам сабр-тоқат қилиб ўтиравердилар. Хасай торларни чертганча, бир-бирини қувиб ўтган йилларни хотирлаган кўйи ковоқлари билан кўзларини бекитди.

— Бўлди, — деди Хасай.

Шундагина укалар ўринларидан кўзғалишди.

Ҳаттоки саратоннинг ёндириб юборгудай жазирасида ҳам шаҳарнинг бу юқори қисмида салкин бўлади; микрорайон худди юксакликларда жойлашган яйловни эслатади. Бу ердан пастга пиёда тушишнинг гашти бошқача-да. Шунда сен унинг каттакон

ва тирик жонивордай қандай гумбурлашинию қандай нафас олишини эшитасан. Сен уни нигоҳларинг билан камраб олганингда сахийлик билан оловга қўмилтирилган, дилингда яқин озмунча уйларию ва ҳар бир кўчаси сеники бўлган она шаҳар деб аталмиш улкан мавзедан кетаверасан; сен бу шаҳар дарахтлари, тошлари, кишилари билан деярли бирга катта бўлгансан, бу ерда сенинг ҳамиша остонасига юрагингни ҳовучлаб, азоб билан ҳатлаганинг муюлишдаги уй жойлашган; сен шу ерда туғилгансан, суронга тўлиқ уйни, афсуски, овозлар тарк этган ҳамда сенга ҳеч кимса таниш эмас; ва ҳар сафар сенга жуда-жуда ўхшаб кетадиган қимдир олис болаликдан чиқиб, истиқболингда югуради, у ҳам бўлса сенинг ўзинг ...

Мамиш ҳамон кетиб бормоқда эди. Қаршисидан пастга тикка тушган кўча чиқиб қолғудай бўлса, ўз-ўзидан югургилаб кетарди. Кетаверади, кетаверади, у билан фонарлар ёруғидан сакраб тушаётган сояси ҳамроҳ бўлиб боради.

Соялар, соялар, сендан шунча соялар тушяпти — тўппа-тўғри, тик, қийшиқ, узун-қиска соялар кўчанинг бурчидан, олдию орқасидан кўндалангига кесиб чиқмоқда... Шунча соя! Бироқ биргина соя бошқаларидан қоронғирок, шерикларини ҳар сафар ўзи билан бошлаб юради.

Кетаверади, кетаверади, унинг кетидан сояси эргашиб боради.

Мана, ҳозир ҳам узундан-узун соя олдинга югурмоқда, унга етдим деб ўз бошинга оёқ қўйишинг билан соя орқага ўтиб олади. Кетаверасан, кетаверасан, соя энди деворга, сендан баладга чиқиб олиб болохонага тармашади-да, яна сендан анча ўзиб кетади, яна сен уни кува бошлайсан, агар бир қадам боссанг, ўз бошингни оёғинг билан эзиб ташлайсан...

Мамиш эндигина ҳовлига лип этиб кириб кетмоқчи ҳам эдики, муюлишдан чақириб қолишди. Гулбола экан; у Али билан хайрлашаётганди. Қизик, Мамишга шундай туюлдими, Али унга бир қараб қўйди-да, жўнаб қолди.

— Алига нима бўлди?

— Мен сенга кўп нарсаларни айтиб беришим керак! — Аллақачонлар миҳлаб ташланган катта

дарвоза остидаги мармар зинапояга ўтиришиб, сигарета тутатишди.

— Мен эртага ишга боришим керак.

— Ҳеч вақтим бор, деган маҳалинг бўладими ўзи?

— Хафа бўлма... — Яна янги меҳнат ҳафтаси бошланди, етти куну етти тун денгизда бўлиши керак.

— Бу гапни қисқа қилиб бўлмайди, шундай суҳбатки, шунинг учун ҳам...

Бирдан Мамишнинг бахтига, олди ёпик айвоннинг деразалари тарақлаб очилиб қолди:

— Гулбола? Сенмисан? Ёнингдаги кимди? Мамиш? Бемаҳалда нима қилиб юрибсизлар?

Гулбола баъзан онасиникига келиб тунаб қолар, бундан хотини ҳам хабардор бўлиб, унинг бу ода-тига кўниккандай эди.

Энди суҳбатлашиш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмасди; иккови ҳам ўринларидан турдилар-да, даҳлиздан ўтишиб ўз хоналарига йўналдилар.

Мамиш энди ўрнига ётмоқчи бўлиб турувди ҳамки, шундай фарёд кўтарилдики, Мамиш чўчиб тушди. Хусния хонимнинг овози тун сукунатини зир титратиб, маҳалладаги бошқа уйларга ўтиб кетди.

Хусния хоним Хасайнинг (бири — «қашқир», иккинчиси — «сиртлон») укаларидан ўч олишга, уларнинг «қинғир қилмишларини» фош этишга онт ичарди; Раъно ҳали унинг оёқлари остига йиқилади, шунда у Раънони, бу... (қалам бу сўзнинг вазни оғирлигидан салмоғини йўқотиб, синиб кетади) яхшилаб топтаб хумордан чиқади. Охирида эса Гулболага ёпишиб, уни ҳайдаб юборади. («Бировнинг уйида санғишга бало борми».) Эшик ёпилди, уй титраб кетди, дўпир-дўпир қадам товушлари эшитила бошлади. Яхшиямки, Гулбола Мамишнинг хонаси олдида ушланиб қолмади, йўқса, ана унда кўрардингиз машмашани. Гулбола буни билганидан, Мамишга ачинганидан кирмай ўтиб кета қолди. Аммо Мамиш кўзларини юмар-юммасданок, дераза бетоқатлик билан чертилди, бошқа иложи қолмаганлигидан Хусния хонимга эшикни очишга тўғри келди. У остонадан ҳатлар-ҳатламас таъна тошлари ёғила кетди.

— Уятмасми? Қанақа одамсан ўзинг? Ишчи йигитсан, коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси бўлсанг, Денгизлида ишласанг!

Хусния хоним негадир кўзойнак тақиб олибди. Мамиш эса бошқа манзарани кўриб, эшитмоқда эди: «Бу ерда нима ёзилганини ўқиб бер!»

Шунда Мамиш газетани ўқиб беради, сўнгра эса Хусния хонимнинг ўзи ўша жойни ҳижжалаб ўқий бошлайди, лаблари нималарнидир пичирлайверади, пичирлайверади, пешонасига ажинлар йиғилади, қошлари ўртасида иккита катта-катта чизик пайдо бўлади. Хотирасининг ўткирлигини-чи! Нимани ўқиган бўлса, онгига дарҳол сингиб бориб қуролга айланади.

— Нима бўлди, Хусния хола?

— Яна сўрайсан-а! Қандай тилинг боряпти! Қимлар билан ош-қатиқ бўляпсан, яхши йигит? Олдин одамга ўхшаб би-ир ўйлаб кўрсанг бўлармиди?
сен ҳақсан!

— Улар ахир ўз тоғаларим-ку, наҳотки билмасангиз?

— Тоғалармиш!.. Улар одамми? Ваҳший ҳайвон, йирткичлар-ку улар!

улардан бири — қонуний эрингиз! Оқтойни ҳам ўғлингиздай қабул қиласиз!

— Буёқда саломни менга бериб, уёқда душманларим билан бир дастурхон атрофида ўтириб, оғизбурун ўпишасан! Сендан ҳеч қачон бундай риёкорликни кутмовдим!

«Оҳо! Гулболадан билиб олибсан-да! Энди ҳеч қаёққа қочиб қутулиб бўлмайди!»

койцанг койийвер! хабардор бўлибсан, жудаям соз-да!

— Наҳотки мендан ҳеч нарса қочиб қутулолмаслигини билмасанг? Оға ҳали қараб турсин! Уни бир қон йиғлатайки!

зўр!

— Алини шундоқ қайрайки, токи отасини ер билан яқсон қилиб ташласин! Онасининг қаердалигини суриштириб, билиб олдим. Тани жони соғ бўлсин Тўкезбоннинг, бу яхшилигини у дунёю бу дунё эздан чиқармайман, ҳиммат қилиб, суриштириб, ёзиб юборибди!

Шу машмашасиз ҳам Мамишнинг уйқуси яхши эмасди, энди бу хабарни эшитиб уйқуси бутунлай қочиб кетди. Онаси ёзибди? Нега Мамишнинг бундан хабари йўқ? Балки Хусния хоним ичидан тўқиб

чиқараётгандир? Ҳозирги вақтда шуюм муаммоми — марказга ёзсанг, кўз очиб юмгунингча топиб беришади. Энди тоғаларига бориб, мана менга сизларнинг туғишган синглингиз ёрдам берди, деб гиж-гижлайди. Хусниянинг ўчоғига тутантириқ берсанг бўлди, ош-нон билан сийлашинг шарт эмас!

— Нега бўлмаса онам буни менга бир оғиз ёзмади?

— Уялмайсанми? Менга ишонмаяпсанми? Тонг отсин, сенга онангнинг ўз қўли билан ёзилган хатини кўрсатаман.

яшаворинг, ойижон! баракалла!

— Ҳайбат ҳам кўрадиганини кўради ҳали менадан! Хасайнинг кулини кўкка совураман! Раъно кўзларини сизлардай йигитларга сузади, бир имо қилсангиз бас, у қари эшак бўлса!.. Агар сизларнинг ўрнингизда бўлганимдами...— Аммо шу ерда шартта гапини тўхтатди, у Мамишнинг нигоҳи кескин ўзгарганини, уёғига қадам босиш хатардан холи бўлмаган чегарага етганини пайқаганди.

У қуюндай кириб, қуюндай чиқиб кетди, оёғи остидан эса учкунлар сачрагандай бўлди.

Энди ухлаб бўпсан. Бир дақиқа кўзингни юмсанг, хаёл уйғотиб юборади, уйқу келмайди.

«... сизлардай йигитларга кўзини сузади...»

наҳотки? у ҳам баъзи аёллар тоифасидан бўлса?

«... бир имо қилсангиз...»

Хасай уйига кириб келади, уйида эса Р ўтирган бўлади. Мамиш Р билан Хасайнинг бирга бўлишини тасаввур қилишга ҳеч кучи етмайди. Хасай билан у... Йўқ, нимадир сира тўғри келмасди. Хусния ҳам уларнинг бирга бўлишини тасаввур қилолмагани туфайли: «... сизлардай йигитларга...» дегандир? Қандай қилиб Раъно билан Р ни бирлаштириш мумкин?

«Оға пахталик кийиб олган, ҳаммаёғидан кўмир ҳиди анқирди». Бу ерда Оғанинг нима дахли бор? Оғанинг ёнида эса бошидан-оёғигача каттакон рангсиз шолрўмолга ўраниб олган ўрта бўйли аёл турибди. Аёл ҳаммага олазарак бўлиб қўрқа-писа қарайди, кучоғига эса ингиллаб турган эмизикли болани босиб олган.

«Қандай келган бўлса, шундай кетди». Оғанинг

тўйи ҳам Маминанинг ёдида. Унга қайлиқни ҳам Хусниянинг ўзи топган, қорақош бир сулувни фотиҳа қилиб келган эди. Энди эса ўғлини ота билан ўгай онага қарши гижгижляпти! «Қандингни ур, Хусния!» Раънодан Али-Аликнинг ўтмишини анча пайтгача яшириб юришди, бу сирдан фақатгина ака-укалару Хусния хонимгина воқиф эди, холос; Раъно уёқда турсин, ҳаттоки ёт одам бўлган Козим билиб қолмаслигидан чўчишиб, Тўкезбонни Алининг онаси ўлганлигига ишонтиришганди. Шундай дақиқалар бўлди-ю, Хасай барибир буни Раънога оғзидан гуллаб кўйди: бу билан у ораларида ҳеч қандай сир йўқлигини, агар Раъно истаса, яъни фош бўлиб қолгудай бўлса, ўзининг боши кетиши мумкин бўлган шундай сирни ҳам очишга тайёрлигини исботлашни хоҳлаб, буни айнан Раъно Октойни туғиб туғруқхонадан қайтиб келганда айтиб кўйди; Раъно Хасайни ҳайратда қолдириб, Алининг онасини қоралай кетди: «Қандай қилиб ўз тукқан фарзандини ташлаб кетиши мумкин?! Биламан, сизлар қаттиқ кўрқитган бўлишингиз мумкин, биргина хонимининг ўзи тарозини босиб кетади!.. Аммо она-я?! Қандай кўнгли борди экан-а?» Раъно, шундай қилиб, бу сирни Аликка айтиб кўйди. У Октойни тукқандан кейин ҳам «қонуний хотин»лигича қолаверган Х.-х.-нинг тарафдори Малоҳат Раънони ҳар кўрганида ўч олиш учун «бола» Хасайнинг қўлига берилган ва айрилишни истамаган «ўйинчоқ»ни кўраётгандай, лабларини калондимоғлик билан буриб кўярди. Раъно Х.-х. ва Малоҳат билан курашда иттифоқчиларга эга бўлишни истаб қолди. Бу воқеа эса Малоҳатни қанотлантириб юборди. Али, худога шукурки, сағир эмас, унинг онаси бор ва Бахтиёровлардан ҳеч ким Малоҳатни узоқ қариндоши орқали Алининг университетга ўқишга киришига қўлини урмади, деб таъна қилишга ҳаққи йўқ, шунингдек, Оғани ҳам тўнғич ўғли учун югуриб-елишига йўл қўймади: текинхўрни ўстиришнинг нима кераги бор, қўлидан келса ўзи кираверсин; Али ўқишга киролмади, сўнгра уни ҳарбий хизматга олишганида Малоҳат гарчанд икки йилгача ёрдамчисиз қийналса-да, тантана қилди. Раъно олдинига: «Ким сенга онангни ўлган деди? Балки бу мишмишдир? Сўнгра эса яна кўнглим сезяпти, у ҳаёт! Ахир, улар жўнатиб юборишган.

холос!»— деган сўзларни айтиб, Алининг юрагига умид куртагини ташлаб қўйди. Алининг юрагида отасига нисбатан нафрат алангаланувди ҳамки, Раъно қўшиб қўйди: «Отангнинг елкасига миниб олишган, айникса хоним кўз очирмаган, шундан кейин кўркмай нима қилсин бечора?» Онасига бўлган нафратини ҳам Раънонинг ўзи юмшатди: «Онанинг шўрликнинг ҳам қўлидан нима келарди, сени ўлди, деб ишонтиришгандан кейин». Шу топда Алининг кўз олдида онаси билан учрашувнинг ёруғ манзараси гавдаланди. Шундан бўлак юрагида ҳеч нима — на отасига нисбатан, на Хусния хонимга нисбатан нафрат қолди, сўнгра эса дилида кимгалиги ноаниқ, аглаб бўлмас алам пайдо бўлди-ю, уям бирпасда тарқаб кетди: онаси ҳаёт, она ўғлининг тирик эканлигини билса, қандай севинаркин! Алик бу гапдан олдинроқ воқиф бўлганида эди, армиядан келган захоти онасини излагани жўнарди, бироқ ҳозир қандай қилиб боради? Нимадир бўлиб, Хусниянинг қулоғига «мясина еб қўйган» Хасайнинг бу сирни оғзидан гуллаб қўйганлиги етиб келди-ю, мясида кутилмаганда ташаббусни қўлга олиш, Алининг қиёфасида янги иттифоқчини кўриш, бадхоҳ ака-укалар кўксига найза санчиш ғояси туғилиб қолди. На Раъно, на Хасай, на Оға, ҳа, ҳа, айнан у — Хусния хоним. Алига ёрдам беради... Шундай қилиб, елиб-югуриш бошланиб кетди: Москва, адреслар бюроси, Тўкезбон (сингил ҳам акаларга қарши қўйилди!). «Сафарга ҳозирлан, Али!..» Аммо Али «ақлли бола бўлиб» — бор сабр-тоқатини жамлаб, йўлга чиқишга шошилмади, ахир, бурни тагида лойиҳа дипломи химояси турибди-я! Хусния хоним эса Алининг ишига қизиқиб, тагига етмоқчи бўлади, бундай қилиш ўзига хуш ёқади, бўлажак қурувчи архитектор лойиҳасининг моҳияти ҳақида гап кетса, «Оҳ, қандай ажойиб!» — дейди чин кўнгилдан ҳайратланиб кўзларида ёш билан, Али эса бунга кўриб руҳланиб кетади ва Хусния хонимга қандай қилиб умумий тасвири, шарқона услубни саклаган ҳолда эски уйлари устига яна уй қуришни ҳикоя қилиб беради; бу уйлари пайдевори ажойиб оқ тошдан терилган, мустаҳкам, яна йкки қаватни ҳам бемалол кўта-раверади!.. — дейди. Хусния хоним Алини жуда ташунгиси келади, унга қойил қолиб, гарчанд сира

акли етмаса-да, чизмаларни текислаб кўяди. «Баракалла, ўзимнинг Алим-эй! — дейди. — Ростини айт, нахотки шуларнинг барини ўзинг ўйлаб чиқарган бўлсанг! Вой, мен ўлай, ростдан ўзинг чиздингми?» Али Хусния хонимнинг ҳамдард бўлишидан боши кўкка етади, бир инсон унга, ҳой, нима қиялпсан сен, деб қизиқиб ҳам кўймаганди, у-чи, у қизиққанда ҳам шундай кувониб, қойил қолиб қизиқяптики! «Бизнинг уйимиз-чи? Кўтара олармикин? Уйимиз ҳам оқ тошдан қурилган-ку. Жимжимадор нақшларидан кўзинг жимирлашиб кетади! Еғочларнинг қандай ўйилганини айтмайсанми...»

«Нима бўпти!... — дейди Али. — Вақти келиб, уйимиз устига ҳам қуриш мумкин-дир-у, фақат...» Шу ерга келганда у гапидан тўхтаб қолади, Хусния хонимни хафа қилгиси келмайди, чунки у бу кўчанинг келажаги ҳақида, муюлишдаги уйнинг келгусида бузилиши ҳақида эшитганди. У ҳозир бу ердан уч гузар наридаги озарбайжон меъморчилигининг асл намуналари бўлган иккита ҳашаматли уй-сарой устидан яна сарой қуришни лойиҳалаяпти; муюлишдаги уй улардан салобатию савлати жиҳатидан ортда қолади. Айнан шу саройлар реконструкция бўйича бўлажак кўчанинг кўрки бўлиб қолиши керак эди; Хусния хонимни эса хафа қилолмайсан, Хусния хонимнинг қулоғига бу лойиҳалар чалинган, аммо сезгиси ҳеч уни алдамаган, олдиндан ҳис қилишича, ким кимни: режаларми ёки уйми — қайси бири ютиб чиқиши номаълум; шаҳар аҳолиси сони шундай тез суръат билан ўсяптики, бундай ўсиш бошқа шаҳарлар тушига ҳам кирмаса керак, шаҳар бундай ўсиш билан мамлакатда биринчи ўринни эгаллашига сал қолганди; уларнинг уйини эса шунчалик танглик қилиб бузишлари ҳам эҳтимолдан узок. «Албатта лойиҳалаштир! — дейди Хусния хоним. — Бу уй сен билан биздан ҳам кўп яшайди, эвара-чевараларимиз ҳам кўради ҳали».

Мамиш кўзларини юмса ҳам қовоқлари ёпишмай пирилларди.

Дунё океанлари ичида Каспий денгизи, Каспийда эса бир орол, оролда эса пармалаш кудуғи, пармалаш кудуғида эса Мамиш бор. Яхшиямки, тунги сме-нада ишлайди.

Теплоход сузаверади, сузаверади. Тонгги илик

шабада иссик ҳарорат билан алмашилиб, ҳаммаёкка нафасини пуркаб юборганидан яширинишга жой тополмай қоласан. На бирон ел, на бирон шабада эсади, ҳаво қизигандан-қизиб кетади. Денгизнинг сатҳи кўзгу каби жимирлаб, кўзни олади, қарасанг, сув жизғинак нурларни этагига солволиб, акслантиради-да, юзингни бераҳмлиқ билан куйдира бошлайди. Қани энди, шунақа иссиқда маза қилиб бизгилдоғу чигирткаларнинг хонишига қулоқ тутганинча соя-салқинда уйқуга кетсанг...

Мамиш пича мизғиб олди, баъзан шу мизғиб олиш ҳам тетикланиб олишига кифоя қиларди. Тунда, кечқурун саккиздан то эрталаб еттигача ишлаши зўр бўлди-да. Ҳар ҳолда тунда ишласанг салкинрок бўлади. Кундузи ишлаганларга қийин-да: худди қайнаб турган қозонни очганда буғи «гуп» этиб юзингга ургандай, денгиз ҳам қуёш нурларини бутунлай ўзидан қайтариб ташлайди. Мамиш бир куни: «Ортик чидаёлмайман!» деб бакириб юборган, сўнг қочиб кетганди. У ўшанда югура-югура ахири эстакададан сувга сакраганди. Бригададагилар унга қандай чора кўришни билмай, роса бошларини қотиришганди. Жазолаш керакмикан? Ишдан бўшатишса-чи? Ёки мукофотни қиркиб ташлашсамикан? Мамиш сувга шўнғиб хумордан чиқолмади-ю, мукофотдан маҳрум қилишиб, ҳайфсан беришгандан сўнггина ўзига келди.

Мотор гувиллайди, краннинг оғир занжирлари шалдирайди, қувурлар ғижирлайди, шовкин қулоқни қоматга келтиради. Уйқуга ётганингда ҳам анча пайтгача қулоғинг остида шовкин-сурон ва уста билан ҳавозадаги ишчининг кичкириғи жаранглаб туради. Сўнг Расимнинг катта-катта таажжубли кўзлари ҳам сенга гоҳ қумтепадан, гоҳ шу ердан, гоҳ денгиздан бокиб туради.

Ухлайверсанг, фақат ухласанг... Мамиш ишини адаши Мамадга толширди, адаши эса каравотини унга берди. Мамиш ўз адашининг тушларини кўрар, у эса Мамишнинг тушларини кўрарди. Буни Мамишнинг ўзи ўйлаб чиқарган, холбуки, тошдек ухлаб ётсанг, қаёқдан ҳам туш кўрардинг. Унинг адашига Мамад Иккинчи деб ном қўйиб олдилар, гарчанд ундан аввал ҳам Муҳаммадлару сон-саноксиз Мамишлар ўтган бўлса-да, Мамиш Мамад Биринчи бўлиб қолди.

Қани энди ухлайверсанг...

Каравотингга зўрға етасану тошдек қотасан, шундай ухлайсанки, куннинг димлигини, чойшабнинг чўғдайлигини, баданингга чилп-чилп ёпишаётганини ҳам сезмайсан.

Сўнгра эса денгиз ёмғири остида қоласан.

Ўзингни онангдан худди ҳозиргина туғилгандек, гўё кудук сувидай мусаффо ҳис қилавер. Янада чуқурроқ, янаям чуқурроқ пармалаш керак. Қатламгача етказиш учун сал ётиқроқ, бир томондан қийшайтириб пармалаш керак, буни Қоя ўйлаб топган. Тўғри пармалаб қатламгача етказиб бўлмайди, чунки қатлам жуда чуқурликда жойлашган, янгича пармалаш усулларини эса ҳали ишлаб чиқишганича йўқ.

Оз қолди.

Нефтнинг отилишига яна бир неча кун қолди, сен эсанг ҳозирча вақтидан олдин сув тубидан қуюқ оқим отилиб чиқиб кетмаслиги учун қоришмани қавлаб туравер. Сўнгра бу суюқлик қувурлардан денгиздаги улкан кумушсимон ҳамбаларга оқади, ундан кейин танкерлар ичига қуйилади-да, сўнг яна қувурлардан заводларга йўл олади... Денгиз худди атроф сув билан ўралмагандай, чуқур жар каби қоп-қора бўлиб турибди. Гумбур-гумбур товушлардан эстакада оёқлар остида титрайди. Қувурлар узайтирилади ва қиялатиб пармалаш учун бураб киргизилади, гўё Мамиш ротор билан ерни айлантираётгандай бўлади.

Мамиш ухлаб қолди.

Хаттоки, Хасай Гулболаевич ҳам ухлаяптилар. У нима учун Темур ёшига тўлмасдан бурун кўнгилли бўлиб урушга кетганини, ҳеч қандай курсларга эмас, айнан тўппа-тўғри фронтга кетишга нима учун қатъий бел боғлаганини эслашни ҳам хоҳламайди, буларни унутган, шунинг учун ҳам хотиржам ухлаб ётибди.

Ҳамма гап Темурнинг эгизакларни танишидан келиб чиққан эди. Эгизаклар бири бир соат олдин туғилган бўлиб, оти Илдрим, иккинчисиники эса Идрис эди. Идрис мактабда тўрт йил ўқиб, сўнгра эса акли заиф, «ақлан заифлиги зўраяди», деб мактаб-

дан озод этилади ва тез орада жисмоний соғлом болани муюлишдаги уй қаршисида иш қилиб ўтирадиган кекса этикдўзга дастёрликка беришади.

— Амаки, мени айлантриб келинг!— деб сўрайди бир куни найнов Идрис новвойхонадан илгариги бозор майдони, бурунги Фузулий кўчасининг муюлишида, ҳозир кенг проспекти ўтқазилган эски трамвай бекати ёнида жойлашган дўконга нон ташувчи олди ёпик юк машинасининг шофёрига. Нега машинасида айлантриб келмасин? Ўтир! Идрис аста-секин шофёрга новвойхонадан машинага нон олишиб, шаҳар атрофидаги дўконларга тарқатиша бошлайди.

Далли лақабли Идрис, гарчанд, ҳеч қандай пулмул ёки бирон моддий ёрдам олмаса-да, фақат машинада айланиб юриш учунгина ишчи бўлиб қолади — фақат бир йилдан кейингина, унга паспорт берилгандан сўнггина уни ёрдамчи ишчи қилиб расмийлаштириб қўйишади.

— Далли, сен нима қилдинг?— деб сўрашарди маҳалладаги болалар ундан. Идрис, шунда, кўринишдан гавдали, болаларча соддалик билан севинчини бақриб баён этар, болаларнинг эрмагига жавобан овози гулдурарди:

— Эртага яна маза қиламан!

Бир танишимизнинг ўзи шоҳид бўлишича, зангаламас пўлатдан ясалган қиличи аломат мўъжизалар кўрсатган ўша йили эгизаклар ҳарбий комиссариатдан повестка олишади. Илдрим, шак-шубҳасиз, ватанни ҳимоя қилишга ярарди-ю, Идрис эса... Бирок гап бу вақтда келиб нариги маҳаллалик аёлнинг муюлишдаги уйга икки марта жиянини олиб қолиш учун Ҳусниядан Ҳасай билан гаплашиб беришга розилик олмасданоқ ёлвориб Ҳусниядан бармоғига каттагина гавҳар кўзли узук тақиб қўйганида ва Ҳусния хонимнинг қўли ярқираб кетганида эди. Узук бармоққа пича кичикрок эди, шунинг учун ҳам дўмбоққина бармоқ шу захотиёқ узукни маҳкам қисиб қолди.

«Агар шу бай пули бўлмаганда эди...» деб ўйлади Ҳусния. Узукни қайтиб бермай деса — ўзининг ҳам узуклари бор эди (бу туйғу бирдан ёнди-ю ва ох, афсуслар бўлсинки, шу он сўнди...), танишини рози қилай деса (бу хоҳиш ҳам шундай тез пайдо бўлиб, тез ғойиб бўлди...), ким билади, ўзининг келажаги

ҳали қандай бўларкин? Аммо узукни ечмок — бармоқдан айрилмок деган гап!

Ердам бериш деган гап ҳазил бўптими? Куткариш!.. Ахир сони кўрсатилади-ку хужжатда!

Шунда Хасай ўйларга чўмиб ўтирган маҳал лоп этиб кўзига Идрис қиёфаси кўриниб кетади.

Хасайнинг кўнгли бирдан ёришади.

— Йўқ, укамни юбориб бўлмайди, ахир у касалку! — ажабланади Илдрим.

— Ҳа, бизни, нима қилаётганимизни яхши биламиз, — жавоб қайтарди Хасай. — Сенсиз ўзлари ҳал қилиб олишади.

— Менам урушга бораман! — ирғишлади Идрис.

— Ҳа, унинг кўриб турибсан-ку, — деди Хасай Илдримга. — Сенсиз туролмайдими, сен қаёққа борсанг уям ўша ёққа боради.

Илдрим Хасайни ё ҳазиллашяпти, ёки Идрисга ачиниб мендан айиргиси келмаяпти, деб ўйлади.

— Мени фронтга опкетишяпти! — дерди Идрис маҳалладаги қўшнилари, улар эса ким кимни майна қиляпти, дегандай ҳайрон бўлишиб елка қисишарди. Хасай биринчи шаҳар чакирув пунктидаёқ Идрисни орқага қайтариб юборишларини билар, аммо бунгача у вақтдан ютар эди, районнинг плани ҳам бажарилар, сўнгра кимнинг қопчиғида ўттизталиқлар таҳланган бўлса, ўшаларнинг муҳлатини чўзиш мумкин бўлиб қоларди.

Идрис район пунктдан шаҳаргача икки чакирим йўл босар-босмас уни демобилизация қилиб юборишди; у Илдримга ёпишганича ҳўнграб йиғлади, одамлар Идрисни акасида аранг ажратиб олдилар, албатта, шундан кейин бу одамлар ҳам Илдримга ўхшаб «районда Идрисга ачинишган экан-да», деган фикрга боришди.

— Ҳўш, қалай урушиб бўлдингми? — деб сўради Идрисдан этикдўз чол бошини чайқар экан. — Буни кара-я!.. — Этикдўз чол Идрисга шундай деганида ёнида Темур бўлган ва қария гапираётганида нафрат билан унга қараб қўйганди.

Темур бундан кейин ҳам этикдўзнинг кимгадир шундай деяётганини эшитиб қолади:

— Кўрдингми, бу доно Хасайнинг қилаётган ишини? Жиннини урушга юборади-ю, ўзиникини эса бўлган-бўлмаган гаплар билан асраб қолади! (Хол-

буки Темурнинг урушга кетиш учун ҳали ёши тўлганича йўк эди.)

— Менга қара, — кўнғирок қилиб қолишди Хасайга, — сен бизнинг олдимишга кимни юбораётганингни биласанми?

— Унинг ўзи кетаман деб учиб турибди-ку!.. — Хасай вазиятдан сездирмай сирғалиб чиқиб, яна эътибор бермабман дейман, деб қўйди ичида. Бу гал Идрисни бир ҳафтадан кейингина қўйворишди, у Баложар станциясидаги чақирув пунктигача, анча йўл босиб қўйди; Хасай қаттиқ огоҳлантирилди-ю, шу билан Идриснинг «фронтга жўнаш мартабаси»га путур етди. Бироқ икки кишилик каравотга икки марта кип-қизил ўттизталиқлар сочиб ташланди ва айниқса Хусния хонимга гавҳар кўзли қадимий балдок ёқиб тушди.

«Қараб туринглар, яна мени чақириб қолишди!..» — деб мақтанарди Идрис.

Болалар хахолаб кулишар, этикдўз чол эса уларга: «Ўчир овозларингни!» — деб кичкирарди. Идрис одатдагидай яна бир неча маротаба кўчада: «Мен урушга кетяпман!» — деб югуриб юрди-ю, сўнг буни эсдан чиқариб юборди ва алланималар ҳақида чуқур ўйга толганча этикдўзнинг рўпарасидаги пастаккина курсида қариянинг болғача тўқиллатишини томоша қилиб ўтира бошлади.

Айтмоқчи, Далли Идрис ҳозир ҳам ҳаёт, у бу ердан кўчиб кетган ва бутун оиласи учун Опера театри оркасидан уй олган акаси Илдримникида яшайди. Идрис — марказий новвойхонада юк ташувчи бўлиб ишлайди, унинг иккита — немис ва япон урушларидан тирноқча ҳам жароҳатланмай, омон қайтиб келган Илдрим билан эгизак эканлигига ишонгинг ҳам келмайди; Илдримнинг бошида бирон тола қора сочи кидириб ҳам топиб бўлмайди, Идриснинг эса сочлари қоп-қора, кўзларида эса ҳали ёшлик олови пориллаб туради.

Идрис, бандаликни бажо келтирган, иш тикадиган уйчасини ҳам олиб ташлашган этикдўз чолни эслай олмайди, Темур эса умуман унинг ёдида йўк.

Хусния хоним ҳар доимгидай қўлларини белига қўйганча Мамишни кутиб турарди: «Гулбола сени

жуда кўп кутиб ўтирди. Келиши билан олдимга борсин, деб ўтиниб сўради».

Мамиш ҳали остона ҳатлаб уйга кирганича йўқ эди. У итдай чарчаганди. Теплоходда уйга келаётиб, ўзича уйга бораману ўзимни тўшакка ташлайман, деб хаёл қилганди. Денгизлида одатдагидан бир кун ортиқ қолиб кетишга мажбур бўлди.

Лоакал чой ҳам ичолмади.

Шундай қилиб, Мамиш жўнади.

Кўчадан юқори томонга йўл олди.

Гулболанинг ҳузурига равона бўлди.

Шундай ҳориган эдики, оёқ босишга ҳам ҳоли йўқ, аммо Гулбола илтимос қилган, ахир ўшанда гаплаша олмаган эдилар, энди эса Ҳусния хоним ўғли билан ярашиб олибди, Мамишдан эса аччиқланмаяпти, шундан кейин қандай қилиб бормаи бўлади?

Қандай аҳмоқона — тиккасига чиққан кўча экан, аммо, мана, Гулболанинг уйи олдидан чиқиб қолди-ку, мана, унинг квартираси, эшикни Гулболанинг ўзи очди, эшик Мамиш учун очилиб кетди.

Учинчи фасл — бу фасл гурунглар, янги танишувлар фасли бўлиб қолади, хона тутундан димикқанлиги, кулдонга сигарета қолдиқлари уйилиб кетганлиги хусусида ҳикоят қилинади.

Шу манзара хотирага кириб олиб, ҳеч қачон тарк этмайди: оғзи эндигина очилган арок шишаси, пишлок, кўк пиёз, худди олмадай оппоқ турп, пишган тухум. Сўнгра, бемаъни: «Хотининг қани?»— деган савол ёдинга келади.

— Отасиникига жўнатдим, пенсионер отасининг бир кўнглини кўтариб келсин. — Гулбола кайнотаси ҳақида гапираркан, Мамишга кўзойнак ортидан Ҳусния хонимнинг таажжубдан катта очилган кўзлари бокади: «Буни қара-я!» Сўнгра Ҳусния ҳижжалаб ўқий бошлайди: «Чо-ра кўр-мас-лик».

— Уришиб қолдингларми?

— Буёққа ўт, ўтир. Сени нима билан меҳмон қилсамикин? Фақат чой сўрамасанг бас, дамлашга эринади одам.

Қадаҳга арок тўлдириб Мамишга узатди.

— Ўзинг-чи?

— Мен ичмайман.

Янгилик-ку ахир, Мамиш ичяпти-ю, Гулбола эса караб турибди.

— Эшитдингми?

— Нимани?

— Алининг кетаётганини.

— Қайси Алини айтяпсан?

— Алик-чи, Оғанинг ўғли.

— Ҳа, Аликми? — деди чўзиб Мамиш. — Кетди? Қаерга?

— Э, канақа одамсан! Ол, ич яна. Қадахингни узат буёкка.

Демак, Али онасини ахтариш учун жўнабди-да!.. Топганда нима ҳам қиларди? Орадан йигирма йилдан кўп вақт ўтиб кетибди-ю!

— Бунинг нима фойдаси бор, деб ўйляяпсанми? Йўқ, унинг бу сафари тагида чуқур маъно ётибди. Мўмин-қобил отасининг кимлигини бир билиб кўйсин!

— Менга тоға, сенга амаки бўлади у.

— Тушунтириб берганинг учун раҳмат. Мен тоғаларингни, шу жумладан, Оғани ҳам қандай яхши кўришингни биламан. Кўнглингга унинг тулки башараси жуда ўтиришади-да.

— Бу қадахни сен учун кўтараман.

— Алини Бодайбо самолётига ўтказиб юбордик.

— Мени шунинг учун чакиртирганмидинг?

— Етмайдимми?

— Йўқ, тўғри ишдан келяпман бу ерга. Бу ҳафта оғир бўлди.

Осойишта суҳбатга ўтилди.

— Нега кеч қолдинг?

— Қувурга бир бало бўлибдими, шундай бир нарса тикилиб қолибдики, ҳеч чиқаролмасдан овора бўлдик дегин.

— Бир бало бўлибди, дейсанми? — Гулбола негадир оқариб кетди. Мамишнинг, албатта, назарида шундай туюлгани кейинчалик миясига келди. — Шунда Қоя келиб, мушкул вазиятдан қутқарган бўлса керак, шундайми?

— Сен қаердан биласан буни?

— Сен бир четдан бафуржа гапириб беравер. Биз бой берилган вақтимизни шу тарзда ўтказиб ўтирамиз.

Йўқ, Гулбола бу гапни ҳеч қандай кесатиксиз, киноя қилмай айтган, «бой берилган вақт» эса хотирада бари ҳодисалар содир бўлгандан кейингина қалқиб чиққанди. Ҳанда эса: «Яна масхара қилди-я!» — деган фикргина унинг юрагини ғаш қилган, ўрнимдан турсам-да, чиқиб кетсам, деб хаёл қилганди. Шундай қилиш керак эди! Нега ялпайиб ўтириб олдинг? Лекин Гулбола шундай осонгина кўйвориш учунгина уни олдига чақиртирмаганди.

— Кўй, жаҳлинг чиқмасин! Мен сен билан бугун тунни гапириб ўтказмоқчиман.

— Мен чарчаганман.

Қани энди, ўрнингдан тур-да кет бўлмаса!

— Сени биров тош ташигин деб елкангдан суд-раяптими? Бирпас шундай валақлашамиз-да.

Шу маҳал ғимирсилаб ўтирмаслик керак эди! Унинг гапиришига йўл кўймаслик зарур эди! Бошқа ҳеч гап эшитмаслик учун туриб жўнаш керак эди. Бари шундоқ равшан бўлиб турувди. Сўнгра эса шундай гаплар бошланиб кетдики, жўнаб қолишга ҳеч қандай имкон қолмади. Бу ерда қадимий дostonларнинг нима даҳли бор? «Мен сенга ҳали шундай дostonларни ҳикоя қилиб берайки!..» Кетиш керак эди! Нима кераги бор Машишга бу гапларнинг бари? Нега ошиқлар куйлагандагидай унинг томирларидан қоп-қора, худди нефтга ўхшаш қуюқ қон оқиши керак? Наҳотки, уларнинг оролда шу қонни деб уринишлари етмаса? Шундан бошланди ҳаммаси! Гап гапга кетди уланиб!

Гулбола эса гапираверади, тўхтатиб, оғзини юмиб кўя олмайсан.

— Мен сенга шундай дostonларни айтиб берайки, кўзларингдан уйқунг шундоқ қочиб кетсин. Мана сенга, масалан, «Гулбола билан Раънонинг ишқ дostonи!»

мўъжиза-ку!

Гулболанинг юзи қоғоздай оқариб кетди, қадаҳга чўзилган кўллари билинар-билинемас титрай бошлади. Машиш кўлини дастурхондан тортди-да, курсисини тарақлатиб суриб олди — фақат шу эдимиз? — столдан суриларкан, курси тарақ этиб жавонга урилди. Гулбола хонада уёқдан-буёққа юриб, сўнг Машиш қаршисига келиб унга эгилди.

— Буни иккита одам биларди — мен билан Раъно. Энди сен ҳам хабардор бўласан. Аммо бундай воқеани уч киши билгани чаток-да!

ёлғон!

— Бўлмаса айтмай кўя қол.

— Кўркма, сенинг соф қалбингга соя солмайман.

тилингни суғуриб олса!

«Нега у менга қарамаяпти? «Биз соҳилда танишгандик...» Бу кимга керагу кимга нима аҳамияти бор? Кейин нима бўлди? Кейин-чи? «Бу воқеа қачон содир бўлганди?» — деган аҳмокона савол. Албатта билишинг шарт!»

— Шошмай тур, биласан ҳали!.. Ўрнимдан ирғиб турдим, қарасам бир мишиқи қизга шилқимлик қил-япти. «Кўйвор қизни!»—дедим унга. Менга уришмоқчи бўлиб ёпишяпти, мен уни гирибонидан ушладим-да, пайраҳани ирғитгандай улоқтириб юбордим, у тойғаниб кетиб, шим-пими билан тўғри «шап» этиб сувга тушиб кетди-ку. Қиз бўлса, кўрқувдан дағ-дағ қалтирарди. Мен қизнинг ёнига бораётсам, қандайдир ҳўл нарса елкамга ирғияпти. Қарасам, ўша шилқим. Бу сафар улоқтириб ташлаш оғирлик қиларди, чунки у менга қаттиқ осилиб олиб, ерга тортиб, баданимни тимдалаётган эди. Мен уни қулатмоқчи бўлиб уёнга-буёнга силкиндим, йўқ, ҳалиям осилиб турарди. Энди бир амаллаб ундан қутулдим, десам, бир маҳал ўртоқлари ёрдамга етиб келишиб, мени роса... Худо бир асради!

«Кетиш керак эди! Ҳалиям кеч эмас! Ўрнингдан турсанг-да, жўнаб қолсанг!»

— Мен ғазабланганим сари, қиз мени юпатарди. Оҳ, унинг қўлларини айтмайсанми!.. Шундоқ теги-зиши билан оғриғи тўхтаб қоларди.

— Буни нега мен эшитмагандим?

— Сен Бокуда йўқ эдинг.

— Армиядамидим?

«Зап қутқарадиган баҳонага ёпишиб олдинг-ку! Армияда эдим, буёғи аниқ, мен йўқ эдим, демоқчисан-да».

— Йўқ, армиядан келгандинг.

— Қачон бўлувди, ахир?

— Нега бақирасан?

— Қайси йил бўлганини айт!

— Қайси йил? Сенга айтяпман-ку, у пайт Бокуда йўқ эдинг деб! Нега бу нарса сени шунчалик ташвишлантириб қолди?

Мамиш ирғиб туриб, Гулболанинг олдига борди.

— Сал ўзингни боссанг-чи, нега жонинг чиқай деяпти? Хўп, майли, гапирмайман деяпман-ку. Бунақада бўғиб ўлдириб қўйишинг ҳам мумкин-а... Ке, муҳаббат учун ичамиз. Бизни севишлари учун, қани, буни шу қадар ёмон кўраманки! Ол, ич!

— Кейин-чи?

— Охо! Қизиқтириб қўйдим-а сени! Кейинми, кейин ишқ-муҳаббат бошланди.

«Тўхта! Жойингдан жилма!.. Майли, айтиб бераверсин!»

— Қайси маънода?

— Яна қайси маънода бўлиши мумкин?! Йўқ, ҳеч ким мени тушунмайди. Сен ҳам тушунишга ожизлик қиласан! Сен ҳеч қачон шунга ўхшаш туйғуни бошингдан кечирганмисан?! Бу туйғуни бошингдан кечиришинг ҳам эҳтимолдан жуда узок бўлса керак.

— Нега энди?

— Чунки сен қисмларга ажратиб қўйилгансан-ку, сенда ҳамма нарса бўлақларга бўлиб қўйилган. Мана бу ерингда иш, мана бу ерингда эса яна нимадир...

— Зўр! Наҳотки, иш ҳам...

«Ишнинг бу ерда нима дахли бор?»

— Мана, энди ўзингга келдинг, — унинг гапини бўлди Гулбола. — Ҳа, ҳидиёк одамнинг кўнглини айнитадиган қурук гап бу.

— Гапираверсанг-чи! Кейин нима бўлди?

— Мен отамга уйланиш ниятида эканлигимни айтдим. У бўлса: «Қуда-андачилик қиладиганимиз кимлар ўзи?» — дейди. Мен онамдан кўмак истаб, унинг паноҳига отилдим, онам ҳар ҳолда мени яхши кўради, менинг устимда жон фидо қилиб туради, «жоним, жаҳоним болам, жигарбандим болам», деган гаплар қилади-ку доим, деб ўйладим, аммо онажоним бўлсалар: «Қизнинг ота-оналари кимлар?» — деб сўрадилар. Унинг эса ҳатто отаси ҳам йўқ.

биламан!

—... кейин нима ҳам дея олардим Раънога?

— Индамай уйланиб кўя қолиш керак эди, вас-салом!

— Пулни-чи, пулни қаёқдан олардик? Сендан олайликми? Ё бойвучча Тўкезбон аммамиз бериб турардиларми?

— Пулнинг нима хождати бор эди?

— Мана-мана! Сен бошқа бир дунёнинг одамисан, билмасдан бу томонларда пайдо бўлиб қолгансан.

— Агар қиз сени севганида...

— Э, гап кизда ҳам эмасди. Мана, сен индамай уйланиб кўя қолишинг мумкин эди, мен эсам бундай кила олмасдим!.. Оҳ, ота-онамнинг бойликларини шундай лаъзат билан ўмарган бўлардимки!

У жим бўлиб қолди. Дераза олдига борди-да, сўнг белигача қоматини ойнадан ташқарига чиқарди. У шундай ҳолатда, деразадан қоматини чиқарганча узок туриб қолди. Сўнгра қаддини ростлади.

— Озгина тоза ҳаводан нафас олиб, енгил тортдим-а!

— Отанг-чи, қачон майдонга чиқа қолди?

— Отамми, унинг қассобдан фарқи йўқ! Айниқса, пичоғи аёллар жигарига тақалса борми, хомли гича нимта-нимталаб, ураверади.

— Раъно у сенинг отанглигини билармиди?

«Йўқ, алахсираяпти! Нима тўғрисида сўраяпман ўзи?»

— Буни у билганида кеч бўлган эди. Отам унга узок қармоқ солиб юрган экан, Раъно менга қандайдир сочлари оқиш киши кетидан юрганлигини гапириб берувди-ю, буни қиз менга найранг ишлатиб, рашқимни кўзгамоқчи бўляпти, деб ўйлабман. Отам бўлса

биламан!..

қиз илинсин учун тўрини усталик билан тўкиган экан. Кунлардан бир кун Раъно йўқолиб қолди,

бундан ҳам хабарим бор!

ўша маҳал отам ҳам ғойиб бўлди. Сўнгра қиз пайдо бўлиб қолди-да, эрга тегдим, деб менга хат ташлаб кетди. У Раънога микрорайондаги ўша уйни олиб берди. Мен отам ҳақида ҳам ярим йил ўтгач, хабар топдим. Мен отамнинг жазмани бор эканлигини билардим, шунингдек, бундан онамнинг ҳам хабари бор эди. Лекин унинг жазмани айнан Раъно эканлиги етти ухлаб тушимга кирмаган эди.

отанг ўшанда бизни бошлаб меҳмон
қилган эди-да!

«Хўш, мана мен сизларни янги хотиним билан таништириш учун бу ерга таклиф қилган эдим!» Ма-мишга эса Хасай бир эмас, бир неча марта: мана, се-нинг олдингда виждоним тоза, Мамиш азизим, ҳечки-си йўқ, ўзим сенга яхши бир киз топиб бераман. Ҳа, қачонлардир мен сизларни бирга кўргандиму... Эсиз, эсиз, қанд-доқ киз эди-я! — деганди. «Хўш, деган-дай, мана, азиз укажонларим, ўғлим, сен энди муста-қил одам бўлиб қолдинг, мени тушунишинг керак, суюкли жияним, мана танишинглар, менинг янги хотиним Раъно хоним! Тўғрироғи, сизларни янги хотиним Раъно хоним билан таништирмоқчиман! Ким мени яхши кўрса, Раънони ҳам шундай кўрсин». Сўнгра Мамишга қарайди: «Сен, албатта, қандай муҳаббат ҳақида гапираётганимни тушунган бўл-санг керак?» Мамиш Хайбатнинг ўша пайтдаги хо-латини эслайди, гўёки маликани таништираётгандай унинг оғзи қулоғига етган, Оға ҳам илжайганди, бу ёдида, аммо мана Гулболанинг ҳолатини ҳеч хотир-лай олмаяпти. «Агар кимки уни яхши кўрмаса, ўша одамни мен бағру дилимга яқин йўлатмайман!» Шун-дай дея кўкка бармоғини нуқади. Хасай ҳадеб Ма-мишга қарайверади, Раъно бўлса меҳри муҳаббат билан Хасайга боқади...

— О, бу мактуб!..

— А... сендан олдин у бирон одам билан бирга бўлган эканми?

— Сенга айтилман-ку, у билан биринчи марта мен бўлганман деб!

— Яхшилаб эсла!

— Унинг кетидан аллақандай бир афандинамо йигит юрган экан, аммо бу ҳисобга кирармиди, шун-чаки оҳ уриб юрадиган бир ошиқ-да. Ҳа, айтмоқчи, Раъно унинг отини айтганди, худди сеникига ўхшар-ди... Албатта, Мамишлардан кўпи борми.

Гулбола болохонада турибди. «Ким буни тушир-ди панжарага? Сенми?»—«Йўқ».—«Мана бу — Р ҳарфими?»— «Мен қилганим йўқ, деяпман-ку!»— «Мана, бу ерга М ҳам ёзилибди, демак сен қилгансан, кеча бу ҳарфлар йўқ эди, эсимда. — Панжарадаги ҳарфларга бармоқларини тегизиб кўрди. — Кўряп-санми, ҳали янги, каттайтирувчи булур ойна орқали

куёшда куйдирилган. Сен қилдингми?» «Нега энди мен қиларканман?»— дея кулимсирайди у. «Менга қара, — уни ўз ҳолига қўймайди Гулбола. — Бун сен қаёқдан биласан?»—«Нимани?»—«Нимани эмас, кимни, анув Р ни-да?»—«Қўйсанг-чи, мен ҳеч қанақа Р ни билмайман». —«Қизик! Хойнаҳой қизнинг ўзи келиб куйдирмагандир панжарага? Эҳтимол, ўзи қилгандир-а?»

— Мамишлардан кўпи борми... Нега қизариб кет-япсан? Менга қара, балки сен ҳам унга ошиқ бўлгандирсан?! Ха-ха! Буниси ошиб тушди-ю!.. Қочсанг-чи! Вой, хўроз-эй! Ким унга тенг келарди? Хўп, майли, демак, унга ошиқ сен эмас экансан, айтсам — айта қолай: у ўша мажнуни шайдони ташлаб кетган, индамасми нима бало, аммаминг бузоғи деганди.

наҳотки, унга ҳам баъзи тоифа аёлларга қилинадиган муомала керак бўлган бўлса?..

Илк маротаба аёл киши билан бирга бўлганини хотирлайди, ғира-ширада, — аёлнинг на юзи, на қўзлари эсида, фақат: «Ҳм» деган овозини эшитади, холос. Бир кун Гулбола унга: «Истасанг, бизда биттаси бор...» деб қолди. Сўнгра у ўша аёл билан олдиндан келишиб, Мамишни бошлаб борди: «У шу ерда ўтирибди, бор». — «Қайси хоналигини биласанми?»— деб сўрайди Гулбола. «Биламан». Шундай дейди-ю, ўзининг овози титраб кетади. «Бўлмаса, боравер!» Сўнгра Мамиш уйга кириб боради. Мана, ўша хонага ҳам етиб келди. Қулоғи остида нимадир ғувиллайди, юраги гуп-гуп уради. «Келмайсанми буёққа». Хонага киради-ю, олдинга қадам босишга мажоли қолмайди. «Сени қанча кутиш керак?» Ой нурлари ойнадан тушиб турибди. Аёл қора соч экан. «Ҳм?» Сўнгра эса: «Жудаям таъсирчан экансан-ку! Сендақаларни фақат севиш керак», деб кўшиб кўяди. Сўнгра яна Денгизлида бу ҳол такрорланганди. Исикдан кочиб уйчага кирди. Бу ер салкин экан. «Буёққа ке, буёқдан шамол эсяпти». Бир аёл юпка кўйлақда ўтирибди. Болдирларини яширмаяпти ҳам. У ўтирди. Бирдан аёлга қараб интилиб қолди.

«Нима бўлди сенга?» Шундай дейдию аёлнинг овози қалтирайди. «Нима бўлди?.. Эшик!..»

У ўрnidан ирғиб туриб, эшикнинг илмоғини солиб келади. «Нима бўлди сенга, нима бўлди?..» Мамиш қаердалигини ҳам эслай олмайди. Фақатгина: «Вой!»

— деган овоз кулоғига эшитилади. Лаблар, шўртанг дудоклар, қаттиқ тахта. Уларнинг тагида эса фирузаранг сув. Қуруқшаган шўртоб лаблар... Сўнг-ра улар яна бир марта учрашишди. Бирок бу ҳол бошқа такрорланмади. «Йўқ... эсимни еб қўйибман!..» — деганди аёл.

«Аммамнинг бузоғи». Р ўшанда иситмалагандай бўлиб кетиб қолганидан сўнг Мамиш унинг уйига қўнғироқ қилганди. «Бу сенмисан?» Р нинг овози онасининг овозига ўхшаш эди. «Сизга ким керак?» — «Кечирасиз, Р ни чақириб бероласизми?» — «Кимникими?!» Қўпол овоз. Сўнг «ду-ду-ду-ду». «Сени ҳамма яхши кўради, — дейди она қизига, — сен жуда берилиб кетмагин». «Мазутга белаш учун Боғи эрамда қирмизи олма етиштирганим йўқ!» Варвара хоним нефтни мазут билан аралаштириб юборарди. «Мустаҳкам суюнчикка эга бўлиш керак», ўкитарди она қизига. Қайнона деярли куёв билан тенгкур бўлиб, куёв қайнонага: «Сиз, Варвара хоним», деб мурожаат қилса, қайнона унга: «Сен-чи, Хасай...» дейди.

— О, шу хат учун («Қулоқ солгин-а, қулоқ сол, у шундай хат олиб қандай юрибди-а!..») у жуда катта ҳақ тўлади. («Бу Гулболанинг қўлидан келди; тиғ билан шошмасдан тила бошлайди, шойи эса алвон каби аста ҳилпирайди».) Сўнг-ра эса барига тупурдим-да, хатни йиртиб ташладим! Нукта!

— Кечами?!

— Ҳа!

— Демак бутун ўтган йиллар давомида-я?..

— Ҳа, ҳа!

— Алдаяпсан! — Ўзи ҳам билмайди қачон Гулболанинг ёқасидан ушлаб қолганини. — Алдаяпсан!

— Сенга нима бўлди? — Шошиб қолди Гулбола ва шу заҳоти деди: — Эҳтимол... э, йўқ, йўқ, бемаънилик-ку бу. Қўйвор қўйлакни, йиртасан!.. Ха-ха-ха!.. Балки сен ҳам у билан анақа!.. Уравер, лекин бунчалик қаттиқ урма-да, итэмган! — Гулбола юзларини ишқаларди-ю, лекин ёқалашай демасди. — Майлига... Ха, балки, — яна илжаяди, — бу тўғридир? А? Нима қипти? Хафа бўладиган одамга ҳам ўхшамайман.

У сапчиб ўрнидан турди, стакан жаранглаб кетди.

— Айтиб бермаслигим мумкин!

— Айтавер. Ахир кимдан...— Мамиш жумласини тугата олмади.

Айтолмади. Тили бормади.

— Октойми? — Гулбола унга ёрдам бериб юборди. Гўё иккинчи даражали нарса ҳақида гапираётгандай хотиржамлик билан деди: — Ким билади. Э, бунинг нима фарқи бор?

— У-чи, билар ахир?

— Афанди-ей! Айтармиди?

Қиз перронда турарди, у билан Инкилоб боғида бирга кезишди, сўнгра: «Танишинглар, менинг янги хотиним», дейилди. Энди буёқда Гулболанинг пайдо бўлганини-чи. Куёш нурлари тарам-тарам бўлиб тўпланиб, қуриган ёғочни куйдира бошлади-да, Р шаклига кирди. Мамиш эса шу ҳарф ҳалқасининг ичида турган эмиш. Ҳозир соат жиринглаб қолади-ю, Мамиш уйғониб кетади:

«Тушни қаранглару!»

— Тушуңаман. Сен: қабихлик! ифлослик, деб ўйлаяпсан. Ҳа, ҳаммангиз оппоксизлар, шу жумладан, мен ҳам.

Соат жим эди, чунки Мамишни уйғотишнинг ҳожати йўқ, у Гулболаникида, унинг ҳузурда кўллари-ни қовуштирганча чизиб тугалланмаган натюрмортни эслатувчи столдан четроқда ўтирарди: пишлок сарғайиб, четлари тепага қайрилиб қолган, турп паррақларидаги тарам-тарам чизиқлар худди онаси совға қилган мамонтнинг қозиқ тишига ўхшаб кетарди. Ҳа, Гулбола билан Раъно соҳилда танишган ва кейин нима бўлганини Гулбола яширганди. Буни фақатгина у билан Раънодан бўлак ҳеч кимса билмайди, Гулбола бу оламга ҳеч кимни киритмайди ҳам. Биргина одам бор эди биладиган, бироқ у ҳам йўқ энди. Гулбола билан Раъно ўша куни шаҳарга қайтишмади, улар соҳил бўйлаб илик сувни шалоплатганларича пиёда кетавердилар ва шунда Гулболанинг бобоси дафн этилган ҳовли қаршисидан чиқиб қолдилар. У нима учун кизни буёққа бошлаб келди-ю, нега Раъно у билан эргашиб келганини изоҳлаб бўлмайди: Раъно ҳеч қаёққа шошмасди, айнан ўша куни онаси шаҳардан икки соатларча келадиган жойда турадиган дугонасиникига кетганди. Онаси дугонасиникида тунаб қолмоқчи эди. Раъ-

но нима учундир гарчанд йигити билан бирга боришга ваъдалашган бўлса-да, бир ўзи соҳилга боришга аҳд қилди, чунки у йигит худди Раънони ҳозир тушиб чил-чил синадиган чиннидай эҳтиёт бўлиб муомала қилар, бу эса унинг гашига тега бошлаганди. Раъно ўзи ҳам тушуниб етолмайдиган шундай ҳолатга тушиб қолган эдики, одатда бундай аҳволга тушиб қолсанг, ҳеч нарса хақида ўйлаб ўтиргинг ҳам келмайди, гўё кимгадир аччиқ қилгандай, ким юр деса, шунинг кетидан эргашиб кетаверасан, хаётигда албатта нимадир, қандайдир муҳим, ҳал қилувчи ҳодисанинг рўй бериши зарурлигини ҳис қиласан ва бетоқатлик билан ҳатлаб ўтгинг келаётган ҳамда буни ҳеч қандай куч тўхтата олмайдиган остонани ҳатлаб ўтасан, шунда ҳадиксираб туришингга қарамай, барибир аҳдингдан қайтмайсан, энди сени ҳеч нима тўхтатиб қолмайди, сен ўзингга-ўзинг жаҳл қилгандай шу ман қилинган чегарани босиб ўтасан. Гулбола тоҳо унинг кифтларидан кучади, шунда қизнинг бутун вужуди музлаб, оёқларидан мадор қочади, агар ёнида йигит бўлмаса у аллақачон қулаб тушган бўларди, аммо йигит қизни маҳкам қучганича боради, у гўё соҳил бўйлаб бетиним сузиб кетаётганга ўхшайди. Манзилга етиб келдилар, Гулбола четанни очиб ҳовлига мўралайди.

— Ҳой, ким бор бу ерда?

Ҳеч ким овоз бермайди. Ҳовлига кирадилар.

— Ит бўлса-чи?

— Юравер, кўркма... Ҳой! — бақиради Гулбола. Уйга ютиб юборгудай сукунат чўккан. Биринчи қаватда ҳам, иккинчи қаватда ҳам ҳеч ким йўқ. Самовар шингиллаб турибди, эшик бўлса ланг очик, болохонадаги сўрига палос ёзиб қўйилган. — Ҳой! — тепага чиқиб қичкиради Гулбола. Ҳеч зоғ йўқ! Буёғи қизик бўлди-ку. Яна пастга, ҳовлига қайтиб тушишди, Гулбола ҳатто қудуққа энгашиб қараб ҳам кўрди, шунда Раъно сувнинг доирасимон кўзгусидаги ўз аксига кўзи тушди-ю, ўзини таниёлмади. «Ана энди бўладигани бўлади!»— деди сувдаги акси унга. «Бўлса бўлаверсин!»— деб жавоб қайтарди асли. Улар яна юқорига чиқишди. Гулбола тез югуриб борди-да, пиллапоянинг сўнгги зинасига чўкиб қўларини Раънога узатди ва уни чаққонлик билан кўтариб олганча, қучоғига тортди, шунда қиз ўзи жу-

даям истаганидай унинг тиззаларида пайдо бўлиб колди. Сўнгра қиз қандайдир тубсизлик қаърига тушиб кетгандай бўлди. Шунда олис-олислардан шабада қанотларида қандайдир садоларни қулоқларига олиб келди. Қолипга солиб, маҳкам тутиб, асабийлаштириб, доимий хушёрликка мажбур этган бари нарсалар кўздан ғойиб бўлди, эриб битди. Қоронғилик қуюклашди, қиз қандай қилиб болохонага чиқиб олганларинию окшом қандай чўкиб, уйкуга қандай кетганларини ҳам билмай колди.

Саҳар чоғи четан очилди, бека келиб, болохонада шолрўмолга ўранганларича бегона одамлар ётганини кўриб колди. Беканинг кичкириб юборишига сал колди-ю, бироқ нигоҳи қизга тушиб колди, унинг чехраси гўдак юзидай соддадил, ишонувчанлигини, йигит ҳам шундай қиёфада эканлигини пайқаб, уларнинг маҳкам қучоқлашганларича ётганларини кўрди-ю, уларни уйғотишга кўзи қиймай болохонадан оёқ учида тушиб кетди. Биринчи бўлиб Раъно уйғонди — димоғига тамаки хиди урилди, пастда бека чубукини торганча тамаки тутатмоқда эди. Уйғондию бирдан ўз уйида эмаслигини, ойиси ёнида йўқлигини эслаб қолиб кўрқиб кетди. Аммо у шу заҳоти ўзига келди — ойисининг йўқлиги жуда соз-да! — сўнг Гулболанинг пинжигга биқинди. Бека уларни кўриб колса нима бўлади? Гулбола ҳам уйғониб колди, икковлари бараварига ўринларидан туришди, Раъно бирдан қизиб кетиб, юзи лов-лов ёна бошлади; бир қадам ҳам олдинга силжиёлмасанг-а, вой! У Гулболанинг бағрига суқилиб маҳкам ёпишиб олди, Гулбола ахир унинг энг азиз, яқин одами-ку. У қандай қилиб кетади энди? Сездирмай чиқиб кетишнинг иложи бормикин? Гулбола эса болохонадан туриб:

— Ассалому алайкум! — деб хитоб килади бекага. — Мана, уйингизни пойлаб чиқдик.

— Мен тўйда эдим, ашула овозларини эшитмадингларми?

Эҳ, кларнет овозлари ўша ёқдан эшитилиб турган экан-да!..

— Бироқ биз ўзимизнинг уйимизни ҳам кўриклаб чиқдик, — Гулбола аллақачон болохонадан тушиб бўлган, Раъно эса олдинга бир қадам ҳам болмай пастдаги гапларга қулоқ тутарди. — Шундай денглар! Уй ҳам сизники, ҳам бизники бўпти-да?.. —

Раъно зиналардан эҳтиёткорона, бекага юраги бетламай туша бошлайди. — Бу менинг хотиним, — дейди Гулбола бекага. — Истасангиз, бу уй бизнинг ҳам уйимиз эканлигини исбот қилиб берай?

Бека — ориккина аёл, тамаки чекади, унга бу йигит, мана шу ёшгина жуфт жуда ёкиб тушади; унинг улар каби навкирон болалари шаҳарда, чорбоққа келишмайди ҳам.

— Исбот қилсанг — қил.

— Анави ердаги бурчакда, — дейди Гулбола сирли равишда, — бир қабр бор!

— Қўйсанг-чи, қўй! — бека қўлларини силкийди, йўталади.

— Нимадан қўрқасиз? Ўша бурчакда мрамртош бор эди, уни тўзон учириб кетган, ўша ерга менинг бобом дафн этилган! Ишонмайсизми?

— Ишонаман, ишонаман! — Беканинг ранги ўчганча туриб қолади, Гулбола эса гапига пушаймон бўлади.

Улар куни бўйи шу ерда бўлишди, бека қўрқакнидан уларни қўйиб юбормади.

— Мен шунчаки ҳазиллашдим-да, қанақасига бу ерда қабр бўлсин?!

Улар кумлоқ кўчадан кетишаркан, асфальт йўлга чиқишлари олдидан Раъно баланд йўлаккли лойсувок уй олдида шиппагидан кумларни қоқиб олиш учун тўхтади.

— Мен сенинг хотинингман-а?

— Дарров-а? — деди Гулбола шошиб.

Раъно ёниб кетди.

— Ахир ўзинг-ку!

— Менинг бошқа иложим йўқ эди.

— Хотининг эмасманми? — кизнинг томоғини бир нарса куйдиргандай эди. — Йўқ дегин?

— Нима деяпсан! — Гулболанинг бошига гурзи тушиб эза бошлагандай бўлди. — Албатта, хотинимсан-да!

Раъно ўт ичида ёнади, бирон қалима сўзга тили бормайди. Бу қандай надомат. Ўзингга ўзингнинг шундай раҳминг келадики! Гулбола бир нималарни гапиради, у эса туман узра сузиб юрганга ўхшайди, аллақандай одамлар, дим электричка, унга қандай чиқиб, қандай тушганларини ҳам эслолмайди. Кейин нима бўлганди? Ҳа, ҳа!.. Гулбола эртасига қўнғирок қилади-ю, улар яна учрашишади!..

Хасай ўшанда бутун милицияни оёққа тургазган, Хусния хоним гарчанд ўглининг кутилмаганда ғайритабий қилиқлар чиқариб қолишига кўниккан бўлса-да, эс-хушидан айрилаёзади!.. Гулбола бўлса аллақачон ота-оналари олдида ҳисоб-китоб қилишни йиғиштириб қўйган, энди у эр йигит ва ҳали ўзларининг собиқ чорбоғларига қиз билан биргаликда тез-тез ташриф буюриб туради.

У пайтлар Гулболанинг ишлари дуруст кетаётган бўлиб, метрополитен бошқармасида ишлар ва Раънони ҳам у ердаги идоралардан бирига ишга киришига ёрдам берган эди. Раъно ўша пайтлар олтин медаль билан ҳеч нарса қилиб бўлмаслигини, айниқса Шарк факультетининг турк бўлимига кириш учун медалининг сарик чақалик нафи тегмаслигини озгина бўлсам ҳам хаёлига келтиролганида эди!

Ўша чорбоғдаги оқшомдан сўнг телефон жиринглаб қолди, бундан сал олдин Раъно уйғонган, бадаида шундай енгиллик туйган эдики... У ирғиб ўрнидан турди-ю, кўзгуни қўлига олди, трубкадан эса Гулболанинг овози янграмоқда эди. У гапирса гапираверсин! У каби ҳурилико ҳар бир одамни бахтиёр қилиши мумкин! Нима? Буни қаранг энди! Раъно унинг орқасидан эмас, у қизнинг орқасидан эргашсин.

— Йўқ. Боролмайман. Менга ҳеч нима бўлгани йўқ. Ажойиб. Йўқ-йўқ. Эртагаям иложим йўқ. Қачон дейсанми?.. Мен ишга шошяпман, кеч қоламан, ахир.

Эндигина трубкини жойига қўйган ҳам эдики, телефон яна жиринглаб қолди. Бу сафар кўнғироқ қилаётган бошқаси экан. Буниси эса мутлақо бегона экан, олдинига у овозини ҳам танимади.

— Ҳа, жўнаб кетяпман, дегин...— қиз шундай дейди-ю, кўзгуга тикилади. Бунисига ҳам олдингисига жавоб қилган тарзда гапиради-да, ойнадаги ўз аксига тикилади.

— Бир ҳафтага? Атиги-я? Бўлмасам оқ йўл! — трубкини жойига қўяркан, кўзгудаги акси қўшиб қўяди. — Бошқа кўнғироқ қилмасанг ҳам бўлаверади.

Таажжуб, келгуси йил ҳам иншодан йиқилди, ҳолбуки мавзу ҳам таниш, нима ҳақда ёзишини ҳам биларди.

«Ўқинг, ҳавас қилинг!..», эркин мавзу. Бир яхши-

ликнинг ёмонлиги бўлмасдан қолмайди, кейинроқ қиз йигитга келишган, оқиш сочли, номаълум афсонавий эркак ҳақида ҳикоя қилади, Гулбола унинг ҳикояларига унча аҳамият бермайди, чунки ўзи ҳам аҳён-аҳёнда тўкиб кўпиртиришни яхши кўради, бунинг устига, қизни бирор марта ҳам ҳеч қандай эркак билан кўрмаган.

Хасай қўл остидаги муассасаларга қутилмаганда бостириб боришни севар, бу одат азал-азалдан, Шоҳ Аббос даврларидан қолиб кетган: шоҳ кийимини ўзгартириб, энгагига узун соқолини ёпиштириб олар экан-да, «Қани, кўрай-чи, халқим қандай яшаётган экан, менинг ҳақимда нима деяётган экан», дея бозорга йўл оларкан, карвонсаройга кириб чиқаркан, бирон одамнинг эшигини қокиб, тунаб қолишга бошпана сўраркан. Хасай подшоҳ бўлмаса-да, қўл остидаги корхоналарни айланиб чиқишдан ҳузур қиларди: ходимлари кутмаганда қаршиларида пайдо бўлиб қолади!

— Уёққа эмас, Хасай Гулболаевич, буёққа ўтинг, бу ер қулайроқ сизга! — Серилтифот бошлик шундай деб ўзининг айланма креслосини дик этиб туриб бўшатиб беради, Хасай эса унга эътироз қилган бўлади.

— Бу сизнинг ўрнингиз, мен мана, четроқда ўтира қоламан. — У шундай дея оддий курсига ўтиради. — Сиз хон, мен меҳмонингиз бўлай.

Бир зумда чой дамлаб келишади, у эса ишнинг қандай кетаётганини кузатиб ўтиради.

У метрополитеннинг қурилиш бошқармасига ҳам шу тарзда бош сукди. Энди кетишга ҳозирланиб турган ҳам эдики, девор ортидаги қўшни хонадан шовкин эшитилиб қолди — ҳаяжонланиб гапираётган Раъно бўлиб, ҳали йиқилганидан беҳабар, иншо ёзибоқ бу ерга югуриб келганди. Хасай ҳайрон бўлиб бошлиққа қаради: иш қайнаган вақтда яна бу нимаси? Бошлиқ шу заҳотиёқ нима гаплигини билиш учун хонадан отилиб чиқиб кетди.

— Бу қиз ходимамиз, имтиҳон топшираётган эди, хотирингиз жам бўлсин.

— Яхши топшираётгани учун бўлса керак-да, шундайми? — Ҳазил ҳам қилиб туриш керак-да, хамиша қовоғингдан қор ёғиб турса ҳам бўлмайди.

Хасай жўнаётиб, қўшни хонага мўралади ва кўзи

Раънога тушди. Қизнинг юзлари ҳозиргина тандирдан узилган кулчадай кип-қизил тусга кирган, Хасай эса ҳали тушлик қилганича йўқ, қорни очикканди.

— Тузуккиёна («кулча ёпаркансан» демоқчи эди-ю, яна бошлиқ ресторани шама қияпти деб гапни бурди) гул ўстираётган экансан! — деди бошлиққа Хасай. Қизнинг юзи унга таниш кўринди. Қаердаям кўрган эди-я? Эслашга бирдан эслолмади-ю, сўнгра тўсатдан энг ноқулай ҳолатда «лоп» этиб миясига урилди; у агар «юқоридагилар»дан кўнғирок бўлмаса кунини бекор кетган деб ҳисобларди; «Мамиш билан кўргандим!» Сўнг бирдан «юқоридаги одам»га «Мамиш!»— деб юборишига сал қолди! Ана унда кўрардингиз томошани!.. «Нима-а-а? Мамиш?» — Бироқ Хасай вақтида тилига келган сўзни тийиб қолди. — Қандай қилиб хотирамдан кўтарилди экан-а!» Ахир, калитлар унинг киссасида-ку, хов, ўша калитча ҳам йўқолиб қолгани йўқ!.. Орадан бир-икки кун ўтгач, ўша корхонага кўнғирок қилди, шунчаки, гап орасида тасодифан қистириб кетди: «Ҳа, айтмоқчи, анув ходимангиз ўқишга қиряптими?»— Қадрлар тўғрисида ҳам қайғуриш керак-да. Қизнинг йиқилганини билиб, терисига сиғмай суюниб кетди-ю, овозини ачиниш оҳанги тарк этмади. — Чакки бўпти, чакки бўпти... Уни менинг олдимга юборинглар.

Шундай қилиб, Раъно унинг олдига келди.

Хасайда азалдан овчининг овга иштиёқи бор-ку, аммо бу сафар гўеки илк маротаба шундай ходиса билан юзма-юз келаётгандай, ҳаттоки бир оз асабийлашмоқда ҳам эди.

— Қиринг, кираверинг...— Шундай дея ёрдамчисига бир қиё боқиб қўяди, ёрдамчисига эса бир қарашнинг ўзи кифоя: майда-чуйда нарсаларга безовта қилаверма, дейилгани бўлади бу. У қизнинг қўлларини кафтлари орасига оларкан, қизнинг ўзини йўқотиб қўйганини ҳис қилади ва ўзида аллақачонлар унут бўлган туйғуни туяди, мана, унга фақат қўлини тегизди, холос, яна қўлини қизга юборгиси келяпти, фақат ҳуркитиб юбормаслик керак, қўлларини қўйиб юбормай, қизнинг қўлларидан тутганича креслога ўтказиб қўяди.

Раъно уни кўрган заҳотиёқ таниган ва вужудини тушуниб бўлмайдиган кўрқув қоплаб олган эди. Аммо шундай бўлса-да, негадир унинг овозини эши-

тиш, кўзларида унинг назарини ҳис қилиш хуш ёқа бошлади. Қиз бир оз вақт ўтмай, бу кўрқувни енгиб ўзини енгил, دادил ҳис қилди.

— Биз танишмиз-а, — у шундай деб, қизни селлашга ўтди: — Эсингдами?

— Ҳа, эсимдан чиқарганим йўқ.

— Мен ҳам. Учрашганимиздан хурсандман. — Бироқ эркаклик ор-номуси баъзи нарсалардан устун туради. — Ҳа-а... Мамиш яхши юрибдими? Кўришиб турибсизларми?

— Йўқ. — Қиз бу сўзни қатъий оҳангда айтди. У бу хабар Хасайни қувонтириб юборганини сезди.

— Нега энди? — Хасай сўраяпти-ю, юраги бўлса шодликдан жунбишга келяпти. «Сенинг нима ишинг бор? «Йўқ», дедими, вассалом!»

Раънонинг эса негадир кўнгли олинди: «Ахир, бундан терингизга сиғмай суюнаётганингизни кўриб турибман-ку, суриштириш не ҳожат?» Қиз елкаларини қисиб кўйди. Тағин котиба қиз чой дамлаб киради, кимматбаҳо конфетлардан олиб келади, Хасай, ахир, бу учрашувга тайёрланган-ку! Хасайга ҳатто ўзининг эркаклар орасидаги муносабатларга путур етказмагани ёқиб ҳам тушади. Наҳотки жиянининг ҳақиқа кўз олайтирган бўлса? Сўнгра у Мамишдан сўрайди: «Ҳа, дарвоқе!..» Барчанинг олдида сирни очиш олдидан яна ўсмоқчилайди: «Сен билан ҳов бирда учратиб қолганим... анув қиз бор эди-ку, кўриб турибсанми...» Шунинг учун ҳам сўрайдики, кейинчалик ҳеч қандай гидирли гап, кўнгилғашликлар бўлмасин. Ҳеч ким ҳеч кимдан тортиб олгани йўқ, фирромликсиз, ҳақиқий кураш дейдилар буни — Хасай пачакилашиб ўтиришни ёқтирмайди. Эркакми-сан — эркаклигингча қолгин-да.

— Турк бўлимига?! Бу сенга қаёқдан ёпиша қолди, оллоҳ, ўзинг асра!

— Аммо... — қиз гарчанд нима деб изоҳ беришини билмаса-да, эътироз билдиришга уринди: у билан ўқиган энг чиройли қизлар, айниқса эътиборли оиланинг бир қизи, ҳаммалари нима учундир Шарқ факультетига, айнан турк бўлимига интилишганди.

— Турк бўлимидан нарироқ қочиш керак, нарироқ! — Бироқ у бу мавзуга яна қиз яқин одамига айланган маҳаллар қайтиб келади. — Фақат ҳуқуқшунослик факультетига! — Сўнгра тантанали овозда

хитоб қилади: — «Жиноят ҳукми учун сўнгги сўз прокурор Раъно хоним...— Бирдан шу ерга келганда иккиланиб қолади-ю, сўнгра орадан кўпдан-кўп кунлар ўтиб кетгач, дадил қўшиб қўяди: — Раъно хоним Бахтиёровага берилади!»— Залда эса сукунат ҳукм суради. Қора курсида эса ўз эри ўтиради!

Бироқ киз унинг олдига илк маротаба келганда қандай ҳамдардлик билдирган эди-я.

— Аттанг, олдинроқ билмабман-да!..— У тағин шундай, дардига ҳамроҳ бўлгандай гапиради. — Менинг дорилфунунда оғайниларим кўп-ку. Айниқса, ҳуқуқшунослик факультетида.

Хасай тўғри айтаётганди. Урушгача у икки йиллик тарихчилар курсида ўқиган, ўша пайтлар кадрлар сув билан ҳаводай зарур бўлиб, фалсафадан, ҳуқуқшуносликдан лекциялар ўқилган, сўнгра уларга олий ўқув юртининг дипломи билан тенг келувчи диплом берилган ҳамда бу диплом Хасайнинг кирк биринчи йилда Аракс учун бўлган жангларга комиссар бўлиб кетишида қўл келганди. Мамишнинг қўлига қандайдир қадимги даврлардан бизнинг замонамизга қадар бўлган тарих мужассамлаштириб, қисқача баён этилган, деярли барча саҳифаларига гоҳ қизил қалам билан, гоҳ қора қалам билан қалин тўғри чизик тортилган ёки чизикчалар билан ажратилган, ҳаммаёғни чаплашиб кетган тарих дарслиги тушиб қолган эди. Ўша тезкор курсда ўқиганлар ҳозирда чакана ўринларни эгалламаган.

— Аммо ҳеч бокиси йўқ. Ҳали ҳам кеч эмас! Шундай қилиб, режа пишиб етилди.

— Чиккин-да, анави томонда туриб кутиб тургин. Мен машинани юргизиб келишим билан орқа эшикни очасан-да, ўтириб оласан. Бир оғайнимникига борамиз.

Рулда Хасай ўтирарди. Раъно бу сирли оламга осонгина кириб олди. У бурчакда ўтирарди, машина ойналарига парда тутилган, қизни у билан кўришларининг кераги йўқ. Хасай ҳам хурсанд: бир қарашингдан нима демоқчилигингни тушуниб олади! Қиз шундай ҳушёрлик билан олдинроқ машинадан тушди ва Хасай унга изидан юришни буюрди. Марказдаги осойишта тор кўча. Хасай эшик олдида кутиб тураркан, қиз ёнида пайдо бўлиши билан яна ҳаяжонлана бошлади. Қани энди кучоқлаб олса, қўлларида учин-

чи каватгача кўтариб чикса, бағрига маҳкам тортса... Аммо ҳуркитиб юбориш ярамайди! Дўсти воқеадан хабар топиб бўлган, уларни емакхонага бошлади, Раъно орқасидан Хасайга оғайниси миҳдай! Зўр!.. — дегандай ишора қилганини қаршисидаги жавоннинг баланд ойнасидан кўриб турарди. Раъно эса ўзига-ўзи ҳайрон коларди: бутун умр бўйи шу даврада юргандай на қимтинади, на ҳадиксирайди.

— Мана, энди ҳаммаси жойида бўлади!

Йўқ, у қизни шундай жўнгина қўйиб юборолмайди, шундай хайрлашиб қўя олмайди! Раъно ҳам буни истамайди, кетса — ҳеч нима бўлмаганга ўхшаб қолади.

Хасай қизни янги «Волга»сида елдирар, қаёққа олиб кетаётганлигини ўзи ҳам билмасди. Машинани учиравериб, ахири қизни бегона кўзлардан яширинганинг етар, дея ёнига ўтказиб қўйди. Сўнг яна машинани елдириб кетди. Улар узок йўл босдилар, шамол туриб ёмғир томчилай бошлади. Машинани хайдаяпти-ю, қаёққалигини ўзи билмайди. Қаерга ҳам олиб борсин. Ҳаммага отнинг кашкасидай маълум бўлса... Ҳар ердан сенга кўзлар бокиб турган бўлса, қаерга ҳам яширинасан? Сўнгра эса у Раъно-сиз ўтказган кунларини бекор ҳисоблар, Раънонинг ўзи унга томон интила бошлайди ва Хасай илгариги Болохонали кўчасидан (Хасай ўзича кўчаларнинг номларини эски атамалари билан атарди: Биринчи Май кўчаси эмас, Болохонали, Чодрали... у гарчанд ўзидай транспорт ҳаракатини бошқариб турадиган кишининг Чодрали кўчаси эмас, Алиев кўчаси эканлигини, Тижорат кўчаси эмас, Низомий кўчаси эканлигини, Кўҳна Почта кўчаси эмас, Островский кўчаси эканлигини, Армани кўчаси эмас, Горький кўчасилигини ва ҳоказо эканлигини жуда бўлмаганда ёдда тутиши кераклиги ҳатто эсига ҳам келмайди) бораркан, Раънонинг кайфияти кўтаринки эди. «Сени ҳар бир одам севиб қолади, сен бунга жудаям берилиб кетмагин», деб уқтирганди қизига Варвара хоним.

Шундай қилиб, Раъно ҳамма нарсаларни: энг арзимас майда-чуйдалардан тортиб, йирик масалаларда ҳам онасининг маслаҳатларига биноан иш қила бошлади. «Сенинг кўзларинг чиройли, ҳеч қачон ерга бокма, атрофингга мағрур ва ифтихор билан қара, ҳеч қачон энгашма, бошингни тик тутиб юр,

сенинг бўйнинг ҳам, елкаларинг ҳам кўркам!..» Раъно, шундай қаддини дол тутиб, ўзининг бу дунёда борлигидан, шу тупроқда юрганлиги туйғусидан маст, мағрур, кучли ва гўзаллигидан ўзига ҳамманинг диққати қаратилганини билиб, ҳис қилиб, саллона-саллона қадам ташларди. Узун сунбула сочлари битта қилиб ўрилган, у худди юрмаётганга, учаётганга ўхшайди, сочлари эса орқасида илондай тўлганиб боради.

Юксак қоя остида, шаҳар чегарасидан анча олисда Хасай машинани кишлоқ йўлига бурди, машина юкхонасига зағча қўниб олиб тумшуғи билан тақиллатмоқда эди. Шундагина у машинани тўхтатди. Унинг ортик кутишга мажоли қолмаган, сабри тоқати етмас, чидай олмасди. Раъно ҳам жимгина нимадир бўлишини, қандайдир муҳим ҳодиса рўй беришини билиб ўтирарди. Хасай қизни ўзига оҳиста тортди-да, сўнгра маҳкам кучоқлади. Раъно ўриндиқнинг қачон орқага қийшайиб, каравотдек бўлиб қолганини ҳам эслолмайди. Раъно бир оз қаршилиқ кўрсата бошлади. У эса аёл кишининг енгил қаршилиқ кўрсатишини яхши кўради, шунда у бу қаршилиқни енгади, аёл эса аста-секин унинг иродасига бўйсуниб итоат қилиб боради. Қиз эса унинг нимани истаётганини ҳис қилар ва ҳатто нима қилаётганлигини ўзи ҳам тушуниб етмаган ҳолда унинг хоҳишини илғаб олиб жавоб қайтарарди. Шошилишнинг ҳожати йўқ. Бирон жойга шошишнинг ҳам кераги йўқ.

Бунақа лаззат Хасайнинг ҳаётида қачонлардан бери бўлмаган эди. Ҳеч эҳтиросини сўндира олмаяпти. Ойна ортига эса аллақачон қоронғилик чўккан... Раъно эса гўё биринчи марта Гулбола билан бўлмагану ҳозир илк маротаба у билан бўлаётгандай гангиб қолди. Ўшанда чегарани шу заҳотиёқ тезда ҳатлаб ўтишга чорлов, ўтли бир қандайдир дадиллик билан шоширган эди. Ўшанда ўз-ўзига ишонмаслик, буёғи нима бўлади, деган муаммо кўндаланг турганди. Худди қандайдир алдов, жинойт содир бўлгандай даҳшатга тушганди ўшанда, ҳозир-чи — ўзгача, мутлақо бошқача вазиятки, ҳеч қаёққа кетгинг ҳам келмайди, ҳеч нимадан чўчимайсан ҳам, энди ҳамisha шундай бўлиб қолади, бундан ташвишланмаса ҳам бўлаверади.

Сўнгра эса Хасай Мамишни эслаб қолади. Раъно-

дан яна бир марта сўраб кўриши керак. «Мен сенга тушунтириб беришим керак...» Тентак қиз, нимани тушунтирмоқчи? Сўнг Хасай қиздан буни сўраб-суриштириб ҳам ўтирмади. Гўдак!

— Мана, сен энди менинг хотинимсан.

— Мен эрга теккан бўлсам-чи?

— Ҳеч кимга, ҳеч қачон, эшитяпсанми?

Варвара хоним қизининг бармоғида қимматбаҳо гавҳар кўзли узукни кўриб қолади. Қаердан олдинг?! «Мен... сиз кейин хурсанд бўласиз». Раъно онасига уни кўриш имконини яратди. «Бу жуда таниқли одам-ку, Раъно!» Шундай деб она қизини ўпа кетади. «У сени алдаб кетмайдими? Аминмисан бунга?» Раъно чурқ этмайди, ғолибона табассум қилади.

Раъно ўша воқеадан сўнг Гулболага дуч келишдан кўркиб юрди. Гулболанинг қизга ортиқ кераги йўқ эди-ю, аммо уни итариб юборишга ожизлик қиларди. Кейин, кейинроқ бориб ҳаммаси ўз-ўзидан ўрнига тушиб кетар, деб ўйларди у, бари ўйлаганиндай бўлиб чикмайди-ку, у ҳолда қандай орани бузиш мумкин? У нимадир тез орада содир бўлишига умид қиларди... Энди эса Хасайнинг юраги безовта қила бошлайди. Раъно Хасайни аяйди. «Янаги ҳафтагача сабр қилсанг-чи!»— дея унга муштини ўқталиб кўяди. Қизга ҳеч нарса керак эмас, фақат қаршисида Хасай бўлса кифоя эди.

Хасай аҳдида туриб, Раънонинг ўқишга киришига ёрдам берди, сўнгра Октой туғилиб колди-ю, шундай қилиб, хали диплом қўлига текканича йўқ эди. «Сўз прокурор Раъно хоним...» Бу худди «Бахтиёровага» фамилиясини айтиш олдидаги тараддудга ўхшарди. «Керакмас!»— хафа бўлади Раъно. Хасай эса унинг сочларидан ўпади, ажойиб мушк анкийдида, сочларидан ўзиям.—«Ҳаммасининг ўз вақти соати бор, бахт фақат шунда эмас-ку».—«Мен нолиётганим йўқ. Менинг ҳақимда ким нима деса деяверсин». Мамиш унинг шундай деганини ўз кулоғи билан эшитган, гарчанд Раънога на имо-ишора, на кўзқараш билан таъна қилмаган бўлса-да, гўёки бу сўзларни Раъно Мамишга тегизиб айтганга ўхшарди. Гапиришга ҳам арзимайди! Агар Мамиш таъна қилган тақдирда ҳам, балки Раъно эшитмаган бўлармиди. Устига-устак, бу ерда Гулболанинг пайдо бўлгани-чи!

— Нега буни менга гапиряпсан?

Гулбола Мамишга ажабланиб қаради.

— Бўлмасам кимга айтай? Отамгами? Онамгами? Сен менинг дўстимсан, қариндошимсан! Сен мен учун уч кишининг ўрнини босасан! Ягона сенгина бу ёруғ дунёда мени тушуна оласан. Юрагингдан алоҳида мен учун, менинг бошимдан ўтган фожиалар учун жой ажратасан-да,

*ҳозир мен сенга яхшиси қандай қилиб пан-
жарани куйдирганимни ҳикоя қилиб бера
қолай!*

эхтимол керак бўлиб қолар. Йўк, мен уятда ўртан-майман, нега ҳам уялай? Бундай муаззам уят олдида бу майда-чуйда хижолатпазлигу уятлар — лўлининг ҳуштагидай гап! Шундай дўл остида қолганманки, ёмғир менга кор қилолмайди! Сўнгра эса мени уйлантириб қўйдилар; сен бўлсанг тўйимда ҳолдан тойгунингча ўйнаганинг! Отамнинг шахсан ўзлари келини қа-а-т-такон одамнинг оиласидан топдилар, менинг орқамдан бир пойдеворимни мустаҳкамлаб оламан, деб ҳаёл қилувдилар ҳамки, бир вақт қарашсаки, ноҳос дорбоз дордан учиб кетибди-да! Буёқда омадсизликка учраши етмагандай, уёқдан ойим ўзининг шикоятлари билан тагига сув қуяяпти, сен ўзинг унга ёзиб бергандирсан. Э, менга қара, сен зап ажойиб мирза чиқиб қолдинг-ку, а!

— Ҳа, шундай бўлувди.

*мен Ҳусния хонимга: Р менинг тўғримда:
«аммамнинг бузоғи», деганини шипшитиб
қўйсам бўларкан...*

— Мен алдайверишдан чарчаб кетдим! Хотинимни алдашим, отамни алдашим, ўзимни-ўзим алдашим! Сен-чи? Сен чарчамадингми?

— Мен кимни ҳам алдай?

— Ҳаммани! Сизлар занг босган қурилмаларингиз билан ўн йилдан кейин, эллик йилдан кейин нима қилмоқчисизлар? Сувга юз-юзлаб тонна занг босаётган темирни ташлаб, денгизнинг-ку, дабдаласини чиқардинглар... Нима, нотўғрими? Жуда бўлмаса, бу ерда, менинг олдимда ёлғон гапирмасанг-чи, ахир гапимизни ҳеч ким эшитмайди, биз фақат икковимизгина ўтирибмиз-ку!

— Қани, гапиравер, олдин нима демоқчи эканлигингни билиб қўяйлик-чи?

— Қизик, агар французларми ё бошқа бирон

халқ ўз пойтахтидан нефть чиқиб қолгудай бўлса, шахрига пармалаш минораларини ўрнатиб ташлармикин-а? Шунга билолсанг зўр иш бўларди-да! Сен, албатта, оппоққина, гард юкмаган одамсан, ҳеч кимга зиёнинг ҳам тегмайди, номаъқул ишларни қилмайсан ҳам.

— Мен сени ҳам яхши одам деб ҳисоблайман.

— Мени-я?! Шунча гаплардан кейин ҳам-а?!

— Ҳм... шундай бўлган бўлса ҳам фикримдан қайтмайман.

— Фикримдан қайтмайман эмиш!.. Хабаринг борми ўзи? Биласанми, бундай ҳолларда фаолиятимни дейилармиди, ўзимга-ўзим анонимка ёзишдан бошлаганимни? Сен, хойнаҳой, бунинг нима эканлигини хаёлингга ҳам келтиролмасанг керак, тўғрими? Мактабда ўқиб юрган вақтимдаёқ ўзимга-ўзим анонимка тўқигандим! Гўё ўғлингиз Гулбола ўтакетган аблаҳ, ифлос ва х. к. деб ёзиб уйга жўнатворардим. Болалар мени устимдан мансабталаб, амалпарастнинг ўғли, деб қулишар, майна қилишарди.

— Биз уларнинг бошлаб додини бергандик-ку, ахир!

— Ҳа, аммо онам билан отамга бунга айтиб берганимда улар сен ўзинг жанжалга керосин қуйиб юрасан, уришқоксан, деб ўйлашган, ишонилмаганди.

— Сен ҳам, — ажабланди. Мамиш, — уларни ишонтирмақчи бўлиб ўзингга-ўзинг анонимка ёздингми?

— Ҳа, мен тажрибасиз эдим-да. Онам газаби қайнаганча мактабга келиб менинг хатим билан бошқа ўқувчиларнинг дастхатларини текширтирди, шунда мактуб билан менинг дастхатим бир хил эканлигини билиб қолишиб, онам билан ўқитувчи шундай даҳшатга тушишдики! Бу ҳодиса мени бешбаттар қутуртириб юборди, эсингдами, токи мени мактабдан ҳайдаб юборишмагунча, ҳаммаёқнинг чангини чиқарворгандим.

«Наҳотки ҳозиргина Р ҳақида ҳикоя қилиб берган одам шу бўлса? Отаси ҳақида ҳам-а?..»

— Бизнинг Салимимиз сендан миннатдор.

— Қайси Салим?

— Анув-чи, қалъалик Салим. Сен унинг ақлини киритиб қўйганмишсан, менга ўзи айтди.

— Хўп, яхши, сенинг Салиминг менга нима бўп-

ти? Агар мен унинг ўрнида бўлганимда бундай шармандагарчиликдан сўнг бутун шаҳарга ўт кўйиб, кулини кўкка совурардим ва ўзим ҳам шу гулхан ичида ёниб кулга айланардим! Э, сизлар номус-орнима эканлигини қаёқдан ҳам билардингиз? Сизлардан лоақал биронтангиз ўч олиш нима эканлигини ўйлашга қодирмикинсиз? Устига-устак, аллақандай бегона бир одамдан эмас, ўз отангиздан қасос олишни хаёлингизга келтира олармидингиз? Йўқ! Сизлар бунга қодир эмассизлар! Мен бўлсам, ўз отамни ўлдирмоқчи бўлгандим.

— Кўркитавер, кўркитавер, менга энди қор ҳам қилмайди.

— Мен уни Раънонинг олдидан қайтишини пойлаб турмоқчи ҳам бўлувдим. Катта дарвоза олдида, қўлимда шундоқ кинидан чиқарган заҳотинг учи бориб қадаладиган пружинали пичоқ билан турардим. У етиб келди дегунча, мен адои тамом бўлиб қолар, нафасим бўғзимни куйдиргудек қизиб кетардим. Мабодо у йўталиб қолгудай бўлса борми, бошимдан оёғимнинг учигача музлаб кетарди. Сўнгра уни бошлаб калтакламоқчи ҳам бўлдим, таниб қолмаслиги учун ниқоб ҳам топиб қўйдим.

— Бўлмасам-чи, кучинг етади сени!

— Бир кўнглим, ёнимга сениям олволсаммикин, ҳар ҳолда икки киши бўлардик, деб ҳам ўйловдим.

— Аммо зап томоша бўларди-да ўзиям: ўғил билан жиян ота ҳамда тоға бўлмиш одамни ўласи қилиб уришади.

— Минг афсуслар бўлсинким, сени бунақа ишга тўп билан ҳам силжитиб бўлмайди. Ўшанда бор гапни ошқор қилиб ташлаш керак эди... Аммо мен қасос олишнинг бошқа йўлини танладим! Мен Раънони баланд мартаба ва катта даромадлар йўлдан оздираётганига амин эдим. Менинг мақсадим, отамни кўпориб ташлаш эди. Мен шунда онамнинг шикоятномаларини ўзимнинг анонимкаларим билан мустаҳкамлай бошладим.

— У-чи, бундан хабар топмадимиз?

— Қим?

— Онангни айтяпман!

— Нима, эсингни еб қўйдингми?

— Қим деб ёзувдинг?

— Ёзганим йўқ, бутунлай ахлатга қориштириб ташладим! Аммо, афсуслар бўлсинки, унинг қалъа-

сини эчки қумалоғи билан забт этиб бўлмас экан!
Бунақалардан из ҳам қолмас экан.

Бирок бу барча юмалок хатларнинг, муҳими, шикоятномаларнинг таъсир қилишига сал қолганди. Хасай ўшанда ахири сабр косаси тўлиб, тўғри Жаъфар муаллимнинг ҳузурига келганди: «Сиз мени ифлос ботқокдан ҳимоя қилмаяпсиз, терговлар уюштиряпсиз, мана аризам, кетаман». Жаъфар муаллим эса унга шундай дейди: «Зарда қилиб донг чиқармоқчимисан? Ўзингни намойиш қиляпсанми? Йўқ, биз сени қўйвормаймиз! Аризангни кўтар, қани!» Хасай чурқ этмайди. «Агар ҳар битта одам тўғри танқид учун шундай намойиш кўтараверса, тоза бўлган экан ўзиям...— насиҳат қилади Жаъфар Хасайга.— Нима, қаҳрамон бўлиб кетмоқчимисан? Бунга йўл қўймаймиз! Биз сени ишлашга мажбур қиламиз, яна бошқаларга ҳам сени ўрнак қилиб ўқитамиз! Кетишга рухсат берайлик-чи, худо билсин, қанақа ҳунарлар кўрсатаркинсан!— Хасай жим бўлиб қолганди-ю, аммо нималарнидир мингиллаб қўяди.— Иғво-ғийбатларни қайд қилиб қўямиз-да, фактларни қолдириб, сени тарбиялашни бошлаб юборамиз! Ҳа, ҳа! Сендан зўрларини ҳам тарбиялаш қўлимиздан келади.

Бу юмалок хатларнинг нақадар жўнлигини Гулбола кейинроқ билди.

Ўшанда отасининг муовини Амирарслон маъруза қилганди. Улар тасодифан учрашиб қолишганди (олдинлари ҳам бундай учрашувлар бўлиб турарди. «Биз сен билан тенгқурлармиз, бир-биримизни яхши тушунамиз», деганди қачонлардир Амирарслон. Унинг бу ибораси Гулболанинг кўнглига ўтирган, Мамиш билан гаплашган вақтида у бу жумлани улар яна ака-укадай эканликларини қўшган ҳолда таъкидлаб қўйганди...) Улар ҳориб-чарчаганларича хордик чиқариш учун қалъа деворига туташ чойхонага қўнишганди (чойхоначи чойни зўр дамлаши билан донг чиқарганди). Хасай ўшанда Раънонинг олдига шикоятнома, анонимкалар сели остида ҳолдан тойиб, дарғазаб бўлиб келар, аммо Хусния хоним бир куни айтганидай, «маккора Раъно» бу анонимка ва шикоятномалар одатдаги ҳол, ахири бир кун ёзавериб чарчашар, биз шундоқ қоқиб ташлаб қўйсак бўлди, деб Хасайни ўзига маҳкамроқ чирмаб олар

ва Хасайнинг бундан кўнгли таскин топар эди. Раъно Хасайнинг мусибатлардан сақловчи ягона паноҳи эди.

— Анонимка — бу каттакон илмнинг ўзгинаси-ку! — деганди Амирарслон чойнакдан нок шаклли стаканларга хўроз тожидай кип-қизил чойдан қуяр экан. — Содда одам ўзича: бир балчикқа булғаб ташлай-чи, деб ўйлайди-ю, у одамга қум эмас, қум сочсанг жони сал-пал азоб чекиши ҳам мумкин бўларди, йўқ, қум ўрнига эчки қумалоғини ота бошлайди (бу иборани Гулбола Амирарслондан қурол қилиб олганди). Менимча, отангга бир вақтлар қабихона анонимкалар ёғилганидан хабаринг бўлса керак (Гулбола, назарида, қалқиб кетгандай бўлди, қанд томоғини тирнаб кетди). Мен нимадир бўлиб, архивимизни баъзи қоғозларни топшириш, баъзи но-керакларини акт қилиб ёқиб ташлаш учун кўриб чиққан эдим. Шунда қўлимга шундай анонимкалар тушиб қолдики, кулавериб ичакларим узилаёзди, бир кўнглим, барини тўплаб, Хасай муаллимга эсдаликка совға қилсаммикин, деб ҳам ўйладим. Афсуски, бунга этика йўл қўймайди-да. Буларни қандай гўл ва овсар одам ёзганин кин! Хасай, эмишки, ҳам порахўр, ҳам амалпараст, ҳам ароқхўр, ҳам хотин-боз! Хўш, ким ҳам бундай сийқаси чиқиб кетган гапларга жиддий эътибор қиларди? Анонимка ёзиш, қурғур, ўзи кабиҳ иш-ку, аммо шундай дум тутқизмайдиган қув илмки! Мана, масалан, ҳатто отангни, менинг қимматли бошлиғимни олгин-а. У ажойиб ташкилотчи, жуда тажрибали, шундай катта кишилар билан алоқалари бўлган, ўз ишининг кўзини билувчи одам ва ҳоказо. Маъқулми? (Ўғилга маъқул бўлмай кўрсин-чи, ўйлайди Амирарслон. Сенга лакқа тушиб ўтирибман, сарик тулки-я, ўйлайди Гулбола. Аммо чой хушбўй, улардан бири чойдан хўплаб-хўплаб тинглайди, бошқаси эса чойнинг пича совишини кутади, — томоғи оғриб туради.) Энди, гапни пўскалласини айтганда, уни мен мақтасам бўлмас. Меъёрни ҳам билиш керак-да, бир кишига бутун одамзоднинг айбу гуноҳларини тўқиб ташлаш ярамайди-да. Аввал кимга ёзаётганингни, ўша одамнинг руҳиятини, сенинг бу арзномаларингни ким ўқишини билиб олишинг керак-да. Шундай одамлар борки, бу анонимкаларнинг қайси бири саватга тушишинию

қайси бири амал олишини биринчи сатрлариданок билиб олишади. Мен бу анонимкаларнинг нега ўша заҳотиёқ саватга тушмай, буёқда туриб қолганлигидан ҳайронман. Ҳар бир айбномада ҳақиқатга ўхшаш бирон нима бўлиши ҳам керак-да. Бу, ахир, санъат-ку! Шунга билиб қўйишинг зарурки, рақибнинг нимадан кўпроқ хавфсирайди?

— Амираслон, мени кечирасан-у, шундай гапиряпсанки, худди ўзинг шунақа ишлар билан шуғуллангандай, — уни узиб олди Гулбола.

— Мен-а? Анонимкага қарши курашиш кулгили-ку. Яхшиси, имзо чекиб қўя қолиш керак.

— Билишлари учунми?

— Тентак, ўзингникинимас, бировнинг фамилиясини! Сенга айтяпман-ку, алокаларни ўрганиб олиш керак деб! Шу дақиқаларда рақибингга ким тиш қайраши мумкинлигини билиб қўйиш жуда зарур! У кимдан хавфсираши мумкин! Сен худди шундай йўл тутиб янги одамни ўйинга жалб қиласан! Рақибинг, муқаррарки, ўша одамни ўсал қилади, ўсал бўлган киши эса, табиийки, бундан тона бошлайди. Кечагина бетараф бўлган шахс, қарабсанки, рақибингнинг рақибига айланиб турибди-да! Аммо бундай ҳолларда анонимкада нома тагига қўйилган имзога хос бўлган майда-чўйда жиҳатлар ҳам албатта акс этиши даркор! Айтмоқчи, анонимкаларнинг яна бир аломат тури ҳам бор, у ҳам бўлса, автоанонимкалар! Шундайки, автоанонимка деб, ўзингга-ўзинг анонимка ёзишингга айтилади! Бу фавқулудда ўзингни-ўзинг реклама қилишининг ибратли усулидир! Лекин бу ҳақда бир мавриди келганда гаплашармиз. — Амираслон маза қилиб чой ичмоқда эди. Унга ўзининг ҳар бир сўзини ошқора ҳайрат билан илғаб олаётган Гулболани доводиратиб қўйганлиги хуш ёқмоқда эди. «Аттанг, — ўйлади Гулбола, — сен қўлимга олдинроқ тушмадинг-да...»

Бирдан хаёли ўзига келиб, Гулбола қаршисида яна Мамишни кўрди.

— Бари жонимга тегди, отам ҳам, онам ҳам! Сенинг доно тушунчаларингдан ҳам безор бўлдим! Ўз хотинимдан ҳам! Нақадар жирқанч. Унинг башарасию эркалашларидан, чучмал овозидан қайт қилворгим келади! Қўкракларидан!

— Ундай дема!

— Ҳа, сенинг ақидаларингга тўғри келмаяптими? Ке, яхшиси, яна ичайлик!

— Тайёр бўп қолдинг-ку, яна ичасанми?

— Мен-а? Худди ичмагандекман! Истайсанми, шеър ўкиб бераман. «Салом сенга, салом, илҳом манбаи!..» Ке, ичамиз, биласанми, нима учун? Мақсадга мувофиқ бўлган уйғунлик ёки уйғун бўлган мақсадга мувофиқлик учун! Кейин тўрт томонинг қибла, хоҳла мағрибга, хоҳла машрикка жўна!

«Тунги соат бирдан олти минут ўтди. Моцарт асарларидан парчалар». Бу «Маяк».

«У эса сени узок кутди...»

Яна асабий тутқаноқлик бошланди: у гоҳ кучини йиғиб туради-туради-да, бирдан барини тўкиб ташлайди!.. «Сизлардан ахир нима кетади, а?..»

Бироқ фарёд бундан олдин кўтарилганди. Хусниянинг фарёди. Бундай фарёдни Мамиш энди эшитиши. Аввал бу фарёд уйқу аралаш қулоғига чалингандай бўлди, сўнг эса бирдан қаттиқ янграй кетди. Ғам-ғуссага тўла марсия эди бу.

Мамиш сапчиб ётган жойидан туриб кетди-да, югуриб болохонага чиқди — Хусния хоним эс-хушини йўкотаёзган, сочларини юларди.

Саҳар чоғи қуёш эндигина денгиз ортидан чиқиб келган ва денгизни яллиғлантириб юборган пайти шаҳарнинг юқори қисмини супуриб юрувчи фаррош аёл бирдан ўзини орқага ташлаганча гул пушталарига қоқилиб кетди — очик деразадан асфальт йўлакнинг қиррасига муккаси билан бир одам кулаб тушганди. Дарахт шоҳлари қарсиллаб синди-ю, аммо ҳеч ким эшитмади. Фаррош хотин тош бўлганича қотиб ўтирар, на жойидан қўзғала олар, на калимага тили борарди. Бироқ бир одам яқинлашди, кейин иккинчиси, учинчиси... Уйда биров бор эканми ўзи? Ҳеч ким йўқ? Бечора, йикилиб тушибди-да! Саволлар кейинроқ бўлди. Олдин милиция келди.

«Тез ёрдам» машинасининг қулоқни тешиб юборгудай чинкироқ овози. Бадан ҳали нафас олса-да, эс-хуш тугаб бўлган эди. Ким уни охирги марта кўрган эди? Мамиш! Ҳа, ҳа, охирги марта уни Мамиш кўрганди. У нима деркин? Ҳа, уникада ўтиришди, ичишди, кейин хайрлашдилар. Эс-хуши ўзида эдими?

Эс-хуши ўзида эдими, деганингиз нимаси? Хуши жойида эди, фақат кўп гапирувди. Нима тўғрисида? Ўзини-ўзи ўлдириши? Нима деяпсиз! Йўк, йўк, гапирмаганди! У деразадан кулаб кетган, холос. Ахир бўйини қаранг... Дераза эса очик бўлган. Ахир ухлашга ётганди-ку, ҳатто уйкуга кетувдиям. Кейин уйкусираб очик ҳаводан нафас олиш учун дераза олдига борган... Шунда унинг дераза олдига бориб белигача коматини чиқариб тургани эсга келади. Хотини қаерда эди? Қайси уйда жанжал йўк? Мамиш билан биргалашиб ҳам, алоҳида бўлиб ҳам суҳбатлашишди, у эса туман узра сузиб юрганга ўхшайди... Хусния гоҳ сўраб туради-да, гоҳ яна ўзи билан ўзи гаплаша бошлайди. Сўнг яна ҳушидан кетади. Ҳаммага бирма-бир: «Бунни мени туш кўряпман-а? А? Бу ёлғон-а?»— деб ёпишиб чиқарди. Хуснияни қўшнилар ўраб олганларича валерьянка ичишга мажбур қилишарди. Сўнг у яна Мамишдан: нима? нима тўғрисида гаплашяпсизлар?— деб сўрай бошларди. Хасайнинг олдида индашмади-ю, у кўздан нари кетиши билан Хусния йиғини бошлаб юборди: «Худоё худовандо Раъно иккалангнинг у дунёю бу дунёнинг куйиб-ёниб кетсин! Ҳаммасига айбдор у! Унинг укалари айбдор! А-а-а-а...»

Гулболанинг ўлигини ўликхонадан киндик қони тўкилган уйига олиб келишди, эртага эса чиқаришди. Хасай кишининг қабристондан ер сотиб олиб, атрофларига оқ тошдан девор олдирганига анча бўлган эди. Ўнта қабрга мўлжал қилинганди. «Мен биринчи келаманми, деб ўйловдим,— дерди Хасай кўзёш тўкиб.— Аввал бу ерда ўзим келиб ётаманми десам, чек ўғлимга тушибди». Хасай киши мақбарага ўхшатиб сағана қурдирган эдики, бу на сағана бўлиб, сағана эмас, қаср бўлиб, қаср эмасди. Бу мақбара минорали, гумбазли қилиб қурдирилганди. Бу ҳақда кўп гап бўлганди-ю, аммо нима фойдаси бор? Бузиб ташлашмайди-ку, ахир! Гулболани сағанага эмас, сағана Хасайга аталган, шу сағананинг ёнига қўйдилар. Шундай қилиб, оилавий сўнгги манзилда биринчи қабр қазилди.

Мамиш Гулболани ўша оқшомдаги қиёфада илгари ҳеч қачон кўрмаганди. У олис сафарга ҳозирланган экан. Сўнгга унинг одатга кўра учини

ўтказдилар. Маросимларни Ҳусния хонимникида, яшаган уйида эмас, туғилган уйида ўтказиш бошладилар. У хотини билан яшаган уйини севмас ҳам эди. Хотини буни сезарди. Гулбола портретига ўзига ўхшамасди. Бу ерда у жиддий кўринар, гапирганда эса заҳар бўлиб кетарди ва ҳозир ҳам худди тирикдай масҳара қилаётганга ўхшаб турибди. Ҳусния бир маҳаллар: «Қолоқ урф-одатлар! Халқни алдаб йўлдан оздиради, холос! Учи, еттиси, пайшанбалиги!»— деб чиранганди. Гулболанинг учини ўтказдилар. Шунда Мамиш тул қолган жувонга қарар экан, унга «... кўкракларидан...» маълум эканлигини тушунади. Унинг бошига ҳам қанча иш тушди: отаси, эри... янаям ўзини тутиб турибди, балли. Нега бундай қилдинг-а, Гулбола? Қасални яширсанг, истмаси ошкор қилади, бир кун бўлмаса, бир кун ошкор бўларди-да. Ҳусния нечанчи мартадир кимнингдир томонидан тезликда катта қилдирилган Гулболанинг портретига тикилар, таъзияга келган ҳар битта кишига ёпишиб оларди. «Буни мен туш кўряпман-а? Елфон, деб айтсанглар-чи, ахир, сизлардан нима кетади!» Гўёки мажоли қолмаган бўлса-да, Ҳусниянинг кўзларидан ёш қуйилаверади, қандайдир куч уни ушлаб туради, йиқилгани кўймайди. Одамлар ҳам оқиб келаверади, келаверади. Худди бутун шаҳар мана шу кунларда уларнинг ховлисидан ўтганга ўхшарди: аёллар биринчи қаватда ўтиришар, эркаклар эса иккинчи қаватга чиқишарди. Гоҳ жимгина, сўз қотмай ўтиришади, гоҳо эса бирдан — эркаклар орасида — одатдаги, кундалик гаплар бошланиб кетади. «Мен бўлсам унга: «Мен сенинг отанг билан...» — «Эшитдингларми? Олиб ташлашибди-ку! Олиб ташлашгандаям шундай олиб ташлашибдики!...»— «Кўза ҳар куни эмас, кунда синади. Саноқли кунлари қолибди... Врачларнинг қўлидан нимаям келарди? Дипломидан бошқа ҳеч нимаси йўқ!»— «... Бироқ унинг ўрнига бошқасини ўтказиш керак...» Гап гапга улашиб Гулболани тобора камроқ эсга ола бошлашади. Ҳасай эса еттиси куни ҳатто илжайяпти-я! Ҳатто куляпти-я! Қулмай бўладими ахир шундай қизиқ латифа айтишгандан кейин! Одамлар оқими селдай оқиб келаверади, келаверади.

Кариндошлар суди, ўзингни-ўзинг суд қилишинг, расмий суд...

Биринчисининг нафи йўқ, чунки ҳаммага ҳам гапириб бера олмайсан, биласанки, учинчиси қоидадагидай папкага солинади: қотилликми? ўз жонига ўзи қасд қилишми? бахтсиз тасодифми?

йўқ! йўқ!

— Албатта... Ҳа, ҳа, бахтсиз ҳодиса.

Худди калтакесак баданингда ўрмалагани сингари ўзингдан ҳеч қаёққа қочиб қутулолмайсан.

Ўлик чиққан уйда одатга кўра яқин қариндошлар шу ерда тунаб қолдилар.

«Бу ёлғон!»— бирдан қичкириб юборди Хусния хоним. Бу қичкирик Мамишнинг вужудини ёриб ўтди, энди ухлаш кўрқинчли, мумкин ҳам эмас.

Мамиш терговчининг қачонлардан бери ниҳоят уни кўриб протокол бўйича эмас, очикдан-очик чин қалбдан гаплашишни орзу қилган бўлиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаганди. Терговчининг исми Саттор бўлиб, Хасай ва Бахтиёровлар ҳақида шундай нарсаларни билар эканки, буни Мамиш тасаввур ҳам қилолмасди. Айнан Хасай, тўғридан-тўғри эмас, кўчма маънода Сатторнинг бу касбни танлашига сабабчи бўлганди, дейиш ҳам мумкин эди. Бироқ Саттор расмий шахс сифатида Мамишнинг аниқ қилинажак ишга жалб этиш учун чақирди, у на сўзу на бирон-бир ишора билан ўзининг Бахтиёровларга майлини билдириши мумкин эмасди, акс ҳолда уни терговдан четга суриб қўйишлари эҳтимолдан холи бўлмайди.

Ҳар бир одамнинг ҳаётида қутилмаганда тақдирини ўзгартириб юбуровчи тасодифий дақиқалар бўлади. Қизиқиб қийин математик масалани ечиб ўтирган пайтинг ўртоғинг қутилмаганда олдинга келиб, қарагин-а, маҳалламизда зўр шоир чиқиб қолибди, дея сенга аллақандай шеърларни кўрсатади. Шунда жўрангнинг ҳайрати юрагингга бориб қадалади, дилингни ҳасад ўти ўртай бошлайди, нима деяётганингни ўзинг ҳам билмай, «Фу, шуюм шеър бўптими, бунақа ёзишни мен ҳам қотириб ташлайманда!»— деб юборасан. Масалани бир четга улоқтирасан-да, ўртоғинг бу масаланинг шартлари билан та-

нишиб тургунча мянгда тўсатдан бир нима ту-
гилади-ю, сен қотириб яна бир эмас, бирданига ик-
кита байт тўқиб ташлайсан, жўрангга ҳазил тари-
қасида уни гўёки анжир дарахтининг яшил томир-
ларига қиёс қилиб қаердадир ўқиганингними ё эшит-
ганингними бошқачароқ қилиб ёзиб ташлайсан. Қо-
фияси ҳам жойида, маъноси ҳам қойилмақом, яна
ажабланарлиси шуки, бу байт жўрангга атаб ёзи-
лади. Бу шоирликдан сўнг сен яна болаларнинг саж-
да қилган кишисига айланасан, яна сен ҳаммадан
биринчисан, кечир, алвидо, бином¹лар ёки йўқлик-
ка фарқ бўлиб ҳалок бўласан, ёхуд бўлмаса пар-
воз қила туриб ўзингни ўтга отасан ҳамда оломон-
ни ҳам қўшиб куйдириб юборасан, хулласи калом, ё
униси бўлади, ё буниси.

Сатторнинг ҳаётида ҳам худди шундай ҳодиса
юз берган бўлиб, эгизак ака-укалар кўчиб келгун-
га қадар ҳуқуқшунос бўлиш унинг етти ухлаб ту-
шига ҳам кирмаган, бунақа сўз қулоғига чалин-
маган ҳам эди. Саттор Христофор амаки деб, отаси
эса Колумб деб чакирадиган кўшниси иккита мўъ-
жазгина бир-бирига кириб чиқиладиган хоналарни
эгизакларга қолдирганида жуда хафа бўлган эди.
Болақайда шахматга иштиёкни уйғотган, унга хи-
моясиз шохни шоҳ билан мот қилишни ўргатган,
картон қутичасида тамаки хиди ўрнашиб қол-
ган шахмат доналарини ҳамда очилиб ёпилув-
чи катакларига шахмат бўйича жаҳон чемпион-
ларининг, машхур гроссмейстерларнинг тасвири ту-
ширилган картонни совға қилган Христофор ама-
ки яқиндагина эри ўлиб, бир ёшли кизчаси би-
лан бева қолган синглисига яқинроқ жойга кў-
чиб кетганди.

Саттор янги кўшнилари — ака-укалар тўғрисида
кейинроқ қилиб олди. Улардан бирининг сочлари
оппок, уйланган бўлиб, каттароқ кўринарди. Умумий
ойнабанд айвон унчалик ҳам катта бўлмай, фақат
мана шу ака-укалар ҳамда улар яшайдиган хона-
ларни бирлаштириб турарди, холос. Сатторнинг она-
си отасидан фарқли равишда кўшниларга яхши муо-
мала қиларди, у тез орада онасининг меҳру шафқа-
тинню отасининг эҳтиёткорлиги сабабларини англаб

¹Бином — математик атама.

етди: у беихтиёр отасининг бир куни Саттордан кўр-каётганлигини эшитиб қолди, ахир эгизаклардан бирининг эси паст эди-да. Бироқ ака-укалар бу ерда кўп туришмади. Тез вақт ичида уларга рўпарада янги қурилатган бинодан уй беришди; буни қарангки, сочи оқининг, Илдримнинг хотини эгизак туғди. Сатторнинг онаси аёлни туғруқхонага олиб борди, уларнинг изларидан Илдрим ҳам физиллади. Шу заҳотиёқ уларга иккита паҳлавондай ўғил туғилганини хабар қилишди. Сатторнинг онаси юзлари табассумдан ёришиб ёш отани шундай омад билан табрикламоқ учун унга томон юзланувди ҳамки, бирдан бошига қайноқ сув тўкилгандай бўлди — Илдримнинг юзи бу хабардан докадай оқариб кетганди... Сатторнинг отаси онаси туғруқхонадан қайтишгандан сўнг юз берган ходисани гапириб бергач, отаси ёш отани олдига ўтказиб олди-да, табиатнинг хамиша ҳам уларнинг тақдирини туғилган гўдаклар тақдирида қайтаравермаслигини айтиб, Илдримни обдан юпатишга муваффақ бўлди. Ўшанда ярим тунгача Сатторнинг ота-онаси Илдрим билан ўтириб чиқишганди. Кўрқувлар кейинчалик бориб пучга чикди — болалар жуда соғлом ўсишаётган бўлиб, фақат улардан бири флегматик, иккинчиси эса холерик табиатли экан. Ўшандан буён Сатторнинг она шахрида йил фасллари кўп ўзгарди, Сатторнинг Москвадан, ўқишдан таътилга қайтаётиб аэродромда шаҳарга қадар масофани тепа-тепа бўлиб, уйлиб ётган қор уюмларидан тозалаб кураб боришга тўғри келган, эрта тушган қорли-бўронли кишлар ҳам бўлганди: шуниси таажжубланарли эдики, ёзлар совуқ келган йиллар ҳам бўлган, худди одатдагидай асфальт пилч-пилч эрийдиган жазирама, июль ойи эмас-у, Москва кузидай эди. Шундай қилиб, Саттор кўп марта эшитган, шу жумладан, уни ҳайратда қолдирган Хасай билан Далли Идрис воқеасини ўша унутилмас оқшом тинглаган Бахтиёровлар яшаган муюлишдаги уйга яқин район милициясининг жиноят қидирув бўлимида катта инспектор бўлиб ишлай бошлади.

Синфдош, курсдошлар билан йўллари ҳар тарафларга тармоқ отиб кетганди, кимдир мутлақо унут бўлиб кетган, ҳаттоки исмини ҳам эслай олмайсан, бошқа бирови эса шундай юксакликка пар-

воз қилганки, қўлинг ҳам етмайди, мабодо тасодифан гаплашиб қолгудай бўлсанг, унинг гапига ишонинингни ҳам, ишонмаслигинингни ҳам билмайсан. Учинчиси эса ҳуқуқшуносликни бутунлай тарк этиб, бошқа соҳада жавлон урмоқда. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам парвоз бўсағасида турибдилар. Сатторнинг ёшидагилар ўттиз-қирк ёшлар чамасида бўлиб, ҳали вақтлари киёмига етганича йўқ эди; беш-олти йил ўтгач, ким қаерда бўлишини ким билади дейсиз. Авлод парвоз учун сакрашга тинмай куч асраб-тўплаб бормоқда: уларнинг нозир бўлишларига, баъзилари эса ундан ҳам юксакроққа кўтарилишларига шубҳа йўқ эди. У қачонлардир тасодифан синфдошларини учратиб қолган эди. У буни қандай қилиб газетадан ўқимасдан ўтказвордийкин, синфдошлардан бири ҳатто лауреат ҳам бўлибди, нефть олишнинг автоматлаштиришдаги ишлари учун олган экан. Бироқ фақат Амирарслонгина, эҳтимол, ҳозирча парвоз қилишга умид туғдириб турибди, хуллас, уёқ-буёқдан гаплашиб, Сатторни ҳайратда қолдирган хабар шундай эди. Амирарслон Хасайнинг ўринбосари бўлиб юрган эмиш, сал бўлмаса, бутун шаҳар транспорти тармоғини қўлларида тутиб турган эмиш. Амирарслон буларнинг барига поччаси машҳур Жаъфар муаллимнинг кўмагисиз эришганмиш. Саттор Москвада ўқигунча буёқда Амирарслон «таржимаи ҳолини тайёрлаб қўйибди» — опасини ҳайратда қолдириб, поччасининг маъқуллаши билан вагон ремонт қилиш заводига оддий ишчи бўлиб ишга кирибди, уёқдан партия аъзолигига номзод бўлганмиш, ишлаб ўқибди, эҳтимол касб танлашида поччасининг маслаҳати қўл келгандир, ўзига-ўзи кўнгиб берди Саттор; лекин Амирарслон ҳуқуқшунослик билимлар асосининг асоси эканлигини поччасисиз ўзи ҳал қилди; сиртдан ўқиб, тез орада дипломга эга бўлди; армия ҳам ҳатлаб ўтилди («Гап орамизда қолсин-ку, ахир бу бой берилган вақт-ку!» — деди опасига, у бу гапни поччаси эшитсин учун атайлаб овозини бир парда кўтариб гапираркан, почча кўзойнагини ечиб, уларнинг олдига чиқиб, эътироз қилмоқчи бўлди-ю, аммо бир оздан сўнг қўлини силқиб қўя қолди, — улар билан мунозарага киришиш, бунинг устига, баҳслашишга на мадор, на

хоҳиш бор эди унда, ўзи бунақа дам олиш мумкин бўлган кун аҳён-аҳёндагина насиб этса) партия аъзоси, ишиям шу ерда, вагон ремонт қилиш заводиди меҳнат муҳофазаси борасида адлия маслаҳатчиси бўлиб ишлайди; ишчиларнинг ҳуқуқини, қизиқишларини ҳимоя қиламан, деб сал бўлмаса, қоқ миясигача тепакал бўлишига оз қолди, маъмурият билан муносабатни кескинлаштириб қўйди ва ажойиб кунларнинг бирида, уч йиллардан сўнг Хасайнинг ҳузурига ўз юришини амалга оширди ҳамда унинг: «Хотин... бола-чакалардан борми...» деган мазмундаги панд-насихатларига кулоқ осди. Бироқ бу ҳақда бафуржа гапиришга сўнгрок мавриди келиб қолар.

Мана шундай, Сатторнинг катта тажрибасида бўлиб тургандек, кулфат юз бериб қолиб, у тафтиш қилишни бошлаб юборди: шу заҳотиёқ ходиса бўлиб ўтган жойга жўнади, ўлим оқибатини аниқлаб, қайд қилди, сўнгра квартирани, дераза рахини кўздан кечириб чиқди: экспертиза: атайлаб қилинган котилликми? ичкиликнинг даражаси? вақтинчалик параметрлар — тушиб кетмок ва клиник ўлим; ҳамда зудлик билан қилинган сўроқлар; Мамиш Ҳусния хонимдан кейин учинчи бўлиб жавоб берди ва Саттор шу заҳотиёқ Гулболанинг хотини ва афсуски, беваси ҳузурига жўнади.

Саттор муюлишдаги уйга келди, бироқ у ерда шундай тумонат одам тўпланган, Ҳусния хоним шундай йиғи солар эдики, кираркан, буёққа келишдан олдин ўйлагани бемаънилик эканлигини англаб етиб, кетиб қолди. Жўнар экан, кўзлари Мамишнинг кўзлари билан тўқнашди. Мамиш капитан погони тақилган милиция формасидаги бу одамга қараб, уни Хасай ёки Гулболанинг танишларидандир, деган халга борди. «Фуқароча кийиниб келиш мумкин эмасмикин!..» Қўшнилардан кимдир «терговчи», дея пичирлагач, Мамиш беихтиёр илгари қадам босди. Терговчини Мамишнинг бўйи ва кенг елкаларига мос бўлмаган гўдақларча изтиробли нигоҳи ҳайратда қолдирди ва у қандай келган бўлса, шундай жимгина зиналардан тушиб, оломон орасидан ўтди-да, кўчага чиқди. Учи ўтсин, дея аҳд қилди терговчи, ўшанда ғам-қайғулар сал селгиб, яна келиш мумкин бўлади. У экспертиза натижаларини

олдиндан билгани холда шундай қарорга келган эди.

Саттор Хусния хонимдангина, айнан Мамиш фо-
жаи рўй бериши арафасида Гулбола билан кўриш-
ган, деярли бутун окшомни уникида ўтказганлигини
билиб олди. «Улар бир-бирлари билан ака-укадай
яқин бўлиб кетувдилар. Мамиш, қаердасан, ўғлим
нима сабабли ўлганлигини нега айтиб бермайсан?
Кела қолсанг-чи, қаердасан!..»

Мамиш эса уларга яқинроқда турар, навбат ун-
га ҳам етиб боради, Саттор Хусния хоним район-
нинг фаол аёлларидан эканлигини билар, бироқ у
билан таниш эмасди ва ҳатто яқинда аёлни кўча-
да кўриб қолган, унинг ёшини тахмин қиларкан,
Хусния хонимнинг тамомила ёш кўринишидан ажаб-
ланган эди; хоним тез-тез ва дадил одим ташлар,
жуда ясан-тусан қилиб олмаган бўлса-да, дид би-
лан яхши кийинган, сочлари силлиқ таралган бо-
шини мағрур кўтарганча кетиб борарди. Ҳозир эса
унинг қаршисида юзлари қуруқшаган, қариб, қад-
ди букилган, оппоқ сочлари тўзиб кетган аёл ту-
рарди; этини жунжиктириб, титратиб юборган фарёд,
марсияю йиғи-сиғи орасида қолган терговчи учун
Хусния хонимнинг Хасайга, тилидан бир оз йиғи-
дан тин олган дақиқаларда ҳам исми тушмаган
кундошига нисбатан қанчалик алам ва нафрати чек-
сиз эканлигини тушуниш мушкул эмасди. «Менинг
ўғлимни ўлдиришди, ўлдиришди,— фарёд қиларди
у. — Танҳо ўзимни шу аждарҳолар орасида ташлаб
кетди! Қариганимда кимга суянай энди? Қотилни
жазоланг!— У шундай деб ялиниб турарди-да, сўнг
овозида яна кутку пайдо бўларди. — Мен бунини шун-
дай қолдиролмайман, мен бу жиноятларни фош қи-
либ ташлайман! Улар менинг ёлғизгина жигарбан-
дим, азиз болажонимдан айирдилар!.. — Иссиқ, қай-
ноқ кўзёшлар шишган кўзларидан тинимсиз оқа-
верарди. — Қани Мамиш, қаёққа ғойиб бўлди? Сиз
ундан сўрай қолинг, у ҳаммасидан хабардор...»

Сўнгра Гулболанинг тул қолган хотинига духоб
бўлди.

Ҳа, ўша одамнинг қизи экан-да!.. Унинг қайғу-
си ўзига етарли, аламу азоби бу фожиадан кам эмас.

«Қизик,— ўйлади Саттор, — Хусния хоним, гар-
чанд, айнан Гулболанинг хотини тунда уйида бўли-

ши, унинг исмини биринчи навбатда тилга олиш кераклигига қарамай, гўё ўғли уйланмагандай, бирон марта ҳам эсламади-я».

— Мен унга, умуман, керак эмас эдим. У бошқа аёлни яхши кўрарди.

— Қимни?

— Буни ўзингиз билиб оласиз.

— Балки сизга шундай туюлгандир?

— Ҳечам-да, сиз эркаксиз, аёл терговчи бўлганида шундай деб сўраб ўтирмаган бўларди.

— Сиз ўзингиз у аёлнинг айнан кимлигини биласизми ёки фақат шундай деб гумонсираяпсизми?

— Мен унга керак эмаслигимни билардим, у эркак бўлса, аёлсиз яшай олармиди.

У одамларни иккига — аёллар ва эркакларга ажратиб кўйганди.

Мана, Мамиш. У Сатторнинг рўпарасида ўтирар ва Сатторга бу йигит нима учундир ёқиб тушган эди, ким билади дейсиз. Эҳтимол, бу туйғу алдаб кўяр? Бироқ бу йигитни қандай қилиб очик суҳбатга тортиш мумкин экан-а?

Буни қарангки, уларнинг ҳар иккови ҳам қарийб тенгдош, бир авлод кишилари, ҳар бирининг ортида шундай ғаройиб кечмиш бўлиб, бу ҳақда биттадан қаҳвани эрмак қилганча ёки Мамиш шахмат ўйнагудай бўлса, шахмат устида мароқли воқеаларни эслаган кўйи суҳбат қуриш мумкин эди. Икковлари болохонада турган кўйи қад кериб, қулоч ёйган, гўзаллашиб кетган, озода, чиройли она шахар чироқларига тикилиш, сўнг хиёбонга, ундан ўроққа ўхшаб кетувчи кўрфазга чиқиб, юракда азоб билан бу ерда олдин нима бўлганини эслаб, кадрдон шахарнинг шунчалик ўзгариб кетганини сўйлаганча болаликдан таниш кўчалардан сайр қилишлари ҳам мумкин эди. Афсус, уларнинг бошқачароқ руҳда суҳбатлашишларига тўғри келяпти, улардан бири ҳақиқатнинг тагига етмоқчи бўлиб, «Буни қаранг-а! — дея суриштирмоққа оғиз жуфтлайди. — Шундай кулфат бошингизга тушипти!..» Иккинчиси эса энг яқин дўсти нобуд бўлганидан гарангсиб, ҳамон ўзига келолмай турган бўлса-да, жавоб бериши, тагин юрагидаги энг муқаддас сўзларни ёт бир одамга ошкор қилмоғи зарур эди.

Лекин айнан шу ерда, терговчининг оқилона, меҳрибон, тушунувчан кўзларига тикилганча (айни шундай фожиали аҳволда учрашиб қолганлари кишига алам қиларкан!), Мамиш тўсатдан Гулболаникида ўтказган, ўзи унчалик аҳамият бермаган окшом эсига тушиб қолди; эҳтимол (Мамиш туман орасида қолган, бу ҳодиса рўй берганига гоҳ ишонар, гоҳ ишонмас, ҳеч қулоғи тагидан тонгда уйғотиб юборган Хусниянинг фарёдини кеткизолмасди, бу воқеа содир бўлганига икки кунми, уч кунми бўлган эди-ю, аммо кунлар шу қадар узайиб кетган эдики, ҳеч охири кўринмасди...), терговчи унга: «Унда ўзи яшаётган ҳаёт билан ўйлаётган ўйлари орасида оралик — фарк йўқмиди?» — деб савол бергани учун ҳам эслагандир.

— Ақалли, бирон марта ҳаётда, — деган эди Гулбола ўша тун Мамишга, — бизнинг ҳар биримиз ўзимизга-ўзимиз: нега сен бу оламга келдинг? — деган саволга жавоб беришга қодир бўлишимиз керак.

— Ўзинг-чи, бунга нима деб жавоб берган бўлардинг?

— Мен шундай деб жавоб қайтарган бўлардим: оғайнилар, сизнинг қаршингизда бир нарсани ўйлаб бошқача гапирган, амалда эса бўлакча иш тутган одам турибди. Яна шуниси ажабланарлики, уни ҳамма туппа-тузук одам, деб ҳисобларди ва аслида ҳам шундай бўлган. Аммо нега бундай бўлиши керак? Бундан шундай парадокс келиб чиқади, агар у ўйлаганини гапирса, гапирганидек ҳамда ўйлаганидек иш қилса, вой, унда бу ёруғ жаҳонда қандай ҳодисалар рўй бермаган бўларди! Шундай ваҳима, шов-шув, сурон-тўфон кўтарилардики! «Ушла! — деб қичқиришган бўларди одамлар. — Тумшунга бир туширсанг-чи!» Энг ёмон вазият бу ҳодисани тақозо қилиши мумкин, яхши ҳолатда эса уни тузукроқ уйларга киргазиш мумкин бўлмаган, нари қоч, деган муомалаталаб телба ёки далли-девонага чиқариб қўйишарди!..

— Сен даҳшатли нарсаларни гапиряпсан!

— Лекин асл ҳақиқатни гапиряпман.

— Ростдан-а?

— Елғон гапиравермай, гапимга қулоқ оссанг-чи! Ақалли ҳаётингда бирон марта мен ҳақиқатни-

гапираётганлигимни бўйнингга олгин! Яна бу ахволга тушиб қолган биргина мен эмаслигимга ҳам ик-
роп бўлгин!.. Йўқ-йўқ, кўркма, сени назарда тута-
ётганим йўқ!.. Нега мен бундай бўлиб қолдим? Мен
бу ахволга қандай тушиб қолдим ўзи?

Нахотки, буларнинг барини унга Гулбола сўз-
лаб берган бўлса? Мамиш буларни тушида кўрга-
ни йўқ-ку, ахир. Гулболанинг ҳар бир сўзи мия-
сини пармалаб, хотирасига ўрнашиб олган, сира
қувиб чиқариб бўлмайди. Бироқ у қандай аниқ-
равшан ифодалаб гапирганди, умуман, Гулбола баъ-
зан ўз фикрларини қатъиян мантиқ билан баён этар,
бу хислат унга болаликдан хос эди. Салимга ҳам бу
чапанича дунё учун унинг одам эмаслигини исбот
қилиб берганди! У бу олам қонунларига биноан Са-
лимни кўнглига келган истак билан жазолаш ҳуку-
қини қўлга киритганди.

Аммо терговчи саволни беришга бериб қўйиб,
Мамишнинг индамаётганлигини нима деб жавоб қай-
таришни ўйлаётганигами, бошига тушган бахтсиз-
ликдан эзилаётганигами — нимага йўйишини билол-
май, қўшиб қўйди:

— Бу нарса протокол учун эмас, мен истардимки,
сиз уни бир инсон сифатида таърифлаб берсангиз.
Сиз, ҳа, айнан сиз Гулболанинг ҳалокати сабаби-
ни равшанлаштириб беришингиз мумкин.

*сиз Хасай билан гаплашинг! Р билан гап-
лашинг!*

— Бунинг қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканли-
гини айтиш, ўқитиш менинг ишим эмас, Мамад ази-
зим. Бу нарса нафақат менгагина эмас, балки сиз-
га, бизнинг ҳаммамизга муҳимдир! Юқоридан қуйи-
га, бутун оқимлар бўйлаб кураш кетаётганлигини
ўзингиз кўриб турибсиз. Хали биз қўп нарсаларнинг
моҳиятини англаб етмоғимиз зарур, Гулболанинг
эса... Нахотки буни сиз бахтсиз ҳодиса деб ҳисоб-
лайсиз.

*— ҳа, сиз ҳақсиз, бу ўз жонига қасд қи-
лишинг ўзгинаси!*

*— мана! мен ўзим ҳам шундайдир деб ўй-
ловдим-а! мен бунинг айнан ўз жонига қасд
қилиш эканлигига амин эдим! буни мен сиз-
нинг ўз оғзингиздан эшитишни истаган эдим!
шундай деб ёзиб қўямиз!..*

«нега оғзинг қулоғингга етяпти?»

— келинг, энди бир бошдан гаплашиб олайлик: нима уни мажбур қилди? сиз унинг қайси сўзларига биноан шундай ҳисоблайсиз? орадаги оралиқ — фарқ нимадан иборат эди? шахсийми? оилавийми? ижтимоий гражданиликми?.. бизга асосли далиллар келтиринг! «оҳ, сенга асосли далиллар керакмиди!.. жуда аломат чиқиб қолдингку-а!..»

— нима дедингиз? «бир нарсани гапириб, бошқача ўйлар, амалда эса бўлакча иш тугарди, дейсизми?» буни қаранг-а!.. балки магнитофонга ёзиб қўярмиз-а?

— ёзсангиз ёзаверинг! барини ёзмайсизми менга деса! мен сизга шундай нарсаларни айтиб берайки!.. шундай!.. у ... терговчининг кўзларида яна истеҳзоли табассум ялт этди. Мамиш довдираб қолди. сўзларнинг ҳадди йўқ. кишилар. башаралар. ниқоблар. афт буриштиришлар. даҳшат. худди оғзидан олов пуркайдиган, ўз болаларини нафсига урадиган девга рўпара бўлгандай ўзларини ҳар ёққа отадилар. Гулбола ҳам: «қани, бир тўқиб ташламайсанми!.. нега жим бўлиб қолдинг, бор, бор, бир ичак-чавоғини ағдариб ташлагин!..» — деб қараб тургандай.

— боринг-э!

— энди бизнинг сиз, ҳа-ҳа, сизнинг худди ўзингиз у ойнадан бошини чиқарганда ёрдамлашворгансиз, деймизми... тахмин қилишимизга тўғри келади!

Мамишнинг мушти терговчининг жағига бориб тушади, сўнгра унга қарата терговчининг қўлига илинган нарса отилади, бу ҳам бўлса, терговчининг қўлидан тушмайдиган пресс-папье шекилли.

Мамиш чўчиб тушди. Гулбола фақат унга айтганди. Енларида бошқа ҳеч ким йўқ эди ҳам... Разиллик!

— Кечирасиз-у, менимча, бу ҳодиса бахтсиз тасодифдан бошқа нарса эмас. Гулболада ўзини ташлашгача олиб борадиган ҳеч қандай сабаблар йўқ эди. Ахир, ўзини-ўзи ўлдиришнинг бошқача йўллари ҳам бор эди-ку! Кейин ойнадан ташлаш энг

ишончсиз усул, яна тирик қолиб, бутун умр бўйи майиб ҳолда юриши ҳам мумкин бўларди-ку.

— Лекин сиз унинг иш жойини тез-тез ўзгартириб турганлигини қандай изоҳлайсиз? Бу адоғи кўринмайдиган, холбуки ишларининг келажаги дуруст бўлишига қарамай, ўз ихтиёри билан ишдан кетишлар-чи? Унинг ҳаётини сира силлиқ давом этган деб айтиб бўлмайди-да. Наҳотки, ҳаётида ҳеч қандай норозиликлар бўлмаган бўлса! Бу жуда қатта аҳамиятга эга, тушунсангиз-чи, ахир, Маммад!

— Норозиликлар бўлиб турарди... Лекин шундай майда норозиликлар туфайлигина ўз жонига қасд қилиш мумкинмикин?

*майда дейсанми?! қани, қани,
борингни тўкавер-чи.*

— Ҳар ҳолда, бўлиши мумкин-ку. У ижтимоий шахс сифатида қандай одам эди? Дунёқарашлари қандай эди? Гражданлик қиёфаси-чи?..

*— ҳа, мана энди ўзингизга келдингиз!
ҳозироқ айтиб ташлайман!.. эҳ, уёқдан қи-
дирманг, терговчи!*

— ?!

*— эҳтимол, уёқдан ҳам излаш керакдир, бил-
масам.*

— Тасаввур қилинги, уни шахсий бахтсизлигидан кўра Денгизлининг келажаги кўпроқ ташвишлантирарди.

— Қайси маънода?

— Ажойиб денгизимизга тонна-тонна занг босган темир ташлаб денгизни ҳам, балиқларни ҳам хароб қилишяпти, ҳеч кимнинг эртанги кун билан иши йўқ, дерди.

— Сиз-чи! Сиз унга нима деб жавоб қайтаргандингиз?

— Мен унга нефть тугагач, бўлажак Денгизлининг манзарасини тасвирлаб бергандим. Мен Денгизлининг ўртасида занглаган темир уюмлари эмас, музей-пляж бўлади, дегандим.

— Нефть чиқиндилари ҳақида-чи, нима деганди?

— У бу ҳақда ҳам гапирганди. Мен денгизни нефтнинг қуюқ пардасидан бир зумда тозалаб таш-

лаш тўғрисидаги фикрларимни тўкиб ташлагандим. Бу лойиҳа устида бутун бир институт иш олиб боражagini айтдим. Бунинг йўли жуда осон, ҳеч қандай маблағ ҳам кетмайди — денгиз сатҳи прожекторга ўхшаш алоҳида бир нур билан ёритилади, шунда нефть пардасидан асар ҳам қолмайди. Балиқ ҳам ўз ҳолича кўпаяверади: хоҳласанг, ана, маза қилиб кўёшда қораявер, мириқиб нафас ол, осетра ҳам сихда жаз-буз қилиб пишяпти!

— Шунда у бу хаёлий, гўзал келажакка ишондими?

— Негаям ишонмасин?

— Ростдан ҳам шундай бўлиши мумкинмикин? Сиз ўзингиз Денгизлининг келажаги хусусида қандай фикрдасиз?

— Ҳозир мен сизга айтдим-ку.

— Ҳеч қанақа мушкулот-муаммоларсиз-а?

— Темир ахир занглайди-ку, дейди Гулбола. Афсуски, дейман мен унга, бу жараён билан курашиш оғир. Аммо ҳамма қувурлар ҳам занглайвермайди. Сув остидаги қувурни саклаш мумкиндир, аммо шуниси ачинарлики, ҳамиша темирнинг сув билан ҳаво тўқнашган қисми занглай бошлайди. Сув пайсайганда қувур қурийди-да, кўтарилса борми, яна ҳўл бўлади. Аммо нур тўғрисида бош котирадиган одамга бу унчалик мушкул иш эмас.

— Мен сиз ҳақингизда тўкилган байтларни эшитгандим.

— Бундан ҳам хабарингиз борми... Шунчаки менинг исмимни қофия қилиш осон бўлганидан тўкиб ташлашган.

— Сиз унинг мусибатлари ҳақида гапиргандай бўлувдингиз. У сизни бекордан-бекорга кутиб ўтирмаган-ку, ахир! Балки унинг ўлимига қайнотасининг тагига сув кетиши сабаб бўлгандир?

— Сабаби бу бўлмаса керак.

— Менинг назаримда Гулболанинг хотини унча қуюнмаётганга ўхшаяпти.

— Унинг ўз дарди ўзига етарли.

— Эҳтимол, отаси билан онаси орасидаги нифоқ сабаб бўлгандир? У, менимча, онаси тарафида эди шекилли.

— *отаси устидан анонимка ҳам ёзувди.*

— *?!*

ҳатто отасини ўлдиршигача ҳам борганди.
— !!

— Яна бир вақтнинг ўзида отасининг янги оиласи билан инок эди, ҳаҳ, оти нимади, анув жувонга боғланиб қолган эди, исми Раъно эди шекилли.

— Сиз бунни суриштиряпсизми ёки аниқлаб олмақчимисиз?

— Мен қандай қилиб аниқлаб олишим мумкин?

— Бўлмаса, бунни уларнинг ўзларидан, Хасай билан ёшгина хотинидан сўрай қолинг.

— Шундай қилмоқчиман ҳам. Айтмоқчи, олдингизда қўнғироқ қилиб олсам ҳам бўлади, Хасайнинг телефонини биласизми?

— Телефон номери дафтарчангизга ёзиб қўйилган.

— Менга Хасай Гулболаевич керак эдилар... Терговчи Саттор Мокуний... Йўқ, Бокуний эмас, Мокуний, Моку сўзидан олинган, шунақа кишлок бор... Ёзиб қўйинг, кутаман. Хасай муаллим бандлар, қўллари бўшади дегунча ўзлари дарҳол қўнғироқ қилдилар дейсизми. Тезда. Шундай бўлса-да, сиз онаси тарафида туриб, бир маҳалнинг ўзида отасининг янги хотини билан дўстлашиш мумкин, деб ҳисоблайсизми?

— Сиз албатта Раъно билан кўришишга ҳаракат қилинг.

— Уни аёллик ҳамда инсонийлик тимсоли денг!

— Бўлмасам-чи! Илоҳиёт малаги! Гўзалликнинг рамзи-ку!

жуда сизга кўзи учиб тургандир!

Мамиш гоҳо чурқ этмай турар, гоҳо жиддийлашиб қолар, гоҳо пичинг қила бошларди. Унинг қандай одам эканлигини ҳеч тушуниб бўлмасди.

Шу пайт Хасай қўнғироқ қилиб қолди. Телефонда қисқача гаплашиб олдилар: Хасай келмас экан, у терговчига, Хасай эҳтиром билан айтгандай, Саттор муаллимга машина юборармиш, сўнг у юборган машина терговчини Хасай ҳузурига олиб келармиш. Терговчи оёқ тираб туриб олиши ҳам мумкин эди-ю, таранг қилиб ўтирмади... Майли, Хасай истаганидай бўла қолсин.

Мамиш билан қилган суҳбат якуни бир нечта иборага юк бўлди, холос, бироқ Саттор маълум

бир тўхтамга келолмай, юрагида соя қолди — Ма-миш гапни айлантирган ва ҳатто унинг асосий са-волига ҳам қатъий равишда бахтсиз ҳодиса, деб жавоб қайтаргани унга носамимий бўлиб туюлди. У Мамишнинг олдига иш бир ёқли бўлиб қолгач, яна келиши керак.

Хасай Сатторни энг чекка хонага бошлади, Сатторнинг биринчи кўзи тушган нарса худди сукунат ютиб юборгандай жимжит квартираю Хасайнинг ост-лари кўкиш тортиб салқиб кетган кўзлари бўлди. Хасайнинг бутун киёфаси йиғлайвериб бўғилиб қол-ган овози ҳам, ёш филтиллаган кўзларининг дард-чил ифодаси ҳам, қирилмаган энгаҳидаги оппок со-коли ҳам адоксиз ғам-кулфатга кафил бўларди.

— Ҳа, ҳа, — деди Хасай Сатторнинг нигоҳидан кўзини олиб қочиб ва худди ўз ожизлигидан уял-ган каби, — бунга ўзимиз айбдормиз, бизни ҳар қан-ча айблашса ҳам озлик қилади, биз Гулболамин-ни эҳтиёт қила олмадик. У жуда инжиқ бўлиб қолув-ди, биз эсак, эҳ, биз одам эмас, йиртқичнинг иши-ни қилибмиз, ҳадеб унинг жиғига тегиб, оловга ке-росин қуяверибмиз, қуяверибмиз... У билан мана шу уйда бўлган сўнги учрашувни эсласам, жуда ажойиб кеча бўлган экан ўшанда. Бутун оила, уруғ-аймоқлар тўрланишиб ўтирган эдик, укаларим ҳам, Мамиш жияним ҳам — ҳаммалари шу ерда эдилар, Гулбола эса... Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ ўзидан-ўзи тажанг бўлаверди, биз эсак унга яхши муомала қилиш ўрнига ҳар томондан нишимизни санчавериб-миз, мен — қари аҳмоқ бўлсам, кечирасиз-у, столга бир мушт уриб, ҳамманинг жағини ёпиб Гулбола-ни бағримга босишим керак экан... Йўқ, биз бундай қилармидик, унга ҳар томондан ёпирилиб талаб таш-лабмиз... У ичаверди, унинг нега бундай қилаётган-ини ўйлаб ҳам қўрмабмиз, суриштирмабмиз ҳам... у охирги пайтлар ичкиликка ружу қўйиб қолган эди. Ўша оқшом Мамиш билан ҳам ичишган экан, ои-ласида ҳам нохушликлар бўлиб турарди, хотинини уйига ҳайдаб юборганди.

— Аммо у соппа-соғ бўлган, — унинг гапини бўл-ди, — ўша (нима деб аташини билолмай сўз ахтар-ди) бахтсизлик юз берган пайтда.

— Қанақасига? — тушунмади Хасай. — Бирок Мамиш у билан ўша окшом бирга ичишган экан-ку! Бу сўзларни энди бошқа Хасай гапирмоқда эди.

— Мамишми, ҳа, у ичгану Гулбола эса ичкиликка ҳатто қўлини ҳам тегизмаган.

— Демак, Мамиш келгунча ичиб олган, бунинг нима фарқи бор?

— Экспертизанинг кўрсатишича, Хасай Гулболаевич, Гулбола ўлаётган вақтида соппа-соғ бўлган.

— Бу билан нима демоқчисиз? — хушёр тортди Хасай. — Нима бўлган тақдирдаям Гулбола бундай қилишга журъат қилолмаган бўларди. Мен ота сифатида чин юракдан ўзимнинг шубҳаю дардларимни сизга ёряпман, мен буни протокол учун айтаётганим йўқ, билиб қўйинг, мен сизга бу гапларни ўғлимга гапиргандай гапиряпман. Мен унинг асабийликларини, бир оз дилхираликларини инкор этмайман, ўша окшом ҳавонинг қандай дим бўлганлиги ёдингизда бўлса керак... Мамиш ўша окшом нима ҳақда гаплашганларини сизга айтиб бергандир, деб ўйлайман, ўша суҳбатлар бошимизга тушган бахтсизлик хусусида бошқача хаёлларга боришга сабаб бўлмаса керак. Онасининг ҳам, менинг ҳам, ким бўлишимиздан қатъий назар, юракдаги жароҳатимизга туз сепмаслик керак-да.

Саттор шитир-шитир овозни эшитиб, орқасига ўгирилди-ю, нимқоронғи даҳлизда кўзни олгудай оппоқ аёл юзини кўрди. Даҳлиз гўёки ёришиб кетгандай бўлди. Саттор умрида илк маротаба ўн тўрт кунлик ойдаи оппоқ-ойдин юзни кўраётганлигига онт ичиши ҳам мумкин эди. Ой қандай пайдо бўлган бўлса, шундай ғойиб бўлди ва улар қоронғи туша бошлаган, тўсатдан зулматга фарқ бўлган хо-нада чирокни ёкмай ўтиравердилар.

— Рухсатингиз билан, мен Раъно хоним билан, рафиқангизни исмлари шундай эди шекилли, гаплашсам деган эдим.

— Бу энди нимага керак бўлиб қолди? — деди Хасай ўзини аранг тутиб турганини ҳис қилиб. — Мен уни бу ишга аралаштирмасликни... — Бирок терговчининг рухсат сўрамасликка ҳаққи бор эканлигини тушуниб, ирғиб ўрнидан турди ва курсини тарақлатиб сурди-да, Раънони чақирди.

Раъно хонага кираётиб, чирокни ёкди ва унга караши билан Саттор ўрнидан турди-да, ҳаяжон ичра шундай нозик хилқатни безовта қилганлигига, электр нури ҳам аёлга азоб бераётганлигига ўзи айбдор-у, гуноҳини бўйнига олгандай, жувон билан сўрашди.

— Мен фақат шунини истардимки, — Саттор унга эмас, Хасайга юзланиб деди. — Сиз биттагина саволимга жавоб берсангиз.

Хасай ранжиганини ошкора билдириб, уларни холи қолдирганча, хонани намойишкорона тарк этди.

— Айтинг-чи, — сўради Саттор ҳалиям аёлниг даҳлиз ғира-шира қоронғилигидаги ҳайратангиз қиёфаси таассуротидан қутулолмай. — Сизлар Гулбола билан дўст эдингларми?

Савол деган ҳам шу қадар бемаъни бўладими? Раъно, Сатторга шундай туюлдими, бир чўчиб тушди ва унинг жувонга раҳми келиб кетди. Раъно кўрқувдан дир-дир титрай бошлади.

— Мени афв этинг, Гулболанинг нобуд бўлгани шундай даҳшатки, сира ақлим бовар қилмаяпти, кечиринг.

— Қўйсангиз-чи, ҳеч боқиси йўқ, сиз мени кечиринг, агар қийналсангиз, майли, жавоб бермаслигингиз ҳам мумкин.

Бир-биридан узр сўраётган икки кишининг бу қисқача суҳбати Хасайнинг сабр қосасини тошириб юборди ва у Раънонинг ҳолатини чуқур ҳис қилган, унинг зийраклигидан лол қолган Саттор жўнаб кетиши биланоқ сўнгги маҳаллар аҳён-аҳёнда рўй бериб турганидай, йиғламоқдан бери бўлиб, бу Моқунийни азоблардан халос қилишини, бусиз ҳам Бахтиёровларнинг дарду ташвишлари ўзларига етарли эканлигини айтиб ўтиниб. Жаъфар кишининг уйига сим қоқди. Жаъфар муаллим эса эртаси куни унча рўйхуш бермай, терговчига қўнғироқ қилди. «Нега чўзясиз, Саттор Исмоилович, — иложи Борича босиқлик билан, аммо худди мен бўйин товлаганларни жиним суймайди, дегандай қатъий деди. — Тушунаман, бу сизнинг бурчингиз, бироқ, менимча, бари равшанку, ахир! — Жаъфар муаллим, ҳақиқа кўчганда, терговчини қистовга олмоқчи эмасди, тўғриси, тер-

говчи, майли, шартакилик қилмасаям, аниқ-равшан қилиб, Жаъфар муаллим, нима деяпсиз, мен бу ишни тугатмасдан ҳеч юмалоқ ёстик қилолмайман, деган маънода эътироз билдирганида хурсанд бўларди.

Бироқ терговчи унинг сўзларини деярли чурк этмай тинглаб турди-да; сўнг иш охирлаб қолган, хаттоки тугаган, ҳамма далиллар тўпланиб бўлган, дегандай бир нималар деб гўлдиради. Терговчининг бу розилиги Жаъфар муаллимнинг руҳини тушириб юборди, унинг бирпасда ён бериб кўя қолиши, изидан келаётган ёш авлоднинг қурашчанлик руҳида камол топмаётганлиги ҳақидаги маънос ўйларга фарқ қилиб юборди.

Бироқ Сатторнинг ишга ҳали-вери нуқта қўйиш нияти йўқ эди. Мамиш билан яна учрашиши керак эди... У трубкани энди жойига қўйиши биланок яна телефон жириглаб қолди. Амирарслон экан.

— Амирарслон?! — Жаъфар муаллимдан сўнг телефон қилишини-чи.

— Худо ҳақки, онт ичаман, бу шунчаки тасодиф, ишон, — гарчанд Хасайнинг ишига, қарияни ҳадеб эзаверма, деб таъсир кўрсатиш учунгина қўнғироқ қилган бўлса-да, ўзи ҳам бу тасодифдан турган гапки, доводи раб қолди Амирарслон. — Бу ерда Хасайнинг нима даҳли бор?! Афти башарангни анча бўлди кўрмаганимга, турки тароватинг қанақа эканлигини бир кўриб қўйсам ёмон бўлмасди, эсимдан чиқараёздим ҳам, сен ҳам мени кўриб қўйсанг ёмон бўлмасди.

У Сатторнинг олдига машинада етиб келиб, дилдан суҳбатлашмоқ учун вокзалдаги ресторанга олиб борди.

— Айтмоқчи, Хасай тўғрисида битта гап, — Амирарслон кейинроқ, ўринларидан кўзғалишганда уларни ресторанда кутиб олган, икки кишилик хилватгина, салқин гўшага бошлаган одам Хасайнинг туғишган укаси эканлигини айтиб Сатторни ҳайратда қолдиради. — Қариянинг аҳволи чаток, ётиб қолмаса бўлгани, ахир, у яқинда инфаркт бўлаёзай деди-я. Наҳотки эшитмаган бўлсанг? Тилла одам-ку, фақат битта катта айби

бор-да, ҳолбуки, бу айбми ё ҳаётни севиш далолатими — қайдам. Аёлларни шундай яхши кўрадики, биронтасини кўздан нари ўтказвормайди.

Хасай бир куни микрарайондан ишга кетаётувди, одатдагидай муюлишдан буриламан девди ҳамки, шу ерда — муюлишдаёк кўм-кўк шимкостюм кийган, узун сочлари орқасида ёйилган қиз қўл кўтариб қолди. Хасай, гарчанд ишга шошиб турса-да, тезликни ошириш одати йўқ эди. машинани тўхтатди. «Гўзал қиз тонг саҳарлаб қаёққа шошяптилар?» — деб сўради у эшикни очиб, қизни ўтиришга таклиф қиларкан. Улар бир тарафга боришар экан. Қизнинг исми Нигор эди. Хасай унинг исмини эшитган захоти ҳатто урф бўлиб кетган кўшиқдан бир мисрасини куйлаб юборди: «Сени севдим, сени севдим, ох, менинг Нигорим!» Қиз кулимсиради, табассум унинг бўртиб чиққан ёноқларига, қисик кўзларига ярашиб тушди. Бу нарса Хасайнинг ҳимоясиз қалбини забт этиб қўйди. Қиз Хасай кетаётган бинога бормоқчи экан, маданият нозирлигида уни телевидениега ишга киришга кўмаклашишни ваъда қилишибди. Хайрлашишар экан, Хасай Нигорга деди: «Агар ёрдам беришмаса, менинг олдимга келинг ўзим сизни жойлаштириб қўяман».

Шундай қилиб, қиз келди. У ҳам сўзида туриб қизни ишга жойлаштириб қўйди... Улар ахён-ахёнда учрашиб тура бошладилар. Нигорнинг ораси дам олишга жўнагач, Хасай биринчи мартаба унинг уйига келди.

Бугун эрталаб Нигор, ҳаракат қилиб қолиш вақти етди, деб ўйлади, бурчак-бурчакда дон олишиб юришлари етар энди, у Хасайнинг қонуний хотини бўлишни истайди.

Хасай Раънога соат олтида уйда бўламан, деб ваъда қилганди. Ҳаво ҳам тўсатдан айниб қолди: пешингача осмон тил-тиник эди, энди эса шимол томондан чўпон-шамол булутларни тўда-тўда қилиб ҳайдаб келаверди. Пастак булутлар айниқса бу ерда, микрорайонда ваҳимали туюла бошлади. Телефон ҳам садо чиқарай демасди. У кўчани яхшироқ кўриш умидида чироқни ўчириб қўйди. Кута-кута ахири кутганига эришди, ана ҳаворанг «Волга»!

«Октой, даданг келди!» — кичкирди у ўғлига. Раъно тезгина овқатни иситиш учун ошхонага кирди, аммо яна ойнадан кўчага қараганида машина жойида. йўқ эди. Бироқ орадан бир зум ўтмай машина дераза этагида тормоз бериб қолди. Хасай машинадан чикмади ҳам, орқадаги кизил чирок оқиш тунга чўмилганди. «Мошоллох, — чакирди Раъно уларга иккита каттакон тарвуз олиб келган Хасайнинг жиянига, — пастга тушиб, кара-чи, амакингга нима бўлдийкин!» Мошоллох чиқиб кетди ва Раъно бу вақт ичида Хасайнинг машаққат билан машинадан тушганини, эшикни ёпмай, алпанг-талпанг уй томон қадам ташлаб келаётганини кўрди: «Ичганмикин?» Бироқ Хасайнинг оёқдан қолгунча ичмаганига анча бўлганди. Унга нима бўлдийкин? Мошоллох амакисига югуриб пешвоз чикди-да, сўнг машинага ўтириб ҳайдаб кетди. Раъно разм солиб қаради ва машинада аёл киши ўтирганига кўзи тушиб қолди. Шу пайт эшик очилиб, Хасай уйга кириб келди ва қўлларини чўзганча аламдан кўзларига ёш келган Раъно томон юзланди.

«Уят борми сенда!»

«Раъно, аҳволим чатоқ!»

«Озроқ ичсанг бўларди!»

«Раъно, ичганим йўқ, мазам бўлмапти!» Шундай дея у Раънони кучди, аёл уни аста ўзидан итарди, шу пайт Хасай Раънони кўрқитиб юбориб, шилк этиб гиламга қулаб тушди. Раъно бирдан кичкириб юборди ва Хасайга отилди, тез унинг ёқасини бўшатди, бўйинбоғини ечди. Хасай тез-тез нафас олар, ранги доқадай оқариб кетган эди. Раъно ойисига тезда кўнғироқ қилди: «Уйимизга «Тез ёрдам» чакиринг-да, ўзингиз дарров етиб келинг, Хасайнинг аҳволи чатоқ!» Октой отасининг тепасида ўтирарди.

Мошоллох келиб қолди. Раъно билан иккови Хасайни аста суяб ётқизиб қўйишди. Варвара хоним ҳам етиб келди. Сўнг орадан пича вақт ўтмай, «Тез ёрдам» ҳам келди. Худди шу пайт телефон жиринглаб қолди. Варвара хоним Хасай, врачлар бор хона эшигини қия очиб, трубкани кўтарди. Аллақандай аёл овози Хасайни сўроқламоқда эди. «У телефон олдига келолмайди, — аста жавоб қайтарди Варвара хоним. — Мазаси йўқ». Варвара хоним

шундай дея трубкани жойига кўйди. Телефон яна жиринглади, аёл овози Хасайни чақириб беришларини катъий талаб қилмоқда эди. Аёлнинг қичқиришидан Мошоллох бу ўша, амакиси кузатиб кўйишни буюрган жувон эканлигини пайқади. «Мен сизга айтдим-ку, — яна ўшандай шивирлади Варвара хоним, — Хасай Гулболаевич бетоблар деб». — «Ёлғон гапирманг! Мен ҳозиргина у билан бирга бўлдим-ку!» Варвара хоним жавоб қайтаришни эп кўрмай, трубкани илди. Телефон шу заҳоти яна шангиллаб қолди, Варвара хоним трубкага кулоғини тутар-тутмас аёл бидирлай кетди: «Мен у билан кеча ҳам, бугун ҳам бирга бўлдим...» Овоз трубкада чийилларди, Варвара хоним эса Мошоллохни ҳайратда қолдириб, кутилмаганда бақириб юборди: «Ўчир-э, қан ..!» Сўнгра трубкани шарак этказиб, лўкидонга ташлади.

Хасайнинг машинасида эса шундай ходиса рўй берганди. Нигор хоним Хасайга ёпишиб икки оёғини бир этикка тиқиб олди: «Ҳозир Раънонинг олдига борамиз, — Нигор бу гапни улар машинага ўтиришгандан сўнг айтди. — Сен унинг олдига борсан-да, энди биз бундан буён эр-хотин эканлигимизни айтасан!» Бундан бирон соатча илгари эса шу микрорайонда, Нигор хоним таклиф этган опасининг уйида аччиқ қаҳва билан бир қадах коньяк ичиб олгач, боши айланиб, юрагида санчиқ турганди. «Ҳозир уйингга борамиз-да, унга шундай-шундай деб айтасан!..» Машинада Хасайнинг аҳволи борган сари ёмонлаша бошлади, Нигорнинг гаплари унинг кулоғига кирмай кўйди, нима бўлсаям уйга етиб олишим керак, деб ўйлар, унга машинада ким ўтирганлигининг фарқи йўқ эди. Нигор Хасайни ёлғондакам қияпти деб ўйлаб: «Бўлмаса мени уйимга обориб кўй!» — деб ҳархаша қила бошлади. Хасай аҳволи тобора оғирлашаётганлигини ҳис қилиб қўллари ўзига бўйсунмаса ҳам машинани ҳайдаб кетаверди. Муюлишга етгач, машина орқага сурилиб кетди, бахтига, бирон фалокат юз бермади, милиционернинг ҳуштаги жонига ора кирди-ю, машинани тўхтатди. Шу заҳоти кўча тартибини сақловчи

милиционер югуриб келди. У Хасайни таниганди. Хасай унга ўн сўмлик сўлкавойни узатаркан, аста деди: «Ахволим чаток, оғайни, ҳаракатни тўхтатиб тур, уйимга қайрилиб олай!..» Милиционер Хасайнинг бурилиб олишига қўйиб берди. Хасай машинани уйгача қандай ҳайдаб келганини-ю, эшикни очиб қандай тушганини эслай олмайди. Нигор юракка ортикчалик қилиб қолди-да. Қиз яна бир неча марта Хасайдан ўз ҳуқуқини талаб қилишга уринди-ю, аммо акасидан «кавушини тўғрилаб қўйиш» топшириғини олган Ҳайбат билан суҳбатлашгандан сўнг Нигор уни ортик безовта қилмай қўйди. Бахтига, юрагининг бирдан ғижимлангани инфарктгача бормади, Хасай тез вақт ичида отдай бўлиб кетди.

— Қўйсанг-чи, ўзинга-ўзинг гуноҳ ортириб нима қиласан, охирги зарбани сендан бошқаси бера қолсин!

— Бўйнингга ол, каттангни куткариб қолмоқчи бўляпсан-а?

— Бўлса бордир, аммо гапимга ишон, мен Хасайинггаю ҳатто Жаъфар муаллимнингга ҳам тупураман. Мени бутунлай бошқа нарса безовта қиляпти...

Бироқ Амирарслонни нима ташвишлантиряпти-ю, унинг бу безовталиги нима учун Гулбола воқеаси чўзилиб кетишидан манфаатдор эмаслигидан бохабар бўлишимиздан аввал, Амирарслон ҳақида эшитайлик.

Амирарслон оилада энг кенжа ўғил эди (тўнғич бола Сайёра билан орасидаги фарқ катта, йигирма йилни ташкил қиларди; Сайёра ҳатто онаси Амирарслонга ҳомиладор бўлганида «Уят-а!» дегандай таъна ҳам қилганди), у етти ёшидан бошлаб Сайёра опасиникида ўсди, опаси билан Жаъфар муаллимнинг болалари бўлмаганлиги туфайли улар Амирарслонга худди ўз ўғлидай ўрганиб қолишганди. Амирарслон балоғат ёшига етганда эса ўзи шакллантирган ҳамда қатъий амал қиладиган ҳаётий принциплари дунёга келди, унинг бу нуқтан назарларига «таржимаи ҳол» яратиш зарурлиги ҳам, тўғридан-тўғри ҳамда билвосита алоқалар ҳам, бу кучли оламнинг заиф то-

монлари билан ўйнаша билиш, чапдастлигу таваккал қилишлар ҳам кирарди. «Таржимаи ҳолинг Наврўз байрами арафасида топ-тоза қилиб артилган ойна каби яраклаб туриши керак», пиллапоялар назарияси — бунга биноан ҳаракат аста-секинлик билан ўз ҳолича такомиллашиб бормасдан, балки ҳатламок — сакраб ўтишлар тарзида бўлиши керак ёки бўлмаса қутилмаганда анча олдин пайдо бўлиб қолиш учун чеккага чиқиб турмок, тўсикни айланиб ўтмок даркор; шундай имтиёзли вазифани эгаллаш керакки, токи кўзга кўринарли, тарозига тош боса оладиган, сезиларли яхшилик қилиш имконияти туғилсин. Мабодо транспорт борасида Амирарслонга кўнғирок қилиб қолгудай бўлишса борми, терисига сиғмай суюниб кетарди; транспорт эса ҳаммага сув ва ҳаводай зарурдир: кимдир бандаликни бажо келтиради, кимдир тўйни бошлаб юборади, яна турли-туман уёққа кўч-кўч, буёққа кўч-кўчлар дейсизми, хулласи қалом, шаҳар улкан бўлса, халк ҳаммаша тиниб-тинчимайди-да... Фурсатни қўлдан бой бердингми, тамом, бутунлай жойимда чўкиб қолдим деявер; ҳатлаб-ҳатлаб юқорига чиқиб олиш керак; вақтинг зиқ, аммо шундай бўлса-да, асло ҳовлиқиш ярамайди!.. У бир пайтлар, гарчанд кўмаклашишни ис-тамаса-да, Жаъфар муаллим билан очикдан-очик гаплашиб кўрмоқчи ҳам бўлганди, агар Жаъфар муаллим қўллаб юборган тақдирда ҳам қайтанга ишни бузиб қўйган бўларди. «Бошлиғимни кўтариб қўйсангиз-чи», — дейди унга Амирарслон Хасайни, шу жумладан, ўзини ҳам назарда тутаркан.

Жаъфар муаллим эса одатдагича бу сўзларни гўёки эшитмаётгандай, қайнисига маъносиз назар ташлаб қўяди, баъзан бу қарашда таажжубга ўхшаш алланима йилт этиб қолади: шундайки, гўё ҳамсухбатининг юзи унга таниш, қайдадир бу киёфани кўрган-у, лекин каерда кўрганини эслолмагандек... Амирарслон ўзини фаол жамоатчилик ишларига урди, уни касаба союзига раис қилиб сайлашди; номингни эҳтиром билан тилга олишлари жуда аҳамиятга моликдир; у маҳалла комитетига ҳам аъзо, у ўртоқлик судида ҳам ҳозиру нозир, ҳаммаёқдан унинг овози қулоққа чалиниб туради; кейинроқ бориб уни парткомга сайлаб юборишди;

Амирарслон ишнинг кўзини биладиган одам, дарҳол масаланинг моҳиятини англаб етади-да, ташаббусни кўлга олади, вазиятга мос келувчи аниқ, силлик фикрларни ўртага ташлайди; бу қарорлар янги ҳамда барчага маълум доирадан четга чиқмайди; шундайки, танқид ҳам қилинади, ўз-ўзини танқид қилиш ҳам меъёр-мезони билан кетади; таклиф киритган ҳам, танқид қилинган ҳам бирдай рози бўлади; Амирарслоннинг билими ва «хоббиси» иш бериб қолди, ўзини делегат қилиб сайлаган район конференциясида ҳаммани қийнаб келаётган муаммо — хизмат кўрсатиш масаласига доир кескин «нутқ ирод қилди», кейинчалик қозонган бу ютуғини Сайёра опасига ҳикоя қилганидай, уни боқуликнинг юксак бурчи ҳақидаги «оташин нутқи» янги фикрлар тўлкини ўркачида уни шаҳар конференциясига етаклади. «Ишни бутунлай йиғиштириб қўйдинг-ку», — деб ўпкалаб қолди ундан Хасай бир куни. «Хасад қиляпти! — деган фикрга борди Амирарслон. — Ё бўлмаса, ўз ўрнидан кўрқяпти!» Хасай буни тушуниб, ҳазил аралаш қўшиб қўйди: «Сени қараб тур, Жаъфар муаллимга айтмасамми!» Сўнг-ра эса Хасай Амирарслон уни ҳимоя қилганини эшитиб, гапирганига пушаймон еди. Инструктор Амирарслонга: «Эҳтимол Хасайнинг ўрнигадир-а!» — дегандай шама қилиб қўйганди. Бу фикр юқоридагилардан чиққанми ё инструкторнинг ўзи тўқиганми, буёғи қоронғи эди, бундан ташқари, хонада бошка одамлар ҳам бўлиб, «Хўш, қани сенга қандай таъсир қиларкин?» — дегандай ҳушёр тортишди. Амирарслон вазминлик билан, бироқ қатъий туриб Хасайни ҳимоя қила бошлади ва бунга эришди ҳам, ўз олижаноблигини намойиш қила билди: мансабпарастлик, шахсий манфаат нима қилсин бу ерда. Аммо бу мавзуга кейинроқ қайтилар.

Шундай қилиб, Амирарслоннинг ҳикматидан куч олиб, ўшанда бир оз жўнрок, чунки ҳикматли сўзлар энди-энди урфга қираётган пайтлар бўлиб, «Уйланиш бир асрга кетади, муҳаббат эса бир зумлик» деган ҳикмат ҳам яқиндагина бунёдга келганди, — Амирарслон уйланишга аҳд қиларкан, «қайлиқлар картотекасини» тузиб чиқди; сўнг шу картотека асосида бора-бора янгиланган, шох-бу-

ток отиб кетган ҳамда аниқланган лавозим ва оилавий муносабатлар схемаси дунёга келди, янги чизиклар пайдо бўлди, баъзилари ўз-ўзидан айрилиб кетди... Мароқли машғулот экан!.. Амирарслон шахслар рўйхатини тузиб чиқди (биринчи ўнтасини айтиб турайлик!), сўнгра улардан қайси бирининг кизи борлигини билиб олгач, ажабтовур манзара ҳосил бўлди: биринчи рўйхатдаги ўн кишидан биронтасининг ҳам биттаям боласи йўқ; иккинчисининг тўнғич кизи, учинчи марта бўлса керак, турмушдан ажраб, ота уйида ўтирибди, кенжа кизининг эса ҳали бўйи етганича йўқ; учинчисининг кизи Амирарслон билан тенгқур, ҳаттоки пича каттарок ҳам, бу эса яхши эмас, хотининг сендан ёшроқ бўлиши керак, бироқ гап бунда ҳам эмас; бу киз жудаям заҳар, кўзойнак тақади, бунинг устига, тасқара ҳам; тўртинчисининг кизи эса — биттаю битта, папалаб ўстиришади, ёнида соқчилар билан юради: сессия бошлангудай бўлса соқчи кўлида синов дафтарчаси, у ўқитувчидан бу ўқитувчига югуради, дафтарчада ҳар бир фаннинг номи ва баҳоси чиройли ҳуснихат билан ёзиб қўйилган, ҳавас қиласан киши, жуда аълочи киз у, яхшиси, муомала қилмай қўя қолиш керак;

бешинчисининг эса, буни аниқлаш керак, унинг кизи эмас, ўғли бор шекилли... Э, йўқ! Қизи кўҳликкина, аклли, мактабни тугатяпти, яна бир оз кутиб, эҳтиёт шарт кўз остига олиб қўявериш керак. Кетдик (у рўйхат тузиб юргунча, кушча пирр учиб кетибди, Хасайга келин бўлибди!..);

олтинчисининг учта кизи бор, ўзи хушрўй, хотини гўзал, қизлари эса хунукдан-хунук;

еттинчисининг эса битта кизи бор, бутун шаҳар бу қизнинг ясан-тусанларию ҳаётга ташналигини гапириш билан машғул, шуҳрат, айниқса, санъат бобида қизни яшинга қиёс қилиш мумкин;

саккизинчисининг қизи эса худди онасига тортган, онаси эса, оллоҳ, ўзинг асрагин-у, шундай шаддоқки, кун кўролмаслигинг аён;

тўққизинчисининг кизи эса унаштириб қўйилган, куёв тузук йигит; ўнинчисининг эса — эр-хотин ҳали ёш, бироқ назардан қочирмаслик керак, эҳтимол Амирарслон қизми, ўғилми кўрар балки, яна ким

билади дейсиз, у пайтгача... Хаёллар бир-бирини қувиб Амирарслонни олис-олисларга судраб кетади!

Биринчи рўйхат чиппақка чиқарилиб, Амирарслон иккинчи ўнталикнинг картотекасини тузишга киришди; хаёлидаги малак қандай талабларга жавоб бермоғи зарурлиги ҳақидаги ўйларга фарқ бўлди; вазминлик, соғломлик, маълумот, бўй, қомат; бироқ вазминлик вафодорликнинг, оилапарварликнинг аломати сифатида биринчи ўринга чиқарди; сўнг нигоҳ билан ҳам сездирмаслик керак, йўқ, йўқ, асло! Эл оғзига элак тутиб бўлармиди! Шу ерга келганда, ўн биринчисига етганда, тўхта! Мана, мана унинг излагани! Яна бунинг устига, қиз сахий ҳам!.. Эътибор бериб, уни Сатторнинг маҳалласидаги киз билан дугона эканлигини билиб олди; Амирарслон шу заҳотиёқ опасиникига маслаҳат олиш учун физиллади, опа эса эрининг ҳузурига кирди, эр эса қизнинг отаси ҳақидаги маълумотларни батафсил билиб олди; ажойиб одам, тенги йўқ оила; улар уёқ-буёққа югуриб суриштиргунларича, худди кўз теккандек, қизнинг отаси узок вақтгача қатордан чиқиб юрди (у асорати ҳалокатли даражада кўр бўлишгача олиб борувчи юқумли грипп касалига чалиниб қолганди), бу орада Саттор ҳам ишга қўл уриб қўйган, совчилар кизникига борганди, ҳатто фотиҳа ҳам қилинганди. Ота хунук воқеа бўлишини олдиндан ҳис қилиб, тўйни кўпам чўзиб ўтирмади, бироқ тўйни ортиқча дабдабасиз ўтказишларини илтимос қилди-ю, бир ҳафтадан сўнг эса ўзи оламдан кўз юмди, Амирарслон алам билан схемасидаги қайнотаникига олиб борувчи йўналиш устидан чизик тортди. Орадан бир қанча вақт ўтгач, Амирарслон схемасига қийшайтириб шундай сўзларни ёзиб қўйди: «Қатта нарсага интила туриб, кичигидан рози бўл», у бахтиёр, хотини — унинг қалъаси, хотини — унинг муҳаббати, хотини унинг учун ҳамма нарсанинг ўрнига ўтади.

Схема, схема...

Албатта, кунинг туққан, бахтиёр бўлган кезларинг ҳам бўлмаган эмас, бироқ сенинг тўғрингда омадли одам деб мишмишлар тарқалиши муҳим аҳамият касб этади. Яна бундан ташқари, сенинг

«юқоридагилар» ҳаётининг ипидан-игнасиғача — ким ким билан биргаю ким у ҳақда нимани ўйлашни, бари сенга маълум эканлигини кўришлари, би-лишлари зарурдир.

Схема шундай қилиб буток чиқара бошлайди: ким-кимга уйланган; кимни қаёққа ўтказишади-ю, ким кимдан ўзиб кетди; кутилмаганда ўлим бўлиб қолиши қасридан схемадаги катак анча пайтгача очиқ тураверди, Амирарслон бўш катакка тикилганича: «Ким ўтирар экан-а?» — дея бош қотирарди. Шунда миясига: «Ана шу одам бўлса-я?» — деган фараз келиб қолади. У фалончи билан она томондан чатишиб кетган, бу одам билан эса хотини томонидан қариндош бўлиб қолди; лекин шу катакдан ўрин оладиган яна бир одам бор: у ҳам бўлса фалончининг неварра-жияни ҳамда писмадончининг куёви!.. Агарда шу фарази унга арзирли бўлиб туюлса, бу ҳақда поччасининг олдида Сайёра опасини хабардор қилади-ю, опаси эса бу гапни кимгадир айтиб қўяди; у одам эса бошқасига шипшитади-ю, қарабсизки, бу миш-миш шаҳар бўйлаб кезиб юради: «Б. кўтарилармиш, Г.нинг ўрнига ўтармиш, Ш. эса Б.нинг ўрнига ўтармиш». «Б.нинг ўрнига-чи, кимни қўйишармиш?» — «Уми, у ўзининг эски ўрнига қайтар эмиш».

Чизиқлар чизилар, ўчириллар, янги тугунларни тугиб қўйишга тўғри келарди — ахир умр-ку, ўтиб кетяпти, кимдир истеъфога чиқади, кимдир казо қилиб қолади, кимларнидир кетказишган, аллаким катта бўлиб қолган, кимдир уйланган бўлади, хулласи калом, турлича ўзгаришлар, кутилмаган тасодифлар юз бериб туради. Амирарслон баъзан яққолроқ аниқлаб олиш мақсадида қандайдир муҳим бир бўлакни ажратиб олади-да, алоҳида микросхема тузиб чиқади ва вақти келиб шундай бўладик, гўё чўртан сувдан бошини чиқаргандек ёки бўлмаса тимсоҳ ҳайратдан оғзини қарракдек очгандай бу схема аломат манзара касб этади.

Агарда, деб ҳаёл қилади Амирарслон, сигнализация ўйлаб топилса зап иш бўларди-да, шунда ўзингга керакли ипни тортсанг, у қандай қилиб бошқаларни ҳаракатга келтиришини дарров кўра олишинг мумкин бўларди.

— Мана шунака, — дейди Амирарслон Сатторга, — ҳайрон бўлма! Ҳа, ҳа, мен ҳаттоки шу Жаъфар муаллимнинг ҳам тупураман! Атрофимизда, фақат бизда эмас, кўшниларида ҳам шундай нағмалар чиқаришяптики, буларнинг олдида Хасай, бошқалар нима бўпти. Бир дақиқа ичида осмонга парвоз қилиб, худди мияси билан ерга урилган Гулболага ўхшаб кулаб тушиш ҳам мумкин.

— Демак, бу ўз жонига қасд қилиш экан-да!

— Қўйсанг-чи, хаёлпараст! Мен мисол қилиб айт-япман. Унинг қайнотаси ҳақида ҳатто чет элнинг қайсидир радиосидан ҳам гапиришибди. Тўғри, ўзим эшитмадим-у, менга гапириб беришди буни. — Амирарслон Хасайнинг ўғли фожиаси қандай иш эканлигини тушуниб етарди, Гулбола эса кичкина эмас, каттакон бўлган одам билан қариндошчилик қилган бўлса, бу ҳазилакам гап эмас. Фақат ипни тортиб юборсанг бўлди! Ўғил. Қайни. Ўзини-ўзи ўлдириш. — Албатта, бу билан республикада донг чиқариш ҳам мумкиндир, аммо, гарчанд биз ҳаммамиз одам бўлишимиздан қатъий назар, биламан, бундай шуҳрат сени йўлдан оздиrolмайди. — Агар Хасайнинг ипидан тортсанг, деб ўйлайди Амирарслон, ким билади, балки бир учи Жаъфарга ҳам тегиб қолар, бироқ ҳозирча унга ишнинг бундай чаппа айланиб кетишининг сира ҳожати йўқ эди. Шунда ҳеч бир нарсани ўз ҳолига қўйиб қўйиш, ҳар битта арзимаган майда-чуйданинг ҳам кадрига ета билмаслик мумкин эмаслигини тушунган ҳолда иш кўришга жазм қилиб, Сатторга кўнғироқ қилди, аммо бу иши чакки бўлди-да! («Айтмоқчи, «Жаъфар муаллим ҳам ҳозиргина кўнғироқ қилган эдилар! Трубкани жойига қўймасимдан...») Кара-я, шунақаям бўладими!

— Мен бизда қилинаётган ишлар умид туғдиришига аминман!

— Соддасан, Саттор, содда, наҳотки бутун мамлакатга шармандаи шармисор бўлаётганимизни кўрмаётган бўлсанг! Газетанинг бутун бир саҳифаси шундай ҳодисаларга ажратилган-ку, квартирада ҳовуз қуришибди-я! Мураббо билан гавҳар солинган шиша банка-чи! Қўриқхоналардаги ваҳшиёна ов қилишлар-чи! Музей бойликларини талон-торож қи-

лиш-чи... Ҳамма кўриб: «Қилаётган ишимизни қаранглар-а!...» дея ёқа ушлаётгандир. Шунақа реклама бизга ярашиб тушади, деб ўйлайсанми?!

— Бу ерда рекламанинг нима дахли бор? Бутун фронт бўйлаб кураш кетяпти! Менинг фикримча, ҳатто бундай кураш бизга жудаям зарурдир!

— Аммо ақл билан иш кўриш керак-да. Наҳотки фақат биздагина шу номаъқулчиликлар бўлаётган бўлса?! Бошқалар ими-жимиди иш қилиб юришибди-ку!

— Мени кечирасан-у, худди оккина товук сомон сочар, ўз айбини ўзи очар, деганларидай, эски гап бу!

— Эскиликка эски-ю, аммо тўғри-да, падари курсур!

— Биттасини ишдан олишди, иккинчисини, учинчисини олиб ташлашди, ахир бунинг чеки чегараси ҳам бўлиши керак-да! Сен шу одамлар ўрнини соф виждонли кишилар эгаллашига кафилмисан?

— Бўлмасам-чи! Бунга заррачаюм гумонсирамайман!

— Нақадар гўлсан, оғайни! Йўқ, мен буни яшириб ўтирмайман, тўғри, ўринларни янгилаб туриш, ёшроқ кадрларни қўйиш, бизнинг авлодимизга ҳам қулоч ёзишга имконият яратиб бериш керак, шу йўналишда нималардир қилишяпти, бугун эмас, эртага сенинг дўстинг, ҳа, ҳа, ҳайрон бўлма...

— Мен ҳайрон бўлмаёпман ва ҳайрон бўлмоқчи ҳам эмасман.

— ... кўтарилиши мумкиндир. Аммо умуман сен тўғри айтяпсан, биз ҳеч нимага арзимаймиз!

— Мен бундай демадим.

— Сен айтмаган бўлсанг, мана, мен айтдим.

— Бекорга шундай деяпсан!

— Йўқ, йўқ, биз бўшангизми, латтачайнармизми-ей!.. Биз нима билан мақтанишимиз мумкин, кўрган тушларимиз биланми?

— Нима билан, нима билан? — тушунмади Сатор.

— Ҳамюртларимиз кўп туш кўрадилар. Истаган одамнингни тутиб олиб сўрашинг мумкин! Туш кўради, буям уларга озлик қилгандай, бир-бирига

хикоя қилиб беришгани ортиқча. Сўнгра, таъбирини айтиб бер, деб туриб олишади, тағин бу машғулотга бир тўда одам жамланиб олиб, гапни чўзганларини айтмайсанми? Реал ҳаётга шўнғиб, фаолият кўрсатиш ўрнига, туш кўриб таъбирини эшитиш билан оворалар! Кеча мана бир одам менга рангли туш кўрдим, дейди. Е денгиз ложувардми, ё қайиқ пушти рангда эмишми-ей. Бунинг нима эканлигини худо билади!..

Амирарслон бекордан-бекорга туш кўрувчиларга тош отаётгани йўқ эди. Унинг иккита бошлиғи, бири бевосита, оилавий дейилармиди, уйда (Жаъфар киши) иккинчиси эса идорада (Хасай киши) унга тушларини айтиб беришади-да, сўнг таъбирини айтиб бер, деб кутиб туришади. Мабодо таъбир кейинчалик тўғри келиб қолгудай бўлса, қара, кадримизга ет. Биз нафақат туш кўрувчигина эмас, кароматчи ҳаммиз, дегандай қилишади.

«Тушимда мен»,— деб Хасай Амирарслонга тушини сўйлай бошлайди.

«Мен бўлсам туш кўрмайман».

«Бўлиши мумкин эмас!»

Нега Хасай ҳайрон бўляпти? Унинг Ҳусния хотини ҳам туш кўрмайди. Тўғрироғи, Гулболанинг ўлимига қадар туш кўрмас эди. Хасай Ҳуснияга ҳам, Амирарслонга айтгани сингари: «Бўлиши мумкин эмас!»— деганди. Ҳусния хоним эса унга: «Сен ҳам олдинлари туш кўрмасдинг, шу Раънонг билан топишиб колдинг-у, ҳар хил тушлар кўрадиган бўлиб колдинг!»— дейди. Хасай бир туш кўрибди. Аломат туш. Лекин унинг бу шаҳарда бунақа тушларни кўраётган фақат ўзигина эмаслигидан хабари йўқ эди. Дейлик, Жаъфар муаллим ҳам шундай туш кўради. Таажжубга эса ўрин йўқ: бир илдиздан бино бўлган, бир хил географик ва бошқа муҳит, болаликдан тушларга қулоқ туттишга ўрганган, бу ҳол ҳамюртларимизнинг иккинчи ҳаёти деса бўлади. Хасайнинг, албатта, оилавий даврада тушни гапириб беришларини, уларнинг ораларидан кимдир чиқиб таъбирини айтиши эсида. Таъбир тўғри чиққан кезлар ҳам бўлиб турарди. Албатта, бундай туш таъбирини айтиб берувчилар деярли қолмаган, ўткир мудаббирлар ўлиб кетишган,

тушлар бўлса кўринаверса, на илож, таъбирига ўзинг бош қотирмасанг бўлмайди. Хасай кўпинча тўшакка кираркан, анча пайтгача уйқуси келмас, қайнок чойшабда уёк-буёғига ағдарилаверар, худди болиш куйдириб юборадигандай туюларди. Хасай бир куни гап орасида шу ҳақда Жаъфар муаллимга гапириб қолганди. «Биласанми, Жаъфар, ўрнимга ётдим дегунча, юрагим оғирлашади-ю назаримда ҳозир ухласам, қайтиб кўзимни очолмайдиганга ўхшайман». Бу гапга Жаъфар муаллим нима деб жавоб қайтарди денг? «Уйқуда ўлса яхши бўлади... Унинг омади келибди». «У ким?» — «Анув гапираётган одамнингни-да». «Мен ўзим ҳақимда гапиряпман-ку!» — «Э, ўзи-и-нг ҳа-қ-и-нг-да-ми! — дейди чўзиб Жаъфар муаллим ва билдирмасдан эснаб кўяди. — Бўлиб туради!» Амирарслонга бу гап акс таъсир кўрсатди, поччасига қарама-қарши тарзда ўрнидан турди-да, бошлиғининг кўзларига тикилиб, худди томир уришини текшираётгандек кўлидан ушлаб кўрди. Хасай ўзини йўқотиб кўяёзди: «Э, йўқ, мен соппа-соғман, нима бўлди сенга ўзи?» — «Бу нарса билан ҳазиллашиб бўлмайди. Электрокардиограмма қилдириш керак. Агар ўзингиз бормасангиз, телефон қиламан-да, мажбурлаб олиб кетмасанглар бўлмайди, дейман. Нима, соғлиқ билан ҳазиллашиб бўладими?»

— Ким билади нималигини, — гапини маъқуллашда давом этади Амирарслон. — Тушларига ғарк бўлиб ўтиришибди.

— Нега ундай деяпсан? — Бироқ Амирарслон, Сатторнинг бу гапини дарров оғзидан олди:

— Бутун мамлакатга донғи кетган олимларимиз нечта? А? Мен бу билан атайин шуғулланиб кўрдим. Рўйхат тузиб чикдим, тоши тарози босмайдиган даражада енгил чикди! Санъат борасига келсак, ҳар қалай, чидаса бўладиган. Афишалардан ҳам мана шу фамилиялар жилва қилиб турибди: Иброҳимбеков Мақсуд, Иброҳимбеков Рустам! Туғишган ака-укалар, ижод қилганда эса алоҳида-алоҳида ишлашади. Бейбутов бор эди, мана энди Муслим чикди.

— Нега бўлган дейсан? У худога шукр, ҳозир ҳам булбулдай хониш қияпти.

— Қуйласа қуйлаётгандир, мен бу тўғрида гапирмоқчи эмасман. Масалан, бизда Ал-18 ёки Маг-24 борми?

— Ал, маг деганинг нимаси?!

— Самолётни айтяпман!! Алиёров-18 ёки Магомаев-24! Астрономия борасида бирон-бир йилт этган ёғду кўзга ташландими? Кибернетикада-чи? Мисол учун дейлик, Бахтиёров назарияси борми?

— Тўхта! Сен нотўғри гапиряпсан. Гапирсанг гапиравер-у, инсоф қил-да ахир! Бизнинг орамизда катта одамлар бўлган ва ҳозир ҳам бор. Бундан кейин ҳам, нефть кимёсида ҳам бор, айтмоқчи, озмунча назариялар кашф этилдими, эҳ-хе, ҳатто менинг фамилиядошим назарияси ҳам бор, бир бориб қизиқиб кўр! Ҳа, ҳа, Мокуний, ҳамюртимиз назарияси. Мен яна сенга бир нарсани айтмоқчиман. Ҳаттоки айтгандай, яқинда Хасайнинг жияни ишлайдиган бригада ҳақида газетада ёзишди, ўкидингми?

— Коллектив бўлиб донг чиқаришми?

— Жуда бўлмаганда шундай! Денгизда нефтни шундай қиялатиб пармалаш, яна жаҳонда биринчи бўлиб бундай ишга қўл уриш, устига-устак, шундай қиялатиб пармалай олиш осонми?.. Бу, биласанми, космосга чиқишдан кам эмас!

— Қанақа жияни экан у? Муҳаммадми? Ҳа, мен бу бригада билан танишганман шекилли, Хасайникида улар билан меҳмон бўлгандик... Ҳа, ортиқча сўзга ўрин йўқ, машҳур бригада!

Уларни сизлар тенгдошсизлар, бир-бирингларни маҳкам ушланглар, деб Хасай таништириб қўйган эди. Мамишни ажаблантирган нарса, Амирарслоннинг бошини олд томони тўкилган, оқарган сочлари бўлди, унинг фақат чаккаларигина коп-қора эди; сўнгра Гулбола Мамишнинг кулоғига шипшиганди: «Чаккасини бўяб юради!» Ешроқ бўлгани учун Мамиш аввал ўзини таништирди, унга доимо ўзи ҳамсухбатидан ёшдай туюлаверарди, шу туфайли ҳам мени шунчаки Мамиш, деб атайверинг, деб қўшиб қўярди.

«Бирок сизни бемалол Мухаммад, деб чакира-верса бўларкан-ку,— деди Амирарслон.— Тўлиғича айтиш эскилик саркити эканлигини тушунаман. Мамиш, сиз жанубликлардан эмасмисиз? Асосан Эрон озарбайжонлари шундай дейишади». Унинг келиб чиқиши қаерга бориб тақалади? Она томони — бокуликлар, мана, отаси эса Туркменистон озарбайжонларидан. «Унда тушунарли! Уёқда кўпгина жанубликлар яшаб қолиб кетишган, биласизми, уларнинг аксарияти юзлари чўзинчок бўлиб, баданлари бугдойранг бўлади». «Бўлса бордир», — деб ўйлади Мамиш, бирок нима учундир унга отасининг бу бетакаллуф одам чизган портретга худди қуйиб қўйгандай мос келиши ёкинқирамай, алам килди.

Амирарслон нега «Амир»ини ташлаб «Арслон», деб қўя қолганини тушунтириб беролмасди; «Мамиш»дан сўнг «Амирарслон» исми баландпарвоз бўлиб эшитилади, деган хаёлга борди шекилли. Агар Мамиш «Мухаммад»ми ё бузиб «Магомед»ми деганда эди, у ҳам бемалол «Амирарслон», деб айтиши мумкин эди.

Сўнгра эса у Гулболанинг азасига бригада билан бирга келиб қолди. Ҳайбатнинг тўнғич ўғли, Мошоллоҳ мотам важдан соқоллари олинмаган, ўсик ҳолда, маъракадаги юмушларни қилиб юрар, фотиҳага келувчиларни қарши олар, навбатма-навбат кириб турувчиларга ҳеч ким қолиб кетмаслиги учун чой беришларини кузатиб турарди; оломон эса оқиб келаверарди. Таниш-билишлар, яқинлар, қариндошлар, дўсту биродарлар, уларнинг жўралари, ҳаммаҳаллалар, отасининг, онасининг, Гулболанинг ҳамкасблари, ака-укаларнинг жўралари, шунчаки маъракаларга бориб юришни хуш кўрувчилар келишарди. Бу ерда шаҳар янгиликларидан ҳам, дунё воқеаларидан ҳам воқиф бўласан, бу ерда динга эътикод қўйганлару қўймаганлар орасидаги мунозаралар, баҳсларга гувоҳ бўласан... Дастёрларнинг кўплиги яхши-да: идиш-товоқ ҳам бир зумда ювиб ташланади, чой ҳам дарров дамлаб юборилади, кимдир узатиб туради, кимдир стол устини йиғиштира бошлайди, қаердандир каттакон самовар-

лар келтириб қўйилган ва плита устига катта гардин чойнаклар дамлаш учун териб қўйилганди. Одамлар эса борган сари кўпайиб келмоқдалар... Амирарслон бир-икки дақиқа тепада жой бўшагунча бригада билан кўчада кутиб турди. Ўшанда Амирарслон Мамишнинг қулоғига шундай деб шипшитиб қўйганди: «Бахтингга фаррош хотин кўриб қолибди...» — «Агар фаррош кўрмаганида-чи, нима бўларди?» — Амирарслоннинг беандишалиги Мамишни ғазаблантириб юборди, у эса елкасини қисди. «Шундай оддий нарсага ақлинг етмагандан кейин сендан яна нимани кутиш мумкин».

— Ҳа, уларнинг шуҳрати оламга дoston, тева-рак-атрофдан пармалашдаги ақл бовар қилмас кияма усул ҳақида жар солишяпти!

— Демак, сакрашни амалга оширмоқчиман дегин? Кўзлаган лавозимингни эгалламоқчи экансан-да?

— Ишон менга — бор куч-қувватимни ўз миллатим учун сарф қиламан... Жаҳлинг чикмасин, балки ортикча вайсаб юборгандирман, баъзан каллага ҳар хил хаёллар бостириб келаверади, яшаймиз, курашамиз, бир-биримизга анонимка ёзамиз, шу билан умр ҳам ўтиб бораверади. Сен Хасайнинг ўғлини кўмиш вақтида йўқ эдинг шекилли?

— Қабристонда бўлганман.

— Пайқамаган эканман.

— Мен граждaнча кийиниб, одамлар орасида тувувдим.

Амирарслон ўшанда гоҳ Хасайнинг, гоҳ Гулболанинг беваси олдига зув қатнаганди...

— Даҳшат, жасадни ерга... Баъзан окшомлари мени ҳам қачонлардир шундай қилишларини тасаввур этсам... Тупрокка кўмишади-да, тепангга тош қўйишади, вассалом! — Амирарслоннинг кўзлари намланади. Таажжуб, бошининг шундай эрта тепакал бўлганини-чи.

— Қўйсанг-чи, биз сен билан ҳали қанча яшашимиз керак... офицaнт қаердайкин, тўлаб қўйиш керак эди-ку.

— Қим таклиф қилган бўлса ўша тўлайди, наҳотки буни билмасанг.

Улар хайрлашишаркан, Амирарслон эслатиб кўйди:

—Хасайни ўз ҳолига қўй, илтимос қиламан.

Саттор елкаларини қисди.

—Нега барингиз бунақа типирчилаб қолдингиз? Сен ҳам, поччанг ҳам. Иш охиригача етиши керакда. Зарур расмиятчиликлар қолди, холос.

Қизик, Сатторнинг хаёлига негадир Раъно, унинг нимқоронғиликда пайдо бўлгани келиб қолди. Жувон бахтсизликдан кўрккан, шундай хаяжонда эдики. Саттор айнан Раънони, Хуснияни ҳам, бева қолган жувонни ҳам, ҳаммалари елиб-югураётган Хасайни ҳам эмас, айнан Раънони эсга олди.

Мамиш билан сўнги марта суҳбатлашса бўлди— шу билан ишга нукта қўяди.

Чакирик қоғозига муюлишдаги уйда йиғилган азадор Бахтиёровлардан бири имзо чекиб юборганди.

Мамиш эса ишга кетмоқда эди. Шундок дарвозадан чиқиши билан бурчакда бир одам турганлигига кўзи тушди, у Мамишга шундай тикилиб турардики, Мамиш беихтиёр салом бериб юборганини ўзиям билмай қолди. Нотаниш киши индамай бурчакка бурилди. Мамиш ўша томонга, бегона одам кетган томонга қаради — ҳеч зоғ йўк эди.

Эсанкираш хавотирга айланиб, бу хавотир Мамишни лангаргоҳга олиб борувчи унча узоқ бўлмаган масофа мобайнида ва теплоходда кечган бутун йўл давомида асло тарк этмади. Одамлар Мамишга қараб-қараб кўйишарди, ҳатто улардан бири: «Мазанг йўқми?» — деб сўради ҳам. Ҳар битта одамга азадорман, деб дил ёравермайсан-ку. Қоя ҳам Мамишга унча ярашмаган соқолига пичинг қилди. Соқолни олмаслик — бу дангасалик аломати, буни анъанаю урф-одатларга аралаштиришнинг сира хожа-ти йўқ. Узоқ пайтгача азадор бўлиш тирикларни ҳам адо қилиб, кўнглини вайрон этади: учи, еттиси, қиркигача ҳар пайшанбалиги, қирки. Сўнгра йили. Мамишнинг қайсарлиги тутди. «Барибир соқолимни олмайман».

Гумбур-гумбур ва тақур-тақур бошланади.

Брезент ёпилган юк машинаси ишчиларни пар-малаш жойидан аҳоли яшайдиган манзилга олиб келди. Ётоқхонанинг ойна солинган эшиклариди Ма-миш ўз аксини кўрди: қоп-қора соқол, ухлаётганинг-да ботади. Нега жаҳлинг чиқади? Ўзингдан, Р дан, онангининг акаларидан, Хасайдан жаҳлинг чиқсин.

«Сизларни гаништиришга ижозат беринг...» Мен-га эмас, Гулболага боқиш керак эди! Мамишнинг кўзларида алам ўти ёнади!.. «Сенга нима бўлди?» — Мамишга мана шу дақиқада кўзи тушиб, ажаб-ланди Қоя. У ёнида турарди. Гўё Мамиш қувур-ни эмас, тўнғиздан тўк, сур қариндошларининг жа-ғини бекитаётгандай эди.

«Буларнинг ҳаммаси сенинг дўстларингми?!» Худ-ди мана шу дақиқада Қоя билан Мамишнинг ни-гоҳлари тўкнашганди, шунда Қоя ҳайратдан яна: «Нима бўлди?» — деб қичкириб юборганди. Мамиш қувурни маҳкамлашда давом этаркан, калласини ҳечкиси йўқ, ҳаммаси жойида, дегандай, чайқаб қўйди.

керак! керак!

«Йўғ-э, оз бўлсин-у, бироқ ҳақиқий дўстлар бўл-син».

Илиқ қон юқи пичоқ аллақачон четга ташлан-ган. «Хўш, қалай? Кўчманчининг ўғли?» Гулбола ҳам шу ерда. Уларнинг барини бирлаштириб тур-ган қон томирларида окмокда. Қадрдон тоғаси худ-ди отасидай меҳрибон.

сендан бошлай қоламиз!..

Қандайдир яқин кишингга юрагингни ёриш ке-рак-ку ахир! Жойингда тўхта-да, қувурни маҳкам-лайвер, маҳкамлайвер, бақириш эса мумкин эмас. Қоя ҳатто... «Яна нима?!» — деб орқасига тислан-ди. «Ҳеч нима». Расим ирғиб Мамишнинг олдига келди: «Ке, менга бер!» «Қоч, ўзим қиламан!» — «Дамингни ол!» — Қоя Мамишга қичқиради. Мамиш калласини тебратади. Қувурни маҳкамлаб бўлди, энди айлантиришни бошлайвериш мумкин. Қоя Арам-га бақиради. Шунда мотор гувиллайди, Арам унинг бир меъёрдаги гувиллашига қулоқ тутуди.

айтиш керак! уларга айтиш керак!..

Гулболанинг ўзини-ўзи ташлаганини!

— олдинроқ қаерда эдинг, Мамиш!

Улар уйқуга қонишиб ҳордиқларини чиқариб,

олишди. Сменанинг бошланишига йигирма минутча вақт бор, ҳар бир одам бу вақтни истаганча ўтказгиси келади: денгиз ҳавосидан тўйиб симириб ол, шақир-шуқур, гумбур-гумбур ҳам эшитилмайди, темирларнинг куйинди аралаш исларисиз, ёпишқоқ лойсиз ҳаво бу.

Улар Қоя билан эстакада бўйлаб кетишди. У билан бирга юрсанг, ҳамиша хотиржам бўлишинг мумкин. Уч километрдан ошиқроқ масофада қиялатиб пармалаш ҳам ғайритабиий туюлганди-ку ахир... Арамниқига, Арманиқандга келишди, у ерда унашувга ўхшаган воқеа бўлади. Арам уларни қайлиғи билан таништириб қўяди.

«Колумб қабиласидан!» Мамиш тушунмайди, Қоя унга кейинроқ тушунтириб қўяди: «Қайлиғини тоғасининг исми Христофор бўлгани учун Арам ҳазиллашяпти». Қоя кейинчалик гўё ўз ғоясини текширгандай схема чизди: бу схема Амирарслонниқига ўхшаб кетарди-ю, бироқ Қояники жўнроқ эди.

«Мана денгиз йўналиши (Амирарслоннинг схемасида бунақа тўлқинли чизиклар йўқ эди), мана бу эса денгиз қаъри. Бу ерда биз турибмиз, бу ерда эса нефть қатлами жойлашган. Тиккасига пармалаб уни ололмайсан, мана бундай эгиб, ёнламасига пармалаш керак», шундай дея у қоғозга эгри чизик тортади. «Маъқуллашармикин? — деб сўрайди Расим. Қоя унга ажабланиб қарайди. — Шунақаям аҳмокона савол бўладими?»

Улар Қоя билан эстакададан кетишмоқда. «Айтсаммикин?» Кўкда тиғи ўткир ёй каби ингичка ой ярақлаб турибди.

Қоя зийрак йигит, Мамишнинг бошига оғир кулфат тушганлигини ҳис қилади.

— Дунёнинг ишлари-да, Мамиш, бундай ходисалар бўлиб туради, одамлар ўлади.

— У ўлмаган, Қоя.

— Қанақасига ўлмайди?! Ҳа, албатта, у сенинг калбингда, яқин одамлар хотирасида яшайверади.

— Улар уни унутишга ҳаракат қилишяпти.

— Қандай қилиб?

— Барига уларнинг ўзлари айбдор.

Шундай деб у жим бўлиб қолди.

...ўзини деразадан ташлаб юборган!

— қанақасига ўзини-ўзи ташлайди?

— ҳа, ўзи.

— нега?

мана, жавоб бер энди!

«Нималар деяпсан ўзи? — ёзади унга онаси. — Бунақа хаёлларга қандай боряпсан-а?»

— *ўзинг-чи? сенинг ўзинг-чи!.. ҳам — мангиз қуённи суриб қолгансизлар! сен ҳам, отам ҳам!.. қаҳрамонларни қаранглару!*

Хасай Мамишнинг онасини катта қилди, Тўкез-бон ўқиётган пайтлар бутун Бахтиёровларни оёққа турғазди. «Сенга тоғанг нима ёмонлик қилди? Нимани хоҳлайсан ўзи? Хасай Раънони ташлаб, Хусния хонимнинг олдига қайтиб борсинми?»

туянинг думи ерга текканда боради... бироқ Темурни қандай эсдан чиқариб бўлади? Алини-чи?

Торчини эсласа бўларди-ю, бироқ Мамиш торчи ҳақида ҳеч нимани билмайди-да.

деразам ёнидан ўтадиган оқсоқ эса ҳассасини дўқиллатиб боради!.. ўша оқсоқ ахир у-ку! у!

Бирдан Мамишнинг миясида бир нима ярқ этди — бу ахир эрталаб дуч келган, унга ўқрайиб қараб ўтган одамнинг ўзи-ку. Шу одам болохона тахталарини тез-тез дўқиллатиб, «совға-салом» билан Хасай билан Хусниянинг олдига келиб турарди, жуда серкатнов эди. Балки у, Хасайдан ҳам тақдир ўч олди, деб ўйлаётгандир. Бўлмаса-чи, ўч олмай қўймайди!.. Онаси эса: «Нега ўз тоғангни, уруғимиз оқсоқолини шарманда қилдинг?!» — деб ёзади. Йўқ, онаси ёза олмайди, бундай деб ёзишга ҳаққи йўқ. Ётоқхонага автобус янги сменага кетадиганларни олиб кетиш учун ғизиллаб келиб қолди. Ой қоп-қора кўкни гўё тиғи ўткир ёй каби ойдинлаштириб, ярқираб турарди.

Терговчи билан иккинчи учрашув кейинрок, Мамиш Денгизлидан қайтгач, бўлиб ўтди.

— Мамад, — дейди Саттор Мамишга, — Гулболанинг хотини менга айтдики...

— Нега сиз, — унинг гапини бўлди Мамиш, — менинг нима учун келганимни суриштирмаяпсиз?

— Мен ахир ўзим тақлиф қилгандим-ку.

— Хеч қанақа қоғоз олганим ҳам, ҳали уйга борганим ҳам йўқ... Ҳа, у нима деди сизга?

— Гулбола бошқа аёлни яхши кўрганлигини айтди.

Мамишнинг қовоғи уйилиб қарайди. Ҳадеб Оқтой ҳақида ўйлайверади.

— *мана сизга жумбоқ, қани топиб кўрингчи!?*

?!

— Бироқ сал бўлса ҳам тушунтириб бера оласизми?

— *«ўғлими, укаси».*

— Қим бўлиши мумкин?

— *«отасими, бувасими».*

?!

— Мендан нимани эшитмоқчисиз?

— Мен ҳақиқатни тиклашим керак.

— Сизнинг бундай саволингизга жавоб беришга ожизлик қиламан.

— Қандай саволга жавоб бера оласиз?

— *Хасайни марказга қўйиб ҳар томонга чизик тортаман, чизик учларида эса: «Алик, «Темур», «қип-қизил ўттизталиклар» бўлади.*

— *«Далли Идрис».*

— ?!

— *«Гулбола».*

— *мана, ўзингиз ҳам билар экансиз!*

— Мен ишнинг қандай бораётганлигини билмоқчи эдим.

— У жон бераётган пайт марҳум олдида ҳеч ким бўлмаган. Бу ишда сизнинг ҳам, барча оила аъзоларининг ҳам иштироки йўқлиги исботланган. Мажбуран куч ишлатилмаган, аниқ айбдорлар ҳам йўқ, шу туфайли тергов тугалланади.

— Демак, бари тамом бўлдимиз?!

— *фактлар йўқ?.. жонига қасд қилингану қотиллик йўқ?*

— Нима, сиз бошқача бўлади деб ўйловдингизми?

— *наҳотки жиноят содир бўлмаган бўлса?*

— Мен ўзим учун аниқлаб олмоқчи эдим.

— Терговга унча ёрдамнингиз тегмади. Умуман олганда, сизсиз ҳам сабаблари аён эди; ҳаёти бир

изга тушмаганлиги, хотинини ёқтирмаслиги, ўзи билан отаси орасидаги тўқнашувлар ва ҳоказолар.

— Сиз менга умид боғлаганмидингиз?

— Очигини айтганда, ҳа, умид қилгандим.

— сиз ишни қайтадан қўзғайсиз, ибрат бўларли суд ўтказилади, кириш ҳуқуқи чекланмайди, катта бинолар эса бизда топилади, радио-телевидение орқали трансляция қилинади, бу сизнинг байрамингиз бўлади, чунки сиз бу маросимга узоқ ҳозирлик кўргансиз, мен тўрдан жой олганман, ижтимоий ва оилавий, нима деб аташ мумкин, ҳа, қораловчиман. онам учиб келади... Хасай уни отаси каби ўстириб катта қилган. Хасай ўтирипти, жуда қадди букилиб қолипти!.. менга қарғиш, маломат тошлари отилади! «сенга берган оқ сутим ҳаром бўлсин». йўқ, она бундай дея олмайди, ўғлига қарши ҳеч нима деёлмайди... янги йўналишлар, янги фактлар топилади, кечаги гувоҳлардан баъзилари Хасайнинг ёнидан жой олишган... бутун шаҳарга шармандаи шармисор бўлади! бўлади!

— республикага!

— бу шармандалик бутун оламга ёйилади, мулклари мусодара қилинади. кенг миқёсда инфаркт юз бера бошлайди, оилалар бузилиб кетади, кейин-чи, нима бўлади? кейин?

— газеталарда ёзишади! Сиз ҳаммага ибрат бўласиз!

— аммо мен қанча билсам, сиз ҳам шунча маълумотга эгасиз-ку!

— Хасай ҳақидами?

— ?!

— буни кўрмаслик учун кўр бўлиш керак!

— Мен билган нарсамни айтдим.

Боши берк кўча. Саттор жим. Саттор: «Наҳотки унинг тўғрисида хато қилган бўлсам? Афсус!.. Нималарни истамайсан, Саттор!.. Бироқ шунақа вақтда-я ахир!.. «Мамиш, Мамиш, Мамиш-эй!..» Оддийгина кўча: олдинга, чапга, яна олдинга, тўғрига юрилади — уёғига борсанг яланг деворга дуч келсан.

— бироқ сиз мен ҳақимда эшитасиз ҳали! қотиллик ҳам бўлади, шошмай туринг!

Тўртинчи фасл — бу фаслда Машишнинг қандай қилиб Хасай ҳузурига борганлиги ҳамда Рнинг ёлғиз ўзи уйда ўтирганлиги ҳақида ҳикоят қилинади.

Кетяпти, кетяпти...

Р эса — ёлғиз ўзи уйда ўтирибди.

Машиш бари ҳақда — Хасай ҳақида ҳам, Р тўғрисида ҳам ўйлаб кўрди. Оқтой ҳақида ҳам ўйлади. Яна Оқтой уйда бўлса-я? Қандай қилиб Оқтойнинг олдида айтиш мумкин? Ахир, бола Машишни яхши кўради-ку, унга жуда ўрганиб қолган, бу ҳусусда бош қотириб кўрдими?

Йўлда давом этяпти...

Оқтой айнан Машишга ғалати-ғалати саволлар билан мурожаат қиларди. «Куз нима дегани?» — деб сўрарди Оқтой. Хасай сергақланар, Гулбола ажабланар, Машиш эса ҳеч кимга тақлид қилмасдан жавоб қилишга уриниб, шошилмасди. Машиш ҳам болалигида ашхободлик бувисининг гапларини бутун вужуди кулоққа айланиб тинглаб ўтиргучийди... Буви эса бўлган-бўлмаган воқеаларни ҳикоя қилар, буни қарангки, Машиш хўрознинг қорнига (хўроз эса Истамбулга, бекнинг ёлғончи ўғлига саклаб қўйиш учун берган тилла тангасини олиш учун жўнарди) сарик тулки ҳам (тулки кейин хўрозни ғоздан қутқаради), йирткич бўри ҳам (бўри эса хўрозни эшакдан мудофаа қилади), Мармар денгизни кўриш ишқида ёнган жилға ҳам (жилға эса хўроз ёниб кетиши мумкин бўлган оловни ўчиради) сикқанини билгиси келади. Дев Қал билан ким кимни алдайди, деб баҳслашади; Дев: «Мана, қара!» — деб бошидан энг узун соч толасини суғуриб олади. Қал, эса отнинг думидан қилини олади ва от думининг толаси узунроқ бўлиб чиқади. «От қаердан пайдо бўлиб қолди?» — деб Машиш сўрайди, бувиси эса янги-янги тўқима гапларни ҳикоя қилишга тутинади: Дев бошидан бит олади, Қал эса худди сочлари орасида юргандек қурбақаңи кўрсатади: «Хўш, кимники каттароқ?» Дев Қални ҳеч юта олмаётганидан ғазабга минади. «Мен ҳозир бу ерда шундай тўзон кўтарайки!..» Шундай дея у шамолни пуфлаб, Қални у бурчакдан-бу бурчакка итқитиб ташлайди. Қал

бўлса зўрға ўзига келади. «Хўп, майли, энди менинг навбатим,— дейди худди ҳеч нима бўлмагандай Қал.— Қани, бор тешикларни бекитиб чиқ-чи, бўлмаса шамол киравериб соғ жойинг қолмайди...» Дев, турган гапки, кўрқиб кетади... Дев билан курашишдан осони бўлмаса керак! Дев ғазабга минганидан даҳшатлиси бўлмайди-ю, аммо у гўдакдай содда, гўл; Қалнинг ҳам жуда омади келади: йўғон думли от ғойибдан чиқиб қолади, қурбақа-чи, кўлида пайдо бўлганини-чи...

Оқтой эса кузга ёпишиб олиб, ҳеч қўймайди:

— Нима ахир, айтинглар?

Мамиш сабр-тоқатлироқ бўлганидан кутиб тураверади, Оқтой эса креслода гимираганча дейди:

— Бу шохга илинган анор, шох бўлса ана деворда осилиб турибди!

— Жа, қойиллатдингку-а!..— дейди Хасай. Унга ўғлининг савол-жавоблари унча ёкинқирамайди. Оқтойнинг савол-жавобларида ғалати, ажабтовур нарсалар бор эди.

«Нима бўпти? Жуда қизиқ-ку!»— деб ўйлайди Мамиш.

— Қани, анор озарбайжончада нима дейилади?— сўрайди Гулбола Оқтойдан. Унга ҳам Хасай каби Оқтойнинг мавҳум саволлари ботмайди ва у (Раънога эса ўғлининг ақллилиги ёқаётганга ўхшарди) ўнғайсизликни қоплаб юборишга шошилади.

— Нар,— ўғлига ёрдам беради Раъно.

— Шох-чи?

Раънонинг юзига қон тепади, у изтироб билан эслайди-ю, лекин, барибир, яхши эслай олмайди. Оқтой ҳам билмайди. Хасайдан шундай уяладики.

Оқтойга нима, сира бас қила қолмайди:

— Ёз-чи, нима?— деб сўрайди у Мамишдан.

— Бу бир бош узум, узумнинг ҳар битта донаси: «Мени егин!»— деб чақириси ёз бўлади.

Бироқ Хасайнинг ҳазилидан Оқтой асабийлашади.

— Йўқ,— дейди у,— ундай эмас.— Шундай дея бола хонадан югуриб чиқиб кетади.

Ҳеч ким ёз нима эканлигини айтиб бера олмай-

ди. Балки шайтонни ёрдамга чакириш керакдир? Агар бирон нимани топиш керак бўлса, бувиси ипни учидан тугиб кўярди. «Мана, шайтонни ҳам тугиб, думидан боғлаб кўйдик!» Қизик: йўқолган нарса шу заҳоти топила қоларди. «Қандай бемаънилик!» — ажабланади Мамиш.

Кетяпти, ҳамон кетяпти...

Раъно уйда ёлғиз ўзи ўтирибди. Бошқа ҳеч ким йўқ.

Мамиш бу ерга ҳамиша Гулбола билан келарди, нима учун ёлғиз келмаслиги аниқ. Хусния хоним билиб қолиши, газабга минишидан чўчигани учун ҳам эмас ёки бўлмаса, тоғасининг рашк қилиши туфайли ҳам эмас; унинг Гулбола билан келиши ўзига ҳам, тоғасининг олдида ҳам яхшироқ бўлади; улар ахир тоғаси билан эркакчасига гаплашиб олишганди. Хасай ўшанда гўё жиянининг муҳаббатига чанг солмагандек сўраб кўйганди; сўнг эса: «Танишинглар!» — деганди.

Раъно уйда ёлғиз эди.

Юпқа лаблари пирпиради, юзи кийшайди, хунуклашди! Бўлмасам-чи, Гулболани эслади! Ўша ва ҳозир қаршисидаги битта — Р ми?

Мамиш кела солиб хужумга ўтди:

— Хўш! Аммамнинг бузоғими?

У Мамишга эсанкираганча тикилади.

«Бу ерга шунинг учун келганинг йўқ-ку, ахир! Нега бошини котиряпсан?!»

йўқ, фақат шунинг учун келдим!

— Гулбола менга барини айтиб берди.

«Ўшанда Раъно сўлғин, ранги оппок эди...»

Дарров, кира солиб гапирди.

Жувоннинг ёноқларига қизиллик урди, кўзларида савол ифодаси кезди: «Тушунмаяпман. Нимани гапириб берувди?»

Сукунат чўзилиб кетди.

мана, ўзингни-ўзинг фош қилиб қўйдинг-ку!

— Масалан, нимани айтди?

Шунда Мамиш қаердадир эшитган иборасини такрорлади:

— Сирларингиз пардаларини сўкиб ташлади!

Лаблари кўринмай қолди. Унинг гапини оғзидан олиш керак!

— Ишк-муҳаббатингизни айтди. Ҳа, ҳаммасини айтди! — овозида қандайдир истехзо пайдо бўлади.

Раъно худди шу сўзни кутиб тургандай тус олади.

— Шўрлик Гулбола! — хўрсинади у. — Нахотки алоқ-чалок орзу-хаёлларини бировга, айниқса, шундай содда одамга айтиб, ўртоқлашиш мумкинми?

«Нахотки Гулбола ёлғон гапирган бўлса?» У бирдан енгил тортди.

айт, айтавер! жим турма!

— Йўқ, бу тўғри! — дейди у.

— Сенам ишониб қўя қолдингми?

Негадир мўъжиза юз бергандай вужудида енгиллик ҳис қилди.

гапирсанг-чи!

— ... У мени яхши кўриб қолганди, мен эсам Гулболага ачинардим, Хасайнинг ғазабини қўзғамаслик учун унга айтмасдим.

— Ёзган хатингни ҳам кўрсатган! — жуда бўлмасан, битта факт керак-ку.

— Ахир у хатни кўз олдимда йиртиб ташлаганди-ку!

— Демак, ўша хат бўлган!

Шунда бирдан Мамишнинг юрагини ғашлиқ кўланкаси коплаб олди.

демак, тўғри экан!

Лекин яна, яна гапиравериш керак, жим туриб бўлмайди.

— Ҳа, мана ўзинг ҳам бўйнингга олдинг!

Барини охиригача гапириб олиш керак.

— Мен сенинг ишонувчанлигингдан хабарим бор эди-ю, аммо шунчалик даражага етганингни билмаган эканман!

яна гапир, гапиравер!

Яна, охирини айтиб қўяди.

— Оқтойни ҳам айтганди!

Раънонинг юзи ўшанда, Гулбола бирдан йиғлаб юборган пайтдаги каби тус олди, юзига қон тепди, кўзлари олайди.

мана-мана! тўғри экан!

Қалби эса бўм-бўш бўлиб қолади.

— Буни бир менга айтдинг, бас кил энди! — Бирдан Раъно ўзгариб, бир лаҳзада бошқа одамга айланиб қолди. — Бирон-бир одамга айтиб юрма, устингдан кулади-я. Агар Хасай билиб қолса борми, ҳолингга маймунлар йиғлайди. Ха-я, ҳозир у келиб қолади!..

— Қўрқитмоқчимисан?

— Мен унга нима дейишимни биласанми?

«Наҳотки у билан бошқа аёлларга қилгандек муомала қилиб бўлса! — Шундай дея ўйлади-ю, қулоғи остида Ҳусниянинг овози жаранглаб кетди: — Мен сизларнинг ўрнингизда бўлганимдами!.. Агар мен сизларнинг ўрнингизда бўлганимдами!..»

— ...менинг нима дейишимни билишинг мушкул эмас. У ишонади ҳам! Наҳотки биз ёнма-ён туриб қолган пайтлар қандай қарашини билмасанг!..

оҳ, қандай чиройли сўзлаясиз-а! қандай майин, қандай ёқимли овозингиз!..

Мамиш унга ғалати нигоҳ ташлади, тўсатдан Раъно бефарқ бўлиб қолди — нега у Мамишни гапга унатмоқчи бўляпти? Ўзини-ўзи окламоқчими?..

— Нима бўпти? Фараз қилайликки, у гапларингга ишонди. Мени ташлаб кетармиди? Менинг сизларсиз ҳам яшаш қўлимдан келади!

— Жонингизга тегдимми?

ўша қиз ва ҳозир қаршимда турган жувон — сенмисан?

— Ҳа!

— Хасай ҳамми?

— Ҳа! Ҳа! Сен ҳам, у ҳам, барингиз!

— Гулбола энди жонингизга тегмайди!

— Нимага эришмоқчи бўляпсан?

— Биз икковимиз даста қилиб йиғмоқчи эмишимиз, мен ҳам, сен ҳам йиғиб келибмиз!

Р ўзини йўқотаёзади: «Нима ҳақда гапиряпти у?»

— Бориб яхшилаб ухлаб ол!

— Нима, мени ичиб олган, деб ўйлаясанми?

— Нима керак сенга? Ниятинг нима?

Хасай эса уйига, Раънонинг ҳузурига ҳаммадан ва ҳамма нарсадан йироқ, келмоқда эди. Хасайнинг Раъно билан бағри тўларди, унга ҳеч ким керак эмасди. Айниқса у Нигор воқеасидан сўнг Раънога боғланиб қолганди. Олдинлари аёлларга кўз

ташлар, хаёлида бўлса ҳам аёллар нари кетмасди, энди эса Раънодан бошқа унга ҳеч ким керак эмас.

Эшик қўнғироғи жиринглаб қолди.

«Хасай!»

Бироқ қўнғироқ жиринглагунга қадарми ё қўнғироқ билан бараварми, ё кейинми шу сўзлар жанглади:

— Мен эсам уни севаман! Эсингда тут! Менга ҳеч кимнинг кераги йўқ! Ҳа, яхши кўраман!

«Буни қаранг-а!» Шундай юраги ғашки. Бу ахир хув ўшандаёқ, Инқилоб боғидаёқ равшан бўлган эди-ку...

Худди Хасай эшитгандай, эҳтимол эшитмагандир, қўнғироқни босди, сўнгра эса дарҳол калитни буради, у ҳамиша шундай қиларди: қўнғироқни салгина босарди-ю, калитни эшикка...

Хасай уйга кириб келганида, агар Гулбола билан Мамишни кўрса шу заҳоти Раънога, сўнг Мамишга нигоҳ ташларди, мабодо Раънонинг кўзларида шодликни уқиб қолгудай бўлса, шундай хафа бўлиб кетардики!.. Уларнинг нигоҳлари билан кўзлари тўқнашаркан, бу нигоҳлардан яширин маъно изларди. Сўнгра меҳмонларни очик чеҳра билан кузатиб кўяркан, Раънони қистовга олар, тергов қилар, айблар, ҳақорат қиларди, фиғони кўкка чиқарди. Бироқ Раъно асосан эркалашлари билан ўзининг айбсизлигини исбот қилишга, унинг рашки асоссиз эканлиги, таъналари эса ўринсизлигига, ахир у Хасайни, тентаккинасини севишига ишонтиришга муваффақ бўларди! Ҳа, бу бесўнақай ва тентакни яхши кўради!

«Уми? Уми? — ижиклаб сўрайверарди Хасай. Биринчи бўлган умиди?» Раъно қизариб кетарди. «Мен ахир тушунтириб бергандим-ку! Айтгандим-ку! У эмас! У эмасди! Мен билмай қолгандим! Эсим йўқ эди! Мен ахир айтгандим-ку!..» Бироқ Хасай эслай олмас, ахир у гапириб бермаганди-ку! Нега Раънони қийнайверади? Раъно эса унга: «Қаерда, ким билан? Сенинг уйингда бўлувди! Бобонг дафн этилган ерда!» — деб айтсаммикин деб юборишдан аранг ўзини тутди.

Яна якшанба куни учинчи қаватдаги шу уйда Хасай атайин олис юртлардан келтириб ўрнатган эшик қўнғироғи жарангдор жиринглаб қолди ва уларникига ёшлар, ҳаммадан кўпроқ келадиган Гулбола билан Мамиш ёпирилиб кириб келишгач, Раъно машмашаларни эслаб, жиддий, ҳатто совуқ тусга кириб олди. Унинг бу ҳаракати ҳам бошига калтак бўлиб тегди — меҳмонлар жўнаб кетишгач, Хасайнинг зардаси қайнаб кетди: «Меҳмонларни ҳам шундай қарши оладими одам деган?! Сен кулишинг, қувнаб туришинг керак, ўзингни шундай тутишинг керакки, ҳамма очилиб-ёзилсин! Яна сени меникида ёмон яшайди, мен билан бирга ҳаёт кечириш зиндон билан баробар, деб ўйлашмасин тагин! Айниқса Мамиш». «Ҳа, зиндондан батар! Тайининг борми сенинг! — деб кичкирарди Раъно. — Улар билан яхши муомала қилсам, рашк қиласан, қовоқ солсам, яна бир гап топасан! Нима қилай, айт ахир?» — «Меҳмонлар билан демаяпман, Мамиш билан!» — «Яна уни гапиряпсан!»

Шунда Раънони юпатиш навбати Хасайга келганда, уларнинг уйида яна тинчлик ҳукм сура бошларди.

Можаро ўз йўлига-ю, Хасай ёшлар билан ўтиришдан, улар билан тенгқур каби суҳбат қуришдан маза қиларди. У йигирма ёшни орқага ташлаб юрарди. Унга яна айнан шу ёшлар қаршисида, булар ҳатто, ўз жияни, ўғли бўлишидан қатъий назар, муҳаббат, аёллар хусусида суҳбат кўзғаб, уларнинг олдида ўзини кўрсатиш ҳамда ёшлар муносабатини, айниқса Мамиш билан Раънонинг, гарчанд Раъно Мамишга бефарқ эканлигига уни ишонтирган бўлишига қарамай, Хасай, аёл аёллигини қилади-да, деб ўйлаб синовдан ўтказиб оларди. «Қандай қилиб сени Мамиш билан тенглаштириб бўлади? Мен ахир у билан сендан олдинроқ алоқани узганман-ку! Мен сен туфайли алоқани узганлигимни энди тушуниб етдим! Сенга интилдим, тентаккинам!»

«Нега уйланмаяпсан? — Хасай бир куни Мамишдан шундай деб сўраб қолганди. — Мана, Гулбола ҳам турмуш қуриб, оилалик бўлди!» Хасайга негадир жиянининг уйланмай ёлғиз юриши беодоблик, қайсарлик бўлиб кўринарди. Нимани кутяпти? У нимага умид қияпти?

Хасай калитни бураб эшикни очган маҳал, Ма-миш билан Раъно даҳлизда туришарди. У бир Ма-мишга, бир Раънога караб, ковоғи уйилди. Азиз жиянига бугун ҳеч кимнинг кўзи учиб тургани йўқ эди, Хасайнинг бундан бошқа қиладиган иши йўқми?! Одоб-андишасиниям шу!.. Раънонинг ҳаяжонли юзи ҳам Хасайга ёкинқирамади. Хасайнинг юзи минг бир тусга кирди, кизариб-бўзарди, кўзига ҳа-деб Раъно билан Мамиш бирга кўринаверди... Э, йўқ! «Мен Раънони!..»

Ҳа, ҳа! Хасай Раънонинг кўзларида кип-кизариб кетган маҳал хиёнатга ҳозирликни укди. Раънонинг бундай ҳолатга тушганига анча бўлиб кетган эди-ю, бироқ Хасай бунга эса сақлаб қолган эди. У эски Болохонали кўчасидаги коммунал уйдан хуфия уч-рашиб туришлари учун ижара олган хонада Раъно Хасай билан бирга бўлаётган маҳал, тўсатдан эшик жиринглаб қолганда ёки қўшниларнинг оёқ товуш-лари уларнинг хонасига яқинлашгудай бўлганида шундай кизариб кетарди.

Раънонинг кўзларидан укди-ю, аммо бу фикрни қувди. «Ҳа, — эндигина ўзимга-ўзим ҳукм чиқариш-га шонилмасликка сўз бергандим», — у йўл бўйи ўзига шундай деб таъкидлаб келганди, ҳозир эса портлаб кетай деб турибди. Уйнинг ичкарасида ўтир-ганлари йўқ-ку ахир! (Гўё бунинг бирон аҳамияти бордай.) Мамиш ҳам кетаётган кишига сира ўхша-майди, у ҳозиргина келиб турибди (бу муҳимми бўлмаса?). Барибир, бирор минг марта шундай бўл-гандек, юраги азоб бериб санча бошлади. Қўрқув бошқа ҳамма нарсани сиқиб чиқарди. «Врачга кўр-сатиш керак!» У тунлари: «Тўхтаб қолди! Тепмаяп-ти!» — деб юрагини ушлаб чиқарди. Еки юраги тез-тез уриб кетади-да, жимиб қолади, назарида, бутун-лай тўхтаб қолгандай туюлади. Хасай бундай кез-ларда, таниш врач айтгандек, ваҳима қилмасдан жимгина ётса, ўтиб кетишини тушунади. «Аммо юра-ги урмаяпти-ку!» Шунда Хасай сакраб ўрнидан ту-риб кетиб, ўтириб олар, қўли билан юрагини қиди-рар, кўксини пайпаслай бошларди. Раъно уйғониб кетарди-ю, лекин Хасай тинчлансин, деб сир бой бермасди, чунки Хасай жуда ваҳимачи, уни осонги-на кўндириш, арзимаган бетобликдан ётқизиб қў-йиш ҳам мумкин эди. Мана, ҳозир ҳам Хасай ча-

қирилмаган меҳмондан, у ҳатто синглизининг ўғли бўлишидан қатъий назар, ҳадиксирашга ҳаққи бўл-маса-да, юраги санчяпти. Бирок юрак санчиши тў-сатдан кўзғади-ю, бирпасда ўтиб кетди. Бу нарса Хасайнинг кўнглини кўтаргандай туюлди, тоғ тоғни кўтаради, чарчамайди. Жаҳли ҳам оғриқ сингари ғойиб бўлди. Мамиш, бу нарса дарров равшан бўл-ганди, эндигина келиб турибди, яна бегона эмас, туғишган синглизининг ўғли-ку, ахир, унинг жияни, қувлик-шумликни билмайди, Гулболанинг дўсти, иниси, мундоқ қараганда, ўғли ўрнида ҳам.

Раъно-чи, Мамишни бошига урадимиз?

— Қаердан кун чикди? — деб сўради. — Нега даҳлизда турибсан, ичкарига ўт.

Шунда Мамиш... Мамиш дедикки, микрорайонда уларнинг бригадасидаги бир йигит яшармиш, уни тоби қочиб қолганмиш, кўргани келган экан, бира-тўла тоғасиникига ҳам кира қолибди, тоғаси эса уйда йўқ эмиш. Шундай деб у жим бўлиб қолди.

сен олчоқсан! поражўрсан! сен ярамас одам-сан! сен! сен!

Шунда ҳеч ким Мамишнинг ўз қалбига тупур-ганини эшитмади. Тупурди-да, сўнгра қўли билан ҳавони кесиб, ичкарига кирди, барибир энг сўн-ги қарорга келиб, ҳужумга ўтди:

— Мен ўртоғимни кўргани келганим ёлғон!

— ???!!

— Мен очикчасига гаплашиш учун келдим.

Худди эстакададан денгизга сакрагандай, сув қаърига тушиб кетгандай, сўнгра шўнғиб чиқиб, атрофга аланглаб олиб, кенг қулоч ёзганча олдин-га кўтарилгандай бўлди.

— Нима тўғрисида гаплашмоқчисан?

Мамиш гапирарди-ю, томоғига бир нарса тикил-гандай, овози титраб кетарди. Юраги гуп-гуп тепа бошлади. Найза отилганди. Сухбатнинг оқибати ни-ма билан тугаши эса қоронғи эди. Мамиш овози-даги қалтироқни босмоқчи бўларди-ю, ҳеч уддаси-дан чиқолмасди. У ўридан турди. Хасай унинг чў-чиганлигини сезиб, буни ожизликка йўйди.

— Раъно! — Хасай Мамишнинг олдида шимини ечиб диванга отди, костюм билан шимини шкафга қўймоқчи бўлиб, пижамасини кийди.

Остонада Раъно кўринди.

— Овқатинг тайёрни? — сўнг Мамишга юзланди. — Обке ё бошқа бировни кутяпсанми?

— Жиддий бўлади гапларим.

— Жудаям яхши-да... Бўл, гапиравер. — Шими ни илгичга осиб шкафга қўйди. — Мана, мен тайёрман! — Ўтирди ва сигарета тутатди, кўзлари қислиб, Мамишга диққат билан тикилди: «Қани, эшитайлик-чи, нима учун келганингни...»

— Бизнинг ҳаётимиз буткул ёлғон асосига қурилган.

— Қўй, нега ундай дейсан! Қе, сал жўнрок қилгин.

— Бизнинг уруғимиз ҳаёти.

— Айнан нимани айтяпсан?

— Ҳаммасини!

— Бунга ким айбдор?

— Ҳаммадан бурун сен гуноҳкорсан! Гулболанинг ўлимига ҳам сен айбдорсан!

«Мана, унинг ташаққури!» Хасай буни биларди!

— Раъно, эшитяпсанми, мана бу... нонкўрнинг гапираётган гапини!

Раънодан сазо чиқмас, бор диққат-эътибори бир нуктага жам этилганди. У қандай қилиб плита олдига борганинию қандай қилиб газни ёққанини билмасди. Худди гугуртни қўлига олмагандай эди назарида.

— Баракалла, Кўчманчининг ўғли!..

Хасайнинг ақли етарди бир вақтлар келиб, Мамиш... «Мен буни кутгандим, билардим!..»

Мамиш чурк этмасди.

— Мабодо сени буёққа Ҳусния жўнатмадими?

— Бу ерда Ҳусниянинг нима дахли бор?

уям сенинг биринг-да!

— Хўш, сени олдимга жўнатган Ҳусния хонимга бориб айтгинки, уни энди бу сафар ўласи қилиб савалайман! Бор, шундай де, сен билан кейин гаплашамиз!

— Мени ҳеч ким юборгани йўқ. Елғон...

— Нега ҳадеб бир нарсага ёпишиб олдинг?! Елғон, ёлғон! — Мамишнинг оғзидан гапини олди Хасай.

— Гулбола, сенингча, билмасдан тушиб кетибдида, а?

— Қим уни итариб юборибди бўлмаса? Сен итарвормагандирсан ҳойнаҳой?!

эҳтимол, мендирман...

— Еки Раъно айбдордир? Балки у гуноҳкордир-а?

— Ҳа!

— Кўй, Мамиш, шунинг учун менинг олдимга келишга журъат қилдингми?

— Сен ҳам, Раъно хониминг ҳам.

Раъно хонага отилиб кирди.

— Бўхтон! Бари уйдирма! Гулбола алаҳсираб ичидан тўкиб чиқарган. — Унинг бўйнидаги томирлар кўм-кўк бўлиб бўртиб чиқди, юзига қон тепди. Мамишнинг қаршисига келди. — Тўкиб чиқардинглар-а! Хасайни кўролмайсизлар! Ҳаммаси сенга душман, Хасай! Мен сенга айтувдим-а! Улар сени тириклайин гўрга тикишмоқчи!

— Кўй, кўй! Нима бўлди! — Хасай Мамишни унутиб ўзини йўқотиб қўяёзди. — Ўзингни бос!.. Тинчлан... — У Мамишга бир қараб кўйди ва жиянининг кўзларида заҳарли кинояни укди. — «Кечиролмайди!» — Нима дединг Раънога! Нима?! Раънони таҳқирламоқчи бўляпсанми?! Бир сени эсингни кирғизиб қўяйки, бир умр ўнгланомай юргин!

— Раънонинг ўзи айтиб бера қолсин!

— Минғирламай, кўнглингда борини очик айтавер.

— Ошик-маъшуқлигини айтсин!

— Хозир сени... — Хасай кўзлари атрофга олазарак каради ва қўли бахмал дастурхондаги биллур кулдонни тутди.

— Нега очмадинглар? — Октой хонага учиб кирди. — Бир соатдан бери жиринглатиб турибману!

Мамишни койишаётганини ё эшитдими, ё сездими, ёки онасининг қиёфаси уни чўчитиб юбордими, Октой Мамиш туфайли отаси билан онаси шундай қаттиқ қичкиришаётганини англади. У ичида нимадир ёнаётгандай ғазабга минди-да, Мамишга отилди, ҳатто уни чимчилаб олди ва Хасай кулдонни қандай ушлаб турган бўлса, шундай жойида туриб қолди, отай деса болага тегиши ё қўрқитиб юбориши мумкин... Октойнинг бир куни шундай жазавага тушганини у кўрган, ўшанда анча пайтгача болани тинчлантиришолмаган, иссиғи кўтарилиб кетганди. Ўшанда Хасай билан Раъно уришган ва Октой ҳозиргидай онасини ҳимоя қилиш учун ташланган эди.

— Болани опкет! — кичкирди Хасай Раънога. Раъно Октойни опчикиб кетишга уриниб торткилар, бола эса ҳамон онасининг кучоғидан чикмокка, Мамишнинг юзига бир туширмоққа тиришарди-ю, кўли етмасди.

— Бу ҳали сенга қимматга тушмасин! — деди Раъно Октойни хонадан олиб чиқаётиб. — Яхшиси, онанг, унинг ор-номуси ҳақида қайгурсанг бўлармиди?

«Менга кулмаяпсан... Атрофни чивин босган. Кўзимнинг оку қораси!..»

— Сен, Гулбола...

Оқтой, биласанми...

Шунда бирдан шишанинг «шарак» этган овози ёхуд нолавор бир фарёд эшитилди, кулдон Мамишнинг устидан учиб ўтди, у чап бериб қолди ва оғиргина биллур Мамишнинг тепасидаги гиламга осиглиқ Хасайнинг портретига бориб урилди. Портрет солиғлиқ ойна чил-чил синди ва синиқлари диван узра сочилиб кетди.

— Мен сени мана шу панжаларим билан бўғмасам отимни бошқа кўяман!.. Таги зотининг тайини йўқ, аблах!..

ўзинг шундайсан! ўзинг!

— Хе, қора ишчи!..

Мамишнинг оғзидан сўзлар учиб чиқади.

— Тағин курукланиб ўзинг... Трамвай! Таржимаи ҳол!

— Итвачча!

«Яна бир зарба бўлса — бас! — Хасайнинг ранги докадай ок, нима қилаётганини англаб етмасди. — Фақат юрак чидаб берса бўлгани». Хасайнинг кўлида нимадир ялтириб кетди, ким билади, шу пайт кўнғироқ овози эшитилиб қолмаганда окибати нима билан тугарди...

— Жаъфар муаллим!.. Раъно, бўл тез!

Тез дегани нима?

— Дивандан! Синиқларни!.. Сен билан эса кейин гаплашамиз! Қараб тур, оёғимга йиқиласан ҳали!
мен гапирадиганимни гапириб бўлдим, энди гаплашишга ҳожат йўқ!

Раъно бирпасда шиша синиқларини териб олди. «Умуман, бу у эмас, у киз бўлмаган, фақат бу

бўлган». Мамиш эшитдими, йўқми, Раъно пичирлади: «Олчоқ!»

Хасай эшикни очишга кетди, Мамиш бу уйдан жўнамоқ учун унинг изидан юрди. Бутунлай Хасайни ҳам, Рни ҳам, умуман ҳеч кимни кўрмаслик учун кетмоқчи эди!

— Хуш келибсиз уйимизга, Жаъфар муаллим!

Баланд бўйли, катта мугуз кўзойнак таққан, ўзидан, дунёдан мамнун барваста киши Хасайга қўлини узатди ва Мамишга диққат билан қараб, йўғон овозда деди:

— Жиянингми?

— Ҳа... Нега бир ўзингиз келяпсиз, Сайёра хоним қанилар?

— Келмади, узр айтиб қўйишимни илтимос қилиб қолди... Биладан, биладан, куртқасини ҳам кийганман-ку бу йигитнинг.

Хасай меҳмоннинг нима ҳақда гапираётганини тушунолмаётганди. Мамиш эса Жаъфар муаллим билан ўрин алмашмоқчи эди — Жаъфар муаллимга ичкарига ўтиш ўнғайроқ бўлади, Мамишга эса эшикка яқинроқ, лип этиб чиқиб кетади. Бирок Жаъфар муаллим унинг қўлидан тутди.

— Қаёққа кетяпсиз, биз билан қолинг.

— Йўқ, йўқ, унинг зарур иши бор.

— Иш қочиб кетмайди, қола қолсин, — Жаъфар гапини икки қилишларига ўрганмаганди. У Мамишнинг қўлларидан тутганча, зўрлагандай хонага бошлади. — Биз жиянинг билан танишимиз!

— Билмаган эканман.

— Мен у билан ишлаганман! Эсингдами? — деди Мамишга. — Мана шундай, — деди Хасайга, Хасай эса, турган гапки, лол эди: қандай қилиб Жаъфар Мамишнинг олдида ишлаши мумкин? — Ҳа, унинг комбинезонида ишласа зўр бўларкан!.. Мен сенинг олдингда кўп ўтиролмаيمان, шошиб турибман, аввал таъзияга ўтай девдим, айтдим-ку, ёзилиб гаплашиб ўтириш учун алоҳида бир келаман.

Хасай билан Раъно бир-бирларига қараб олишди, жим бўлиб қолишди.

— Бирок, — бу орада гапини давом эттирди Жаъфар муаллим, — бизга узоқ мотам тутиш ярашмайди. Бу ҳақда бошқа гаплашмаймиз.

Хонага киришди, ўтиришди. Диванда, гилам тук-

лари орасида шиша синиқлари ялтирарди. Раъно яхшилаб тозалашга улгурмаганди.

— Қим сени бундай қилиб қўйди?

Суратда Хасайнинг кўзлари тешилиб, ғилайга ўхшаб қолганди.

— Ҳа, шундай бўлиб қолди, Октой шўхлик қилувди.

алдаяпсан-у, қизармайсан ҳам!

— Бўлиб туради, бўлиб туради! Ҳамма бало шишага урсин.

Жаъфар мақол, ҳикматли гапларни айтишни яхши кўрарди: Амирарслон бу жиҳатни ундан ўзлаштириб олмаганмикин? Бироқ мавзуни ўзгартириш керак.

— Хўш? Бизнинг шонли синфимиз билан тил топишяпсанми? Ранжитмаяпсанми?

— Нима деяпсиз, Жаъфар муаллим, — деб илжайди Хасай.

— у-чи, гап орамизда қолсин-у, сиз келишингиздан сал олдин пичоқ билан менга ўқталди! ҳатто сўйиб ташлашдан ҳам тоймас эди!

— ?!

— тўғриси айтганда, мен қўрқоқлик қилдим.

— Ҳа. Ишчи синфи — бизнинг байроқдоримиз! Бизнинг таянчимиздир. Ва мен сенинг шундай жиянинг борлигидан жуда хурсандман! Бизнинг ҳаммамиз ишчи синфидан чиққанмиз!

Жаъфар ҳақиқатан ҳам Қорашаҳарда, ишчи оиласида туғилганди. У Болохоналидаги нефть техникумини тугатгач, уч йиллар чамаси «Лениннефть» даги конларда ишлаганди. Шундай, Жаъфар муаллимнинг олифтагарчилик қилишига, Мамишнинг илжайишига ўрин йўқ. Хасай эса Мамишга қарамасдан бош ирғар, агар қарагундай бўлса, сир бой бериб қўйиши мумкин эди. У ҳамма борада Жаъфар муаллим билан келишади. У нима гапирсаям, нима гапирмоқчи бўлсаям маъқуллаб тураверади.

— Сайёра хоним яхши юрибдиларми?

Аммо Жаъфар ҳали гапириб бўлмаганди.

— Мен оддий одамлар билан, ишчи йигитларимиз билан суҳбатлашганимда қандай лаззат олишимни билсанг эди! Уларнинг соғлом фикрлаши-

ни, дунёқарашининг кенглигини, юксак сиёсатимизни чуқур англаб етишларини айтмайсанми!

— Тўғри гапиряпсиз, жудаям тўғри гапиряпсиз.

Раъно газак қилишга таом, кўкат келтирди, қорнига лотинча ҳарфлар ёзилган бир литрли шишада арок қўйди. У Мамишнинг олдига пичоқ билан санчкини худди кўзларингга сукиб олсамми? — дегандай ўқрайиб қўйиб кетди.

— Мана буниси ортикча! — Раъно ҳатто чўчиб тушди, Жаъфар муаллим эса шишани силамоқда эди. Силаб-сийпаларди. — Бошқа сафар.

Хасай Жаъфарнинг факат арок ичишини биларди. Раъно арокни қайтиб олиб кетганида, Хасай индамади. Агар қўймасанг, хафа бўлса, қўйсанг, «кейинги сафар», дейди. Ҳартугул, «нахотки азада ҳам ичилса?» — деб таъна қилмаганига шукур.

таъзириңни едингми? қандай журъат қилдинг бунга? ахир ўғлинг ўлган-ку.

Орага ўнғайсиз жимлик чўкди, аммо Жаъфар ўзини худди ҳеч нима бўлмагандай тутди.

— Ҳа, романтик жой-да Денгизли! Мен уёқка Кубадан келган меҳмонларни бошлаб боргандим. Вертолётга минувдик, ёмон силкитиб ташлагандида, ўзиям. Орқамизда резина қопчиқ — ҳар эҳтимолга қарши чўкиб кетмаслик вазидан турарди. Кубаликлар ярим соат учишга бу нимаси, деб кулардилар. Океан бўлгандаям бошқа гап эди! Мен эсам уларга: «Кўлимиз океандан ҳам чатоқроқ», дейман. Бироқ эҳтиёти шарт, қутқарувчи қопчиқ қандай пуфлаб шиширилишини китобчасидан ўқиб чиқдим: буни пуфлаб шиширгунингча, сувнинг тубига етасан... Денгизлида бўлганмисан?.. — У Хасай жавоб қайтаргунча бўлмай қўшиб қўйди: — Албатта боргин! Афсонавий шаҳар-да, Денгизли! Техниканинг мўъжизаси!

Хасай эса ҳақиқатан ҳам уёқка бормаган, мавриди келмаганди.

— Меҳмонларга ҳам хуш ёқди. Уёқка ишга кириб, жуда тўғри қилибсан.

— Уни мен уёқка ишга киргазиб қўйгандим.

«Мана, бошланди энди...»

— Кейин «институтга кир, ўқи», деб маслаҳат бердим. Пропискасини ҳам тўғриладим. Жонбозлик кўрсатсин, яна ёрдам бераман.

— Жуда яхши килибсан, Хасай! Ишчиларга ёрдам бериш бизнинг асосий бурчимиздир.

«Ўзинг-чи, ўзинг бирон ерда рўйхатда бормисан?» — деган бўларди Мамиш, агар Хусния хоним машмашаларидан бирида Хасайни муюлишдаги уй пропискасидан ўчириб юборганлиги, ҳозир унинг на уёқда, на буёқда — микрорайонда ҳам пропискаси йўқлигини билганида. Ахир бу ердаги уй Раънонинг номига сотиб олинган-ку.

Хасай бирдан хомуш бўлиб қолди.

«Ҳозир Гулболанинг номини ўзига дастақ қилиб олади!»

Чиндан ҳам Хасай ўғлини эслай кетди. Бахтиёровларнинг, унинг шохи қулаб тушди, синиб кетди! Октой ўсиб катта бўлгунча, қанча гапу қанча сўз, Гулбола эса унинг тўнғичи, пуштикамаридан бино бўлган эди!

— Қандай ўғилдан айрилганимни билсангиз эди, Жаъфар муаллим! Шундай ўғилдан-а!.. Тухматчилар оғизларига келганларини қайтармай унинг номини булғамоқчи бўляптилар, аммо мен аминманки, у ҳақиқий инсон эди!

— Начора, пешонага ёзилгани шу экан! — Агар Хасай яна бирон оғиз илиқ сўз айтилса, тамом, ўзини йиғидан тўхтатолмаган бўларди, Жаъфар муаллим эса йиғини, айниқса, эркаклар йиғлашини жини ёқтирмасди.

— Ҳа, — у Хасайнинг гапини бўлди, — биз сен билан анчадан бери оилавий суҳбат қурмагандик. Охирги марта... Қачон охирги марта бирга ўтиргандик!

— Эсингизда йўқми? Меникида, шу ерда ўтиргандик-ку... Ўшанда эсимда, роса кулишгандик... Ҳа, мен Амирарслон ҳақида гапириб бергандим.

Бу шундай бўлганди: Хасайникида ўтиришганди, у Жаъфар муаллимга шундай ҳикоя қилардики, сўзлаган ҳам, эшитаётган ҳам бирдай куларди. «Мен кабинетимда ўтирсам, — дея ҳикоя қила бошлайди. Хасай, — тўсатдан қаршимга ёш, яхши кийинган одам келиб шундай дейди: «Мени ким юборганлигини, ҳомийим кимлигини айтиб ўтирмайман, агар айтсам, эътироз билдириб ўтирмай, дарров вақант жойга қабул қиласиз!» Мен довдираб қолдим-у, бироқ сир бой бермадим, ўзимча: вақант жой тўғрисида билар-

кан, — вакансияни эса кечагина олгандим, — жой хали совиганича йўқ, демак хабардор экан-да, деган хаёлга бордим. Ке, кўй, дейман ўзимга, бир таваккал қилиб кўрай, ким, нима деб суриштириб ўтирмай-да, ишга қабул қилай. Кўриб турибман, йигитнинг фаҳми фаросати ўткир, иззат-эътиборли, ишонверса бўладиган, уялтириб қўймайди. Ёз, дейман унга, аризани! У ўрнидан турди, хурмат билан таъзим қилди, қўлимни қисди. Мен, дейди, сизнинг ишончингизни оқлайман! — дейди. Шундай дея тайёр аризани менга узатади. Мен қоғоз четига «расмийлаштирилсин», деб резолюция қўяман. Бир ойдан сўнг эса у олдимга қўлида конверт билан қириб келади... Раъно, битта чой дамлаб юбор. — «Унинг олдида гапириш керак эмас», ўйлайди Хасай.

«Мен бўлсам, буни билмаган эканман», дейди унга Жаъфар.

«Эҳ, Жаъфар, сенинг кўп нарсалардан хабаринг йўк!»

«Кейин нима бўлди?»

«Кейин бу йигит менга конверт келтириб беради. «Бу нима?» деб сўрайман. Бармоқларим сезиб турибди бунинг пул эканлигини! «Биласанми, бунинг нима деб аталишини? Бунақа ишлар учун аяқ ўтиришмайди-я!» Жиддий туриб сўзлайман, у эса чурқ этмайди, мен бўлсам ортиқ тутақмайман. «Бу, — дейди у менга, — сизнинг яхши муомалангиз, ишончингиз учун». Мен буни тинчлик билан ақл ишлатиб тўғрилаб юбормоқчи бўламан. «Ўтир, — дейман унга. — Яхши муомала учун менга раҳматнинг ўзи кифоя». У ўтиради, мен эса суриштира бошлайман: «Хотининг борми?» — «Бор». Худди «Аршин мол-олон»даги сингари савол-жавоб бўлади. «Бола-чақадан борми?» — «Бор». «Бўлмаса бу пулларни, — дейман унга, — сенга тақдим этаман. Боргин-да, менинг номимдан хотинингга истаган нарсасини олиб бергин. Сенга махсус рухсатнома ёзиб бераман, дўконимиздан сотиб оласан. Болаларга менинг номимдан совға-салом олгин». Худди лавлагидай қип-қизил бўлиб турибди. «Майлига, — дейди у, — сизнинг хоҳишингизча бўла қолсин». Сўнг-ра эса сиз, Жаъфар муаллим, мени олдингизга чакириб: «Хотининг борми?» — деб сўрагандингиз.

Мен шу захоти, Амирарслоннинг ҳомийи сизнинг ўзингиз эканлигингизни англаб етгандим».

«У гапириб берганда шундай кулги бўлгандики!..» дейди Жаъфар. «Кулги ўз йўлига-ю, Жаъфар муаллим, сиз ҳали кўп нарсалардан беҳабарсиз, Амирарслонингиз қандай қушча эканлиги хаёлингизга ҳам келмайди!»

Хасай аризага резолюция қўйишга қўйди, аммо у фамилиясини тўлиқ қўймаганлигини фақат кадрлар бўлимининг бошлиғигина биларди, холос, демак, бир-икки кун сабр қилишга тўғри келади. У Амирарслон кетиши биланоқ бу йигит ким, қандай одамлиги ҳақида зимдан суриштира бошлади. Шу захоти у Хуснияга кўнғироқ қилди: «Амирарслон Валибеков деган одамни билмайсанми?» — «Фамилияси таниш кўринади». — «Менга ҳам шундай туюл-япти». — «Ҳа-а, бу ахир Жаъфар муаллимнинг қай-ниси-ку!» Хусниянинг алоқалари зўр-да!

Икки-уч марта кўнғироқ қилинди-ю, қизиқаётган одам ҳақида тўлиқ маълумот, унинг отаси, қариндошлари, яширин алоқалари — ким кимнинг кетидан юради, ким ким билан улфатчилик қилади, бари-ни билиб олди. «Ҳа, дарвоқе, Сайёра Валибекова-ку ахир!..»

Амирарслон ўтқир йигит! Аввал Хасайни Африкада анча йил ишлаб келганман, деб алдаб юрди. «Худди тиканли сим ортида яшагандай яшадик, — деб ҳикоя қилганди. — Жунглига бориб бўлмайди, йиртқичлар бор, саваннагаям кириб бўлмайди — илонларнинг макони, дарёгаям бориш мумкин эмас, тимсоҳлар сузиб юради». «Ҳа, Жаъфар муаллим, бундай ходим сизнинг тушингизга ҳам кирмаган». Амирарслон буни бир куни айтиб қолганди, у бошлиғининг қай пайт кайфияти соз бўлишини биларди. Эрталаб, яхшиси, унга йўлиқмаган маъқул, тун бўйи тушида сафроси қайнаб чиқадими, нима бало, эрталаб юраги зилдай бўлиб, жиғилдонида зардоб қайнай бошлайди. Маълумотнинг бориши қанақа? Шундай деб у сим қоқа бошлайди. Трамвай ва троллейбус бошқарувчисига: «Устингиздан шикоят тушяпти. Хайдовчилар бекатларда соатлаб гап сотиб туришармиш!» — деб кўнғироқ қилади. Сўнгра автобуслар бўйича бошлиққа сим қоқади! Шундай, Амирарслон Хасай билан қай маҳал ҳазиллашиш ке-

раклигини билади: «Биласизми, конвертнинг ичидаги пул эмасди!» — «Нимайди бўлмаса?» — «Оддий қоғоз!.. Ҳар эҳтимолга қарши!» Хасайнинг бунчаликка боришга фаҳми етмаган бўларди! Пулнинг ўрнига қоғозни солиб қўйиш!.. Наҳотки, Хасайнинг бармоқлари уни алдаган бўлса-я, ахир пайпаслаб кўрди-ку, у эса бу бармоқларга жудаям ишонарди, уларнинг орасидан неча-неча шалдирок қоғозлар ўтмаган, эҳ-е!.. Балки Амирарслон ичидан тўқиб чиқараётгандир? Бирок нимага ўзидан-ўзи шундай қилади? У барибир биринчи совға «Филиппслюкс» сузгич соқол олиш тифларини тақдим этишга қарор қилганда шу нарсани айтганди.

Хасай Жаъфар билан бўлган суҳбатининг, яъни унинг Амирарслон ҳақида гапирган гапларини ҳар бир бўғинигача ёдида тутган: «Йигитингиз ўсадиган йигитлардан. Маданиятли, ишчан, ким билан қандай гаплашишни билади, боодоб... Одамлар баъзи маҳаллар яхши яшаркан, демак фақат моянага тақалиб ўтиришмайди. Қани энди Жаъфарга: «Е ахир пул эмас, қалбаки қоғозлар эди, холос!» — деди олсанг. Хасай Амирарслондан қаттиқ ранжиб қолди-ю, аммо сир бой бермади: «Ҳа, сурбет! Мени илинтирмоқчи бўлдингми ҳали!»

Агар Жаъфар муаллим бу ораликқа сукилиб қолмаганда унга пул ўрнига оддий қоғозни тикиштиришнинг қанақа бўлишини яхшилаб ўргатиб қўйган бўларди! «Ахир ўзингиз менинг районларда ошна-оғайниларим сон-саноксизлигини яхши биласиз-ку. Жаъфар муаллим, кишилар мени иззат қилишади, тез-тез ким қўзичок, ким пичок билан кесса бўладиган қаймоқ, фундук' олиб келишади... Мен эсам буларнинг барини оламан-да, қўшнилару уруғ-аймоқларим, ошна-оғайниларимга улашиб чиқаман. Бир ўзинг қанчаям ердинг! Қанақасига олмай бўлади? Ҳар бирининг ўнтадан қўй-қўзиси бўлса, олмасанг, хижолатпазликдан бошинг чиқмаса!»

— Йўқ, эсимдан чиқарибман, бизникида кўришмагандик! — деди Хасай. — Маъракада эди, менимча, Амирарслоннинг қайнотасини учида эди шекилли!..

¹Кавказ ҳамда Қримда ўсувчи пакана ёнғок дарахти меваси.

«Яна Амирарслон!» — деб ўйлади Жаъфар, Хасайнинг эса хаёли бошқа маъракаларга кетади.

— Ҳа, Жаъфар муаллим, афсуски, биз кўпроқ қайғули ҳодисалар важдангина кўришар эканмиз...

— Ке, қўй, бошқа нарсалар тўғрисида гапир, — дейди Жаъфар.

*мана-мана! бошқа нарса тўғрисида гапир!
яхшиси, олдинга қатнаб юрадиган чўлоқ
тўғрисида гапириб бера қол!*

«Унинг қаёқдан шунча пули борлигини ҳеч хаёлингга келтирганмисан? Чўлоқни кўрганмидинг? — Гулбола Мамишга шундай деганди. — Отам йўлга отлангудай бўлса, худди командага сафлангандай бирин-кетин ликопчаларда опкелишаверади». Бироқ Мамиш ликопча ҳақида бошқа бир нарсани ҳам эшитганди, уларнинг уруғида бувисининг онаси ҳақида эслашни, айниқса, Хасай яхши кўрарди, эмишки; унинг бувиси тиллами, зар ҳаллими, ялтироқ ликопчага совға-салом солволиб, яна кимга денг, айни маликанинг ўзларига элтиб берган эканлар!

*сен аввал оқсоқ тўғрисида гапиргин, биз
эсак Жаъфар муаллим билан қулоқ тутайлик!*

— Иншооллох, ҳозир ҳеч ким очдан ўладиган замон эмас, ўлдим деган одамнинг уйдан қоранон билан сариёғ топилади-ю, шукр, деб бир жойда ўтирмайди.

сен гапириб бераверсанг-чи!

Жаъфар муаллим эса буёқда:

— Чарчаган, хомуш кўринасиз, Раъно хоним, — деб қолди.

— Аёлларга қийин-да. Кун бўйи идиш-товоқ, супур-сидир дегандай... Октой қани?

— Машғулотга кетганди.

— Ҳа, дарвоқе, Октойимиз немис тилини ўрганиш учун кекса муаллиманикига қатнайди, аёл пенсияда, унга ҳам яхши, бизга ҳам.

Мамиш Раънонинг қўлларига қаради — аёлнинг қўлларини томирлари туртиб чиққан, бармоқлари парваришталаб эди. «Наҳотки, бу ўша Р бўлса?» Раъно Мамишнинг назарини пайқаб қўлларини тортиб олди. Қаёққа ҳам яшириб бўларди. Ёшгина

чехра ва курукшаган кўллар. Бирпас ўтириб чиқиб кетди. Раъно чиқиб кетаётганида худди биров ураётгандай бўйнини қисди. Енламаси тезгина чиқиб кетди. Авваллари Мамиш унинг бундай чўчиганини кўрмаганди.

сен Мамиш, бошингни қўйиб йиғлагин! шунда кўз ёшларинг унинг қуруқшоқ қўлларига томади!

Жаъфар муаллим Хасайни ҳолбуки урушдан буён билса-да, анчадан буён кузатиб юрарди. Амирарслон унинг тўғрисида гапириб берганида Жаъфар муаллим билан хотини нималигини ўзлари ҳам билмаган ҳолда мириқиб кулишганди. Жаъфар муаллим Хасайни кига янги рўзгорини кўришга ва янги хотини билан танишишга ҳеч боролмасди. Агар Хасай эски хотин, янги хотин ҳақидаги машмашаларни ўн йил олдин бошлаганидами, тоза кўрадиганини кўрарди. Ўн йил? Йўқ, сал кўпроқ. Жаъфар амал курсисининг оёғи ўшанда осмондан келган эди! Бунгача у гўё чўққини кўзлагандай тик қоқилмай кетаётганди, нефть конларидан уни райкомга кўтаришди, уруш йиллар бир неча марта тақдирлашган, сўнг шаҳар комитетига йўлланма беришди, уёқдан фақат аллақандай мутлақо нотаниш аёл аризаси билангина, аёл алам устида, Жаъфар билмаган тақдирда, ичидан бўлмаган гапларни тўқиган ва шу сабаб билан уни ишдан олиб ташлашганди, яна конга оддий инженер қилиб юборишганди.

Хасайни тушуниш қийин эди: биринчи хотинидан ажрашса ажраша қолмайди, иккинчиси, ёш, суюклисига эса уйланса уйлана қолмайди. Бунинг сабаби бор, албатта, бу сабабни Хасай билан Хусниядан бошқа ҳеч ким билмасди. Қани, Хасай Хуснияни «шарманда қилишни» хаёлига келтириб кўрсин-чи, эрдан қонуний ажралиш эса Хусния учун бутун шаҳарга шармисор бўлиш деган сўз, — Хусния шундай маймун ўйнатардики, токи Хасай тушган балчиғидан қайтиб чиқиб, ҳеч қачон ўнгланоқмасди. Шундай, бу Хусниянинг ўзига ҳам арзон тушмасди-ю, бироқ унинг ҳеч балодан тап тортмаслиги Хасайга аён эди. Хусния эрига Мамиш ҳам биладиган воқеаларни шамга қилиб қўйганди. «Мен ниманиям йўқотардим? Мен эмас, сен Далли Идриснинг устидан кулмоқчи бўлгансан! Улар — Идрис ҳам, Илдрим ҳам тирик

хали!» Сўнгра эса ҳеч ким билмаган, икковлашиб орттирган хазина тилга олинарди, гарчанд Мамиш эшитиб қолиши мумкин бўлса-да, Қозим Тўкезбонга шундай деганди: «Ака жонингнинг лақабини биласанми? Гавҳар Хасай!» Тўкезбон эса: «Этикдўз-да, унга уруш пайтида шундай лақаб қўйган!» — деб акасининг ёнини олганди. «Бироқ лақаб лақаблигича қолган-ку!»

Хасай Раъно билан муносабатини элга ошқора қилиб, ҳатто у билан меҳмонга бирга бора бошлаганида Хусния ҳеч нимадан тап тортмади. Ўшанда Хасай Хусниянинг тилини тиймаганлиги учун чакана калтакламаганди. Бироқ Хусния сирни фош этмади ва бу ҳол Хасайни орани очик қилишдан сақлаб қолди. Айнан Хасай бир оз ақллилик қилгани учунгина Хусниянинг юраги ғурурга тўлиб, эрини ундан битта Раъно экан-ку, мингтаси бўлса ҳам тортиб ололмаслигига амин бўлди. Барибир ўзи Хасайнинг биринчи хотини бўлиб қолаверади.

Ҳозирча Хасай кундоши билан бирга яшаб тураверсин. Йиллар ўтар, эҳтирослар ҳам сўнар, — ахир у бир умр пойга чопмас ахир, — ўшанда яна бу ёққа қайтиб келар. Аллаким ўз қулоғи билан Хасайнинг гапларини эшитиб, шу заҳоти Хуснияга етказди: Хасай: «Қатта хотиним дебди!» Агарда Хусния катта хотини бўлса, демак, Раъно кичиги экан-да.

Жаъфар муаллим эса Мамиш билан учрашганидан жуда мамнун кўринарди.

Нега ҳам мамнун бўлмасин? Фақат бу йигит бекорга бундай ёмон қараяпти. Ахир Жаъфарни Хасай билан бир қолипга солиб бўлмайди-ку?! «Бекорга у шундай қияпти...» Жаъфар кабинети деразаларидан бепоён денгизга кўз тикқанча хаёл суришни яхши кўрарди. Телефон бўғик овозда жирингламагунча у шундай жимгина ўй суриб тураверарди. «Асқаров эшитади!» Телефонлар ранги ва овозларига қараб фарқ қиларди: кизил, яшил, бинафшаранг, жигарранг, оқ; овозлари ҳам бўлакча, бироқ уларнинг фарқини фақат Жаъфаргина ажрата оларди: эҳтимол, унинг ёрдамчиси ҳам ажрата олар, ахир у Жаъфарнинг қўлида анчадан буён ишлайди-ку, котиба қиз эса — Жаъфар йўқ бўлса, телефонларнинг қайси бири жиринглаётганини фарқлолмай зир югуриб қоларди. «Ҳаммадан бурун сиз мана бу теле-

фон трубкасини олинг», деб кўрсатарди Жаъфар унга бўғик овоз чиқарадиган жигарранг телефонни кўрсатиб.

Агарда Мамиш Жаъфарни Хасай билан худди бир полиздан узилган тарвуз каби тенг қўйганида у ранжиган бўларди. У Мамишга мугуз кўзойнаклари ортидан назар ташларкан, хаёлан шундай дерди: жуда тез хал қилиб ташлар экансан, бари сен ўйлагандан кўра мураккаброк. Қани, бир менинг ўрнимда ўтириб кўргин-чи (уни шундай осонгина ўтказиб бўпти!). Агар тоғаннинг ўрнида бўлиб қолганинда, ким билади, қандай иш тутаркинсан. Нима? Шундай эмасми? Қавсларни қўллаган ва қўлламаган холда. Қани, сен бир Хасайингнинг (Мамиш қандай қилиб Жаъфар муаллимнинг ўзи билан дилдан суҳбатлашаётганлигини қаёқдан ҳам билсин!) қандай эҳтирослар кули эканлигини билиб кўргин-чи. (Маълум бўлишича, Мамиш фалсафа катламларини ҳам пармалаши керак экан: Гулбола учун ҳам, Р учун ҳам. Қоя учун ҳам, — пармалайвериши даркор экан!..) Ке (столдаги телефон жим турганда), Хасай ҳақида гаплашиб олайлик. Ҳозир! «Асқаров эшитади!.. Ҳа... йўқ». Яхшиямки, шошилмаяпти. Шундай. Шунда яна телефон жиринглайди. Бироқ бахтига, бу ерда Хасайнинг телефони йўқ ва Жаъфар Мамиш билан истаганча гаплашса бўлади.

Эҳтимол, тоғанг ижтимоий шахс сифатида зарарлидир, бунга қўшиламан. Тушунарлими? (Бундай гаплар агар Хасай бўлмаганда фақат уларга — Мамиш билан Жаъфарга тушунарли бўларди. Бироқ асло унинг кабинетиде эмас! «Асқаров эшитади!» Ҳа, айнан шу ерда, микрорайонда гаплашиш мумкин.) Агар алоҳида олиб, одам сифатида десак, у Робинзондай ўзича зийрак, дадил. Қон-қариндошлик унинг учун, масалан, сен жиянисан, ҳамма нарсдан устун туради. «Жаъфар муаллим, бир оғиз сўз айтсам бўладими?» — «Ҳа, албатта». — «Келинг, ижтимоий, ҳал қилинажак иш муносабатларига қайтайлик...» Мана, Жаъфар муаллимнинг кўнгли ранжиб қолди. «Мана сиз: «Агар ҳаттоки аканг уёқ томонда турган бўлса дейлик» дедингиз. Бу нима-си? Милтиқ нилини бошқа милтиққа қарши қаратишми бу?» Йўқ, Жаъфар муаллим билан тўйиб овқатлангач, мириқиб, айниқса, ҳаво соз бўлиб тур-

са, марокли сухбат куриш мумкин. «Интурист» мехмонхонаси яқинидаги хиёбонда кезиб сохил бўйлаб уёк-буёкдан гапни майдалаб юриш ҳам мумкин. Хасайнинг қандайдир заиф томонини гуллайсан-да, давом этади Жаъфар муаллим, ўша ипни ечмоқчи бўлсанг ё бирдан ип узилиб кетади (ахир ип чириган-ку, қандай узилмасин?), ёки бўлмаса шундай дўстингнинг олдига олиб келадики, беихтиёр «оҳ» тортиб юборганингни билмай қоласан (Жаъфар муаллим бу борада ҳам албатта ҳақ!). Сен Хасай билан очикчасига жанг қиласан-у, тўсатдан

аммо сиз уникида меҳмондасиз-а! у билан ош-қатиқ бўла туриб, кураш ҳақида гап сотасиз?!

бикинингданми ё орқангданми (у тўғри, ҳали бу зарбани тотиб кўрганича йўк) кутилмаганда шундай дарча очадики, аён бўлишича, сен фош қилиш зарур ҳисоблаган одамнинг қайсидир каттакон одамнинг қизининг эри бўлиб чиқади (фараз қилайликки, шундай деб) ёки унинг амакиваччаси шундай арбобга турмушга чиққанки, ундай одамни фақат узокдангина кўра олиш шарафига муяссар бўласан, унда ҳам бўлса, байрамларда, холос, шунда огоҳ бўлмоғинг даркор. Осонлик билан (Жаъфар муаллим тумтарокли саволлар беришни яхши кўради!) юзларча йиллардан бери яшаб келаётган ёки салкам ярим минг ёшдаги, етти кишининг қулочи етмайдиган эман дарахтини илдиз-пилдизи билан (курук кўлнинг ўзи билан суғуриб бўлмайди, бульдозер билан-чи — марҳамат) суғуриб ташлаш (Жаъфар муаллим ҳам бундай эман дарахтини кўрган, Мамиш ҳам бир йўли тушиб Ҳусния хонимнинг қариндошиникига, Заكاتалога борган ва ҳатто шундай эман каршисида эсдалик учун суратга ҳам тушганди) мумкинмикин?

Мана, Жаъфар муаллим Мамишга нималарни таклиф этажагини уқиб ол.

Жаъфар атрофига олазарак бўлиб қаради ва унинг назарини Хасай сезмай қолмади. «Қараса, қарайверсин, — деб ўйлади Хасай, — мен билан дўстлашиш мумкинлигини билиб қўйсин, у менга қалкон бўлса, мен унга қилич бўламан».

Ёмон яшашмас экан. Бутун уйга, албатта, шифт-

дан ташқари жойларга гилам осиб ташлашибди, ахир шифтга гилам осиб бўлмайди-да. Раъно Жаъфарнинг шамасидан кейин қайта қийниб чикди, кулоқларию бармоқлари бир зумда яшнаб кетди; ҳозир кимни ҳам биллуру сервиз ҳар хил теле-маглар билан ҳайратдан ёқа ушлатиб бўлади? Раъноси курмағур кўҳликкина, ҳаттоки уни Хусниянинг ёш пайти билан ҳам қиёслаб бўлмайди. Жаъфар Хасайдан кўра олдинроқ Хусния билан таниш, балки шунинг учун ҳам, аёл хафа бўлмаслиги вазидан Хасайнинг уйга қилган таклифларини қабул қилмагандир. Урушдан илгари ва уруш йиллари у тез-тез Хусниянинг митингларда қилган нутқини, тартиб-интизом ҳақида, уюштириш зарур бўлган ўсмирлар хусусида, оммавий якшанбаликлар, темир-терсак топшириш ҳақида — эшиклардан нечта темир туткич суғуриб олинди, уйлардан қанча қозону патнис келтирилди — бари тўғрисида эшитиб турарди. Хусния хотин-қизлар бўлимининг топшириғи асосида жон-дили билан куюниб сўйларди.

Мамиш Хасайнинг назарида Жаъфарга синчковлик билан қарагандай бўлди. «Тағин бирорта бемаза гап оғзидан чиқиб кетса-я!» Шу пайт Хасай томдан тараша тушгандек қилиб деди:

— Ҳа, Жаъфар муаллим, сизнинг тажрибангиз, сизнинг стратегик қобилиятингиз билан... — «Сен» дейиш бу ўринда тўғри келмасди.

— Бирок сизларсиз, — деб Хасайнинг гапини бўлди Жаъфар муаллим, — ўз жойларида ўтириб, кундалик вазифаларини бажарган одамлар бўлмаганида, ким биларди, бундай муваффақиятларга эришолармидик, йўқми.

бирор нарса десанг-чи сен ҳам, нега оғзингга қум солволдинг?

— Кўйсангиз-чи, Жаъфар муаллим! Агар сизнинг ўз вақтида берган кўрсатмаларингизу қарорларингиз бўлмаганида нима қилган бўлардик!..

Нега энди у тўсатдан шундай деб колди? Еки бирор нарсани назардан қочирдимикин?

Мамиш негадир ғалати қараганидан Жаъфар ўнғайсизланиб, Хасайнинг сўзларини ҳазилга бурди:

— Мен, бизнинг фанимиз шахснинг тарихдаги ролини инкор қилмаслигини айтиб қўйишим зарур.

«Эх, Жаъфар муаллим, сиз кўпгина нарсалардан беҳабар эканингизни билганингизда эди!» Қанийди Хасай шартта: «Бугун менга Амирарслоннинг нима деганини биласизми? Мен уйга барини оркамга ташлаб юбориб, Раънонинг ҳузурига, фақат мену икковимиздан иборат қалъамизга келсам, Маминанинг шахсан ўзлари ташриф буюрибдилар!.. Аммо гап унинг тўғрисида эмас, Амирарслон тўғрисида! Мен унга сизни мақтасам, у эса ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ нима дейди денг: «Сизнинг Жаъфар муаллимнингиз латтачайнар-ку!» — дейди-я! Мен эсанкираб қолдим. У бўлса худди қулоғим қардай яна қаттиқ гаъкидлаяпти! «Ҳа, латтачайнар!» — дея уқтиряпти денг! «Халқ ҳаракатда, у киши бўлсалар биринчи муовинликда чўкиб қолдилар, ярим қадам ҳам олдинга силжиш йўғ-а! Ҳамма ҳаракатда бўлиши керак-да!» — «Унда ўзлари ҳам ҳаракатдадилар?» — сўрайман мен. «Бўлмасам-чи!» — деб жавоб қайтаради у. менга. «Менинг ўрнимгами?» — «Сизнинг ўрнингизга! — деб кулади денг. — Сизнинг жойингиз кимга керак ўзи! Энди менга бу жойнинг кераги йўқ!» Уни мана шу ичида гап ётмаслиги, очиклиги учун яхши кўраман, қонинг томирларингда ланж бўлмайди, шавққа тўлиб оқади. «Зинама-зина юқорига чиқиб олиш каминага тўғри келмайди! Бир зарб билан салмоғи баланд тарзда сакраш керак-да. Бу ердан мени, масалан, аввалига муовинликка қўйишади дейлик, сўнг амалиётни оширгани ишга, бош бошқармага жўнатишади, кейин дейлик, мудир қилиб сайлашади, уёқда эса қарабсизки...» «Нозир бўладиларми?» — «Мудирликдан атиги нозир бўлиш-а, сал кенгрок бўлинг-да, баландрок кетаверинг!» — «Жаъфар муаллимнинг ўрниларигами бўлмаса?» — «Ҳеч бўлмаса!» — «Уят-а? — дейман унга. — Ўз поччангни сиқиб чиқармоқчисан-а!..» — «Нега энди сиқиб чиқармоқчисан деяпсиз? — деб ажабланади у. — Қачон сизлар шу алмисокдан қолган гапларни хаёл қилишни бас қиласизлар-а? Сиқиб чиқармоқчи эмасман, уни олдинроққа итариб унинг ўрнини эгалламоқчиман, холос!» — «Ҳа-а, гап буёқда дегин!» — дейман. — Демак, каминанинг устидан ҳатлаб ўтмоқчилар, шундайми?» — «Агар сиз шундай қўл ковуштириб ўтираверсангиз... Сиз ахир «Хавфсизлик

ойлиги!», «Бир-биримизга хушмуомала бўлайлик!» ҳафталиги, «Бир дақиқа ҳам бекор туриш бўлмасин!» деган шиорлар остида ҳаммаёкни ларзага келтирмоғингиз, кўзғаб юбормоғингиз, ўзингизнинг борлигингизни эслатиб, бир нафас ҳам тин олмаслигингиз керак-ку! Ўзингиз ҳақингизда эслатиб қўйинг, ғафлатдан кўзларини очинг!» Менга эса унинг ўзи ҳақидаги фикри қизиқ туюлади. «Хўш, дейлик, кейин қаерга кўтариладилар?» — «Кейинми? Ҳаракатнинг чеки чегараси борми!!!» — «Оҳо!— деб ўйладим мен.— Жаъфар муаллим, биз икковимиз гўдак эканмиз! Мана кетимиздан келаётганларни қаранг-а!»

Тўғри келиб қолганини қаранг! Жаъфар муаллим буёққа келаётиб, ўтган оқшом кўрган туши ҳақида ўй сурганди. Тушида ҳам Амирарслонни кўриб юрибди. Тўғрироғи, тушида эмас, таъбирини айтишда Амирарслон ҳам қатнашувди. Шунинг учун ҳам Амирарслон Хасай билан ҳар қанақа юқори кўтарилишлар ҳақида худди шу бугун гап кўзғаганди. Жаъфар эса аломат туш кўрибди.

Жаъфар муаллим туши ҳақида нонушта пайти гап очди.

Тезоқар дарё бўйидаги икки қаватли иморатни отга қўшилган машина уриб кетганмиш, от болохона панжарасини синдириб юборибди. Панжара бор бўйича олдинга сурилиб, деярли дарё устига осилиб қолганмиш; Жаъфар гўёки уйга тиқилиб қолган машина олдида эмас, отнинг орқасида, одатда извошчи ўтиргувчи отни ҳайдайдиган жойда турганмиш. Шундай туриб олганича балиқ овлаётганмиш: тўғрироғи, балиқ қармоғига илинганмиш-у, ҳеч тортиб ололмасмиш, чунки қармоғининг ипи ингичка бўлиб, чириганидан узилиб кетай-узилиб кетай дермиш. Бироқ Жаъфар илинтирган ўлжасини ташлаб юборишга кўзи қиймасмиш, овлаган балиғи айнан ўша, уни машина билан уйни уриб юборишга ундаган, мажбур қилган балиқ эмиш ва от дарё устида муаллақ осилиб қолибди, агарда балиқ бирдан олдинга отилиб қолгудай бўлса, от ҳам, Жаъфар муаллим ҳам, машина ҳам дарёга учиб тушармиш, бироқ у шундай катта кумушсимон балиқни сира қўйворгиси келмасмиш, у балиқни аста торта бошлабди, қармоқ ипи эса узилиб кетай дермиш,

от бўлса худди хайкалдек кимир этмай, қотиб турармиш.

— Бемаънилик, — деди ўзи тушини ҳикоя қилиб бергач.

— Йўк, бу тушнинг маъноси чуқур! — деди баъзан опасиникига хотинини ортиқча ташвишга қўймаслик учун нонушта қилишга келиб тургувчи Амирарслон.

Жаъфар бўлса уйқудан уйғонгач, бу тушни нимага йўйишни билмай, бир неча дақиқа кўзларини юмиб, бошини қотирганча ўринда ётди. У шу тарика ётганича бўлиб ўтган гапларни, сурган ўйларини, жуда бўлмаганда, кечаги воқеаларни бир-бир хотирдан ўтказа бошлади, таажжуб, балиқ ови ҳақида гапиришмаган, от ҳам хаёлга келмагани, оининг ортида бепоён денгиз, бок, томоша қил, дегандай ястаниб ётганда дарёни орзулашга бало борми; жумбоқни кўринг энди, Жаъфар умри бино бўлиб, қўлига қармоқ ушлаган одам эмасди! Ҳа, айтмоқчи, анқонинг уруғи бўлган осетра балиғи ҳақида гапиришганлари рост!

— Жаъфар, мен мана бунақа бўлса керак, деб ўйлаяпман. — Сайёра бирдан жиддийлашди. — Балиқ кумушсимон экан. Балиқ — омад бўлади. Кумуш хушхабар келтиради. Сув бўлса равшанлик. Сен балиқни — ютукни қўлга киритибсан, ушлаб турганинг эса нур устига нур, бу дегани хабар ҳам ёруғ — равшан бўлади, янги кўтарилишингдан дарак беради дегани!

— Гапингни қара-ю! Мен чарчаганман, холос!

— Йўк, Жаъфар, кароматли тушлар ҳам бўлади-ку! — Эрининг гапига кўнмай деди Сайёра. — Бу тушнинг унақа-мунақа тушлардан эмас. Мен мана бунисига тушунолмай турибман, отга қўшилган машина-я! Отнинг хайкалдай қотиб туриши, — яхши, хайкал, шухрат бари от билан бирга дейлик, отараваю машинани билмадим, уйни уришигаям тушуниб бўлмайди. Аммо мен сенга энг асосийсини айтаман: шунча пайт бир жойга қапишиб колганинг етар, сал силжиш вақти ҳам келди.

— Мана-мана! — деб қўшиб қўйди Амирарслон.

— Қаёкка ҳам кўтарилардим? Шундоқ ҳам кичкина жойда ўтирганим йўк, — деди Жаъфар.

«Латтачайнар», деб ўйлади Амирарслон ва Жаъфарга эътироз билдирди:

— Бундан баландроқлари ҳам бўлади!

— Нимани назарда тутяпсан?

— Учликдан бирини!

— Ошириб юбординг-ку! — илжайди Жаъфар.

— Нима қипти? — Амирарслоннинг юзи юмалоклашган, мамнун кўринарди. У Жаъфарнинг хаёлига баъзан «ялт» этиб, ўйлантириб қоладиган нарсани айтиб қўйганди. — Нега энди ўшандай бўлмаслиги керак экан? — Гапида давом этди Амирарслон. — Пухта иш тажрибангиз борми? Бор! Республика биладими? Билади! Ҳозир улардан бири касал бўлиб ётибди, унинг қанақа касалга чалингани қоронғи, шунинг учун ҳам Сайёранинг гапларида жон бор. — Амирарслоннинг севимли машғулотларидан бири катта одамлар ҳақида мишмиш, хабарларни тўплаш бўлиб, уларнинг ҳар биттасига биттадан дафтар тугган, дафтарга янгиликларни ёзиб борарди: яъни, ким кимнинг орқасидан эргашиб юрибди, ким фалончига ким бўлади кабилар. Мана шунинг учун ҳам у бугун Хасайга силжишлар ҳақида сўйлаганди.

Кун охирлаб бораётибди, туши эса таъбирини талаб қилмоқда.

— Юрагим сезиб турибди, тилингизда бир гап айланяпти-я? Топдимми?

Жаъфар Мамишга дўстона боқди. Хасай эса қулоғи динг бўлиб унга тикилди. Р ҳам, Мамишнинг ҳис қилишича, янги зарбани кутиш тараддуида ғужанак бўлиб олди. Меҳмон кўзларини қисганча Мамишга қараб илжайди.

— Унинг бўлган-тургани шу, Жаъфар муаллим, ташвишланманг, оғзига мум солганча индамай ўтираверади.

— Нега ташвишланар эканман? Мен қушнинг парвозидан биламан қанақалигини. — Жаъфар муаллим шундай деб, Мамишга тикилди, у албатта бу йигитнинг сўзлашини истарди. — Хўш?

— Тўғри гапиряпсиз.

— Мана, айтяпман-ку, оғзингиздан бир оғиз сўз эшитмадик деб.

ҳеч нима-я?

— Кўзқараш билан ҳам кўп нарсаларни айтса бўлади.

— Ҳаммавақт ҳам бундай бўлавермайди-да! Мана, сиз, масалан, мен hozиргина нима ҳақда ўйлаганимни хаёлингизга ҳам келтиролмайсиз. Ёки бўлмаса, Хасайнинг калласида қандай фикрлар чувалашиб юрганини билмайсиз.

— Сиз мутлақо тўғри гапиряпсиз!

сиз ҳам чакана анойилардан эмас экансиз!

— Уша воқеа бўлиб ўтгандан сўнг... — Мамиш жим бўлиб қолди. «Айтишга арзирмикин?» Ҳамма унинг нима дейишини кутганича жим бўлиб қолди, Мамишнинг эса гапни давом эттириш нияти йўқ эди.

— Нима бўлувди? — Жаъфар тушунолмаي Хасайга қаради.

— Мен сизга аҳамият берманг дедим-ку ахир, — меҳмонни тинчлантирди Хасай.

— Барибир нима бўлган эди? — ижикилаб сўрай бошлади Жаъфар.

— Ўлим бўлганди.

— Ҳа-а, сиз шуни гапиряпсизми?.. — Жаъфарнинг бирдан шавқи сўнди. — Фалокат оёқ остида туради.

— Ҳа, у бирдан иккинчисига, учинчисига... Унинг қайнотасининг бошига шу фалокат тушди-ю... Менинг ўғлимни ларзага солган шу воқеа эмасмикин?

— Қайнотасими?

— Бўлмасам-чи, яна нима?! — ажабланди Хасай. — Жанжалли иш-ку, ахир!..

— Қайсисини гапиряпсан?

— Сигналлар бўйича кадрлар масаласи-чи!

— Ўшамми... — Жаъфар шундай деди-ю, мияси га лоп этиб бир фикр келиб қолди. — У ўша одам эдими?!

— Ҳа-да, у ўғлимнинг қайнотаси бўларди.

— Ёдимдан кўтарилганини қара-я! Албатта, сен менга айтувдинг, совчи бўлиб боринг ҳам дегандинг, боролмовдим.

«Ўшанда бормаганим қандай соз бўлган экан!..»

— Ҳа, кутилмаганда тобингиз қочиб қолганди... Шўрлик келиним. Уёқда отаси, буёқда эри... Бирок мен уларни ташлаб қўймайман, албатта ёрдам бераман.

— Ха, пленумда унинг тўғрисида кескин гапиришувди, нутқни айтмайсанми аниқ-равшанлигини, бир нарса деб бўлмайди, қачонлардан бери бундай нутқни эшитмагандим. Кейин газетани пештахта тагиданок талаб кетишган, дўкончилар тоза фойда қилиб қолишганди-да. Роса қўлма-қўл бўлганди.

— Единг, йиғдинг, бўлди-да энди! — аччикланди Хасай. — Қаёққа опкетасан шунча нарсани! Йўқ, одам беш бармоғини оғзига тиккандан кейин тўхтаётган олармиди!

«Мана бу ерда! Мана бу ерни ўқи!» — Хусния бармоқлари билан газетани ниқталайди, сўнгра эса хижжалаб ўқиб ёдлаб олади, унинг хотираси зўр.

— Қўшниларимизни-чи, ўқидингми?

— Бўлмасам-чи, Жаъфар муаллим!.. Мана, ўзимга эсдаликка мана бу ерга ёзиб қўювдим. — Хасай курсини тарақлатиб сурди-да, тортмадан ёзув дафтарчасини олди. — Мана: «Энди чорбоғлару гав-харлари билан кўксини кериб юрадиганлар озмунча топиладими?» Кўрдингизми? Еки: «Меҳнат қилиб кун кечирувчи оддий одам деб ном қозонишни афзал кўрадилар»... — У ўқиб бўлиб дафтарчасини ёпиб қўйди. — Қўшниларимиз, Жаъфар муаллим, чакки эмас, бироқ барибир ибтидосини ўзимиз бошлаганмиз.

— Тўғри, биз бошлаганмиз.

— Мен бир сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб қўйиш керак деб ҳисоблайман!

ўзларидан бошласак бўлармиди!

Хасай билан Жаъфар бирдан бараварига ялт этиб Мамишга қарадилар. У нима қиляпти? У жимгина ўтирибди.

— Маъкул гапни айтдинг, Хасай, жуда тўғри.

Ўшанда Жаъфар нутқни диққат билан эшитган, сўнгра эса бутун ҳафта давомида ҳар бир иборанинг маъзини чаккан, ёзиб олганди. Маълум бўлишича, Хасай ҳам ўзича бир нималарни ёзиб юраркан, бунини Жаъфар кутмаганди!..

— Бўлмаса-чи! Нақадар ажойиб гаплар эди! «Совчиликка бормаганим қандай яхши бўлган экан!.. Ҳозир бари ҳисобга олиняпти».

Худди Амираслоннинг уйланишига ўхшаб кетади.

— Вой-бў! Биз буёқда ўтирибмиз, пастда эса

машина кутяпти! Соат ўн бўляпти-я, мен машина-ни тўккиз яримга келсин дегандим. — Жаъфар муаллим жойидан вазмин кўзғалди.

— Ҳали эрта-ку, қаёққа? Нард ўйнаймизми дегандим...

— Сизлар билан ўтириб маза қилдим-а! — Тин олди Жаъфар. «Нард ўйнайдиган вақтми?»

— Раънони юборай, шофёрни буёққа таклиф қилсин.

— Йўқ, кеч бўлиб қолди, — деди катъий.

Раъно остонада ҳўл қўлларини сочиққа артганча турарди. Рўзғорнинг юмушлари-да, ундан яна нимани истайсан!

— Қўлингиз ширин экан, шунчалик кутиб олганингиз учун ташаккур! — Сўнг Хасайга: — Жиянинг билан таништириб қўйганинг учун сенга ҳам раҳмат. Фақат у индамай ўтирди, майли, ҳечқиси йўқ, йўлда бир юракдан гаплашиб кетайлик, бари-ни ундан билиб олай! — деб қулди.

Чикдилар.

Уйдан чиқишаркан, Мамиш Хасайга нигоҳ ташлаб қўйди. Хасайнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетганди. Энди бу ерда қандай қиёмат қўпаркин!..

Хасай Мамишга охирги маротаба бир сўзни айтиши керак эди. Айтди ҳам:

— Тентаклик, — қўли билан эса бу бемаза фикрларни миянгдан чиқариб ташла, дегандай ишора қилди.

— Сизни қаёққа обориб қўяй? — сўради Жаъфар улар кўчага чиқишган заҳоти.

— Мен пиёда юришни яхши кўраман.

— Мен ҳам.

сизга жа-а ишонамиз-да.

— Бироқ ҳеч пиёда юролмаيمان.

тагин машинасини тортиб олишибдими, деб ўйлашмасин!

— Сени бир соатдан бери кутяпмиз-а! — хитоб қилди машинадан кўнғироқ каби жарангдор овоз.

— Кўрдингми? — У пиёда кетардигу қўйишмайди, дегандай бўлди.

Бешинчи фасл — бу фаслда Мамишни қандай қилиб ордта қолдирганлари («Шумхабарнинг қадими илдам»), қандай қилиб унга ҳужум қилганлари («Қаерга кулашингни билганимда эди, пар тўшак тўшаб қўйган бўлардим») ҳақида ҳикоят қилинади, уни жарангдор тарсакилар билан сийлашади («Кучинг етмайдиган тошни кўтаришга уринма»), бироқ Мамиш таслим бўлмайди, Мамиш оёқ тираб туриб олади («Икки оёғингни бир этикка тиқиб олсанг, бир қадам ҳам силжий олмайсан»), Мамиш қарши ҳужумга ўтади, Мамиш қўлларини мамонтнинг қозиктиш бўлагига юборади. Мамиш...

Мамиш бекорга Жаъфар муаллимнинг таклифини рад этган экан!.. Бунга қаранг-а, унга пиёда юриш ёқар эмиш!

Мамиш, Жаъфар муаллим остонадан чиқишлари билан Хасай юрагидаги зирапчани суғуриб ташлаш учун Раънонинг юзини яхшигина бир тарсаки билан сийлаб қўйди. Тарсаки Раънони чайқалтириб юборди-ю, зирапча эса юрагида дириллаб тураверди. Хасай сапчиб кўчага чиқди-да, гараж дарвозасини очиб, машинани Оғанинг уйига елдирди. Оға билан Ҳайбатни машинага босди-да, сўнгра иккала укасини эски уйи, дарвозанинг тагига эмас, биров кўриб қолиб: «Хасай барибир Ҳуснияни келиб юраркан!» — деб гапни чувалаштириб юрмасин учун бир маҳалла юқориқда туширди.

Мамиш эса ҳали йўлда эди: тоғалари эса елувчи ғилдирақларда, у эса яёв кетди.

Гарчанд, Ҳуснияни қайнилариининг кутилмаганда қилган ташрифлари бениҳоя ҳайратга солган бўлса-да (Хасайнинг ўзи келмай машинада қолганди), барибир фиғони кўкка чиқди, чунки Оға билан Ҳайбатнинг унга етказишларича, уларнинг бу ерга келишларининг сабаби Хасайни келиб бостириб бориб, тоғасини таҳқирлашга жазм этган Мамишнинг ярамас қилиқлари эмиш. Агар, гап тарқалиб қолгудай бўлса борми, кўрган кўзга хунук кўриниб, бутун республикада жанжал кўтарилиб, таниш-билишлар орасида шармандаи шармисор бўлишади-я! «Нима дебди? Гулболага бўхтон қилибди! Гўёки Гулбола, унга Хасай пора олади, деб айтганмиш! Ҳусниянинг ҳам ҳар битта порада ҳиссаси бор эмиш!

Бир учи Гулболага ҳам бориб тегармиш!» Хусния бир оғиз ҳам гапиролмади. «Мамиш албатта Хасайга шундай деб айтолмасди, бироқ шу заҳар чакиллаб сўзларидан томиб турувди! Хасай ҳаттоки, сен Мамишнинг миясини заҳарлаб, ярамас (ишнинг битиши учун шундай қилиш керак эди) Раънога қарши юборибсан, деб ўйларди». Муҳаббат ҳақида бир оғиз сўз бўлмади: бу тўғрида на Хасай укаларига, на укалари Хуснияга деди. У, Хусния фармонбардори ҳисобланган оиланинг бошлиғи сифатида Хасай ҳақоратланган эди. Хуснияни боқадиган ўз қонуний эрининг ёнида турмаслиги тентакликка кирмайдими? Кўчманчининг ўғли шундай бетгачопар бўлиб кетган бўлса-я? У кимга қўл кўтаряпти? Отаси ўрнида ота бўлган тоғасига-я! Ашхободаги отаси ҳисобга ўтармиди. Балли, Мамиш! Етим кўзи асрасанг, қўйни кўнжинг мой бўлур, етим бола асрасанг оғзи бурнинг қон бўлур! Хали Мамиш келсин-чи, бошида шунақаям ёнғок чақишсинки!..

Шундай қилиб Мамиш етиб келди.

Панжараларига Р ҳарфи куйдирилган болохонада уни Хусния билан тоғалари тантанавор қарши олдилар ва иззат билан хонага олиб кирдилар-да, эшикни шартта ёпиб олдилар.

— Йўлда Жаъфарга нима дединг?! — деб сўради Хусния хоним.

қўрққан нарсаларингизни қаранглари!

— Жаъфарга? Жаъфар деганингиз ким ўзи? Ха-а, Жаъфар муаллимгами!

Мамиш эсидан чиқарибди, бу исм «муаллим» сўзи кўшиб айтилмаганлиги учун қандайдир ёт, нотаниш бўлиб туюларди.

— Гапир! — ўдағайлади Ҳайбат.

— У ғилдиракда кетди, мен бўлсам пиёда келдим.

— Нима-нима? — деб қайта сўради Хусния.

Укалари унга тушунолмаб анграйиб қолишди.

— Тентакликни йиғиштир! — Бу гапни Оға айтди.

— Уялмайсанми? Сен ким бўпсанки, Хасайнинг конини қайнатасан! Билиб қўй, сен унинг тирноғига ҳам арзимаёсан! — Хусния чидаб туролмай, олдин Мамиш нимани гапирганини, ўйлаганини би-

либ олиб, сўнг иш кўрамиз дейилган шартни бузиб хужумга ташланди.

— Сиз ҳам булар билан биргамисиз?! Ахир сиз севинишингиз керак эди-ку!

неварангиз бор!

— Вой худо, Мамиш жинни бўлиб қолибди! — Бу Оғанинг сўзи, у нишонга уради доим; тентакдан нимани ҳам талаб қиласиз? Ақлдан озибди, бошқа нарсага йўйиб бўлмайди.

— Нега пачакилашяпсан?

Шунда Хусниянинг мияси равшанлашди. Бирок у Мамишни ҳайратда қолдириб тўсатдан йиғи солиб юборди:

— Бундан кўра кулинг кўкка соврилса бўлмайди-ми, Ҳасай! Оти зоти нотайин бир жиянинг сенинг муборақ номингни булғаб ўтирса-я!

У шундай айтиб йиғлайверди.

— Нима учун сендан олдинроқ дунёдан кўз юммадим, Гулболажоним! Сен мени кимларга ташлаб кетдинг?

Хусниянинг йиғлаши уларнинг режаларида йўқ эди.

— Биз ҳали ўлмаганмиз... — бу Бахтиёровларнинг яхши кўрган ибораси эди, — уруғ-аймоғимиз оксоқоли номига доғ туширишга йўл қўйгани! Қутурган одамни биз сўз билан эмас, муштимиз билан ақлини киритамиз!

— Нимани кутяпсизлар? Эсини жойига киритиб қўйинглар-да энди!

Тўғриси айтганда, Мамиш Хусниядан умид қилганди, ахир у тоғаларининг рақибаси эди-да. Ака-укалар ҳам, деб ўйлаганди у, жиянларига тегишмайди, чунки Тўкезбон уларни кечирмасди. Ахир гапирадиган гапини ҳали айтганича йўқ-ку. Ҳали гапириши керак бўлганлари олдинда-ку. «Буёқдан қутулиб чиқиб кетиш керак». Бирок Ҳайбат уни пастга тортди.

— Ўтир!

Мамиш тоғасини ўзидан нари итарди.

— Менга кучингни кўрсатмоқчимисан? Мен ҳозир сапчадай каллангни узиб ташламасам сени! Ўтир деяпман, итвачча!

Ҳайбатнинг қўли унинг энгаҳига тегар-тегмас, Мамишнинг кўзларидан учқун сачраб кетди.

— Менга қўл кўтаряпсанми? — Мамиш панжа-си билан лабарини силаркан, бармоғида қон кўрди ва ирғиб ўрнидан туриб кетди. Оғани оёғи билан туртди-да, Ҳайбатнинг зарбидан қочиб, ўзини эшик-ка урди. Оға уни югуриб кетаётган жойида оёғидан ушлаб олди. Мамиш йиқилиб тушди. Йиқилаётиб боши каравотга тегиб деворга ёпишиб қолди. Оғир-роқ бир нарсани топиш умидида қўлларини чўзувди, соатга тегиб кетди. Соат қискагина жиринглаб қўй-ди-да, ерга қулади, худди шу зумда Ҳайбат бир оёк-лаб Мамишнинг олдига сакради. Мамиш кўз олдида факат ҳандалакдай келадиган муштни кўрди, холос. Бурнидан қон келганини ҳис қилди — Ҳайбатнинг мушти қон юки эди.

«Қон юқили пичоқ эса четга ташланган». Хасай-нинг: «Пичокни ювиб қўядиган одам борми?» — де-ган овози эшитилади. Унинг олдига бир хотин югуриб келади, қаеридир Ҳайбатга ўхшаб кетадиган бола Мамишга қараб туради. Аламдан бўғзи ўт бўлиб ёна бошлади, кўзларига ёш келди.

— Эҳтиёт бўлинглар! — шивирлади Хусния.

— Турмага тикиш керак барингни!.. Баракалла, Раъно! — Қалака қилди: — «У сиздақаларга кўз-ларини сузади!»

Хусния ирғиб туриб кўзига чанг солмоқчидай Мамишга яқинлашди-ю, бироқ Оға уни тўхтатиб қолди:

— У ахир ақлидан озибди-ку, кўрмаяпсизми?, Солвормасин тағин.

— Янами? — сўради Ҳайбат, Мамиш ўрнидан турди-да, курсини ушлаб олиб унга улоқтирди, бироқ курси бориб шкафга урилди. Мамонтнинг козиқти-шига қўли етмади, соатни маҳкам ушлаб олиб, Ҳай-батга отди-ю, яна мўлжалга тегмади. Шу пайт унинг кураги ёниб кетгандай бўлди — Ҳайбат сопига рези-на қопланган хода билан орқасига тушириб қолган-ди. Оға бўлса пайтдан фойдаланиб, Мамишнинг бошини бор кучи билан эза бошлади.

— Бу эса, — деди у аста, — турмани орага тик-канинг учун. Шундай бўғиб ўлдирайликки, токи ҳеч кимса изингни топа олмасин.

— Жавоб берасизлар ҳали!

ваҳшийлар!

— Айтиб бераман сизларни!

— Бор, айт! Айтавер!

Кетма-кет тушаётган зарбалардан ҳеч қаёкка қочиб қутулолмайсан. Ҳайбатни бир-икки урган бўлди-ю, бу худди қояни шапатилагандай бўлди, нима, шу билан қоя бир нарса бўлиб қолармиди! Уни қаравотга ётқизишди, Оға оёғидан, Ҳусния кўлидан ушлаб турди, Ҳайбат бошқа ёқдан Мамишни қаравотнинг темирига олиб бориб эзди, унинг каттакон кўли яна кўз олдида айланиб, юзини шартта бекитди, бошини ёстикқа босди.

— Барингизни!..

— Жиянимиз онасини йиғлатишга мажбур қилгани чаток бўлди-да, аттанг!

Зарбадан кўз олди қоронғилашди. Бўғиб ўлдиришаверади, улардан нима кетарди. У жим бўлиб қолиб, юзини тесқари ўғирди. Томоғи ачишмоқда эди. Ҳайбат Мамишнинг жим бўлиб қолганини кўриб, қаддини ростлаб, нари кетди.

— Қараб тур! Яна бир гап эшитсам, нақ тилингни суғуриб оламан-а! Сендақаларнинг кўпини кўрганман, каллангни сапчадай узиб ташламай тағин!

Мамиш чурк этмай Ҳайбатга тикилиб турарди.

— Бунга эсингда тут!.. Ҳусния хоним, агар бир оғиз гапирса, хабар берасиз!..

— Гапиртириб бўпман!

Худди шу пайт Ҳасай кириб келди. У машинада кутиб ўтириб-ўтириб, ниҳоят укалари қайтишмагач, ўзи боришга аҳд қилганди, тағин бир балони бошлашмасин, айниқса Ҳайбат. Мамишнинг қаравотда ётганини кўриб у аввалига қўрқиб кетди, сўнгра эса юраги фахр-ғурурга тўлди: укаларини қаранг-а... Акалари учун ўтдан ҳам, сувдан ҳам қайтишмайди! Биргина нарса уни ташвишлантирмоқда эди — мақсадлари Мамишнинг оғзини очмасликка мажбур этиш бўлиб, бирорта гап иси уйларининг тўрт деворидан четга чиқмаслиги керак эди. Сўнгра жиянларини қандай жазолаш лозимлигини ўйлаб кўришар. Қайси гапи тўғри-ю, қайсиси ёлғонлигини кейин ҳал қилиб олишар. Бекорга Раънони урди. Бекорга! Гулбола, унинг ўғли-я?! Рашк одамни нималарга мажбур қилмайди? Ахир жияни билан эркакчасига гаплашиб олгандилар шекилли! Ахир Раънонинг ўзи Мамишни ташлаб кетмаганмиди! «Аммамнинг бу-

зоғи». Ичидан чиқариб, шундай ёлғонни тўқиганини қаранг уни! Итдан бўлган қурбонликқа ярамас, деб шуни айтадилар-да, отаси ким эди-ю! Уни қандай қилиб ўзиники деб ҳисобласин, Бахтиёровлар сафи-га қандай қўшсин!? Бу жиянидан ҳар балони кут-са бўларкан. Қўрдингми, Мамиш! Адабингни еган-дирсан? Бу ҳали хамир учидан патир!..

— Кўзини очиб қўйибсизлар, кўриб турибман. Энди оғзини очишдан олдин бошини чангаллаб ўй-лаб оладиган бўлади.

Чиқиб кетдилар.

Тамаки тутуни кезади.

Болохона ҳам жимжит. Ҳаттоки чироқ ҳам хира ёниб турибди. Агар бурни шишиб кетмаганида ва ёнокларига қон ёпишиб қолмаганида худди улар бу ерда бўлмагандай эди.

У ўрnidан туриб ювинди, кўзгу қаршисига кел-ди. Ҳеч бало қилмайди, ўтиб кетади. Ахир, судга бориб, тоғаларим урди, деб шикоят қилолмайди-ку. Аммо борса ёмон бўлмасди! Йўқ, бўлмайди. Энг аввал Хасайдан қизил билетини тортиб олиш ке-рак. Билет Хасайда қолиши сира мумкин эмас, мут-лақо. «Девнинг жони бўлса шишада сақланарди. Қимда-ким ўша шишани олса, Дев ўша одамни омон қўймасди».

Соатни ердан олди. Соат бир маромда дақиқа-ларни санамокда эди. Қулаб тушганда ҳам бузил-мабди. Жони темирдан. Соат кайнок кафтларини музлатди. Шунда сонияларнинг қочиши уни тинч-лантира бошлади. Кеч соат икки бўлибди. Соатни қозиктиш олдига қўйди. Ҳадемай тонг ёришади. Холодильникдан бир шиша пиво олди. «Девнинг эса... худди шу шишада!» Холодильникда беш-ол-тита тухуму пишлокдан бўлак ҳеч вақо йўқ эди. Эртага қуймок пиширади. Соҳилда, шаҳарда у ҳеч вақтида овқатланмасди. Фурсат ҳам бўлмайди, ҳеч нима егинг ҳам келмайди. Бу ер сенга оролмиди, ҳам тотли, ҳам арзон овқатлансанг. Бу ерда қаер-да, қачон овқатланаман деб бош қотириб ўтирасан. Яна ким билан... Ҳайбатникида шундай зўр кабоб пиширишгандики! Шундай, шундай шартта тери ши-линиб, пичок билан бирга четга ташланади. «Пичок-ни ювиб қўядиган одам борми?» Ундан қизил би-летни тортиб олиш керак! Шишадан аввал енгил

буғ кўтарилиб, сўнгра четларидан кўпик тошиб кетди. Муздай ичимлик томоғини совитди, пиводан яна куйди. Тагида бир-икки култур қолганда, шишанинг ўзидан кўтариб ичди. Баданига муздай саринлик ўрмалаб, мияси тиник фикрлай бошлади. Ҳали пушаймон бўлишади. Ечинмасдан тўшакка чўзилди. Бирдан Ҳайбат каравот темирига босган кўлида оғриқ турди. Шимининг чўнтагидаги қанақа қоғоз экан? Кўлини тикди, ҳа, бу Жаъфар муаллимнинг ташриф қоғози. Хайрлашаётиб берувди. Қоғоз латтага ўхшаб гижимланиб кетибди. Агар бу қоғоз қай ҳолга келишини Жаъфар муаллим билганида эди! Нима учун билиши керак?! Исми шарифи «муаллим»сиз рус ва инглиз тилларида қайд этилган ҳамда иккита телефон рақамлари бор, иккаласи идораники эди. Адрес ҳам идораники. Унга айтса нима қиларкин? Лекинига Ҳусния қандай осонлик билан Раънони кечирворди-я! Ғам-алам ҳам дарров нарига кета қолди.

Кетиш вақти бўлди.

Шундай қилиб, Мамиш жўнади.

Р ҳам уйда ёлғиз ўзи ўтирибди.

Агар Хасай ҳам уйда бўлганида иш оғир кўчарди.

Хасай ҳам бари нарсаларни орқага ташлаб уйга шошмоқда эди! Амирарслондан. Барча юмушлару ташвишлар, кўнғироқлардан нари қочган эди!.. Буёқда Мамиш рўпара турибди! Сўрамай-истамай!

Агар Жаъфар муаллим бўлмаганда нима бўларди? У ҳар ҳолда Мамишнинг халоскори-ку. Ўз виждон-орини ҳимоя қилиб, халок бўлди! Қандай номус учун? Ўч ола туриб халок бўлди! Бироқ нима учун? Қим учун? Гулбола учунми? Еки ўзи учунми? «Ҳаммангизни уйлантириб қўяман! Сизлардан, Гулбола билан Мамишдан бошлайман!» Бошлади ҳам. «Шисанинг бўғзидан ушлайсан, Дев эса шу атрофда юрибди, фақат синдиришга улгурсанг бўлгани!» Тушида эса ҳаммаёқ кум эмиш, қандай қилиб синдириб бўлади. Шиша сирғалиб юмалаб кетяпти. Ҳаммаёқ кум, Дев бўлса шу атрофда, ёнгинангда, кўлингни узатсанг етгудай.

Падарига лаънат, бунинг нималигини ким билади!
Чўпчакнинг ўзи.

Олтинчи фасл — бу фаслда Мамишнинг кун бўйи тик оёқда юрганлиги, шаҳар бўйлаб сандироклаганлиги, марказга бош уриб юриб, шаҳар чеккасидан чиқиб қолганлиги, тор кўчаларда, Қалъанинг боши берк кўчаларида адашиб-улоққанлиги ҳақида ҳикоят қилинади, у Баилов кўчаси бўйлаб кезди, у ҳақда Арманиканддан хабарлар келди, у Қорашаҳарда ҳам, Тозапир масжиди ҳовлисида ҳам бўлди ва шундай қилиб, биз унинг сарсон-саргардонлиги нима билан тугагининг гувоҳи бўламиз. Хасайнинг кабинетида харита осифлик, унда бари яққол кўриниб турибди: Қалъа қаердаю Баилов кўчаси қаерда. Хатто масжид ҳам минора шаклида белгилаб кўйилган. Шу жумладан, Қорашаҳар ҳам, Арманиканд ҳам. Хар бир жойнинг ўз киёфаси, ўз тарихи, хатто ўзига хос иси бор.

Мамиш, қани энди, ухлайверса, ухлайверса, фақат шишанинг қумда юмалайверишидан безор бўлиб эрта уйғониб кетди. Тезда уйни тарк этди. Гўё Хасайнинг укалари пистирма қуриб пойлаб туришгандек оёқ учида уйдан чикди.

Албатта, Ҳусния Мамишнинг эрта кетганидан хабар топади. Зиналардан тушаркан, Ҳусниянинг деразасига кўз ташлади. У қачон ухлар экан-а? Ойна ортидан Ҳусниянинг кўзлари ялтиради. Мамишнинг эти жимирлаб кетди. Сўнг эса аёл уни бармоғи билан имлаб чақирди. Шайтон Мамишнинг қулоғига: орқангга қайтиб, кампиршони ўласи қилиб калтакламайсанми, дея шипшиди... Бу аёл ахир иблис-ку!.. Аммо у шайтоннинг шипшишларига қулоқ солмай, зиналардан тушди-да, кўчага чикди. Кўчада ҳеч зоғ йўқ эди! Ҳаттоки шубҳали нигоҳи билан Мамишни таъқиб қилган ўша одам ҳам кўринмасди. Агар Хасайнинг кабинетида осифлик харитага Мамишнинг йўли чизик билан тортилса — Хасай эса шундай иш учун харитани увол қилишдан тоймасди, ҳар ҳолда бу чизик Кўчманчининг ўғлини қаёқларга олиб боришини билиш ажаб қизик эди-да; кўчманчилик эса Мамишнинг жонигаю қонига сингиб кетганди, — хўш, шундай қилиб, агар чизик тортилган тақдирда ҳам ҳеч нимани: чизадиған одам ҳам, шаҳар транспортига, хаттоки ер ости йўлларига жавоб берувчи одам ҳам тушуниб етмаган бўларди. Бунинг устига-устак, аввалига Мамишнинг маршру-

ти харитага сифмай шаҳардан ташқарига чиқиб кетди. Бироқ аввал Мамиш Қоя яшайдиган Совунчи вокзали томон йўл олди. Қаторасига тўртбурчак шаклда, ойна солиб ром қилинган болохоналари энгашиб турган каттакон ҳовлига кирди. Ҳовлининг бир учидан иккинчи учи кўзга ташланиб турарди. Барча дарвозалару эшиклар ҳовлига қараганди.

Пастдан туриб кичкирди:

— Тоштемир! — Қоянинг ишхонадаги лакабини ким билсин?

Қичкирикка жавобан оёқ яланг, кўмирдай коп-кора жингалак сочли болакай чиқиб келди.

— Сизга Қоя керакмиди?

Тағин билишмайди эмиш!

Болакай Мамишни бошдан-оёқ кўздан кечириб чиқди. Шундай басавлат амакининг ияги қизариб шишиб кетибди, кўзларининг атрофи моматалок. Ҳайбатнинг ўзлари бунга уриндилар, уни танийсан, у бу ерга яқин жойда ишлайди, фақат ҳали эрта, эҳтимол ухлаб ётгандир. Кўнгилга келувди-я, Қоя оиласи билан чорбоғда экан! Шаҳарда қовурилиб ўтириб унга зарур кептими? Мамиш уёққа борадиган йўлни биларди, иккиланиб ўтирмай Самад Вурғун ҳайкалини айланиб ўтди, бир вақтлар Тифлис вокзали деб аталган шаҳар вокзали олдидан ўтиб, бурунги Совунчи вокзалига, электричкага келади. Бузовнага билет олди. Хасайнинг эса харитаси хўп ажабтовур, деярли сеҳрли десаям бўлаверади. Мамиш бу харитада чирокка ўхшайди. У юриши билан чирок жойидан кўзғалади-да, йўли чизилиб бораверади. Хасай харита тепасида узок кутди: чирок ёниб турибди-ю, бироқ жойидан силжимасди. Сўнгра эса чирок харита чегараларидан ўтиб кетди — демак, Мамиш шаҳар ташқарисига чиқиб кетибди, каерга ва нега кетганлиги ҳақида эса бошингни қотириб кўр-чи.

Мамиш Бузовнага келди... Пастга, денгиз томонга тушаверсанг, Қоянинг чорбоғидан чиқасан. Уёқда эса Қоя қум билан олишмоқда... «Ҳадеб босиб келаверади, келаверади!..» Таажжуб, қумтепаликларда Сергей, Расим ва у хизмат қилган жойда, — қумни денгиз ювиб юбормаслиги учун тўплашар, эҳтиёт қилишарди, бу ерда эса... Бу ерда эса қум боғларни, уйларни узумзорларни тўфондай босиб келаверади, келаверади. Ундан қутулиб бўлмайди.

Шундай беаёвки, гала-гала, лак-лак бўлиб ёпирилиб келаверади... Қоя тўсик қилиб ерга тахта қоқиб қўйди.

Бир-икки кунгача қум урилавериб тахтани ағдариб юборди, тўсикни ушлаб қололмайсан, яна қум боғларда кеза бошлайди. Қачонлардир Қоя Мамишга: «Қумни яхши кўраман! Қайноққина, юмшоққина, топ-тоза!.. Чўмилиб, қалтираб сувдан чиққач, кўксингни ерга бериб чўзилсанг борми, бирдан жонингга роҳат киради... Зўр!» деганди. «Бу, — тўнғиллади Қоя, — пляжга нисбатан айтилган-ку. Қанийди сен ҳам менга ўхшаб қум билан олишиб кўрганингдами... Тишларингнинг орасида ғижирлагани майли-я, сира ундан қутулолмайсан, йўлдаги бор нарсани қўпориб келади...»

Сарик қуюн лак-лак қум-тўзон кўтариб, йўлидаги нарсаларни емириб бораверади!..

— Қум билан олишишни бас қилсанг-чи!

— Ким билан олишай ахир, қум билан курашмасам? — дейди Қоя. Сўнг Мамишга ажабланиб тикилади. — Ким сени бундай бежаб ташлади?

Мамиш эса индамайди, Қоянинг олдига келакелгунча жўрасининг ғазабнок қиёфада йўл-йўлаккай: «Қанақасига? Сенга қўл кўтаришдими-а? Тоғаларинг? Уларни бир зумда шундай саранжомлаб ташлайликки!..» деб қуюнишини кўз олдига келтирувди. Қоя унинг ёнини олмасинми? Мана, улар кетишмоқда, аммо қаёққа? Ҳаммаси равшан, дейди Қоя, болаларнинг барини тўплаймиз-да, кейин... Тоғаларининг олдига бостириб боришадими? Ёкалашишгами? Нега энди, елка қисади Қоя. Ҳатто милицияга ҳам эмас, балки райкомга, биринчи котиб ҳузурига киришади. Бюрога тез-тез донғи кетган устани пармалаш ҳақида муҳокама бўлганда чақириб туришарди ва нафақат шундай вақтларда эмас. Худди ўша ёққа бутун бригада билан йўл олишади, чунки Мамиш сиймосида бутун ишчи синфи ҳақорат қилинди-ку!..

Мамиш эса чурқ этмайди.

— Ким сени бундай қилди? А?

— *Хасай!*

— *бўлиши мумкин эмас!*

— *тоғаларим урди!*

— *Ҳайбат, Оғами?*

— нима? кутмаганмидинг? еган кабобларинг
кўзларингни, тилингни боғлаятими?

— нима учун?!

Мана, асл туркингни энди кўрадиган бўлдик.
Энди сўроқлардан қутулиб бўпсан. Кўзларида эса
акс этиб турибди. «Вой, жанжалкаш!..» — «Вой, тух-
матчи-ей!» — «Вой...» — «Ўз тоғангни-я!..»

«Бизга маълум бўлишича, — ёзади онаси, — сен
Хасайни шарманда қилмоқчи бўлган эмишсан...»

— Ким сени бундай чиройли қилиб қўйганлигини
айтасанми-йўқми?

— Шундай ўзим... Ўзим ҳам билмайман.

— Ким кўзингни моматалок қилиб ташлагани-
ни ҳам билмайсанми?

— Йикилиб тушдим... Қоронғи эди...

— ... сирпанчикмиди! А?

— Қаёқдан биласан?!

— Биронта аҳмоқни топиб айтсанг бўлармиди
буни? Еқалашдингми? Бекитмай гапиравер, агар
керак бўлса, сен учун туриб берайлик бир!

азобларингни тортайми кейин!

«исботланмаганлиги учун...»

— Нега эзмалик қилиб бошингни айлантиряп-
ман? Нонушта қилганмисан?

Чой ичгач, нордон шотутдан тотиб кўргач, Мамиш
анжир соясига тўшалган шолчага чўзилиб кўзи илин-
ди. Қоянинг хотини, иккита қизию иккита ўғли, худ-
ди битта бутокдаги шотут донасидай бир-бирига
ўхшаш ўнта таажжуб зоҳир қора кўзлар Мамиш-
ни, шундай басавлат, бировнинг хафа қилишидан
кўркмайдиган паҳлавон йигитни томоша қила бош-
ладилар; шубҳасиз, битта одамнинг унга бас кела
олмаслиги ҳаттоки кичкинтой Пўлатга ҳам аён эди,
унга кўплашиб ҳужум қилишган, энди буёғи ноин-
софлик!

— Нима сени буёққа етаклади? — Қоя яна қис-
тай бошлади.

— Хафамисан келганимдан?

— Йўғ-э, баракалла келганинг учун! Ҳозир пляж-
га борамиз!

денгиздан безор бўлмадингми?

— Мен кўп ўтирмайман.

— Шунча йўл босиб келиб, чўмилиб чикмоқчи
эмасмисан?

— Бошқа сафар.

— Маржон,— Қоя хотинига ўгирилди. — Агар биз эртага олсак-чи?

Мамиш гап нима ҳақдалигини тушунолмади, аёл эса буни дарров англади.

— Жон деб ярмини беришади.

Умуман олганда, тушунишнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Одатдагидек, қўшнилар билан биргаликда ўртада сўйиб олиш учун сотиб олинган тўқли ҳақида гап кетаётганди.

— Ҳаммани чақирамиз... Маржон, уларга айтиб кўй.

Маржон эса Пўлатга юзланди:

— Чоп қўшниларникига.

— Тушунолмаёпман, нега бундай қияллар?

— Мана сенга топширик, демак, ўз оёғинг билан келдингми, бас, индама. Эртага ўтириш қиламиз, ўзимизникиларнинг ҳаммасини йиғамиз. Меникида бўлмаганларингга ҳам неча замон бўлди, ёз бўлса ўтиб кетяпти!.. Охириги хужум олдидан йиғилиб олсак чакки бўлмасди!

«Жуда соз-да, бошинг ҳам гаранг бўлмайди. Уларни кўявер! Ҳали Октой туфайли бош қотиришга улгурасан».

— Шу турки тароватинг билан шаҳарни қандай кезмоқчисан? Яхшиямки бошинг бутун қопти. Дарвоқе, кираверишдаги зинапояларинг жудаям сирпанчиқ-да.

— Ҳа, ҳа, ўша ердан сирпаниб кетдим-да.

— Ўз уйингда йиқилсанг жонинг оғримайди.

қайдам!

— Буниси аниқ.

— Кулфат букиб қўйибди, бир оз ўзингни чал-фит.

ҳали оғзимни очиб улгурмасимдан шундай тўс-тўполон бўлиб кетдики. ҳаммасини айтганимда-чи, унда нима бўларди?

Қозим эса ёзиб қолади: «Сени қайси шайтон йўлдан урди, бу машаага нега аралашиб юрибсан? Сени қара-ю! Индамай юриб-юриб, лоп этиб — мана сенга! Қахрамон! Қурашчи!..»

— Бўлди,— қичқирди Маржон, — Пўлат келишиб кепти.

— Эртага кундузи бошлаворамиз. Сихларни то-

залаш керак, кабоб қилмаганимизга ҳам анча бўлди.

Яна электрчка.

Хасайнинг харитасида эса чироқ яна ёнади, ҳаракат қила бошлайди, Хасай Мамишни қаёққа йўл олишини кузатса бўларди-ю, уни мажлисга чақириб қолишди.

Мамиш Бокуга келиб, вокзалдан троллейбусга ўтирди-да, шаҳарнинг у бурчига жўнади. Жаъфар муаллим ишлаётган ва ҳозир Хасай ўтирган баланд иморат олдидан, хиёбонни кесиб ўтди-да, «Ознефть»-ни орқада колдириб, Баилов кўчасига, Сергейни-кига келди.

Сергейларнинг кичкинагина деразаси тўғри сершовкин, жазирама кўчага қараганди. Хонанинг асосий бойлиги катта думлари елпиғичга ўхшаш олтин балиқчалар сузиб юрган аквариум эди. Балиқчалар эринибгина сувўтлари орасида сузарди. Сергей Мамишга ажабланиб бақрайиб колди: кўзларининг ости нега кўкарибди?! Ниманиям гапириб берарди? Ўзларининг ҳовлиларида сирпаниб йиқилиб тушди, ўзи айбдор, қаёққа йиқилишним билиш керак.

— Бирорта тантана бўладиганми ё шунчаки ўзимиз йиғилишамизми?

— Сабаби йўқ бўлса бормайсанми?

Сахийлик билан чўмилтирилган пуштиранг нурда, тиниқ сувда олтин балиқчалар силжишарди. Оғир думлари пастга тортиб кетар, бироқ баликлар зўр бериб оғизларини очиб ҳаво олиш учун тепага интилишарди.

Сергей қаергадир Расимнинг адресини ёзиб қўйган экан, тополмади. Қорашаҳарда эди шекилли. Бироқ Қорашаҳарнинг ўзи Бокудаги каттагина шаҳар-ку.

Эҳтимол Салим билар? Яна троллейбусга ўтириб, Қалъага, Салимни-кига йўл олди. Қиз минораси томондан кирди. Биқинига ёпишиб эскиб-чириган кулбалардан тозаланган минора янада баландроқ кўринарди. Миноранинг майдончасида турлитуман очик, рангдор кўйлак кийиб олган ҳабашлар туришарди ва Мамишнинг қулоғига бегона тилдаги овозлар чалинди — гид, яхшигина кийиниб олган, катта қора кўзойнак таққан қиз, деворлари-

ни қачонлардир денгиз ювиб турган минора тарихи ҳақида ҳикоя қиларди. Ахир қизлар ўз номусларини сақламоқ учун шу ердан қутуриб, кўпириб ётган тўлқинлар қучоғига ўзларини отганлар — Хусния билан Хасай ҳамда Р ни шу ёққа олиб келиш керак экан. Кейин ўзларининг шарқона можароларини ўйнайверардилар. «Менинг катта хотиним», дейди Хасай... Ранг-баранг оломон кенг зиналардан юқорига кўтарилишиб, тўхтаб қолди. Мамиш эса олдинга ўтиб кетди, сўнг сўлга бурилди, яна юқорига, яна чапга. Мамиш қачонлардир Қалъага Салимникига Инқилоб боғи томонидан, ўн йилларча ёпик туриб яна очилган дарвозадан кириб борганди. Ҳозир эса бошқа дарвозадан кирди-ю, йўлидан адашди. Кириб кетаётганида боши берк кўчага ўхшовди, озгина юриши билан қаршисидан янги кўча чиқиб қолди. Сарсон-саргардон бўлиб юравериб барибир Салимнинг уйини тополмагач, Инқилоб боғига қандай боришни суриштирди, таниш дарвозаларга келди ва яна бошқатдан Салимнинг уйига жўнади. Шу ердан (топди!) димоғига зах ҳиди урилди, тор, боши берк кўчадан тепага кўтарилди ва мўъжазгина нимқоронғи ҳовлида пайдо бўлиб қолди. Салимнинг хонаси уйнинг ичкарасига жойлашганди, пастақкина эшиклардан энгашиб ўтди. Кўчада қуёш нури мўл-кўл тушиб турган бўлса-да, бу ерда электр чироғи ёниқ эди. Кираверишда мис дастшў билан ҳаммаёғига нақшлар чекилган мис обдаста турарди. Салимнинг исми бобосининг номи ёнига арабча ўйилган, — тозалаб ювилган мис электр чироғи остида худди ботаётган қуёш нури остида жилвалангандай жило берарди. Салимнинг онаси ўғлини ҳозир келиб қолади, деди. Аёл пастак бўйли бўлиб, юзларида чечакнинг ўрни қолган, лунжлари осилиб тушганди. Олтита болани туғди, катта қилди. Салим эса энг кенжаси. Мамиш энди курсига ўтирар-ўтирмас, Салим келиб қолди.

— Менга ҳам чой қуйинг, — деди онасига. — Қим сени бундай бежаб қўйди-а? Йиқилиб тушдингми?! Қўйсанг-чи! Бу гапингни бошқа одамга бориб айт, мени алдаёлмайсан!...

тоғаларимиз уринишди-да!

Салимнинг онаси, палоснинг бир четида мудраб ўтирган Баложа хоним шу пайт қимирлаб қолди,

кора рўмолини тўғрилаб, орасига оқариб кетган сочларини яширди. «Тоғалар нима учун жиянларини ёмон кўриб қолишибди?»— сўрайди. «Жияннинг ўзи уларни ёмон кўрганлиги учун!»— овоз чиқаради Салим. «Наҳотки қариндошларга қарши бориб бўлса?»— таажжубланади она.

Салим ҳам, Мамиш ҳам жавоб қайтармайдилар, она эса бошини чайқайди. Тоға — тоға-да, онланинг каттаси, унинг гапига кирмаслик гуноҳ бўлади. «Биз билан бирга Расим ҳам бора қолсин»,— дейди муштлашишни ташлаб юборган Салим,— Гулбола уни бу машғулотдан халос қилганди. Расим бўлса — кучли, бокс бўйича разряди бор.

Салим Расимнинг янги адресини билмасди. У илгари Қорашаҳарда яшарди, бироқ уёқдан кўчиб кетаман, деб юрувди. Мамиш Расимнинг эски адресини ёзиб олди, тўғрироғи, ўқувчилар дафтаридан йиртиб олиниб икки букланган, ҳар жой-ҳар жойига қорамой тегиб доғ бўлган бир парча қоғозга кўчириб олди. Баложа хоним гужанак бўлганича жим ўтирарди, кўзи илинган шекилли. Бироқ унинг юзидаги ажинлар хоҳлаган пайтинг қимирлаб қолиши мумкин эди.

Ичкаришаҳар деб аталган Қалъадан Мамиш Қорашаҳар томонга йўл олди. Олдин метрога, сўнг автобусга минди, унисиям, бунисиям, Хасай кишининг қўли остида, унинг одамлари Мамишни олиб юришибди, у эса, кўряпсизми, Хасайнинг қизил билетини тортиб олмоқчи. Мамиш автобусдан тушиб завод дарвозасидаги соатга қаради — соат бир бўлибди. Икки завод оралиғига торгина асфальт сўқмоқ тушганди. Куёш, худди шу йўлакни хуш кўргандай, аямасдан куйдирмоқда эди. Мамиш Қоянинг ҳовлисидаги кўмирдай қоп-қора болакайни эслади; бундай куёш куйдириб кул қилиб юбориши ҳам ҳеч гап эмас!.. Димоғига кўнгилни айнитувчи ўткир ис урилди — кимё! Қулоқларига эса гоҳ гумбур-гумбур, гоҳ буғларнинг вишиллаши эшитилгандай бўлди... Икки томони заводлар билан қуршалган торгина йўлни босиб ўтгунча томоғи қичишиб ўкчий бошлади. Уйни топганда, маълум бўлдики, Мамиш бекорга буёққа судралиб келибди. Расим кўчиб кетган бўлиб, ҳозир Мамишга яқин жойда, Тозапир масжидининг ҳовлисида истикомат қилаётганмиш;

Мамиш бу кўчани ҳам, бинони ҳам жуда яхши биларди, бироқ қайси уйда туриши номаълум эди, лекин Хожизодалар қаерда яшайди, деб сўрасангиз, дуч келган одам айтиб беради; унга Расимнинг қариндоши бўлган ёноклари гулгун ёшгина жувон шундай деб айтди. Ичкаридан боланинг йиғлагани эшитилиб қолди ва Мамиш хайрлашиб, ортига қайтди.

Яна камбар, қуёш куйдираётган сўкмок, бироқ энди юриш осон эди — юқорига эмас, пастга тушсан. Расим шундоққина биқинида яшаркану Мамишнинг бундан хабари йўқ экан. У Расимникига улгурди, яна Арамникига, Арманикандга ҳам бориши керак. Қорашаҳардан вокзалга бориши, уёқдан эса трамвайга ўтириши керак. Йигирмага йигирма беш дақиқани кўшса, бир соатча вақти йўлга кетар экан.

Мамиш соат иккида Арамнинг шаҳарга ва унинг шамолларига юз тутган олди очик болохонасида эди. Ҳовли гўёки боққа ўхшайди, ям-яшил, соясалкин, болохона эса узун ҳамда кенг, қаторасига хоналарнинг эшиклари саф тортган, болохонанинг бошидан охирига доғур тувакда гуллар, буталар, ҳатто лимон дарахтлари экилган; турган гапки, буларнинг барини Арамнинг ўзи экиб, ўстирган.

— Сени ҳеч қаёққа қўйвормаймиз! — туриб олди Арам. — Ойим қарам шўрва пиширган, ароғим ҳам бор — тутники.

нима учун кўзимнинг ости нега моматалоқ бўлганини сўрамаяпсан?

— Агар ароқ ичмасанг, арман коньягидан қуйшим мумкин, уч юлдузли ё бўлмаса озарбайжонниқидан. Аммо сизнинг, — бироқ шу заҳоти гапини тўғрилади, — бизнинг коньягимиз, — Арам, нима бўлмасин, боқулик эди, — француз коньягидан қолишмайди!

сен аввал сўрасанг-чи!

Мамишнинг кураклари кўп юрганидан, иссиқдан жикка ҳўл бўлиб кетганди.

— Қўйлагингни ечгин-да, кран тагига кир!

Мамиш ювиниб олди-да, дастурхонга ўтирди. Тоғасининг уйдаги ўтиришни, Жаъфар муаллимнинг ароқ шишасини силаши ёдига келди. Қачон бўлган эди? Наҳотки кеча эди?..

— Ичмайсанми? Бўлмаса, мен ҳам ичмайман. Йўк, овқатдан олдин битта кўтараман, ичмаслик гуноҳ бўлади!— Қуйиб ичди.

қара-я, сўрамайсан ҳам!

Кўзгуга зимдан қараб қўйди, балки кўкаргани қайтиб қолгандир? Қайтиш қаёқда, бутун кўзини безаб турибди. Яна кўзгу кийшайтириб кўрсатяпти, бутун юзи моматалок бўлганга ўхшаб турибди. Юзи гоҳ чўзилар, гоҳ кийшаярди.

— Нега бўлмаса Қоя уйга қайтаётганимизда айтмади? Сюрприз дейсанми? Кабобдан ким қайтарди? Чорбоғда, денгиз бўйида... Бирок кутилмаганда таклиф қилди-да.

Яна трамвайга минди. Соат беш бўлиб қолганди. Анча вақт пиёда юрди. Беш қаватли иморат ёнидан ўтаётиб, хиёбонда Хусния хонимнинг портретига кўзи тушиб қолди. Қанақасига тўхтамай бўлади? Майин нигоҳ, табассум қилиб турибди, сочлари силлиқ қилиб таралган, бўйнига ҳам, қулоқларига ҳам ҳеч қанақа зеб-зийнат тақилмаган. Сипо, иззат билан турибди, ахир ҳазилми ҳаммага ўрнак бўлиб туриш. Шунақа сурат брошюрада ҳам босилганди; уккикўз, бакалоқ журналист, айтишларича, унинг юраги безовта қилармиш, ўша журналистда районнинг атоқли кишиларининг портретини яратиш истаги туғилибди, навбат Хусния хонимга келибди; «Районимиз онахони». «Мана, ўқигин, овозингни чиқариб ўқи!» — дейди Хусния Мамишга ва Мамиш унинг қандай «ғайратли ва жасоратли» эканлиги, одамларни шанбаликларга қандай жалб қилиш, кечани кеча демай, кундузни кундуз демай эшикмаэшик юриб, жазирама кунларда сувни иқтисод қилиш тўғрисида жон куйдирганини ўқийди. «Ҳаммаҳаммаси тўппа-тўғри!» Мамиш ҳам бунинг тўғрилигини билади; Хусниянинг мактаб ўқувчиларини кекса пенсионерларга ёрдамга чақириши ҳам, ҳатто мактаб тажриба участкасига шахсан ўзлари кўчат ўтқазганликларидан ҳам хабардор эди; биронта гапда уйдирма йўк — бари, бўғин-бўғинигача тўғри!

Мана, Тозапир масжидининг ховлиси. Бирок у буёққа Мирза Фатали кўчасидан эмас; Лев Толстой кўчаси орқали кирди. Мирза Фатали кўчасидан ке-

таркан, дарвоза панжаралари орасидан масжидга кетаётганларга қаради. Қора чоршаф ёпиниб олган аёллар қўлларини фотиҳага очган, масжид одамга тўла эди. «Тоза йиғилишибди-ку!..»

«Мен аҳд қилганман!— дейди Хасай.— Ҳамма-ёқда текшир-текшир! Ўзимни ўйласам майлийди-я, бошқалар учун қизармаса бўлгани одам». «Фалокати» аригач, Хасай Ҳайбатнинг тўнғич ўғли Мошоллоҳга шу ернинг ўзида, остонада кўй сонининг ярмини назр-ниёз қилишни топширди. Худога ишонмасаям ҳар эҳтимолга қарши, деди, яна ким билади нима бўлишини, Ҳусния уруш пайтлари буёққа озмунча катнаганмиди; тўғрироғи, ўзи эмас — билиб қолишса, оқибати яхши бўлмасди,— ўрнига нариги маҳаллада яшайдиган кампирни юборарди, бечора яқинда қазо қилди, фол боқиб, иссиқ-совуқ қиларди раҳматли, аммо барибир шунча маҳорати билан ҳам Хасайни Ҳусниянинг ёнида олиб қололмади. Ҳусния «қурбонликлар»ини Хасай ўлимни доғда қолдирсин учун жўнатарди; ўлим доғда қолди ҳам; сўнг назр-ниёз жўнатдики, ҳамиша у ёнимда бўлсин деб; кўз тегмасин деди; ва ҳоказолар; тадбирларнинг нафи ҳам тегди, лекин ҳамиша ҳам эмас; лекин бироқ эри барибир ёнида-ку, унга кўз ҳам тегмади; кетибдими — қайтиб келади. Мамиш Ҳожизодалар деб оғиз жуфтлар-жуфтламас, шу заҳоти қайси эшикка киришини кўрсатиб юборишди. Расим ҳам уйда экан, омади келди. Панжалари мушт бўлиб тугилди. Кўзлари учкун сочди.

— Ким сени бундай қилиб қўйди?

Тағин худди тревога эълон қилингандай қўйлагини эгнига киймоқчи. Армиядаги сингари унинг ортидан етишга улгурсанг бўлгани.

— Ўтир, ҳеч нима бўлгани йўқ!

— Ким деяпман?!

— Қўйсанг-чи энди, тўсатдан бўлиб қолди!

Расимларникида ичган чойи чарчоғини чиқариб юборди. Расим ҳозир бўласининг уйида турар, холасининг қизини оиласи катта бўлиб, Расимнинг топгани ҳам умумий қозонга келиб тушарди, бола-бақра, ҳаммаси шу жазирамада шаҳарда эдилар, ҳар ҳолда масжид ҳовлиси жаннатмонанд боғ каби эди. Расимнинг поччаси ориқ, баланд бўйли, боши узунчок, ингичка бўйинли одам эди, у ҳовлининг бир

бурчидаги уйида товукхонага ўхшаш катак қурганди: унинг олдини узун-узун темир тўр билан ўраб ташлаб инкубатордан чиккан оқ товукларни, улар орасига эса битта малла хўрозни киргизиб юборганди; хўроз бўйнини гердайиб чўзганча Мамишга қараб қўйди, унинг гердайиб юришида, кизил тожли бошини баланд кўтаришида қанчалик кибр-ҳаво, манманлик зоҳир эди. Мамиш кулгидан ўзини тиёлмади. Болаликдан ёд бўлиб кетган, ҳозир эсига тушган хўроз ҳақидаги мисраларни аста, аммо донадона қилиб деди:

— Ҳой, тожларинг қон хўроз!..

Хўроз чўчиб тушди, нигоҳида сергаклик пайдо бўлди. Хўроз — қадим хўрозлардан эди, у озмунча товук қонларини кўрмаганмиди; ҳали завқини сочиб, хуш кўришга улгурмасданок, товук йўқ бўлади-қолади, сўйишга олиб кетадилар-қоладилар.

— Кўзлари маржон хўроз!— Мамиш яна бир мисрани ёдга туширди.

Бу хуш келдими, хўроз силкинди, қанотларини кенг ёйганча, кўксини кериб, тик қадам ташлади. Шу пайт бирдан сўфининг мезанадан намозхонларни намози асрга чорловчи жарангдор овози эшитилиб қолди. Мамиш чўчиб кетди, бувиси Малак хоним эсига тушганди, одатда бувиси шу маҳал намоз ўқиғучийди. «Қимларни туғдинг, ҳой хотин? Бири Хасай, бири Оға, яна бири Хайбат!..» — «Тўкезбончи? Темур-чи?» Энди сўфи азоннинг авжига чикқан пайт хўроз ҳам кукулаб юборди.

— Доим шундай қилади,— деб кулди Расим елкасига камзулини ташларкан. Елғиз тўр майкада совқотганди.— Сўфи азон айтишни бошладимми, хўроз ҳам кукулаб юборади. Ҳаттоки товукка сапчиётган маҳал ҳам ирғиб туради-да, бўйнини чўзиб сўфининг кетидан азонини бошлайди.

— Демак, диндор хўрозлардан экан-да,— деди Мамиш.

Расим таажжуб билан Мамишга қаради.

— Уни бундай дейишимизни қаердан билдинг?!

— Билиш қийинми?

Хўроз худди сўфи билан баҳслашаётган каби кукуларди. «Бундай дема, гуноҳ бўлади!» Бувиси Малак хонимнинг овозини эшитди. Агар бувиси бу диндор хўрозни кўрганда нима дерди?

Хўроз шундай гуноҳга ботиб кетдики, оқибати яхши бўлмайди, бу аниқ. «Сен бўлсанг дарров гуноҳни ўйлайсан!» Сўфи илҳому шавқ билан азон айтарди. Малла хўроз ҳам мактовларга сазовор эди — ўзини аяб ўтирмади.

Аммо-лекин Тозапир масжиди ҳовлисидаги чойхонанинг чойига ҳеч нима бас келмасди, худди хўроз тожидай қип-қизил, хушбўй. Уйга қайтишга хоҳиш йўқ эди.

— Балки ётиб қоларсан? — деб сўради Расим. — Тун ярмидан оққанда яна бир бало бўлиб юрмасин, яра-чақанг кўпайиб қолади-я.

Расим ишонганди. Демак, киши йиқилиб тушдим. деб айтдим, бўлди-да, бошқача бўлиши мумкинми?

Еттинчи фасл — бу фаслда тоғалар Мамишнинг қўл-оёғини қандай боғлаганлари, оғзига эса ҳеч ким билмасин учун дастрўмол тикканлари ҳақида хикоят қилинади, буни билишга-ку, ҳеч ким билмади. Ҳусния хонимнинг дераза ва эшиклари тамбалаб ташланган, ҳовлида эса шундай сукунат ҳукм сурардики, фақат жўмракдан сувнинг томчилашигина эшитиларди, холос. Ҳусния тонгда Мамишнинг орқасидан одам юборган, ўша одам эса уни Совунчи вокзалигача кузатиб, электричкага ўтқазиб юбориб, ортига қайтганди. Ҳусниянинг савқи таъбича, Мамиш ҳеч нима ҳақида ўй сурмаётган эди. «Аллақандай Тоштемирни сўради, бола эса: «Сизга Қоя керакми?»— деди. Буниси қанақа алаҳсираш бўлди? Мен бўлсам, сўнг-ра боладан: «Қоя ким ўзи?»— деб сўрайман. У ёввойими дейман, бир оғиз ҳам гапирмай ўзини бир бурчакка уриб қолди». Ҳусния Хасайдан: «Қоя ким?» — деб сўраш учун телефонда рақам тера бошлади. Иккита рақам тераркан, раҳматли Гулболанинг гаплари эсига тушди, у ахир Мамишнинг устаси-ку!.. Ҳусния котиб қолди, трубкани лўкидонга қўйишни ҳам унутганча туриб қолди. Гулбола, мени нима қилиб кетдинг? Шунда кўз ёшлари оқаверди, оқаверди. Мени кимга ташлаб кетдинг? Сен бўлмасанг ёруғ жаҳонда яшашимнинг нима ҳожати бор? Гўрингдан туриб, қани энди, Мамишнинг жавобини берсанг!.. У аблаҳ сенинг номингни сотиб юришини қара!.. Кўчадан ойнага кичкирик келиб урилди ва у худди бирдан

кучдан қолгандай мадорсизланиб курсига чўкди
трубкани жойига кўйганча яна ўша хайкирик уни
ўрнидан турғазиб, ойнанинг олдига олиб боргунга
кадар кучдан қолиб, тақдирни қарғаганча узок ўтир-
ди: кимдир худди биров пичоклаётгандек, ўзини тута
олмаяпти. Кўча одатдагича ёз фаслини яшамоқда
эди, қичкирган одам эса ер қомига кириб кетгандай
ғойиб бўлганди. Кўз ёшлари алам-дардини аритиб,
ювиб кетди ва у яна жаҳл отига миниб олди. Шун-
чалик бети қаттиқ бўлиб кетганини Мамиш ўлгур-
нинг! Кеча оқшом Хусния ишончли одамларидан
бирини оёққа турғазди ва у одам тонг ёришар-ёриш-
мас Мамишнинг кетига тушди. Сўнгра Хусния шунча
йилги машмашалардан сўнг Оғанинг уйига жўнади.
Унинг пайдо бўлиши бутун оилани остин-устун қи-
либ кўйди. Оғанинг қорақош хотини — «Уф, бунинг
қаримаслигини қаранг-а!» — ҳаяжонга тушиб ўзини
йўқотганча уйда уёқдан-буёққа зир югурарди. Хус-
ния хонимни ўтқазгани жой тополмас, нима билан
меҳмон қилишга ҳайрон эди. Ичида у Хусния хоним-
дан миннатдор эди: «Жудаям яхши-да, ўзиям Али
нак ҳиқилдоғимизга келди, қутуламиз-қўямиз бу
тасқарадан!» Хусния эса ёниб айтган сўзлари билан
хонани тўлдириб, Оғанинг дераза олдида турган
ўғилларини ҳаяжонлантириб кўйди, улар шу турган-
ларича жойларида қотиб қолдилар ва у Оғанинг ку-
лоғига нималарнидир шипшиди-да, шу заҳоти ирғиб
Оғаниям, хотининиям танг қолдириб, жўнаб кетди.
Малоҳат палов дамлаш учун гуруч юваётган эди.
Кейин машина тўхтатиб Ҳайбатникига елди: унинг
уйида ҳам бир муддат худди Оғаникидаги ҳалиги
манзара такрорланди, фақат Ҳайбатнинг хотини дўм-
боқ чақалокни, бешинчи ўғилларини эмизаётган бў-
либ, бола тўсатдан ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ бутун
маҳаллани ларзага келтиргудай шундай чинкириб
йиғлаб юбордики, худди унинг нимпушти юзларини
ари чаққанга ёки онасининг кўкракларидан оғзига
сут ўрнига заҳар-зақкум оққанга ўхшарди.

Эрталаб эса, Мамиш Қояникига, Бузовнага жў-
наш учун шоша-пиша уйдан чиқаркан, Ҳайбат унинг
йўлини тўсди. Бўлмасам-чи! Тўсатдан кўнглига но-
маъқул фикр келган бўлса-я.

— Қаёкка кетяпсан?— дея сўради Хайбат, ёлфондакам хомуза тортиб.

— Кабоб ейишга.

— Нега бунақа кўпол гапиряпсан?— Оға пайдо бўлди.— Биз сенинг туғишган тоғаларинг бўлсак. Нега бундай кияпсан?— деди Оға келишувчан оҳангда.

— Айғокчилар!

— Нима, тоғанг ночор аҳволга тушиб қолишини истайсанми? У сенга нима ёмонлик килди?— Оға ўзини худди Мамишнинг нима деганини эшитмаганга солди.— Балки биз билмаган гаплар ҳам бордир? Кулоғимга айтсанг бўларди-ку.

Мамиш ўтиб кетишга уринди.

— Уйда ўтир,— деди Хайбат.— Агар ўзингга келиб, пушаймон еб, ҳаммаси ёлғон, деб кечирим сўрасанг, сени таксига ўтказамиз-да, кўнглинг тусаган жойга элтиб ташлаймиз! Москвага десанг ҳам розимиз!.. Нега ёпишяпсан? Мен сенга айтдим-ку! Қанақа овсарсан!

— Қўйвор!

Оға сигаретасини оёғининг остига ташлаб, жаҳл билан эзғилаб ташлади.

— Бизнинг жиғимизга тегма, контузия бўлганимизни биласан-а? Хайбат сенга айтдим — уйда ўтирасан, вассалом!

— Сизларга яхшиликча айтяпман, кочинглар, охири вой бўлмасин тағин.

— Ҳали кўрқитмоқчимисан? Берган нонимизни жа эрта унутдинг!

Энди Оғани итариб ўтиб кетмоқчи эдиямки, Хайбат Мамишнинг оёғини хода билан чалиб юборди, шунда у асфальтга муккасидан йиқилиб тушди. Оға Мамишга ёпишди, Хайбат сапчиб туриб, жиянининг жағига мушти билан бир туширди. Мамишни судраб хонасига олиб киришди, кўл-оёғини боғлаб ташлашди.

— Яхшилаб силаб қўяйликки, Тўкезбон ҳам раҳмат десин!

Мамиш чангалдан чиқишга урингани, Хайбатнинг зарби оғирроқ мушт туширишга, жиянининг кичқираётган, даҳшат солаётган чакагини («Бу ерда карлар йўқ!») юмишга, рўмолча билан бекитишга тўғри келдики, токи совисин, тинчланиб ўзига кел-

син. Шундан сўнг улар жиянларини гўдакни бос-
гандек бағриларига босадилар, ахир уни итариб юбор-
майдилар-ку, у, саёқ бўлса ҳам тукқангина жигар-
ларининг ўгли-я. Ҳозирча эса жойида ёта турсин,
каравот ўзиники бўлса.

Соат ўн бўлган эди.

Мамиш, майлига, ётиб тураверсин, мен эсам сиз-
ларга келишганларидай Қояникига бориш учун бу-
тун бригада бўлиб йиғилажак Бузовна станцияси
ҳақида сўзлаб бераман. Ҳаммалари йиғилишди-ю,
Мамиш келмади. Олдин Расим, Мамишникига ки-
ролмасдан, поччаси ишга шошаётгани, устига-устига,
йўллари бир бўлгани боис у билан бирга келаверди;
сўнгра Арам, ундан кейин Сергей билан Салим ке-
лишди. Ҳаммалари йиғилишиб, Мамишни кутишар,
у эса кўринмас, келиши ҳам мумкин эмасди. Қоя-
никида эса гулхан ловуллаб ёниб, кўмир лакқачўғ
бўлган, гўштнинг бари сихга сукиб чиқилган эди.
Нега улар келишмаяпти экан? Қоя уларнинг олдига
жўнади. Соат эса ўн бир бўлаёзганди. Унинг турки,
ўйлайди Қоя, қанақа эди-я! Кеча нимага келган-
лиги ҳам қоронғи! Қалтаклашгани аниқ, у эса «йиқи-
либ тушибди». Дўстлар ҳам шунда Мамишнинг бо-
шига фалокат тушганлигини англашди, буни билиш
эса унча мушкул эмасди, нима килишлари керак-
лиги ҳам қафтдай равшан — албатта, тезроқ дўст-
ларининг уйига боришади-да!

Шундай қилиб, жўнадилар. Тўғрироғи, йўл ол-
дилар. Ҳозир агар хатто гўшт сихга сукиб қўйилган,
олов аланга олаётган бўлса ҳам кабобга бало борми.

Мана, муюлишдаги уй.

Ховлига кирдилар, иккинчи қаватга чикдилар.
Умуман, нима бўляпти ўзи бу ерда?!

Бу сенмисан, Мамиш?! Булар эса кимлар? Ҳа-а,
тоғаларинг-ку! Бирга ўтиришувдик, маишат кили-
шувдик, қадаҳ кўтариб, сўзлар айтишувдик!.. Ке-
линглар, яна бир марта танишиб қўяйлик!.. Улар
яхшиликча кўришмоқчилар-у, тоғалар эса худди тўн-
ларини тесқари кийиб олганга ўхшайдилар — коп-
қоронғи жинкўчаларда кўзларига кўринманглар-а
тағин! Қоя Мамишнинг оғзидан латгани суғуриб
олмоқчи бўлиб қўлини узатган эди, бироқ Ҳайбат

қўлингни торт, дегандай силтаб ташлади. Биз беш киши бўлсак, сизлар эсангиз иккитасизлар, наҳотки кўркмайсизлар?! Қоя бундай демади, гапирмаса ҳам унинг нима демокчилиги равшан эди. Бироқ кимга аниғу ким эса буни тушунмайди. Ҳайбатни кўрки-тиб бўлсан, унинг битта ўзи учта одамга бас келар.

— Ҳой, сен менга кара! Буюк вакил! Қабобимни жигилдонларига урганмидилар? Лўлакабобдан пақ-қос туширганмидилар? Донони қаранглару! Мен сизларни кўкка кўтариб мактагандим-а? Сизларга қандай ашула айтиб бергандим-а?.. Бироқ сизларнинг барингиз бир гўрсизлар, ораларингиздан биронта пичокка илинадиган дурустрок одамни кўрган эмасман!

— Сиз ахир ёт унсурсиз-ку! Эсиз, эсиз! — Бу Арам, баланд тоғ қаршисидаги жиккаккина тепача эди; Ҳайбат унга нима деб жавоб қайтаришни ўйлагунча, Оға Арамга деди:

— Сен ҳам ҳали бизни ўқитмоқчи бўляпсанми?! Сизларнинг алифбентизни ўқиш тушимга кириб чиқувди-я!..

Қоя эса яна латтани суғурмоқчи бўлганди, Ҳайбат қўлларига эрк берди. Шундай басавлат тоғанинг ўзини тутолмаслигини-чи! Қояга қўл кўтариш мумкинми ахир?!

Бу барибир қояга бошингни келиб урган билан барабар; урсанг — ўзингнинг жонинг оғрийди. Ҳайбат буни тушунди, қурук қўл билан эплай олмаслигига ақли етиб, боши узра ходани кўтарди, шунда йигитларнинг бари орқаларига тисландилар. Хона унча катта эмас, бироқ уй ўзингники, керак бўлса, девор иккига ажралиб кетади. Шундай тўс-тўполон кўтарилдики, асти қўяверасиз!..

Алғов-далғов ичида Қоя барибир латтани юлқиб олди, бироқ Мамишнинг сўзларини англаш қийин эди, чунки хонага сиққан одамнинг бари барабарига гапиришар, кичкиришарди; бу деворлар ҳеч қачон бундай кўп овозни эшитмаганди; уни қураётган маҳаллар эса усталарнинг шундай кун келиб, шунча одамларнинг аниқ, ноаниқ сўзлари билан 5×5×5 ҳажмдаги хонага сиғишлари мумкинлиги хаёлларига ҳам келмаганди; Расим шу уйнинг ўртасида туриб олганича жанжални тинчлик билан ҳал этмоқчи бўларди, аммо Оға — уришаётганда орага тушма —

Расимни кулочкашлаб тушириб қолди. Оға шўрлик Расимнинг боксчилигини, разряди борлигини қаёқдан ҳам билсин? Расимнинг ҳаётида эса шу кунгача, Кавказда шунақаси ҳам бўларкан-да, шароит шуни такозо қилгандики, ўзининг махоратидан на разряд олишгача, на кейин фойдаланганди ва бундан бениҳоя даражада хурсанд эди; насл насл билан, анъана ўз йўлигаю унинг бундай қилишига тўғри келмаганди. Эҳ, уни «меҳмондорчилик» конун-қондасини бузишга ва баъзи бир бокс усулларидан энг жўнгинасини кўрсатишга мажбур этганлари чакки бўлди-да: Расим ҳатто Оғага қўлини ҳам теккизмаганга ўхшайди-ю, у бўлса коптокдай юмалаб Ҳайбатга келиб, урилиб, уни кулатаёзди. Тоғалар иккитагина, бу маълум, улар эса беш киши, Ҳайбатдан ходани тортиб олдилар. Муштларнинг ўзи уларни тотиб кўрди ва тоғаларни ҳам сийлаб қўйишди, ҳатто Арамнинг ёрдамига ҳам зарурат туғилмади.

Аммо майли улар ёқалашиб туришсин, мен сизларга ҳикоя қилиб берай. Ким тўғрисида? Албатта, Ҳусния хоним тўғрисида-да.

Қоя ўртоқлари билан зинадан кўтарилган пайт, олдинга ким келаётганига разм сололмай кўзойнагини тақди. Булар ахир Мамишнинг дўстлари-ку!

Шунда у ёқалашув бўлишини ҳис қилди, чунки Мамиш оёқ-қўллари бойлоғлик ётарди, Ҳайбат эса ишига тумшук сукканларни, ғилдирагига хода бўлиб сукилганларни икки суймайди.

Шундай қилиб, унинг кулоқларига бақирик ва муштларнинг товуши эшитилган заҳоти, эҳтимол бундан сал олдинроқ гарчанд, ҳеч ким эшитмасе-да, фарёд кўтарди ҳамда шу заҳоти милицияга сим қокди: «Қутқаринглар!— Уни танимаётганларини қаранг!— Ким дейсизми?! Бу Ҳусния хоним! Ҳа, ҳа! Бахтиёрова! Зудлик билан йўлга чиқинглар!» Милиция шундоқ ёнгинасида бўлса, йўлга чиқиш на даркор? Унинг энг биринчи бурчи сигнал бериш: «Қон, тушуняпсизларми, қон тўкиляпти!» Шунда орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, учта милиционер ҳозир бўлди, яна бунинг устига, айна Оғанинг ерда сўлжайган, Ҳайбатнинг кўзлари атрофи кўқарган, Қоянинг қўйлаги йиртилган, Сергей билан Салимнинг юзлари

тирналган — хона унча катта бўлмаса, хатто қулочингни ёзсанг кўлинг шундоқ тегса, — пайтга етиб келиб қолишди. Фақатгина Расим билан Арам сал дурустроқ кўринардилар, ҳолбуки Расимнинг кўзларида ҳайрат акс этарди, бироқ бу ҳол ҳамиша унга хос ифода эди, Арамнинг бўлса ранги бўздай оқариб кетганди. Мамиш каравотда оёқ-кўли бойлоғлик ётар, бу ҳол эса уларга, Мамишни ўртоқларининг фойдасига ҳал бўларди, кўриб қўйишсин!

Хусния хоним шундай фарёд кўтардики!.. Унинг овозини босадиган биронта одам топилмади. Шунда ўзини, яна кимларнинг денг, Ҳайбат билан Оғанинг устига отди!..

— Қандай шармандагарчилик! Қим сизларга бебошлик қилишга ҳуқуқ берди? Босмачилик! Маданиятсизлик! Қандай қилиб туғишган жиянингизни хўрлашга кўнглингиз борди?! Ёввойиликни қаранг! Бедодлик!

Мамиш шундай оғзини очганича ётарди — ёки яна латта тикишмасин, деб ўйлар, ёки ҳайратдан лол бўлиб қолганди.

— Сизлар ҳали бу қонунбузарлигингиз учун жавоб берасизлар!

Хусния хоним тутақар, жаҳл отига минар ва унинг ғазаби ҳам — хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, йўқ — табиий бўлиб, ҳайрати ҳам жойида, ғазаби ҳам самимий эди. Хасайни бир қарғаб ўтди, сўнгра эса навбат «Мамишнинг тўдаси»га келди.

— Безорилар! Уят-а! Ақлли гап айтиш, инсофга чақириш ўрнига, сизлар, ёш-ёш йигитлар уруш инвалидлари билан ёқаллашиб ўтирсанглар! Ҳайбат бир оёғидан айрилган, Оғанинг ўқдан бутун бадани илма-тешик бўлиб кетган бўлса! Сизлар беш киши, улар эса иккитагина-я!

Ҳеч кимни аяб ўтирмади, ҳаммани қилмишларингга яраша жазо оласизлар, деб кўрқитди, гарчанд Мамишнинг ҳеч дахли бўлмаса-да, уни нега аралаштиряпти? Гапирар ва Мамишнинг оёқ-қўлларини ечар, хатто кеткизмоқчи каби арқон қийворган изларни сийпалаб қўярди.

Бу ғалати намойиш — оралиғи у йўлақдан бу йўлақкача унчалик кенг бўлмаган кўчани тўлдириб келаётган, бунинг устига, кийим-бошлари йиртилган, қалтакланган, юз-кўзлари кўкариб, қонталаш

бўлиб кетган одамлар тўдаси анча гап-сўзларга сабабчи бўлди. Олдинда милиционер билан Хусния хоним, орқаларидан эса Расим билан Арам, уларнинг изларидан эса тоғалар, кейин Қоя ва Мамиш билан анграйган оломон қхирида яна бир милиционер кетмоқда. Ким ургану ким калтак еган — билиб бўлмасди. Бу нафақат томошабинларгагина жумбок бўлмай, бу муаммо устида протоколни тузишаркан, милиция бўлимида ҳам бош котиришларига тўғри келди.

«Шу йил 29 июнь, пайшанба куни районимиз жамоатчиси Хусния хоним Бахтиёрованинг кечиктириб бўлмайдиган сигнали — телефон кўнғироғи асосида милиция сержанти Оғаевнинг оператив группаси, милиционерлар Бобоев ва Ваҳобов (О, Б, В...) соат ўн биру ўттизда зудлик билан куйидаги кўчадаги 59|15-уйга йўл олдилар...»

Шу вақт бехосдан милицияга Хасай кириб келди.

Хусния хоним милицияга жанжал ҳақида маълум қилиш билан бир вақтда, Хасайнинг ишхонасига ҳам, шу ернинг ўзида у билан тўғри телеалоқа ёки жуда бўлмаганда бир тўлқинга тўғриланган чўнтак приёмниги йўқлигига афсусланиб, кўнғироқ қилганди. Хасай жойида йўқ экан. Микрорайонга кўнғироқ қилди — бироқ йўқолиб йўқ бўлиб кетмайдими, трубкани Раъно олди! Хусния хоним йўлда, милицияга кетаётганида кўшни йигитчадан Хасайни тез кидириб топиб, бўлиб ўтган воқеадан воқиф этишини сўради. Яна у йигитнинг қўлига машина тутиб, Хасайнинг ишхонасига ёки уйига физиллаши учун пул ҳам берди, уни бу ҳақда оғохлантириб қўйсинлар — Хусния Раънонинг исмини овозини чиқариб айтиб ўтирармиди, — Хасай укаларини химоя қилиш учун милицияга оёғини қўлига олиб, етиб келсин. Мана, бехосдан кириб кела солиб, худди Хусния билан келишиб олгандай уларга ўдагайлай кетди:

— Қандай қўлингиз борди?!

Сўнг эса Мамишга юзланди:

— Сенам оппоқсан!

Йигитлар ғуж бўлишиб, сергакланишди: буёғи нима бўларкин?

Мамиш тоғасини зўрға таниди: шу бир куннинг ичидаёқ, уларнинг ораларида бўлиб ўтган гаплар-

дан кейин ўтган вақт ичида Хасайнинг нигоҳида изтироб пайдо бўлибди. Кўзлари ҳорғин, кулфат соя солган. Хасай ўйлайвериб, ўзини-ўзи еб кўйганди. Фақатгина бир ўй унга тинчлик бермасди: Октой! «Нима, менинг ўлимимни хоҳлаяпсанми?!» Мамишнинг ичида нимадир титраб кетгандай бўлди. Агар Мамиш: «Бари ёлғон, уйдирма, сени алдадим, барини Р деб қилдим, мени биласан, ҳеч шу фикрга кўниколмайман, шунинг учун ҳам уйланмаяпман!» — деганида эди, Хасай бутун оламни унга бахшида этган бўларди. Тавба қиламан деса ҳозир ҳам кеч эмас. Шунда Хасай ҳам Мамишни тушунган бўларди, ахир, қандай қилиб ҳам тушунмасин? Ахир, бурнининг тагидан юлкиб олди-ку! Холбуки, буни истамаганди, бунга худо гувоҳ! Раънонинг ўзи ёпишди унга. У Мамишга эгилди, бу ер тор, шундай гапириши керакки, токи ҳеч ким эшитмасин, тушунмасин:

— Айт, тухмат қилдим де, сени хафа қилганларни топтаб ташлайин!

Бироқ Мамиш қайсар, индамайди, кўзлари эса шундай дейди: «Йўк! Ҳаммаси тўғри!» Хасайнинг туси ўзгарди.

— Бўлмаса, ўзингдан кўр! — Сўнг бошлиқ ўринбосарига юзланди: — Мана шундай! Барини жазолаш керак! Ишхонасига ҳам хабар қилиш керак, чора кўришсин! Ҳаммасини жазолашсин! Укаларимни ҳам, мана бу намунали бригада номини олган паҳлавонларни ҳам! Мен ўзим ҳам уларнинг бошлиғига кўнғирок қиламан! Ўзбошимчалар! Уят, номус!

Нима? Тўғри гапиряпти. Нукта-вергулигача бари тўғри. Укалар жим эдилар: Хасай нима қилиш, нима гапиришни билади; барини жазолаш керак дедими, тамом, шундай бўлади.

Тергов боши берк кўчага тақалиб қолганди. Хасай бошлиқ муовини Умматов (О, Б, В, У...) ни, албатта, яхши биларди, ўзининг гапини айтди-да, жўнаб қолди; сўзи ҳаққоний, аммо протоколга тўғри келмайди; Ҳусния хоним аниқ-таниқ бирон нарсани айтолмади ва у ҳам милицияни Хасайнинг изидан тарк этди — Ҳусния хоним сурғуч ва янги бўёқнинг ҳидини кўтаролмасди, холбуки бу ер кўкламда ремонт қилинганди; у ўз вазифасини бажарди, хабар

берди, олдини олди ва жўнаб қолди. Нимадан бошланди ўзи? Демак, бундай: Мамиш ўз тоғаси Оғани итариб юборган; йўқ, бундан олдинроқ жиян катта тоғасини ҳақорат қилган. Нима учун, унга ким ҳуқуқ берди? Ҳа-а, кеча уни калтаклашди-ку, Мамишни!.. Умуман, нима учун, ахир? А? Қоя Расим билан кўз уриштирди: мана, сенга сирғалиб йиқилиб тушиш. Уматов перони кўлида ушлаб туради, сиёх қурий бошлайди ва қоғознинг сабри етмайди. Мамиш эса чурк этмайди.

— *менинг тоғам порахўр!*

— *уятмасми!.. шундай одамни-я!..*

— *хотинбоз!*

О нинг тиржайиши, Б нинг кулгиси, В нинг хахолаши. Уматов ҳам илжайиб қўйди.

— *далиллар-чи, борми?*

Қанақа далиллар?

— *наҳотки кўрмаётган бўлсангиз,— оғирлигини соғ оёғига солади Ҳайбат, сўнгра курсига ўтиради, ўзлари унга ўтиришни таклиф этиш хаёлларига келмаганидан кейин нимаям қиларди,— наҳотки от унинг миясига туёғи билан урилганини кўрмаётган бўлсангиз?*

— *сиздан сўралмаяпти,— дейди О.*

— *ўтиришингиз ҳам мумкин эмас,— дейди Б.*

— *протоқол ёзишга халақит берманг,— дейди В.*

О ҳам, Б ҳам, В ҳам Уматовнинг маъкул деган маънодаги бош ирғашини қўллаб-қувватлашди, у бўлса бундай чалкаш ишга илк бор дуч келиши; болалар ҳам зўр, меҳнаткаш, бу аннқ. Ҳаммаси саралангандай, кўзларидан кўриниб турибди, қандай қилиб ўз дўстларини ҳимоя қилишмасин? Мамиш индамайди.

— Сизларга нима бўлди ўзи?— перони сиёхга яна бир марта ботирди, Оға эса унга шарикли ручкасини тутлади; ракета шаклига ўхшайди; Оға совға қилмай туролмайди, Уматов эса оддий ручка билан ёзишни яхши кўради, сиёхга ботириб олади-да, ёзиб кетаверади.

Қоя шунда Мамишга юзланади.

— Гапир, нега индамайсан?

— Кўркма!— дейди Сергей унга. Овози худди

тепадан, минорадан янграгандай бўлади: «Нега эснаб ўтирибсан?»

нега ёпишволдинглар?

Арам ҳам:

— Нима бўлди сенга?!— дейди.

сенларнинг ақлинг етмайди!

Расимнинг кўзларида таажжуб ифодаси акс этади.

— Кўркма!

қани, ҳамманглар бир туёғингларни шиқиллатиб қолинглар-чи!

— Хўш, мана,— деб гап бошлайди Умматов.— Умуман олганда, Хасай Гулболаевич ҳақлар! Икки ёклама («шамоллаш» деб юборишига сал қолди!) безорилик! Қим кимга нима деган — буни аниқлашга вақтимиз йўқ, милициянинг бундан бошқа ишлари ҳам ошиб-тошиб ётибди! Булар тоғалар, бу эса уларнинг жиянлари, ўзларининг қорини ўзлари курайверишсин! Бирок ёқалашув!— бошини чайқайди.— Бирок ҳақорат. Яна бир марта бош чайқайди.— Бунга, албатта йўқ кўймаймиз. Айниқса энди! Газета ўқийсизларми? (Ҳамма эшитади, ҳеч ким жавоб қайтармайди.) Ўша-ўшани!

Умматов министрликда яқинда бўлиб ўтган йиғилишни, айтмоқчи, ўша ерда уни қарор қабул қилиш гуруҳига киртиб қўйишганлигини ва ҳатто унинг бир ибораси газетага тушиб қолганлигини айтиб ўтирмайди-ку, ахир.

— Ҳеч кимга йўл кўймаймиз!

«Яшавор, Мамиш! — Кўзларини пириллатади Ҳайбат Оғага қараб.— Баракалла, жиян!» Шунда Гулбола худди Мамишга тикилиб тургандай бўлади. «Нима қилиб қўйдинг ўзи?— Сўнг олис-олислардан садо келади.— Нега энди индамадинг, ахир уёқда айтсанг бўларди-ку!»

тиғга эҳтиёт бўл, баданига тегиб кетмасин!

Гулбола бир кўли билан шойи кўйлакни ушлайди, иккинчи қўлида эса тиғни тутганча шойини йўл-йўл қилиб тила бошлайди. Мамишнинг нафаси ичига тушади.

тиғни эҳтиёт бўлиб юрғиз!

Гулбола эса шошилмайди; Мамиш унинг ҳаракатларини чурқ этмай кузатади.

бас, етар энди! қон чиқиб кетмасин тағин!

Бирок Гулбола уни деворга ўгириб қўяди ва кўй-

лакнинг унинг курагидан бошлаб тила бошлайди: у фақат бир мартагина титраб кетади ё бўлмаса эти жимирлашади.

қилғилиғингни қилиб бўлдинг-ку, қандай одамсан ўзи? жуда бўлмаса орқасига тегма!

Орқа томон ҳам тилкалаб ташланган ва шойи кўйлак худди соябонсиз боғичдай шамолда ҳилпираб боради.

Умматов индамай, Хасай келиб қолиши билан бузилган протоколни тузиб бўлди:

«... Ака-ука Оға билан Хайбат Бахтиёровлар жиянлари, сингилларининг ўғли Муҳаммад Байрамов устидан ноқонуний зулм ўтказганлар. Муҳаммад Байрамов эса ўз навбатида бригададаги дўстларини ёрдамга чақирган, улар, яъни Тоштемир Қамбар ўғли, Арам Оллоҳвердян, Сергей Анисимов, Расим Хамзаев ва Салим Аждаровлар мисли кўрилмаган безориликни амалга оширганлар, уруш инвалидлари, юқорида исмлари қайд қилиб ўтилган ака-ука Бахтиёровларни калтаклаганлар...» Милиция, шу жумладан, нефть кони бошқармасидан «коммунистик меҳнат бригадаси аъзоларига жамоатчилик таъсирини ўтказиш, то (мукофотни кесиб ташлаш демоқчи эди, фикридан қайтди) бу юксак номдан озод қилиш жазосигача чора кўришни» сўраганди. Ўқиб чикди, ўйланиб, «номдан» билан «озод қилиш» орасига тагин битта «вақтинча» сўзини қўшди, яна бир марта ўқиб чикди-да, мамнун бўлди — сих ҳам, кабоб ҳам куймаган эди.

Тоғаларни қўйиб юборишди. Қаерга боришса экан? Қаерга бўларди, ишга-да. Бир-икки кунгача одамларнинг кўзларига кўринмай туришади, унисининг ҳам, бунисининг ҳам ёрдамчилари бор. Сўнгра бир оз ушлаб туришди-да, Мамиш билан ўртоқларини ҳам чиқариб юборишди.

Шунда бирдан Саттор пайдо бўлиб қолди.

— Арам?!

Қараса, ёнида Мамиш ҳам турибди.

— Э, сиз ҳам шу ердамисиз...

Мамиш таажжубда эди: Саттор Арамни қаёқдан таниркан? Арам ўнғайсизланади, ахир бу Христофорга бориб етса, қайлиғига гап уктириб ўтириши керак.

— Ҳа, уришиб колувдик... Ўзинг биласан-ку!..

Арам тезгина йигитларни олиб чиқиб кетди, Ма-

миш эса кетишни истамайди. Улар жойида турганларича, бир-бирларини кўздан кечирадилар.

— Мана, сиз билан яна кўришдик. Хурсанд эмасмисиз?

Падарига лаънат, канақасига хурсанд бўлсин? Аммо Мамиш худди Сатторни азалдан биладигандай кўнгли илиқликка тўлади.

— Мамиш, нима қиялсан? — сабри чидамай уни чақиради Салим.

— Кетишимиз керак эди.

Саттор эса уни ушлаб турмайди. Фақат қўлини маҳкам қисади.

— Бу бизнинг охирги учрашувимиз бўлмаса керак, деб ўйлайман... Йўк, йўк, мен асло иш тўғрисида гапирмаяпман...

албатта!..

Болалар жўнашди, Саттор эса милицияга кириб кетди, у топшириқ билан кетувди, мана, яна аҳамиятга молик нарса шундоқ биқинидан ўтиб кетибди. Бошқа терговчи томонидан тузилган протоколни ўқийди, ўқийди-ю, ҳеч вақога тушунолмайди, улар Мамишни нима учун калтаклашибдийкин? Бор, бу ишни суриштир; тасодифми? «Мамиш, Мамиш...» Саттор охирги пайтлар кечикиб қоляпти; шундай тарзда умр ҳам ўтиб кетаверади, тузукрок бир иш ҳам қилолмайсан.

Арам болаларни шоширади. Улар қаёққа ҳам шошилишсин?.. Қоя ҳам кўчада шундай кета олмайди, теннискаси йиртилиб кетганди, у Расимнинг кўйлагини кийиб олди, Расим енгсиз кўйлак ўрнига ўтувчи биргина шойи майкада қолади.

Буёғи нима бўларкин? Болалар индашмайди.

— Биз аҳмоқларга шу керак эди ўзи! — Фақат Қоягина ҳамманинг номидан шундай дейиши мумкин эди. — Яхшигина жавоб қайтардинг бизга, балли!

бақир-а, бақир, енгил тортасан.

— Мени қутқариб қолдинглар, сизлар бўлмаганингизда... Жаҳлинг чиқмасин, Қоя.

— Жа, қойил қилиб кўйдингку-а, Мамиш! — Шундай ағдар-тўнтар қилиб гапириш айнан Сергейга хос, Мамиш ҳам қувватлайди буни.

сен кўп нарсаларни тушунмайсан.

— Ҳаммаси ўз йўлига-ю,— Арам ҳеч ўзини бо-солмасди, бундай машмашаларга аралашмаганига

қанча бўлиб кетувди, яна милицияга тушиб ўтирганини қаранг уни, — буни мен сендан кутмовдим!

нимани кутганлигингни ўзинг ҳам билмайсан!

— Ўзим ҳам қандай қилиб шундай бўлганини билмай қолдим.

— Эҳ, тентаклар!

— Нима, энди бир-биримиз билан уришишимиз қолдими? Шу атрофда масжид ҳовлисида бокс тушишимиз ҳам мумкин!

— Ҳа, айтмоқчи, кабоб нима бўлади? — Салим уларни нима қилиб бўлса ҳам чалғитишга аҳд қилганди.

— Менсиз тушираверасизлар энди! — унинг сўзини кесди Арам.

— Менсиз ҳам! — деди Сергей.

— Бўлмаса, мен ҳам бормайман, — деди Расим.

— Йўк, буниси кетмайди! Кабоб эсиз бўлсинми!.. — Қоянинг кўзларида ғазаб чакнайди, бироқ ўзини тутати, меҳмонга чақиряптими, топширик беряптими, тушуна олмайсан.

Бузовнада иккинчи гулхан ҳам сўниб битди ва Пўлат икки марта станцияга югуриб бориб келди. Учинчи маротаба ўт қаланди. Шунча гўштни холодильникка тикиб бўлмайди-ку? Холодильникка сизмаган гўштнинг ўзидангина, ҳар битта одамга биттадан сих тўғри келарди, шунинг учун ҳам пишира бошлашди. Бешта одамни кутишаётувди, улар эса олтига одам бўлиб микроавтобусда келиб қолишди. Шунда ўчиб қолган оловни қайта ёқишга тўғри келди, буни Пўлат яхши кўради.

Олтинчи одам Али-Алик бўлиб, у билан Янги фасл бошланади ҳамда бу фаслда Мамиш ва унинг ўртоқлари Бузовнага жўнаш учун машина тутганлари ҳамда Коммунист ва Полухин кўчалари муюлишида яқиндагина узоқ сафардан қайтиб келган, муюлишдаги уйга ҳам кириб чиққан, у ерда на Мамишни, на Ҳусния хонимни топа олган, дарвоза олдида сарғайиб турмасдан марказга, Мамишга пешвоз қадам ташлаган Алини учратиб қолганлари ҳақида ҳикоят қилинади; Али унга отилади, бағрига босиб, қўйиб юбормай Гулбола тўғрисида ўйлайди; шунда унга

Мамиш ёлғизланиб қолгандай туюлади, ахир улар доимо бирга юрардилар, ҳам ака-ука, ҳам дўст эдилар. Гулболанинг йўқлигига сира ишонинг келмайди. У бу вақт орасида нималарни кўрмади, нималарни ҳис қилмади; иккови ҳам ҳаяжон ичида, қайғулари бир бўлиб жойларида қотиб қолишганди, Али ҳақида фақат Қоягина билар, қачонлардир буни унга Мамиш айтиб берган эди. Қоя ҳам, болалар ҳам сабр-тоқат билан кутиб туришади.

«Мана сенга онангдан хат». Мамиш мактуб ўқийдиган аҳволдами? Мактубни буклаб, чўнтагига солиб кўяди. Алининг киефаси негандир нотаниш кўринади. Али Али эмасу бутунлай бошқа одамдай эди гўё. «Хўш?» Индамайди, кўзлари намланади. «Гапирсанг-чи!»

— Топдим.

— Мумкин эмас! Қандай топасан?

— Шундай, топдим-да! Нақ Оймаконнинг ўзига бордим!

— Оймаконинг қаерда ўзи? — деб сўрайди Расим.

— Индигиркада.

— Совук кутбда. — Арамнинг билмаган нарсаси йўқ.

— Гапириб бер.

Алининг кўзлари илгари қандайдир сўниқ кўринарди, ҳозир ич-ичидан бир нима нурлантириб турганга ўхшайди.

— Гапирсанг-чи!

— Кўчиб кетиш учун қайтиб келдим. Бутунлай.

— Бизлар-чи?! — «Муюлишдаги уйдан қочиб, қочиб кетишяпти... Бир замонлар каттакон кема!.. Гулбола ҳам, Тўкезбон ҳам, Али ҳам...» — Қочиб кетяпсизларми?

— Нега бундай деяпсан? — тушунмади Али.

чўкиб кетаётган кемадан?!

Микроавтобус «ғийк» этиб тўхтади; «Элтиб ташлайми?» Сўнгра улар чиқишгач, сўз қотади:

— Қарасам, ҳамма такси ёнларингиздан ўтиб кетяпти — компания катта экан, қаёққадир борсаларингиз керакдир, дедим-да, буёққа бурилдим, ўзимча, ҳаммангизни солволаман, деб ўйладим.

— Гапирсанг-чи!

— Мени дарров таниди. Атрофимни эри, бола-

лари ўраб олишди, булар ахир менинг ука, сингилларим-ку, биласанми!

Микроавтобус силкитиб ташлар, шофёр ўзининг бошқа ишларига ҳам улгуриш учун машинани елди-рарди.

— Агар Хусния бўлмаганида эди!..

— Ҳа, албатта, бунини у жуда қотириб ташлайди-да!— Алининг гапига қўшилади Мамиш.

Гулбола-чи? онам-чи? нега уларни гапирмайсан?

— Менда онамга нисбатан бир нима уйғонганга ўхшади. Ҳеч ким айтмади-ю, ўзим у эканлигини ҳис қилдим. Фақат тил масаласи кийинроқ бўлади-да.

— Нега ёлғон гапиряпсан?— аччиғи чикди Сергейнинг.— Ўша ерда яшасанг, тез ўрганиб кетасан.

— Зап вақтида учраб қолдинг-да, сенинг ёрдамнинг жа-а керак бўлиб турувди.

— Меники?— дея ажабланди Али.

— Айнан сеники!

Қоя Мамишга қарайди: «Бориб етдимиз?» Фақат шундагина Али пайқайди: роса калтак ейишибди-ку. Ҳа-а, унга ахир остонани ҳатлаши биланок айтишди-ку, ахир. Малоҳат ҳам жуда дарғазаб эди, ҳолбуки нега аччиғи чиқади, Али жўнаб кетса, унинг қайтага ташвиши камаяди-ку. Автобусга ўтиришлари билан Мамишнинг: «Агар уйингдагилар биз билан бирга эканлигини билишса борми, омон қолмайсан!»—деган гапининг мазмунини шундагина англади.

Онаси кўрқиб, уни қўйвормагани: «Тўсатдан яна алдашса-чи?!» Қани, бир оғиз гапиришсин-чи! Бу ерда бировнинг жонини чиқарса чакки бўлмасди.

Қоя эса Мамишдан кўзини олмасди: «Тўшундингми?» Мамиш тескари ўгирилиб олди.

сенга нима? сизларга нима?

Гилдираклар орасидан оқ-кўкиш чанг буралиб чиқарди-ю, машинага киролмасди.

Шофёрни кабобга унатишолмади — у шошилмоқда эди, бунинг устига, кутиш керак, кўмир эндигина яллиғланаётган бўлса; эскисини титиб ёндиришдан янги олов ёкиш осонроқ.

«Қоя Арам билан нимани гапиришяпти? Менинг бир огиз сўзим кифоя! Шаҳар партия комитетиди... — қулоғига чалинди Мамишнинг. — Шаҳар партия комитетининг нима дахли бор бу ерда?» Қоя ҳам, Арам ҳам Мамишга қарашади, тушунишолмайди.

— Микроавтобусга чиккунча, — дейди Арам, — уёққа бориш керак эди, шаҳар партия комитетига!

Ҳа, билибсан, ахир, улар Алини учратганларида шундоқ шаҳар партия комитетининг ёнгинасида турувдилар, ораси юз кадам келарди, холос.

кетишяпти, шундай тез юришяпти, Али зўр-га улгуради.

— сенинг ёрдаминг бизга асқатиб қолади, — дейди Алига Қоя ва Мамишга қарайди.

худди бориб етдимиз ёки йўқми? — дегандай.

— сен бу ишга Алини суқма!

— бироқ шундай факт-ку!

— унингсиз ҳал қиламиз! у жўнаб кетиши керак! мен ўзим айтаман!

Денгизлининг гувоҳномаси билан бирпасда рухсатнома ёзиб беришади.

— у мен билан бирга, — дейди Қоя милиционерга Алини кўрсатиб, уларнинг турқини-чи, ажабланади милиционер, бироқ савол ташламайди, ахир улар Денгизлидан келишяпти-ку. шаҳар партия комитетининг котибаси қорача, думалоқ кўзойнакли аёл Қоянинг гапларига диққат билан қулоқ тутуди.

Ўшанда ҳам, Қоя гапириб берганда шундай диққат билан тинглаганиди. «Баракалла келганингиз учун!» — деб мақтаганиди қиялатиб пармалаш ҳақида гап бўлганда.

Қоя гапириб беради... лекин у нима учун худди ўшандагидай куляпти?

— баракалла келганингиз учун! — хитоб қилади котиба озарбайжончалаб.

У ўшанда аввалига озарбайжончалаб, сўнгра эса ҳаммага тушунарли бўлсин, деб русчалаб гапирганиди.

Мамиш Қояни тўхтатмоқчи бўлади: «тўхта, сен бошқа нарса тўғрисида гапиряпсан!..» котиба эса муовинини чақириб қўйган, та-

бассумдан ном-нишон йўқ, муовинига шундай дейди:

— партия комитети котибини! Хасай Бахтиёровни ҳам!

— керамас, мен ўзим айтаман! тўхтанглар! Қоя дарғазаб, Арам ҳайрон, болалар тааж-жубда, Алининг ранги оппоқ, бир оғиз сўз айтишга ожиз.

— йўқ, бунақаси кетмайди! — дейди котиба. — эртага эрта билан етиб келинглар! Хусния хоним Бахтиёровани ҳам!

— уни чақирманглар! — ўтинади Али. — унинг менга ёрдами теккан!

котиба Қояга қарайди:

— нима, сизлар қаёққа келганларингизни билмаяпсизларми?!

уни энди тўхтатиб бўлмайди, ёрдамчисига дейди:

— мана Бахтиёрованинг телефони.

Биринчи марта борганларида ўринларидан кўзғалишаркан, котиба хайрлашиш учун ўрнидан турганди-да, навбатма-навбат уларнинг қўлларини кисиб қўйганди. Телефон жиринглайди.

— Бир дақиқа!.. Ҳа, ҳа, менинг олдимда ... Ҳа, ҳа, Тоштемир Қамбар ўғли гапиради!... — Сўнг Қояга қарайди, трубкани қўллари билан бекитганча шивирлайди: — Бу биринчи!.. — Ҳамманинг диққат-эътибори бир нуктага жам бўлади. — Ҳа, ҳа, албатта! — Трубкани жойига қўйиб қўяди. — Мана, эшитдинглар... Албатта, ўртоқ Тоштемир, республика бўйлаб қандай кураш олиб бораётганимиз ҳақида гапирасиз. Биринчи котиб ҳам шу ҳақда гапиришингизни илтимос қилдилар!

— Албатта гапираман!

Шунда ҳаммани тантанали йиғилишга таклиф этди, — ҳазилми! Мамишнинг она диёри бу ердан энг биринчи нефть қудуғини очишганидан буён миллиард тонна нефть берди!.. Миллиард тонна-я!

Уларнинг оғзи қулоғида, шод эдилар, ахир Қоя минбардан сўзламоқда. Яна унга бутун улкан зал кўзини тиккан, катта одамлар, кекса авлод ишчилари, оталар ва боболар гвардияси, оқсоқоллар, орденлилар... бари бошларини ўгирганларича Қояга

қараб туришарди. Мамиш болалар билан бирга кип-рикларини қоқмай унга қараб туришарди. Қоя эса шундай мароқли сўзлардики!.. Мамиш Денгизлида ўтказган илк ишчилик тонгини эслади. У қуёш ҳали ер қуррасининг бошқа томонида эканлигида уйқудан кўз очганди. Денгизни кулранг, аҳён-аҳён-дагина бўладиган, томокни музлатадиган туман қоплаганди; туман тез орада йўқолди; денгиз худди туманни ютиб юборганга ўхшарди. Уфқ қизарди. Денгиз ортидан қуёшнинг қирмизи учи чиқиб келди, сув сатҳига аланга қуйила бошлади. Қуёш аста, дадиллик билан кўтарилиб, каттариб, юмалоқлаша бошлади, энди мана, унга қараш қийин бўлиб қолди — нурлари кўзларингни жимиралиб юборарди. Қуёш денгизда ювиниб, топ-тоза бўлиб олиб, пармалаш бурғуларига мўралай бошлади. Эстакада олисолисларга кулоч ёйиб, тарвақайлаб шох отиб кетганди. Алоҳида кучли пойдеворда худди денгиз соқчиларидай пўлат миноралар мардонавор кўкка кўтарилганди...

Кечқурун эса ўзининг биринчи иш кунидан қайтаётган манзараси ҳеч кўз олдидан кетмайди — чап тарафда — ботаётган қуёш, қирмизи тусдаги денгиз, қуёш нурлари остида қора кўринаётган бурғулар; ўнг тарафда эса нефть сақланувчи улкан қумушсимон ҳавзалар, тикка учи кўкка қадалган миноралар, хиралашиб қорайиб бораётган денгиз; боши узра — тиниқ, ҳали юлдузлар кўриниб улгурмаган осмон ҳамда юк машинаси билан бирга силжиётган, эндигина қаҳрабо тусга қираётган яримта ой. Йигитлар териларига сиғмай шодланишар, Мамишнинг кўкси фаҳрга тўлиқ, шунинг учунки, бу миллиард тоннада унинг ҳам ҳиссаси бор.

Иккинчи бўлимда эса — «Қоя» квартети концерт беради. Худди Қоянинг буюртмаси бўйича бўлгандай!

Қоя билан Арам Мамишга тикилади:

— Хўш, сен бизга нима дейсан?!

Ҳамма нафасини ичига ютди.

— Менга оғир, Қоя.

— У милицияда жавоб бериши керак эди!

Мамиш индамайди. Уларга нима ҳам дея оларди?

— Тушунсанг-чи, Қоя!

— Менинг тушунишимнинг ҳеч хожати йўқ! Маж-
бурсан!

Салим бош чайқайди, кўнгли ғаш, Мамишни жер-
киб бергиси бор-у, ичи ачийди. Шамол нефтнинг
чучмал ҳидини димокқа олиб келади. Иссиқ. Қоя
ортида ложувард денгиз мавжланмоқда. Чўмилиб
чикишсамикин...

— Бир Мамишни дўппослаб қўйсакмикин-а? —
дейди Салим. — Балки шўнғиб чиқармиз?

Чойга ҳам ўтиришмади, денгизга ҳам боришма-
ди. Мамишга қараган одам сиқилиб кетади. Али
электричкада Индигирка ҳақида ҳикоя қилади, Ма-
миш эса мактуб эсига тушиб, уни очади. «Қандай
килиб шундай бўлди-я! Гулболани нега асрай олма-
динглар?» — ёзганди онаси... Мамиш бу фожиа ҳа-
қида унга телеграмма жўнатганди.

«Биламан, сенга қийин, Мамиш, уёқда ёл-
ғиз ўзингсан, бироқ сен мени тушунасан, айбла-
майсан».

*эҳтимол Р ҳақдир? сен менга эмас, бошқа
одамга кулгандирсан?*

«Келаси йил кўкламда бораман, унгача пенсиям-
ни расмийлаштиришади».

*буни Р менга қасддан, аламини олиш учун
айтган!*

«Эртами-кечми шу кулфат юз бериши керак эди,
аҳволинглар чаток!»

*«аҳволинглар!..» албатта, қочиб, қочиб кети-
шади!..*

«Дарахтда олма...» Онаси давомини ёзишни унут-
ган ёки вақти бўлмаган. Бу билан нима демоқчи,
маъноси нима? Шу ибора кўхна кўшиқнинг бир
мисрасини эслатади. «Қизариб пишибди дарахтда
олма, узиб элтай уни севган ёрима...»

Мактубни бекитди. Ойна ортидан кўкиш осмон
кўринади.

— Мана, етиб ҳам келдик.

Жимгина тўрқалишдилар, Арам ўнгга, Сергей
Салим билан чап томонга, Расим эса — Мамиш ва
Алининг йўллари бир экан — тўғрига кетишди. Ма-
на, муюлишдаги уй. Бутун йўл бўйи чурқ этмай ке-
лишди, фақат Расим қўлини силтаб қўйди, холос.
— Эҳ, сени қара-ю!..

Яна ҳар томонга тарқалишди, Расим юкори-га, Али сўлга кетди, Мамиш темир дарвоза олдида қолди.

Жанжал ҳақида эса улар Қояникида ўтирган-ларидаёқ гапира бошлашганди. Ахир, одамлар ба-рини кўриб туришибди-ку, яшириб бўлармиди. Ми-лиционер хотинига, у эса кўшнисига, кўшниси эса яна кимгадир пичир-пичир қилади; буёқда эса Б ҳам, В ҳам... У ҳам бор... Жаъфар муаллимга ҳам бу гап бориб етади, шу жумладан, Амирарслонга ҳам. Қим нима деб ўйлаши сизу бизнинг вазифамизга кирмай-ди, мана, Амирарслон эса хаттоки Мамиш билан бўладиган суҳбатининг схемасини миясида чизиб чиқди. Айниқса унга бўлажак диалогдаги Мамиш-ни ҳайратдан танг қолдирадиган дастлабки ибора ёқиб тушди: «Ғалати вазият вужудга келади — ёт бир одам тоғасини унинг ўз жиянидан ҳимоя қил-са-я! Нима, ўзингни-ўзинг кулгига қўймоқчимисан? Сергей билан Арам майна қилишсинми?! Қаранг-лар-а, уларнинг ахлоқларини дейишмайдимми?! Агар билишни истасанг... — фақат Амирарслонгина шун-дай дея олади, Мамиш эса ўйлайди: бу ерда суҳбат-доши гапираётган Хасай ва умуман, Бахтиёровлар жамиятга қанча беришларини-ю, жамият эса бунинг учун уларга қанча тўлашининг нима дахли бор. — Ҳа, ҳа, ўлчаб кўр, шунда кўрасан, нима...» Кейин эса Амирарслон миллат ҳақида, миллатнинг... Йўқ, шу ерда Мамиш албатта эътироз билдиради: «Биз сен билан бир миллатга кирмаймиз!» Мана, янги-лик! «Менинг кимлигимни ҳар битта одам сенга айтиб беради, мана, сенинг кимлигинг ҳақидаги са-волга эса хатто ўз отанг ҳам жавоб беришга ожиз-лик қилади».

эртанги кун эса, ҳамма нарса чаппасига ай-ланади, шов-шув кўтарилиб, ҳеч тўхтатиб бўлмайди: ҳаммалари шаҳар партия ко-митети котиби ҳузурига тўпланишади: Қоя ҳам, болалар ҳам, Хасай ҳам, яна, яна одамлар.

— ҳўш, ким бошлайди? — котиб Қояга қа-райди. Қоя Мамишга тикилади, унинг эса томоғи қуруқшаб қолади. буёққа қандай ке-либ қолганлигини эслай олмайди ҳам, фақат Хасайни кўради, у бутунлай тўкилиб тушиб-

ди, бирпасда қариб кетибди. «нега бундай қилдинг-а, Мамиш? Гулболанинг дарди кам-миди менга, буёқдан сен куйдирмасанг? пичоқни олгин-да, ке, кўксимга санчиб қўя қол». шунда Қоя яна нутқ ирод қилади. «у бошқа, бошқа нарсани гапиряпти!..» — рухсат берсангиз! — гапиршига интилади Хасай.

— сизга ҳали сўз берганимизча йўқ!

— мен гапирай! — бу Хусния хоним.

— халақит берманг, Бахтиёрова!

— тўхта! — Мамиш Қоянинг гапини бўлади, у эса аллақачон нутқини тугатиб қўяди. Хасай бир нима дейиш учун ўрнидан сапчиб туради, шунда бирдан сочлари хунук тарзда оқариб кетади.

— муттаҳамлик! — қичқиради аллаким.

— ҳа, йўқ, унинг аҳволи ёмонлашди...

Хусния хоним сочларини юла бошлайди, қўлларини Мамишга узатади.

— зolim! қотил! Гулболани ҳам ўлдирдинг! уйимизни хонавайрон қилдинг!

Сўнгра эса нима бўлади?

Сўнгра эса Тўққизинчи фасл, озарбайжон адабиётининг бунёдга келиш тарихи — «Дада Қўрқут» достонидан бошлаб «Мамиш» романигача энг ғайриоддийси бўлади.

тунда Сатторни уйғотишди:

— Мамиш ўзини-ўзи осиб қўйди!

Тўкезбонга телеграмма жўнатишди: «Мамиш оғирлашиб қолди».

Козимга телеграмма беришди: «Мамиш фожиали равишда ҳалок бўлди».

Сўнгра эса Саттор батафсил текшириб чиқди: олдинга бўғишиб, сўнгра осиб ўлдирди, гўё Мамиш ўзини-ўзи ўлдирганмиш.

Саттор, фақат угина, бошқа одам эмас, Мамиш тўғрисида гапирди! «у фақат билган ҳақиқатининг энг кичик бўлагинигина айта олди!.. йўқ, у илдизсиз эмас эди, у беватан эмас эди, у шу ўзи севган тупроқ билан,

қадрдон, шундай ажойиб шаҳар билан чамбарчас боғлиқ эди!.. Мамиш ҳар биримизнинг ичимизда, бизнинг ҳар биримиз эса Мамишга жодирмиз». шунда у Мамиш ҳақида, у бу ҳаётда бурчдор бўлганлар тўғрисида ҳикоя қилади, шундай тафсилотларни гапирадики, гўёки у ҳақда эмас, ўзи ҳақида гапираётганга ўхшайди ва нафақат бу ердаги, бу ерга келганларгина эмас, балки йўқ одамларга ҳам Мамишнинг ўлгани алам қилади, улкан зал, одамлар, одамлар, одамлар, кўп одамлар, ёнида яшаганлару кетиб қолганлар, билмагану, аммо эшитганларга ҳам таъсир қилади.

онаси етиб келди, отаси бутун оиласи билан ҳозир бўлди.

Мамишга кўзлари ўхшаб кетадиган қизлари отасининг ёнида туришади.

Амирарслон Сайёранинг қулоғига бир нималарни пичирлайди, опаси эса бошни чайқаб қўяди, кўмирдай қоп-қора, Қоянинг ҳовлисидаги болакай майкасиз турибди, уни буюёққа ўтказишмаганди, болакай «лип» этиб кириб кетди, уни энди ҳайдаб бўлсан, кираверишда эса уларни сўроқ қилган кишилар, милиционерлар туришибди. Қоя ҳам бутун оиласи билан келибди, Оқтой-чи, қани у? Шерарслон ҳам кўринмайди? ҳа-я, улар ахир Мамишдан хафа-ку?..

униси ҳам, буниси ҳам Мамишдан хафа, бироқ Мамишнинг ўзи йўқ бўлса, хафагарчилик на даркор?

Раъно ҳам йўқ, унинг онаси Варвара хоним келибди, кўзойнак тақиб олганича жиддий ўтирибди, Гулболанинг бева қолган хотини ҳам...

булар ким бўлдийкин? булар ахир унинг курсдошлари-ку, қўлларига шиорлар кўтариб олишган, шиорда нима деб ёзилган, кўриб бўлмайди, узоқда туришибди; Салимнинг онаси келибди, эринмасдан келибди, юзларидаги ажинлари ҳам қимир этмайди, лабларини мутлақо кўриб бўлмайди: Салим ҳам, Арам ҳам, Сергей ҳам шу ерда.

нина ташласанг ерга тушмайди.

Саттор ҳикоя қилмоқда, шундай тафсилотларки...

Мамиш бувисининг—онасининг онасини эшигини очади, бувиси ўшанда ҳамиша кўрпаёстиқ қилиб ётар, касал бўлиб қолганди, унга бувисини безовта қилмаслигини, буёққа кирмаслигини таъкидлашганди, у бўлса буёққа келяпти, силлиқ, кўк муздай ва панжангга хуш ёқувчи эшикнинг шиша тутқичига зўрға қўли етади.

эшик ёқимли овоз чиқариб гижирлайди, бувиси бу албатта Мамиш эканлигини сезади, Мамиш эса ўзининг келишидан бувисининг хурсандлигини ҳис қилади, бувиси «оҳ» тортади, инграйди, нималарнидир сўрайди, у эса «ҳм-м», дейди. — «ҳм-м» эмас, ҳа, дегин». Мамиш чурқ этмайди. «қани, қандай жавоб бериш керак, қайтар-чи». — «менинг томоғим оғриятти», — «томоғинг доим оғригани оғриган... Темурнинг ҳам ҳамиша томоғи оғриб юрарди». бувиси ўрнидан туради, инқиллаганча — «даволаб қўяй», — деб бармоғини керосинга ботиради. «оғзингни оч-чи!» бувиси бармоқлари билан томоғидаги безларни босади, Мамиш ҳам индамайди, чидайди. «ҳм-м, ҳм-м» эмас, «ҳа» дейиш, гапиришдан олдин эса ўйлаш керак, аввал тақиллатиш керак-да, сўнгра эса кириш керак, катта бир нарса дедими — қулоқ солиш керак».

униси, бошқа бувиси ҳеч вақт ҳеч нима ўқимаган, унинг кўзойнаги ҳам бўлмаганди, доимо Мамишга эртак айтиб берар, у бу эртакларни қаяқдан билар экан? Мамиш кейинчалик ҳамма китобларни ўқиб туширди-ю, аммо ҳеч қаерда ўша Қал иккига ёриб ташлаган Девни учратмади. бу бувиси эса ҳамиша китоб ўқигани ўқиган. «эртак айтишни билмайсизми?» бувиси эса шунда «оҳ» тортди юборади; «сенинг ҳеч зеб-зийнатга қизиқмайдиган онанг наҳотки эртак бўлмаса, қаяқда дайдиб юрганлиги номаълум, тилла қидирармиш тағин, ўзининг эса

бирокта тилла узуги йўқ. Темур-чи, мана сенга эртак!» қанақасига эртак бўлсин? «вуй, қўлингни қара!.. — даҳшатга тушади буви. — олдин бориб ювгин-да, кейин кир-гин».

Мамиш қўшни хотиндан қарздор, қани у, наҳотки шундай таниб бўлмайдиган даражада қариб кетган бўлса? Мамишни бир кун чакриб бир парча колбаса билан нон узатади, у колбасани ермикин, йўқмикин, деб кузатиб туради, ахир колбаса чўчқа гўш-тидан қилинган, чўчқа гўштини ейиш эса жуда катта гуноҳ, дерди бувиси, уйларида ҳам ейишмасди. Мамиш пуштиранг, оқ ёғла-ри бўртиб турган колбасага тикилади, ўйлай-ди: есаммикин, емасаммикин? еса олам ағ-дар-тўнтар бўлади, деворлар қулаб кетади, емаса-чи, хаёл қилади у, — нимадан қўрқа-ман, ахир улар ейдилар-ку, ҳеч бало бўл-майди ҳам!.. «сен бир еб кўргин, бир ботир-лигингни кўрсатиб қўй». колбасани олди-да, ея бошлади. атрофида ҳеч нима ўзгармади ҳам, колбасадан ҳатто тотли, жуда тотли ис анқирди, уйга келди, тағин ҳиди келиб қол-са-я, деб ўйлайди. ахир девлар буни сезиб қолишади-ку. бувиси, албатта, Дев эмас. йўқ, сезишмади, шундан кейин у бемалол чўчқа гўшти еяверадиган бўлиб қолди, унга ҳеч бало урмади ҳам...

аммо-лекин бу жуда армияда қўл келди-да, юртдошлари оғизларига олишмайди, у эса афтини буриштирамай тушираверади, бунинг устига, маза ҳам, бошқалар эса қийнали-шади, бу бемаънилик эканлигини тушуниб турсалар-да, бироқ оғизларига олиб бориш-лари биланоқ ранглари оқариб кетади, ма-на-мана, бари чаппасига айланиб чархпалак бўлади, бошқалар кўриши керак эмас... «эҳ, шундай одамни нобуд қилдинглар-а!..» — қайғуради Расим.

«у сизларники ҳамда сизларнинг бир бўл-гингиз унга жо бўлган эди!» — дейди Сагтор. Хасай эса болакайларни, Гулбола ва Мамиш-ни суратга олдириш учун оборган кунни энди

ёдга олмай қўйган, ўшанда Хасай бири чекади, бири олов тутиб гугурт чақади, деб ўйлаб топганди. худди ўша куни уларнинг маҳалласида бир одамни ўлдириб кетишганди. «улар битта тўдадан», — қулоғига чалинади Мамишининг. Хасай эса уларга насиҳат қила бошлаганди: «муҳими — муттаҳамлар, безорилар, қароқчи, товламачилар билан ош-қатиқ бўлмаслик... улар сени чавақлаб кетишлари ҳам, жарга итариб юборишлари ҳам, бўйнингга арқон солишлари ҳам мумкин...» сўнгга эса сурашди: «қани, оғзингга папиросни ол-чи!» — дейди. — йўқ, олмайман!» — қаршилик қилади Гулбола. «бўлмаса сен ол!» — дейди кейин Мамишга, «менам олмайман!» — дейди-ю, бироқ у барибир олади; у чекади, Гулбола гугурт тутиб туради.

шунда Саттор Тўкезбон ҳақида ҳикоя қилиб беради. у, балки, эслаёлмас, бироқ Мамишининг хотирасида қолган, юрагида ўрнашиб қолган: онаси иродали-ку, бироқ тўсатдан лаблари титраб, кўзларидан ёш тома бошлайди. Мамиш даҳшат ичра онасининг йиғлашига қараб туради... онасининг йиғлашига сабаб арзимайдиган нарса экан, Хусния қандайдир гап билан ўйиб олган, ҳозир ундан сўрасанг, эслаёлмайди, жавоб ҳам қайтаролмайди, бу ҳолат эса Мамишининг бутун умри бўйи юрагида қолиб кетади: ойиси йиғлапти, нимадир демоқчи бўлади-ю, деёлмайди, кўз ёшлари халақит беради. ёлғизгина унга, Мамишга ҳаёт нафасини пуркаган Тўкезбоннинг юзларига кўз ёшлари оқиб тушаверади, тушаверади.

Ўнинчи фасл ҳамда Муқаддимага ўхшаб кетувчи сўнги — Хотима, шундайки, бу тугалланиш дебоча ўрнига ҳам ўта билади. Мамиш шошмоқда. «Зудлик билан шундай қилиш керак!» Бирдан жойида тўхтаб қолди, бошини кўтариб, шимол шамоли қувғинди қилган, пастаккина, тунд, югургилаб бораётган

булутларга кўзини олмай караб тураверади. Тасо-
дифан каттакон совуқ бир томчи чаккасига томади,
булутлар эса югураверади, югураверади. Шунда шун-
дай таассурот туғиладики, гўёки кўҳна, бироқ ҳали
муштаҳкам кемани эслатувчи муқошидаги уй шиддат
билан баджаҳл Каспийдан сузиб бораётганга ўх-
шайди ва осилиб турган булутларнинг бир тутами
телевизион антенналарга илиниб қолади.

Мамиш шошилмоқда.

Уни қувиб етиб бўлсан.

Кетаверади, кетаверади.

Шамол дераза ромидан ойнасини юлкиб олади,
шиша чил-чил синиб, кўчага сочилиб кетади. Ёз-ку,
шундай қаттиқ шамолни қаранг-а!..

Қабоб ҳиди анқийди. Қабоб ҳақиқатан ҳам ку-
тишни ёктирмайди. У ҳозиргина лаққачўғ бўлиб
яллиғланиб турган кўмирдан олишганда, бармоқ-
ларингни куйдирсагина жуда тотли бўлади. Аммо
бу димоққа урган ис одамни алдаб қўйиши ҳам
мумкин: барра-қабоб қилишяптими ё эшакка тамға
босишяптими — билиб бўлмайди.

Баралла янграсин виждон овози

Таникли озар ёзувчиси Чингиз Хусайнов Хасан ўгли ўз она тили ва рус тилида ижод қилади. Боку ва Москвада унинг «Менинг синглим», «Ўзини танитмади», «Шаҳар устида шамол», «Муюлишдаги уй», «Муҳаммад, Мамад, Мамиш», «Шарк сюжетлари», «Фаталининг қисмати» сингари ўнлаб китоблари нашр қилинган. Чингиз Хусайновнинг хикоя, қисса ва романларининг қаҳрамонлари — шу куннинг одамлари, замондошларимиз.

Чингиз Хусайнов билан ўзбек китобхони биринчи бор учрашаётгани сабаб, унинг ижод йўлига қисқача бўлса-да, тўхталиб ўтишни лозим кўрдик. Чингиз Хусайнов 60-йилларда адабиётга Шарк афсоналарига ўхшаб кетадиган ажабтовур хикоялари билан кириб келди. Унинг хикояларида ҳозирги кун кишининг маънавий-руҳий оламини тадқиқ этиш мақсад қилиб олинган эди. Асарларида ҳаётини фактлар санъаткорона танланиб, шу қадар маҳорат билан карама-қарши қўйиладикки, натижада замоннинг ахлоқий-маънавий масалалари тадқиқи жараёнида ижобий қаҳрамонларнинг борлиги очиб берилди.

Тўғри, хикояларда ўқувчини тонг қолдирадиган фавкулотда воқеалар рўй бермайди. «Менинг синглим» хикоясида ўн саккиз ёшли Солмаз диний урф одатларга муккасидан кетган ота-онасининг қистови билан севмаган кишисига турмушга чиқишга розилик беради. Лекин кўп ўтмай, фотиҳани бузади. Аммо тагин совчилару олди-бердининг тўрига тушиди. Солмаз «Севганимга чикаман!» — деб барибир сўзида туриб олади.

Эски сюжетми? Ҳа ҳам, йўқ ҳам дейиш мумкин. Бу ҳаётини ва жонли факт. Солмаз соф туйғуларини бировлар топташига йўл қўймайди. Бу ўз тақдирини ўзи ҳал қилишга пассив муносабатда бўладиган ёш-

ларни хушёрликка-ундовчи бир чорловдай таассурот колдиради.

Чингиз Хусайнов 60-йилларнинг ўрталарида қисса жанрига кўл урди ва Иттифок ўқувчиларининг назарига тушди. «Якшанба», «Ўзини танитмади», «Олтин ҳақида қисса» асарларини диққат билан ўқиркансиз, Чингиз Хусайнов ўз қахрамонларининг ҳаётида юз берган воқеаларни шунчаки ҳикоя қилмаётганига, балки қарама-қаршиликларни, оғир ва зиятлардаги ахлоқий-маънавий муносабатларни бадий таҳлил этаётганига гувоҳ бўласиз. Унинг қахрамонлари доимий синовда, ҳаёт синовиди. Ана шу синовлар улардаги характернинг қайта шаклланишини бўрттириб кўрсатиб туради.

«Якшанба» повестининг қахрамони — Айна Исаева — нефть ишлаб чиқариш бошқармасида илмий ходим бўлиб ишлайди. У собик курсдошини, ўзининг ножўя хатти-ҳаракатларини турли баҳоналар билан пардалашга уринувчи нефть ишлаб чиқариш бошқармаси раҳбарини каттик қоралайди. Айна ҳам, унинг эри Қудрат ҳам туриш-турмушлари билан, ўй-фикрлари, ҳаракатлари билан жамият иши учун масъулликни ҳис қиладиган курашчан кишилар. Чингиз Хусайнов, атрофдаги воқеаларга шахсий жавобгарлик туйғуси йўқолиши билан шахс таназзулга юз тутадн, гражданлик виждони йўқолади, бурч ва жасорат ўз маъносини йўқотади, деб уқтиради.

Қудрат яратган «автомат» нефть кудуқларидан самарали фойдаланиш муаммосини ҳал қилиши керак эди. Тажриба «автоматнинг» келгусида катта иқтисодий фойда беришини кўрсатади. Лекин пихини ёрган Шаҳин янги усқунани фақат тилда мактайди, холос, амалда қўллашга йўл бермайди. Нега?.. Агар янгилик ишлаб чиқаришга жорий қилинса, унинг ҳар ишда биринчиликини, илғорликни қўлда сақлаб қолишга дастлабки даврда ҳалақит бериши мумкин эди. У одамлар қаршида жавобгарликни ҳам, виждон азобини ҳам ҳис қилмайди. Бу эса инсонни юзаки баҳолайдиганлар кўзига уни ташқи томонидан мулоҳазакор, ҳолис фикрли қилиб, ҳатто ақлли қилиб кўрсатади.

Повестда ишга икки хил муносабат, икки характер жуда маҳорат билан очиб берилади. Бири жами-

ятга нима дахлдор бўлса, менга ҳам дахлдор, деб биледи, маънавий принциплар учун курашади. Иккинчиси эса тамомила унинг тескариси.

Чингиз Хусайнов бу повести билан совет кишиларининг маънавий дунёкараши кундан-кунга ўсиб бораётганлигини кўрсатибгина қолмай, халк хўжалигини бошқариш ва планлаштиришдаги айрим ўзбошимчаликларни, тараққиёт қонунлари билан ҳисоблашмасликни танқид қилади. Бу қисса ҳаётнинг маънавий томони ҳамда унинг иқтисодий жиҳатлари билан ҳам чамбарчас боғлиқ эканлигини яна бир бор таъкидлайди.

«Олтин ҳақида қисса» асаринда эса муғамбир, манфаатпараст ва бойликка ҳирс қўйган одамлар қораланади. Фашизм устидан ғалаба қилиш учун ҳамма нарсадан кечишга тайёр турган ҳақиқий совет кишилари уларга қарама-қарши қўйилади.

70-йилларнинг иккинчи ярмига келиб Чингиз Хусайнов иккита катта роман ёзди: «Муҳаммад, Мамад, Мамиш» ва «Фаталининг қисмати». Бу романлар Чингиз Хусайновнинг йирик истеъдод соҳиби эканлигини кўрсатди ва уни кенг китобхонлар оммасига танитди.

«Фаталининг қисмати» романида озар халқининг тарихи ҳамда таникли мутафаккир, революцион демократ Мирза Фатали Охундовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.

«Муҳаммад, Мамад, Мамиш» романи Чингиз Хусайнов ижодининг ютуғи ҳисобланади, десак янглишмасмиз. Роман ёзилиш услуби жиҳатидан катта адабиётимизда янглик бўлди. Роман 1975 йилда илк бор «Дружба народов» журналида эълон қилинди. Орадан икки йил ўтгач, алоҳида китоб ҳолида нашр этилди. Романда талай ахлоқий-маънавий, ижтимоий муаммолар акс эттирилган.

«Биринчи фасл — бу фаслда маҳалламиздаги муюлишдаги ўзи кўҳна, аммо ҳали мустаҳкам кема ни эслатувчи уй ҳақида ҳикоя қилинади. Тумшуғи олдинга туртиб чиққани боис, орадан лаҳза ўтар-ўтмас, кема сафарга чиқиб кетаётганга ўхшайди». Роман ана шундай келгуси воқеаларга рамзий ишора билан бошланади. Бу уйда роман қахрамонлари — Бахтиёровлар оиласи яшайди. Аммо Хасай билан Оғага сингил, Ҳайбат Бахтиёровга опа — Ма-

мишнинг онаси — Тўкезбонгина олисда истикомат қилади. У ёшлигида Қозим деган йигитга турмушга чиқиб кетган бўлиб, Мамиш улғайиб армияга кетгандан сўнг, эри билан ажрашади. Қозим эса Ашхободга бориб бошқа оила қурган. Мамиш ҳарбий хизматдан қайтиб аввал онаси, сўнг отасига маслаҳат солади. Ота катта йигит бўлиб қолган ўғлини бир оз таажжуб, бир оз лоқайдлик билан кутиб олади. «Мен насихат қилишни ёқтирмайман. Ҳар кимнинг қисмати пешонасига битилган...» — Икки кун давомида отанинг ўғлига айтган тамизли гапи шу бўлади. Мамиш Боқуга — ўша кўҳна кемани эслатувчи уйга равона бўлади. Тоғалари Мамишни Қозимнинг ўғли бўлганлиги учун эмас, Бахтиёровлар авлодидан эканлиги сабаб, дастлаб шод-хуррам кутиб олишади. Мамиш Каспий оролларидаги биринчи нефтчилар бригадасига ишга киради. Олдинда ўзини қандай синовлар кутиб турганлигидан беҳабар Мамишга ҳаёт ўз маромида кетаётгандек, пешонасига ҳам унчалик ёмон тақдир битилмагандек туюлади. Онаси мунтазам равишда, тоғаларининг ёрдамига суян, деган мазмунда хатлар ёзиб туради. Тоғалари эса... Дастлаб катта тоғаси, Боқунинг йирик корчалонларидан бири — Ҳасай ундан севган қизи Раънони тортиб олади. Сўнгра ҳаром йўллар билан катта бойлик тўплашга эришган ўртанча тоғаси — Ҳайбат Мамиш шарафи учун унинг бутун бригадасига зиёфат беради ва ўзининг ким эканлигини кўрсатади. Ана шу ердаги ошқора суҳбатда, биринчидан, тоғалар жиянларига паст назар билан қарашлари, иккинчидан, ҳаётлари қандайдир бир кўз илғамас ёлғон асосига қурилгани фош бўлади. Мамишда аста-секин норозилик ва нафрат уйғона бошлайди. Бу «кўҳна, аммо ҳали мустаҳкам кема» сайёҳларининг йўлдан адашганликлари, манзиллари эса борса келмас эканлиги аён бўлиб қолади. Уч ака-ука Бахтиёровлардан, Мамишдан ташқари яна бир киши — Ҳасайнинг ўғли Гулбола ҳам нафратланади. У ҳам Раънони севарди. Отанинг ҳою ҳаваси туфайли севгилиси унга ўғай она бўлади, кейин отанинг худбинлиги туфайли ўзи севмаган қизга уйланади ва охири оқибат отасининг тарбияга ноқобиллиги учун ҳам ҳаётда ўз ўрнини тополмайди. У ҳаммасидан бирварақайига кечишга аҳд этиб, жонига қасд қилади.

Табиатан камтар, тортинчок Мамишнинг... бирдан сабр косаси тўлиб кетади. Гулболанинг ўлими унинг кўксига кўпдан буён Бахтиёровларга нисбатан қайнаб келаётган ғазабини тошириб юборади. Хасайдан ҳам, Ҳайбатдан ҳам, Огадан ҳам, Раънодан ҳам — ҳаммасидан бирваракайига ўч олмоқчи бўлади. Хасайнинг уйига бориб, Раънога Гулболани алдаб кетганлигини юзига солади. Хасайга туриш-турмушининг сирти ялтирок, ичи қалтирок эканлигини, Гулболанинг ўлимига ҳам у сабабчи эканлигини айтади. Хўш, кейин-чи? Юзга айтилган ҳақиқат нима билан тақдирланади? Мамиш Ҳусния хонимга ҳам юрагидагиларни айтиш учун борганида, тоғалари ўласи қилиб дўпослашади. Тоғалар сўнги бор ўзларининг жиянларига нисбатан қандай муносабатда эканликларини намоён қилишади: пора-хўрликни, виждонсизликни мушт билан ҳимоя қилишади. Мамиш тоғалари томонидан иккинчи бор қалтакланиб, оёк-қўли боғлаб ташланганида бригадасидаги дўстлари Қоя, Расим, Сергей, Арам, Салимлар кутқаришади. Эртаси Хасайнинг ёрдамчиси, Амирарслон Мамишга насиҳат қилмоқчи бўлади. Мамиш унга жавобан: «Биз сен билан бир миллатга кирмаймиз!» — дейди.

Кейин... кейин рўй бериши мумкин бўлган воқеалар юз бермайди. Бригада аъзоларини ҳам, Бахтиёровларни ҳам шаҳар партия комитетида муҳокама қилишмайди. Еки эртаси кўни Мамиш ўзини ўзи осиб қўймайди. «Эҳ, шундай одамни нобуд қилдинглар-а!» — деб Расим қайғурмайди. «У сизларники ҳамда сизларнинг бир бўлагингиз унга жо бўлган эди», деб ҳеч ким, ҳатто терговчи Саттор ҳам айтмайди. Мамиш эрталаб ўрнидан туриб шошиб кетаверади. Ёзувчи роман якунида шундай дейди: «Уни қувиб етиб бўпсан. Кетаверади, кетаверади». Қаёққа? Нима учун?.. Муаллиф бу саволларга жавоб топишни ўқувчига ҳавола қилади.

Яхшилик ва ёмонлик, поклик ва нопоклик, ҳақиқат ва ёлгон, ўзгалар манфаати ва худбинлик — роман марказида турган ана шу хусусиятларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кураши ўқувчини ўйга толдиради. Романнинг асл қиммати ҳам шунда. Мамиш тақдири орқали ёзувчи бугунги ёшларни хушёрликка чақиради, курашга ундайди.

Ёзувчи ўз қаҳрамонларининг қандай одам эканлигини айтиб ўтирмайди, уларнинг ўзаро суҳбатлари, ўй-хаёллари воситасида ҳаёт йўлини ҳаққоний, ишонарли чизиб беради. Натижада уларнинг характерларигина эмас, балки ана шу характернинг шаклланиш сабаблари ҳам бевосита очилади. Асардаги деярли барча қаҳрамонларнинг тақдири чигал, катта-кичик фожиаларга тўлиб-тошган.

Романнинг бош қаҳрамони Мамўзини олайлик: у дунёга келиб суяғи қотар-қотмас, онаси отасининг ёнига — олис юртга жўнаб кетади. Мамиш бувисининг кўлида қолади. Ота-она меҳридан маҳрум бола юмшоқкўнгил, беозор бўлиб ўсади. Армиядан қайтгач эса, на онанинг, на отанинг бағрига сиғади. Тақдирнинг ана шундай ноҳақ ўйинлари ундаги журъатни, катъийликни эғовлайди. Тоғаларининг номақбул қилмишларини кўриб турса-да, очик қарши боришга дастлаб ўзида куч тополмайди, фақат ўзи билан ўзи курашади, юрагидаги гапларни айтишга ожизлик қилади. Инсоний ноҳақлик қаршида ожиз қолишдан каттароқ фожа бўлмаса керак. Фақатгина дўсти, тоғаваччаси Гулболанинг ўлими...

Дарвоқе, Гулбола. Аслини олганда, Гулбола учун Хасайдек нопок одамнинг ўғли бўлиб туғилишининг ўзи фожа эди. Отанинг бойлиги, ҳамманинг отасига эгилиши, хушомад қилиши, тинимсиз поралар олиб туриши уни ёшликданоқ мағрур, тантик, шафқатсиз қилиб қўйди. Гулбола Мамишга илк бор, менинг отам сенинг отангдан зўр, деганида, Мамиш индамайди. Сўнгра кўчадаги болаларга зўравонлик қилишни одат қилди, унга яна ҳеч ким қаршилик кўрсатмади. Атрофидагиларнинг шу хил тобелигига ўрганиб ўсган Гулболада одамлардан ўзини устун қўйиш майли уйғонади. Бир куни эса, кўшни маҳалла жўрабошиси Салимни «ҳатто одам эмаслигини исботлаш» учун тиф билан унинг эғнидаги шойн қўйлагини тилиб ташлайди, баданига ҳам бир-икки бор тегзиб олади.

«Нега бундай қилдинг? — Мамиш Гулболага тушунолмай тикилди. — Нега?»

— Бўлмаса сен ўшанда, мен... қўйлагини тилаётганимда чикиб химоя қилгин эди!

— Шунда бас қилармидинг?

— Йўк, нега энди айтган сўзимнинг устидан чик-

маслигим керак экан! Нега? — дея масхара қилди у Мамишни».

Мана шундай шафқатсиз, ўзбилармон йигитга биринчи бўлиб ўз отаси панд берди. Унинг севган кизига уйланиб олди. Гулбола илк бор ноҳақлик қаршисида индай олмасликдай таҳқирни тотиб кўрди. Отаси Гулболанинг онаси билан расман бўлма-са-да, ажрашди. Гулболада отага нисбатан нафрат туғилди. У отасининг атрофидагиларини одам ўрнида кўрмасди, энди отасини ҳам ўшалар сафига қўшди. Бир оилавий зиёфатда ота ўғлидан фарзандлик миннатдорчилигини талаб қилганида, Гулбола: «Кўй, укаларинг ялтоқланаверсин. Сенга ялтоқланишдан ор қиламан!» — деб жавоб беради. Ана шундан сўнг ота билан ўғил орасидаги жарлик кенгайди, нафрат кучайди. Гулболадаги бу нафратнинг Мамишникидан фарқи катта эди. Мамиш уларда инсонийлик йўқлиги учун нафратланса, Гулболаники шахсий адоват эди. Лекин иккаловини ҳам ана шу — нишони бир бўлган нафрат бирлаштириб турарди.

«Ақалли, бирон марта ҳаётда, — деган эди, Гулбола ўша тун Мамишга, — бизнинг ҳар биримиз ўзимизга-ўзимиз: нега сен бу оламга келдинг?— деган саволга жавоб беришга қодир бўлишимиз керак.

— Ўзинг-чи, бунга нима деб жавоб берган бўлардинг?

— Мен шундай деб жавоб қайтарган бўлардим: оғайнилар, сизнинг қаршингизда бир нарсани ўйлаб бошқача гапирган, амалда эса бўлакча иш тутган одам турибди. Яна шуниси ажабланарлики, уни ҳамма тупла-тузук одам, деб ҳисобларди ва аслида ҳам шундай бўлган. Аммо нега бундай бўлиши керак? Бундан шундай парадокс келиб чиқади, агар у ўйлаганини гапирса, гапирганидек ҳамда ўйлаганидек иш қилса, вой, унда бу ёруғ жаҳонда қандай ҳодисалар рўй бермаган бўларди! Шундай ваҳима, шовшув, сурон-тўфон кўтарилардики! «Ушла!— деб қичқиршишган бўларди одамлар. — Тумшуғига бир туширсанг-чи!». Энг ёмон вазият бу ҳодисани тақозо қилиши мумкин, яхши ҳолатда эса, уни тузукроқ уйларга киргазиш мумкин бўлмаган, нари қоч, деган муомалаталаб телба ёки далли-девонага чиқариб кўйишарди!..»

Лекин биз бу ерда бошқа Гулболани кўраемиз.

У энди теранрок азоб чеккан. Унга ягона йўл — курашиш колган эди. Ниҳоят Гулболадаги рухий ожизлик фош бўлади. У курашни эмас, ўлимни танлайди.

Кўриниб турибдики, ёзувчи ёшларга насихат ҳам қилаётгани йўқ, емон бўлсанг жазонгни тортсан ҳам демокчи эмас. У тарбиянинг, мухитнинг инсон характери шаклланишига қандай таъсир кўрсатишининг бадий манзарасини чизиб беряпти ва китобхоннинг эркин фикрлашига, хулоса чиқаришига шароит яратиб беряпти. Хўш, журъат ва нафрат, ожизлик ва кураш шундай туғилар экан, худбинлик, молдунёга хирс, манфаатпарастлик ва бузуқлик, виждонсизлик-чи? Улар қачон пайдо бўлади? Бу саволларга ака-ука Бахтиёровларнинг турмуш тарзи, уларнинг ҳаёт йўли жавоб бўлиши мумкин.

Хасай... Бундай олиб қараганда унинг ҳаёти ҳам енгил кечмаган. Ун уч-ўн тўрт ёшларида отадан бир этак укалари билан етим колди. Оила ташвиши елкасига тушди, дастлаб трамвайда билет сотди, сўнгра трамвай хайдади. Кейин турли курсларда ўқиди, жамоат ишларида қатнашди. Секин-аста амал курсиларига чика бошлади. Аввал яшаш учун пул топишга мажбур бўлган бўлса, энди пули ортиб қола бошлади. Муҳтожликни кўрган эмасми, унда бу пулларни янада кўпайтириш майли уйғонди. Бир томондан одамлар хизмат юзасидан унга ўзлариния паст олиб мурожаат қила бошлашди. Бу муносабатни у ўзига эътибор деб қабул қилди. Ўзига мутеларни кўпайтиришдан роҳатланди. Хасай яна бир нарсани — бойлик ва эътиборга у амали тўфайли эришаётганлигини ҳам яхши англади. Шу сабабли у амални ҳам севиб колди. Қандай йўл билан бўлмасин, амални сақлашга ва ундан ҳам каттарогига эришишга интилди. Энди унинг кўзлари одамларни эмас, фақат хушомадгўйларни кўра бошлади, қилаётган ишнга, вазифасига эмас, оладиган пораларига эътибор бера бошлади.

Уруш бошланганда у қаттагина амалдор эди. Пора келтирган кишиларни армиядан олиб қолиб, уларнинг ўрнига бир неча бор ақли заиф Идрис деган даллини жўнатди. Табиийки, уни ярим йўлдан қайтариб юборишарди. Хасайни одамлар гап қила бошлади. У эса парво қилмади, лекин кичик укаси Темур ор қилиб, ёши етмаса ҳам ариза бериб, уруш-

га жўнади ва қайтиб келмади. Хасай укаси умрига зомин бўлганлигини хаёлига ҳам келтирмайди. У кундан-кун тубанлашиб бораверди. Сўнгра бирин-кетин тўрт кишининг — хотини Хусния хонимнинг, Раънонинг, Мамишнинг, Гулболанинг хаётини ўзи билиб-билмай заҳарлади. У виждон азоби нима эканлигини аллақачон унутиб юборган эди. Қилаётган ифлос ишлари билан мактаниш Хасайнинг касби корига айланди. Укаларини сердаромад жойларга ўрнаштиргани, уларни бойликка кўмиб ташлагани, уруш вақтида машҳур бир торчининг устидан кулиб, торини тортиб олгани, ўзининг Бахтиёровлар сулоласи учун жонқуяр раҳнамо эканлиги, урушда ўлган укаси Темур учун ундан кўпроқ қайғурадиган одам йўқлиги, ана шулар унинг манманлик қилиши учун доимий мавзуга айланиб қолган.

«...Ҳа, — дейди у хаёл отини хотиралар сўқмоғидан қуваркан, — биз ҳаммамиз қирқ биринчи йилда курашдик! Ҳайбат оёғини ташлаб келди. Оға, ўзингиз биласиз, не-не кулфат-азиятлар чекди, асирлик, турли касалликлар... Оллоҳ акаси Хасайнинг умрини узун қилсин, Оғаси акаси кўмагида она юртига исмига доғ туширмай қайтди, камина сочи соқоли оқарса ҳам, ўша-ўша Хасайман, мана билакларим ҳали бақувват, — шундай деб у муштини тепага кўтаради, — юрагимда эса, — қўли билан кўкрагига уради, — ис-таганингизча кўр топилади!»

Укалар эса уни кўкларга кўтариб, тилёғламалик қилишади. Дарвоқе, укаларнинг ўзи ким?

Урушда бир оёғини ташлаб келган Ҳайбат аканинг ҳиммати билан уйланган, аканинг муруввати билан катта бир ресторанга хўжайин бўлган. Қиңғир йўллар билан келган пуллардан киссаси тўла, хушомадгўйлик эвазига акага арзанда. Оға-чи?

Оға урушда душманга ўз ихтиёри билан асир тушган, шунинг учун урушдан сўнг узоқ муддатли камоққа ҳукм қилинган. Боқудаги корчалон акалар уни шу ҳолга ташлаб қўярмиди. Ҳайбат пулни ғамлаб, узоқ шимолга икки бор қатнаб, Оғанинг тириклиги ва қаердалигини билиб қайтди. Ишбилармон ака эса, укасини қутқариш учун пулни аямади. Оға Боқуга бир ўзи эмас, рус хотини ва ўғли Али-Алик билан қайтди. Меҳрибон акалар унга ҳеч қаерига доғ тушмаган паспорт ҳозирлаб қўйишган эди. Сир

очилмаслиги учун бу хотинни алдаб-сулдаб изига кайтаришди. Али-Алик Бахтиёровлар авлодидан бўлганлиги учун олиб қолинди. Онани боладан ажратиш акалар учун қандай осон бўлса, Оғани шаҳар озиқ-овқат тармоқларига бошлиқ қилиб қўйиш ҳам ҳеч гап бўлмади. Оға ишбилармон акаларига муносиб бўлиш учун ўзини ҳаром-ҳаришга урди, бойиди, «об-рў-эътибор» топди.

Бахтиёровлар авлодининг ёзувчи томонидан гоҳ хаёллар, гоҳ суҳбатлар, гоҳ тушлар воситасида берилган ана шу ҳаёт йўлига назар ташлар экансиз, улар ўзларининг таназзул сари узоқ ҳозирлаганликларига гувоҳ бўласиз. Ҳеч ким эмас, ўз жиянлари, оддий ишчи Мамиш бу тубан ҳаётга чек қўяди. Чингиз Ҳусайновнинг маҳорати шундаки, у романда ака-ука Бахтиёровларга ҳукм чиқармайди. Уларнинг ҳаммаси тирик, ҳаммаси жавлон уряпти. Лекин ўқувчи уларнинг жазоланишига ишонади. Роман тугагач, китобхон қалбида фақат Мамиш ҳаёт қолади, улар эса йўқ!.. Ана шунинг ўзи ҳукм.

Чингиз Ҳусайновнинг бу романи ёзилиш услуби, бадий қиммати жиҳатидан ҳам катта аҳамиятга эга. Роман ўн фаслга бўлиниб, ҳар фаслнинг бошида қандай воқеалар кечиши берилган. Ушбу тартибнинг ўзи ҳам муаллифнинг Шарқ анъаналари руҳида қалам тебратганидан дарак беради. Дарҳақиқат, романда воқеалар, руҳий ҳолатлар таъсирини кучайтириш мақсадида айрим халқ эртакларидан ўринли фойдаланилган.

Бундан ташқари асарда ёзувчи ва қаҳрамон тилидан ташқари учинчи бир нутқ ҳам қўлланганки, уни тўғридан-тўғри юрак ёки виждон овози деб аташ мумкин. Бу овоз асосан Мамиш образи орқали берилди. Уни Мамишдан бошқа қаҳрамонлар эшитмайди; китобхон тинглаб боради. Баъзан ёзувчи ҳам ўқувчилар билан шу тилда гаплашади. Натижада романнинг бадий таъсири кучаяди, китобхоннинг ҳам қаҳрамонлар ва автор билан баробар мулоҳаза юритиб боришига эришилади. Бу катта ютуқ романнинг кўпгина тилларга таржима қилинишига қисман бўлса-да, ўз ҳиссасини қўшди. Романнинг ўзбек тилига ўгирилганидан китобхонларимиз ҳам миннатдор бўладилар, деган умиддамиз.

Азиз Саидов.

На узбекском языке

Чингиз Гасан Оглы Гусейнов
МАГОМЕД, МАМЕД, МАМИШ

Р о м а н

Перевод с издания издательства
«Советский писатель», Москва,
1980

Редактор *Н. Қилчиев*

Рассом *Қ. И. Ишми*

Расмлар редактори *И. Д. Қирякиди*

Техн. редактор *Е. В. Потапова*

Корректор *Ш. Соатова*

ИБ № 2422

Босмахонага берилди 24.10.85. Босишга рухсат этилди
04.10.86. Формати 84×100¹/₂. Офсет қоғози. Адабий гар-
нитурa. Офсет босма. Шартли босма л. 13.26. Шартли кр-
оттиск. 19,89. Нашр л. 13,93. Тиражи 30000. Заказ № 135.
Баҳоси 95 т. Офсет мелованний қоғози баҳоси 1с.80т.
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича
Ўзбекистон ССР Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот»
полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Офсет фаб-
рикасида тайёрланган диапозитивдан. Бош қорхонасида
босилди. Тошкент — 700129 Навоий кўчаси, 30.

Китобдаги фотолавлалар Тошкентдаги «Илҳом» номли эксперименталь-театр студияси қўйган «Муҳаммад, Мамад, Мамиш» спектаклидан олинди. Фотосуратларни Лариса Панкратова ишлаган.

Хусайнов Ч.

Муҳаммад, Мамад, Мамиш: Роман /Русчадан М. Аҳмедова тарж. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. — 272 б.

Таниқли озарбайжон адиби Чингиз Хусайновнинг «Муҳаммад, Мамад, Мамиш» романида давримизнинг мураккаб масалалари қаламга олинган.

Бош қахрамоннинг рухий ғаму шодликлари рангин бўёқлар ва турфа оҳанглари таъсирчан ифодаланган. Асар катта завқ-шавқ билан ўқилади.

Гусейнов Ч. Магомед, Мамед, Мамиш. Роман.

С(03)